ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

# ШНҚ 2.08.02-23 «ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 майда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 249]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Маданият вазирлиги, Спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Марказий банк ҳамда Олий суд билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир Б. ЗАКИРОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 2 апрель,
01/2-7-сон
Келишилди:

**Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ**

2024 йил 20 март

**Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ**

2024 йил 27 март

**Спорт вазири А. ИКРАМОВ**

2024 йил 27 март

**Олий суд раиси Б. ИСЛАМОВ**

2024 йил 4 март

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 20 февраль

**Ички ишлар вазири П. БОБОЖОНОВ**

2024 йил 23 февраль

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари О. ҚУДРАТОВ**

2024 йил 4 март

**Маданият вазири О. НАЗАРБЕКОВ**

2024 йил 4 март

**Марказий банк раиси М. НУРМУРАТОВ**

2024 йил 12 март

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2024 йил 2 апрелдаги
01/2-7-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари**

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) баландлиги 50 m гача (50 m ҳам киради) бўлган жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш талабларини белгилайди.

## 1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.07.01-03* «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ҚМҚ 1.03.09-97 «Лойиҳанинг бош муҳандиси (бош архитектори) ҳақида низом»;

ШНҚ 2.07.04-19 «Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.07.02-23 «Қурилиш объектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.08.03-09 «Санаторийлар» *(расмий манба: ШНҚ 2.08.03-09 «Санатории»)*;

ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;

ШНҚ 2.09.04-09 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари» *(расмий манба: ШНҚ 2.09.04-09 «Административные и бытовые здания предприятий)*;

ҚМҚ 2.01.17-95 «Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаро муҳофазаси. Техник-муҳандислик чора-тадбирлари»;

ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик ҳудудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

ҚМҚ 2.01.04-18 «Қурилиш иссиқлик техникаси»;

ҚМҚ 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя»;

ҚМҚ 2.01.18-18 «Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш, кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари»;

ҚМҚ 2.04.16-18 «Қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари»;

ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси»;

ҚМҚ 2.04.05-97* «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

ШНҚ 2.04.08-13 «Газ таъминоти. Лойиҳа нормалари»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси» *(расмий манба: ШНҚ 2.04.09-07 «Пожарная автоматика зданий и сооружений»)*;

ҚМҚ 2.03.10-19 «Томлар ва томқопламалар»;

СанҚваН 0267-09 «Жамоат бинолари, турар жой биноларининг хоналарида ва ҳудудларида йўл қўйиладиган шовқинни таъминлаш бўйича санитария нормалари ва қоидалари» *(расмий манба: По обеспечению допустимого шума в жилых помещениях, общественных зданий и на территории жилой застройки);*

O‘zMSt 111:2024 Мобил бинолар (инвентарли). Умумий техник талаблар.

## 2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

**фотоэлектрик станция** — қуёш нурланишини электр энергияга айлантириш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш учун бир ёки бир нечта фотоэлектрик батареядан иборат энергетик қурилма;

**ёзги хона** — очиқ ёки ярим очиқ иситилмайдиган хона (лоджия-айвонлар, верандалар, террасалар, ички ҳовлилар);

**лифт холли** — лифтга кириш жойи олдидаги жой;

**люк** — эвакуация учун кириш-чиқиш туйнуги;

**мансарда** — чордоқ ҳажмида жойлашган ва фойдаланишга мўлжалланган жой;

**ертўла ёки цоколь қават** — ёнғинга қарши тўсиқлар билан чегараланган (деворлар, пардадеворлар, ораёпма) бўлими;

**одамлар доимий равишда бўладиган хона** — одамлар ўз фаолияти бўйича узлуксиз равишда икки соатдан кўп вақт ёки иш вақтининг 50 фоиздан кўпроқ қисми давомида бўладиган хона;

**чордоқ** — бинонинг тепа қавати ораёпмаси ва томёпма конструкциялари орасидаги бўшлиқ;

**техник қават** — муҳандислик қурилмаларини жойлаштириш ва коммуникацияларни ўтказишга мўлжалланган қават.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

**ИИП** — индивидуал иссиқлик пунктлари;

**УЖТ** — умумий жисмоний тайёргарлик;

**ФҲДЁ** — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш;

**АЁСТ** — автоматик ёнғин сигнализацияси тизимлари;

**АЁЎҚ** — автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари;

**КИБП** — квадрат шаклидаги ичи бўш профиль;

## 3-боб. Умумий қоидалар

### 1-§. Умумий талаблар

4. Жамоат бинолари ва иншоотларини жойлаштириш ва режалаштириш ШНҚ 2.07.01-19 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

5. Бино ва иншоотларни қурилиш-иқлимий зоналар бўйича лойиҳалаш ШНҚ 2.01.01-22 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

6. Экстремал шароитларга эга бўлган ярим чўл ҳамда чўлли ҳудудларда асосий хоналарни ортиқча инсоляция ва қизиб кетишдан, ёзда чангли иссиқ шамол ва қишда совуқ шамол таъсиридан соя берувчи дарахтларни ўтқазиш, шамоллатиш, совуткичлар ўрнатиш орқали ҳимоя қилиш лозим.

Совуқ об-ҳаволи қиш узоқ давом этадиган тоғли ҳудудларда бинолар хоналарининг иссиқлик ҳимоясини таъминлашга қаратилган ихчам (компакт) композицион-режавий ечимлар қўлланилиши лозим.

7. Бино ва иншоотларнинг композицион-режавий ечимлари, уларнинг қаватлари сони, бинолар ва блоклар узунлиги, блокларни жойлаштириш (компоновкалаш) ҚМҚ 2.01.03-19, ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ аниқланиши керак.

Жамоат бинолари ва иншоотларининг қаватлари сони функционал-типологик талабларни, шунингдек сейсмик хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги талабларини (бинолар конструкцияларининг оловбардошлиги) ҳисобга олган ҳолда ушбу ШНҚнинг 43 ва 44-бандларига ҳамда 1-иловадаги 1-жадвалга мувофиқ белгиланиши лозим.

8. Жамоат бинолари хоналарининг баландлиги полдан шифтгача 3,0 m дан кам бўлмаслиги зарур.

9. Лабораториялар, спорт заллари ва бошқа турли вазифаларга мўлжалланган залларнинг баландлиги жиҳозларнинг ўлчамларини, функционал-технологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ушбу ШНҚнинг талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

10. Жамоат хоналарининг сиғими 30 кишидан ошмаганда ҳамда тураржой биноларига ички қурилган хизмат кўрсатиш муассасалари, шунингдек дўконлар, кафеларнинг хоналари баландлиги 2,8 m бўлиши керак.

11. Ҳаммомлар ҳамда 100 ва ундан ортиқ ўринли ҳаммом-соғломлантириш мажмуаларидаги асосий хоналарнинг баландлиги 3,3 m дан, кир ювиш ва кимёвий тозалаш хоналарининг баландлиги 3,6 m дан кам бўлмаслиги лозим.

12. Одамлар доимий равишда бўлмайдиган ёрдамчи вазифаларни бажарувчи алоҳида хоналарда, шунингдек йўлак (коридор)лар ва ўтиш жойларида бинонинг ҳажмий-режавий ечимига боғлиқ ҳолда камайтирилган баландлик бўлишига йўл қўйилади, бироқ бу баландлик 2,2 m дан кам бўлмаслиги зарур.

Бунда, қия шифтли ёки баландлиги бўйича ҳар хил қисмларга эга бўлган (поғонали) хоналар қисмининг энг кичик баландлиги 2,5 m дан кам бўлмаслиги лозим. Одамлар доимий равишда бўлмайдиган ва техник вазифаларни бажарувчи хоналарнинг баландлиги 1,9 m бўлишига йўл қўйилади.

13. Техник қаватларнинг (техник ертўла) баландлиги муҳандислик жиҳозларининг ўлчамлари ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда белгиланиши керак.

14. Жиҳозларни текшириш, кузатиш, техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлашга мўлжалланган жойларда чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик 1,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

15. Техник қаватга ёки техник ертўлага фақат қувурўтказгичли муҳандислик тармоқлари ва ёнмайдиган материаллардан тайёрланган изоляцияга эга бўлган қувурўтказгичлар ётқизилганда, полдан шифтгача бўлган баландлик 1,6 m га тенг бўлиши керак.

16. Лойиҳа ташкилотларининг макет ясаш устахоналари ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ оловбардошлик чегараси EI 60 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан тайёрланган тўсувчи конструкцияларга эга бўлиши керак.

17. Бўяш хоналаридаги деразаларнинг юзасини ҳисоблашда хонанинг 1 $m^3$ ҳажмига 0,03 $m^2$ дераза юзаси тўғри келишини ҳисобга олиш лозим.

18. Юқори ёнғин юкламасига эга бўлган хоналарни яшаш (ухлаш) ва маданий-маърифий хоналарининг устига ҳамда остига жойлаштириш, шунингдек, ёнувчан материалларни сақлаш ёки қайта ишлашга мўлжалланган устахоналар, омборларни фаоллар заллари остига, ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар учун мослаштириш марказларни ертўла ва цоколь қаватларига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

19. Бир вақтнинг ўзида 50 нафардан ортиқ киши бўлишига мўлжалланган хоналарнинг остига «В» тоифадаги ишлаб чиқариш хоналари ва омборларни, шунингдек омборлар, устахоналар, лабораториялар (ўқув лабораториялари бундан мустасно), мой тўлдирилган жиҳозга эга бўлган трансформатор подстанцияларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

20. Ерусти қаватларида зинапоя маршларининг қиялиги 1:2 дан ошмаслиги лозим (спорт иншоотлари трибуналарининг зинапоялари бундан мустасно).

21. Ертўла, цоколь қаватлари ва чордоққа олиб борувчи зинапоя маршлари ҳамда ерусти қаватларидаги (одамларни эвакуация қилишга мўлжалланмаган) зинапояларнинг қиялиги 1:1,5 нисбатда бўлиши керак.

22. Курси-аравачаларда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахсларнинг юриш йўлакларига қўйиладиган талаблар ШНҚ 2.07.02-22 га мувофиқ бўлиши лозим.

23. Талаб этилган қияликларни бажариш имкони бўлмаган ҳолларда пандуслар қиялигини бинолар ичида 1:6, ташқарисида 1:8 нисбатда лойиҳалашга йўл қўйилади.

24. Зинапоя маршининг кенглиги зинапоя катагига чиқиш жойи кенглигидан кичик бўлмаслиги, ва унинг кенглиги қуйидагича бўлиши зарур:

1,35 m (Ф1 синфдаги биноларда, 100 нафардан ортиқ одамлар бўладиган биноларда, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, кинотеатр биноларида);

1,2 m (маданият марказлари ва театр биноларининг блокларида);

0,9 m (бир вақтда 5 нафардан ортиқ одам бўлмайдиган хоналарга олиб борувчи зинапоялар учун).

25. Зинапоя майдончаларининг кенглиги марш кенглигидан кичик бўлмаслиги, шунингдек унинг тўғри маршидаги оралиқ майдончасининг кенглиги 1 m дан кам бўлмаслиги керак.

26. Зинапоя катакларининг ташқи деворларида табиий ёруғлик туширадиган деразалар бўлиши керак (ертўла зинапоялари ва томоша кўрсатишга мўлжалланган биноларнинг айланали (колосник) зинапоялари бундан мустасно).

Сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-19 да белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Л1 ва Л2 зинапоя катакларидаги ёруғлик тушадиган деразанинг юзаси ушбу ШНҚнинг 117, 118, 119, 120-бандларидаги талабларга мос бўлиши керак.

27. Тепа зенитдан ёритиш зинапоя катаклари Л2 ни оловбардошлик даражаси I ва II бўлган 2 қаватли биноларнинг умумий зинапоя катаклари сонининг 50 % идан ошмайдиган, 3 қаватли биноларда зинапоя маршлари оралиғининг бўшлиғи 1,5 m дан кам бўлмаганда қўлланилиши, бунда ёнғин содир бўлганда фонарлар автоматик тарзда очилиши зарур.

Вокзал биноларидаги эвакуация учун мўлжалланган зинапоя катакларининг камида 50 фоизи ташқи деворлардаги деразалар орқали тушадиган табиий ёруғликка эга бўлиши керак.

Н1, Н2 ва Н3 ёнғин тутунидан ҳоли зинапоя катаклари ШНҚ 2.01.02-04 ва ушбу ШНҚнинг 109 , 110, 111, 112, 113, 114, 115-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим.

Ф2, Ф3 ва Ф4 синфли биноларда зинапояларнинг 50 % игача табиий ёруғлик тушмайдиган, ёнғин пайтида ҳаво бериладиган Н2 ёки Н3 типли зинапоя катаклари ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қўлланилиши керак.

28. Ички йўлаклар (рекреация учун йўлаклар бундан мустасно) кенглиги 1,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

29. Хизмат хоналари (ташриф буюрувчилар кирмайдиган) жойлашган блоклардаги йўлакнинг узунлиги 30 m гача бўлса, йўлак кенглиги 1,6 m қилиб лойиҳаланишга йўл қўйилади. Йўлакнинг узунлиги 10 m гача бўлса, йўлак кенглиги 1,2 m бўлиши керак.

30. Томошабинлар курсилари (ўриндиғи ёки стул) қаторлар оралиғида 0,45 m дан кам бўлмаган йўлакча ҳосил қилиб ўрнатилиши керак. Қаторлар суянчиқлари орасидаги масофа 0,9 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Қаторлардан чиқиш бир томонлама бўлганда ушбу қаторларга узлуксиз ўрнатиладиган ўриндиқлар сони 26 тадан ошмаслиги, қатордан чиқиш икки томонлама бўлганда узлуксиз ўрнатиладиган ўриндиқлар сони 50 тадан ошмаслиги керак.

31. Йўлаклар (коридор) ўзи ёпилувчан эшиклари бўлган пардадеворлар билан ажратилиши, бунда улар бир-биридан ва йўлак (коридор) охиридан 60 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлаштирилиши лозим.

32. Бинолардаги транспорт йўлаги биноларда биринчи қават сатҳида автомобиллар ўтишига мўлжалланган оралиқнинг кенглиги 3,5 m дан, баландлиги эса 4,25 m дан кам бўлмаслиги лозим (биринчи қават сатҳида автомобиллар, ёнғин ўчириш автомобиллари учун мўлжалланмаган йўлаклар бундан мустасно).

33. Бинога кириш жойидаги пол сатҳи тротуар сатҳидан камида 0,15 m баланд бўлиши керак. Бинога кириш жойидаги пол сатҳини хоналарга ёғингарчилик сувлари оқиб киришини бартараф этувчи махсус чора-тадбирлар кўрилганда, тротуарнинг сатҳидан паст қилиб лойиҳалашга йўл қўйилади.

34. Бино ва иншоотларнинг майдонлари ушбу ШНҚнинг 11-иловасида келтирилган талаблар бўйича ҳисобланиши лозим.

35. Ертўла ва цоколь қаватга жойлаштирилиши мумкин бўлган хоналар ушбу ШНҚнинг 12-иловасида келтирилган рўйхатга мувофиқ аниқланиши лозим.

Цоколь қаватининг поли тротуар ёки ётқизма (отмостка) сатҳидан 0,5 m ва ундан пастда жойлашганда цоколь қаватига яшаш хоналари ва одамлар оммавий равишда бўладиган хоналардан ташқари барча хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилади.

36. Фуқаро муҳофазаси хоналарининг ўлчамлари ва жойлаштирилиши лойиҳа топшириғи бўйича ҚМҚ 2.01.17-95 талабларига мувофиқ белгиланиши керак.

37. Бинога ички қурилган ИИПни мустақил кириш жойига эга бўлган алоҳида хоналарга жойлаштириш ёки уларни вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш ўрнатмалари жойлаштириладиган хоналар билан бирлаштириш лозим. Ушбу хоналарнинг шифтидан пастга чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлик 1,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

38. Вентиляция камералари, насос хоналари, иссиқлик пунктлари, машина бўлимлари, шовқин ва вибрация манбаи ҳисобланган ускуналар билан жиҳозланган бошқа хоналарни одамлар доимий равишда бўладиган хоналар ҳамда томоша, репетиция залларининг ости ва устига жойлаштиришга йўл қўйилмайди (ёнғин хавфсизлиги насос хоналари, автоматик ёнғин ўчириш насос хоналари бундан мустасно).

39. Одамлар доимий равишда бўладиган хоналардаги дераза ўринларига панжарали тўсиқларни (биноларнинг исталган қаватларида) ўрнатишга йўл қўйилмайди (лойиҳа топшириғи бўйича ҳимоя қилиниши зарур бўлган моддий бойликлар сақланадиган хоналар ва одамлар доимий равишда бўлмайдиган хоналар бундан мустасно).

40. Йўл қўйиладиган шовқин даражалари, хоналарнинг шовқиндан ҳимоясини таъминлаш ҚМҚ 2.01.08-19 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

41. Бинолар (иншоотлар)нинг томлари, шунингдек эксплуатация қилинадиган томлар ҚМҚ 2.03.10-19 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

42. Бинонинг ер сатҳидан том сирти бўйича ўзгарган қиррасигача бўлган баландлиги 10 m ва ундан юқори бўлганда, томда қорни тутиб қолувчи тўсиқлар лойиҳаланиши лозим.

## 2-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

43. Жамоат бинолари ва иншоотларини ёнғиндан ҳимоя қилиш ва одамларнинг хавфсизлиги бино ва иншоотларни фукционал ёнғин хавфи бўйича таснифланишини ҳисобга олган ҳолда ШНҚ 2.01.02-04 талаблари ҳамда ушбу ШНҚнинг 10-иловасидаги 28-жадвалга мувофиқ таъминланиши лозим.

Ёнғин ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақида хабар бериш тизимлари ШНҚ 2.04.09-07 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

44. Ёнғинга қарши оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли деворлар орасидаги қават майдони биноларнинг оловбардошлик даражаси ва қаватлар сонига боғлиқ ҳолда ушбу ШНҚнинг 2-иловасидаги 2-жадвал кўрсаткичларига асосан белгиланиши зарур (савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бундан мустасно).

Маиший хизмат корхоналари учун кўрсаткичлар мазкур ШНҚнинг 2-иловасидаги 3-жадвал бўйича аниқланиши лозим.

Савдо корхоналари учун кўрсаткичлар ушбу ШНҚнинг 2-иловасидаги 3-жадвал бўйича белгиланиши зарур.

45. Биноларни (корпуслар) бир-бири билан боғловчи ўтиш йўлакларидаги тўсувчи конструкцияларнинг оловбардошлик чегаралари асосий бино (корпус)нинг оловбардошлик чегарасига мос бўлиши керак.

Коммуникация туннеллари КО ёнғин хавфсизлиги синфига эга бўлиши лозим.

46. Биноларнинг ўтиш ва туннелларга бириккан жойларидаги деворларнинг ёнғин хавфсизлиги синфи КО, оловбардошлик чегараси REI 120 бўлиши, бунда деворларнинг ўтиш жойлари ва туннелларга олиб чиқувчи бўшлиқларига оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган 2-типли ёнғинга қарши эшиклар ўрнатилиши зарур.

47. Эксплуатация қилинадиган томларнинг қопламаларини, томлар ва очиқ террасалар, балконлар, зинапояларнинг ташқи тўсиқларини ЁНМ гуруҳидаги материаллардан лойиҳаланиши керак.

48. I, II ва III оловбардошлик даражасидаги биноларда юк кўтарувчи элементларнинг талаб этилган оловбардошлик чегарасини таъминлаш учун фақат конструктив ёнғин ҳимояси (бетонлаш, сувоқ қилиш, кошинлаш, қопламалар, ёнғиндан ҳимоя қилувчи бўёқлар, суркамалар ва б.) қўлланилиши лозим.

49. Бино баландлигини аниқлашда мансарда қаватининг баландлиги ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ белгиланиши ва умумий баландликка қўшилиши керак.

I, II, III оловбардошлик даражасидаги биноларда мансарда қавати учун REI 45 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасидаги ёнғин тарқалишини нолга тенглаштирадиган юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларини қўллашга йўл қўйилади.

Мансарда қаватини пастки қаватлардан ажратиб турувчи ёнғинга қарши ораёпмалар 2-типли — REI 60 оловбардошлик чегарасига эга бўлиши, бунда унинг қавати оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 2-типли ёнғинга қарши деворлар билан бўлмаларга ажратилиши лозим.

50. Ёнғинга қарши деворлар орасидаги бўлма майдон қуйидагича бўлиши лозим:

2000 $m^2$ (I ва II оловбардошлик даражасидаги бинолар учун);

1400 $m^2$ (III оловбардошлик даражасидаги бинолар учун).

51. Мансарда қавати автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан ҳимояланган бўлса, ушбу майдоннинг ўлчамини оширишга йўл қўйилади, бироқ 1,2 баравардан ошмаслиги лозим.

52. Ертўла ва цоколь қаватларнинг ораёпмаси REI 60 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасида бўлиши лозим.

53. Бинонинг ертўла ва цоколь қаватлари EI 45 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасига эга бўлган ёнғинга қарши девор ёки пардадеворлар билан бўлмаларга (отсекларга) бўлиниши, бунда бўлинманинг майдони 700 $m^2$ дан ортиқ бўлмаслиги, автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган ертўлаларда эса бу майдон 900 $m^2$ дан ошмаслиги лозим.

54. Ертўла ва цоколь қаватларининг поли 0,5 m дан катта чуқурликда жойлашганда бу қаватларнинг ҳар бир бўлинмасида авария ҳолати учун иккитадан кам бўлмаган ташқи туйнуклар ва олдида чуқур жойи бўлган деразалар (чиқиш жойлари) лойиҳаланиши, ушбу туйнук ва деразаларнинг ўлчами 0,75x1,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

55. Ертўла ва цоколь қаватлари учун механик узатмали тутун йўқотиш тизимлари ва ҳар бир бўлинманинг ташқи деворларида аварияви чиқиш жойлари лойиҳаланиши лозим.

56. Ичига муҳандислик тармоқлари ёткизилган техник ертўлалар ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ аварияви чиқиш жойларига ёки туйнуклар олдида чуқур жойи бўлган деразалар бўлиши лозим.

57. Мажлислар, конференциялар ва томошабинлар залларини ушбу ШНҚнинг 3-иловасидаги 4-жадвал кўрсаткичларига асосланган ҳолда қаватларга жойлаштириш лозим.

58. Мажлислар заллари остидаги ораёпма REI 60 ёнғинга қарши 2-типда бўлиши керак.

59. Оловбардошлик даражаси I-II бўлган жамоат биноларида ёпиқ ички ҳовлилар атриумларни 9 қаватгача бўлган баландликда қуришга йўл қўйилади. Мазкур биноларга автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ўрнатилиши, бунда ички очиқ зинапояларни қуриш талабларига риоя қилиниши керак.

60. Тутун чиқаришга мўлжалланган фонарлар кесимининг юзаси ҳисоблаш орқали аниқланиши зарур.

Юқоридан ёритишга мўлжалланган фонарларнинг секциялари автоматик ва масофадан бошқарилиб очилиши, фонарлар секцияларини масофадан очиш ёнғин хавфсизлиги пости ёки биринчи қаватдаги навбатчи хоналардан амалга оширилиши зарур.

61. Кенг корпусли, ёпиқ атриумли ва майдони 600 $m^2$ гача бўлган ички очиқ ёруғлик аэрацияли ҳовлига эга бўлган биноларда ёнғин-қутқарув техникалари учун ташқи айланма йўлаклардан исталган хонага ёнғин ўчириш учун етиб бориш шарт-шароитлари таъминланган бўлиши, бунда ёнғин ўчириш автомобилларини ёнғинга қарши сув ўтказмаси қувурига улаш учун жўмрак (патрубка) лойиҳаланиши ва у қувурга пайвандланиб маҳкамланиши лозим.

62. Бино деворлари атрофида бир йўналишдаги ёнғин ўчириш автомобилларини юриш йўлаклари орасидаги масофа 60 m дан ошмаслиги, шунингдек биноларнинг ички ҳовлисига ҳамда майдони 600 $m^2$ дан катта бўлган атриумларга кириши учун йўлаклар лойиҳаланиши керак.

63. Баландлиги 4 қават ва ундан ортиқ бўлган биноларда эшиклар, фрамугалар (эшиклар, пардадеворлар ва деворлар, зинапоя катакларининг ички деворларини ҳисобга олган ҳолда) ва пардадеворларнинг ёруғлик-шаффоф тўлдирмалари сифатида EI 15 дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасини таъминловчи тобланган ёки арматураланган ойна ва ойнаблоклар қўлланилиши, ёруғлик-шаффоф тўлдирмаларнинг турлари чегараланмаслиги, умумий йўлакка (коридор) олиб борувчи зинапоя катагининг эшиклари, лифт холлари ва тамбур-шлюзларнинг эшиклари яхлит (ойнасиз) бўлиши ёки арматураланган ойнали бўлиши лозим.

64. Ё1 — Ё4 гуруҳидаги материаллардан қурилган икки томонга суриладиган пардадеворлар икки томондан EI 30 оловбардошлик чегарасини таъминловчи ЁНМ гуруҳидаги ёнмайдиган материаллар билан ҳимояланган бўлиши керак.

65. Жамоат бинолари ва иншоотларининг интерьерини пардозлашда полимер материалларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини инобатга олган ҳолда қўллаш лозим.

66. Ўриндиқлар сони 1500 тагача бўлган ёпиқ спорт заллари, фаоллар заллари, томоша заллари, шунингдек оловбардошлик даражаси I ва II бўлган бинолар ичидаги чакана савдо корхонаси хоналарининг деворларини, шифтларини ЁНМ ва Ё1 гуруҳидаги материаллардан пардозлаш зарур.

67. Ўриндиқлар сони 1500 дан ортиқ бўлган заллар, шунингдек кутубхоналарнинг китоблар ва архивлардаги ҳужжатлар сақланадиган хоналар, хизмат каталоглари ва рўйхатга олиш хоналарининг деворлари ва шифтларини ЁНМ гуруҳидаги ёнмайдиган материаллардан пардозлаш лозим.

68. Драма ва мусиқа театрларининг залларидаги (сиғими қандай бўлишидан қатъи назар) девор ва шифтларни ЁНМ ва Ё1 гуруҳларидаги ёнмайдиган ёки қийин ёнувчан материаллардан пардозлаш керак.

69. Йўлаклар (коридор), вестибюллар, холлар, лифт холлари, зинапоя катаклари, эвакуация йўллари ва бошқа хоналардаги шифтлар, деворлар ҳамда полларнинг пардози ШНҚ 2.01.02-04 да келтирилган параметрларга (кўрсаткичлар) мувофиқ бўлиши, шунингдек юқори тутун ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган енгил алангаланувчи ва ёнувчи пол қопламаларини қўллашга йўл қўйилмайди.

70. Сиғими 800 ўрингача бўлган томоша залларининг полларига ўрамли қопламаларни (ковролин) тўшашга йўл қўйилади. Мазкур залларнинг полларини ёнғин хавфи $Ё_2$, $А_2$, $АТ_2$, $З_2$ ва $Т_2$ дан юқори бўлмаган ЁНМ гуруҳидаги материаллардан ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қуриш керак.

71. Оловбардошлик даражаси I, II ва баландлиги 9 қаватгача бўлган бинолардаги ички зинапоялардан биттаси бинонинг бутун баландлиги бўйича очиқ (эшикларсиз) бўлиши, бунда мазкур зинапоя ўрнатилган жой унга бириккан йўлаклардан (коридор) ва бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратилган бўлиши керак.

Бино бўйлаб автомат ёнғин ўчириш қурилмалари ўрнатилганда, очиқ зинапоя ўрнатилган жойни йўлак (коридор) ва бошқа хоналардан ажратмасликка йўл қўйилади.

72. Оловбардошлик даражаси I — III бўлган биноларда вестибюлдан иккинчи қаватга чиқувчи ички зинапоя очиқ (эшикларсиз) бўлиши, бунда вестибюлни йўлаклар (коридор) ва бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган ёнғинга қарши пардадеворлар ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш керак.

73. Оловбардошлик даражаси I, II бўлган чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг биноларида биринчи қаватдан иккинчи қаватгача ёки цоколь қаватидан

биринчи қаватга олиб чиқувчи зинапоялар (вестибюль бўлмаган ҳолларда ҳам) очиқ (эшикларсиз) бўлиши лозим.

Чакана савдо корхоналаридаги зинапоялардан ёки пандуслардан савдо залига келувчиларнинг 50 фоизини эвакуация қилиш учун фойдаланиш мумкин, қолган келувчиларни эвакуация қилиш учун иккитадан кам бўлмаган ёпиқ зинапоя катаги лойиҳаланиши керак.

74. Очиқ зинапоя ёки пандуснинг узунлиги ички йўлакнинг энг узоқ нуқтасидан эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофага киритилади, бироқ унинг майдони асосий эвакуация ўтиш йўлакларининг майдонига қўшилмайди.

75. Театр биносида томошабинлар учун мўлжалланган хоналар комплексида иккитадан кўп бўлмаган зинапоялар очиқ (эшикларсиз) бўлиши, бироқ қолган зинапоялар ёпиқ зинапоя катагига эга бўлиши лозим.

76. Очиқ зинапоялардан эвакуация йўлаклари сифатида фойдаланишга йўл қуйилади, бунда улар вестибюль поли сатҳидан кейинги қават поли сатҳигача бўлган баландликда лойиҳаланиши керак.

Кейинги қаватларда томошабинлар хоналари комплексидан ёпиқ зинапоялар катагига алоҳида эвакуация ўтиш йўллари лойиҳаланиши зарур.

77. Жамоат биноларидаги хоналарнинг (томоша ва савдо заллари) чиқиш жойларидан биттаси вестибюлга, қаватлардаги холлга ёки фойега тўғридан-тўғри боғланган бўлиши, бунда вестибюль, қаватлардаги холл ёки фойе очиқ зинапояга бириккан бўлиши лозим.

78. Цоколь ёки ертўла қаватларида фойе, кийим-кечак алмаштириш хонаси, ҳожатхоналар жойлаштирилса цоколь ёки ертўла қаватларидан биринчи қаватга олиб чиқувчи очиқ зинапоялар лойиҳаланишига йўл қўйилади.

79. Аппарат ва ёруғлик проекцияси хоналаридан томошалар мажмуаси хоналарига чиқиш оловбардошлик даражаси EI 30 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан қурилган ва эшиги ўзи ёпиладиган тамбурлар орқали ёки ички йўлаклар (коридор) бўйлаб амалга оширилиши лозим.

80. Н2 типли зинапоя катакларини (ёнғин пайтида махсус қурилмалар ёрдамида ҳаво босими яратиладиган зинапоя каталарини) оловбардошлик чегараси REI 60 бўлган ЁНМ гуруҳидаги ёнмайдиган материаллардан қуриладиган яхлит деворлар билан қават баландлигида бўлмалар (отсеклар)га ажратилиши, бунда зинапоя катакларининг ёнғин тутунига қарши ҳимоясини бўлмалар (отсеклар)нинг юқори қисмига ташқаридан ҳаво бериш орқали таъминлаш керак.

81. Зинапоя катагининг пастки бўлмаси (отсеки)нинг пастки қисмида ортиқча босим 20 Ра дан кам бўлмаслиги ва зинапоя катагининг бўлмаси (отсеки)нинг юқори қисмида ортиқча босим 150 Ра дан кўп бўлмаслиги лозим.

82. Махсус қурилмалар ёрдамида ҳаво босими яратиладиган зинапоя катакларининг деворлари ташқи деворда дераза ва эшик ўринларидан ҳамда ҳаво босимини яратадиган технологик тешиклардан ташқари бошқа бўш оралиқларга эга бўлмаслиги керак.

83. Ёнғин тутуни тўпланмайдиган Н2 ва Н3 типли зинапоя катаклари тўғридан-тўғри ташқарига олиб чиқувчи чиқиш жойларига эга бўлиши ва биринчи қават билан тамбур-шлюз орқали боғланган бўлиши зарур.

Тамбур-шлюз ўзи ёпиладиган эшикларга ва EI 30 кам бўлмаган оловбардошлик чегарасига эга бўлиши лозим.

84. Ёнғин тутуни тўпланмайдиган зинапоя катагига эга бўлган баландлиги 28 m дан юқори биноларда тутун ҳар бир қаватдаги ички йўлак (коридор) ва қаватлардаги холлар, шунингдек табиий ёруғлик тушадиган йўлак (коридор) ва холлар орқали ташқарига чиқарилиши керак.

85. Эксплуатация қилиш шартлари бўйича эшиклар очиқ ҳолатда бўладиган ҳолларда ушбу эшикларни ёнғин рўй берганда ёпиш учун автоматик қурилмалар лойиҳаланиши, бунда эвакуация қилинувчи одамлар томонидан қўл ёрдамида эшикларни очиш имкони таъминланган бўлиши зарур.

## 3-§. Эвакуация йўлларига қўйиладиган талаблар

86. Эвакуация йўллари ҚМҚ 2.01.05-19 га мувофиқ ёритилиши ва ёруғлик тарқатувчи кўрсаткичлар билан жиҳозланиши, асосий электр таъминоти ўчирилгандан кейин 1 h давомида кўрсаткичларнинг ишлашини таъминлаши керак.

87. Бинога кириш жойи ёғингарчиликлардан ҳимояланган, кириш жойи майдончаси горизонтал ва сирпанмайдиган ҳолатда бўлиши, сув оқимини ўтказувчи панжаралар кичик катакли (катак ўлчамлари 1,5 cm дан ошмаслиги) панжаралар майдонча юзаси билан бир хил сатҳда ётиши лозим.

88. Бинога кириш жойининг ташқи зинапоялари ёки уларнинг қисмларига 0,8-0,9 m баландликдаги тутқичли тўсиқлар ўрнатилиши керак.

89. Зинапоя маршида ҳар хил баландлик ва кенгликдаги поғоналарни қўллашга йўл қўйилмайди.

90. Эгри чизиқли асосий зинапоялар қўлланилишига йўл қўйилади, бунда зинапоянинг бурилган тор қисмидаги поғоналар кенглиги 22 cm дан кам бўлмаслиги лозим.

91. Эвакуация йўлларида улар текислигидан чиқиб турган ва учта поғонадан кам бўлган (0,45 m) баландликда баланд-пастликлар бўлишига йўл қўйилмайди.

92. Кичик баланд-пастликлар бўлганда пандусни ушбу ШНҚнинг 20-бандига мувофиқ лойиҳалаш керак.

93. Йўлакдан (коридор) зинапоя катагига олиб борувчи эвакуация чиқиш жойининг энини белгилашда мазкур чиқиш жойидаги 1 m кенглик орқали эвакуация қилинадиган одамлар сони ва зинапоя катагининг оловбардошлик даражаси ҳисобга олиниши лозим (томоша заллари ва томошабинлар учун ўриндиқларга эга бўлган спорт заллари, Ф 2.1 синфдаги бинолар бундан мустасно).

Бунда, зинапоя катагининг оловбардошлик даражаси I, II бўлганда 1 min давомида эвакуация қилинадиган одамлар сони 165 кишидан, зинапоя катагининг оловбардошлик даражаси III бўлганда 1 min давомида эвакуация қилинадиган одамлар сони 115 кишидан, зинапоя катагининг оловбардошлик даражаси IV бўлганда 1 min давомида эвакуация қилинадиган одамлар сони 80 кишидан ошмаслиги инобатга олиниши керак.

94. Одамларни бинонинг ерусти, цоколь ва ертўла қаватларидан эвакуация қилишга мўлжалланган зинапоя катакларида ертўла ёки цоколь қаватларидан тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи алоҳида чиқиш жойлари (эшиклар) бўлиши ҳамда улар битта қават баландлигида яхлит ёнғинга қарши (оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган I типдаги) пардадевор билан ажратилган бўлиши лозим.

95. Ертўла ёки цоколь қаватини биринчи қават билан боғлаш учун мўлжалланган (биринчи қаватдаги ички йўлак, холл ёки вестибюлга чиқувчи) алоҳида зинапоялар одамларни ертўла ёки цоколь қаватидан эвакуация қилишда ҳисобга олинмаслигини инобатга олиш зарур.

Агар зинапоя ертўла ёки цоколь қаватидан биринчи қават вестибюлига чиққан бўлса, бинонинг ерусти қисмида жойлашган барча зинапоялар тўғридан-тўғри ташқарига чиқиш жойига (эшиги) эга бўлиши керак (вестибюлдаги зинапоя бундан мустасно).

96. Эвакуация йўлларида айланма (винтсимон) зинапояларни, қочирма (қирралари параллель бўлмаган яъни ички томони ташқи томонидан кичик бўлган) поғоналарни ҳамда зинапоя катаги чегарасидан чиқиб турган зинапоя майдончаларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Эвакуация йўлларида очиқ зинапояларни, шунингдек эгри чизиқли зинапояларни ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

97. Хоналардан чиқиш эшикларининг кенглиги 0,9 m дан кам бўлмаслиги зарур.

Хоналарни суриладиган (трансформацияланувчи) пардадеворлар билан қисмларга ажратиб лойиҳалашда ҳар бир қисмда эвакуация чиқиш жойлари бўлиши керак.

98. Томошабинларнинг ўриндиқларсиз ҳар хил ҳажмли залларининг исталган нуқтасидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача энг узоқ масофа, ушбу ШНҚнинг 3-иловасидаги 6-жадвал бўйича аниқланиши ва асосий эвакуация ўтиш йўллари умумий ўтиш

йўллари билан қўшилган ҳолатларда унинг кенглиги қўшилаётган ўтиш йўлларининг йиғиндисидан кам бўлмаслиги лозим.

99. Эвакуация йўллари бўйича жамоат биноларининг энг узоқда жойлашган хоналарининг (ҳожатхона, юз-қўл ювиш хонаси, душхона ва одамлар мунтазам бўлмайдиган бошқа хизмат кўрсатувчи хоналар бундан мустасно) эшикларидан зинапоя катагига кириш жойигача масофалар ушбу ШНҚнинг 3-иловасидаги 7-жадвалда келтирилган ўлчамлардан катта бўлмаслиги, боши берк йўлакка ёки холлга чиқадиган хоналарнинг сиғими 80 кишидан ошмаслиги керак.

100. Томошабинлар учун ўриндиқлар ўрнатилмаган залларнинг эвакуация чиқиш жойлари (эшиклар) орқали эвакуация қилинувчиларнинг 1 дақиқа давомида ўтиш сони ушбу ШНҚнинг 4-иловасидаги 8-жадвалга мувофиқ бўлиши, сиғими 50 кишидан ортиқ бўлган залларда эвакуация чиқиш жойларининг (эшиклар) кенглиги 1,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

101. Эвакуация йўлларининг кенглиги қуйида келтирилганлардан кам бўлмаслиги зарур:

1,0 m (ёпиқ ва очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги горизонтал ўтиш йўллари, пандуслари ва зинапоялари);

1,35 m (ёпиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги эвакуация қилиш люклари);

1,5 m (очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги эвакуация қилиш люклари).

102. Бир вақтнинг ўзида 50 кишидан ортиқ одамларга мўлжалланмаган хоналарда (томошабинлар залининг амфитеатр ва балконларини ҳисобга олган ҳолда) ўтиш йўллари бўйича энг узоқ ўриндиқдан эвакуация чиқиш (эшиги) жойигача масофа 25 m дан ошмаса, иккинчи эвакуация чиқиш жойини (эшиги) лойиҳаламасликка йўл қуйилади.

Балкондаги томошабинларни эвакуация қилиш томоша ёки спорт заллари орқали амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

103. Ертўла ёки цоколь қаватдаги вестибюлдан алоҳида жойлашган гардероб олдидаги кийим алмаштириш хоналаридан чиқувчи эвакуация жойлари кенгликларининг йиғиндисини гардероб тўсиғи олдида турган одамлар сонини (гардероб сиғимининг 30 фоизини) ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак.

104. Гардероб хонасининг тўсиғи олдидаги жой кенглиги 3 m дан кам бўлмаслиги лозим.

105. Саҳна қутиси иккита 2-типли П2 бўлган саҳна том тепасигача ва ишчи галерея ҳамда панжаралар (колосник) билан боғловчи ёнғин зинапоялари билан таъминланиши керак.

Панжаралар (колосник) зинапоя катаги бўлмаганда, ишчи галереялардан эвакуация қилиш ташқаридаги ёнғин зинапоялари орқали таъминланиши мумкин.

106. 28 m дан баланд бўлган биноларнинг эвакуация йўлларини ажратувчи ички девор ва пардадеворлар (ёруғлик ўтказувчан материаллардан қурилган) ёнғинга қарши оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган ва ЁНМ гуруҳидаги материаллардан лойиҳаланиши керак.

107. Ёнғиндан хавфсиз зоналар бошқа хоналардан ва ёндош ички йўлаклардан конструкцияси ва материаллари ШНҚ 2.01.02-04 талабларига жавоб берадиган ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилиши, ёнғиндан хавфсиз зоналарга кириш ёнғинга қарши эшиклар орқали амалга оширилиши зарур.

108. Ёнғиндан хавфсиз зоналарга ёнғин тутуни кирмаслиги, унинг ичида ортиқча (20 дан 40 Pa гача) босим юзага келтирилиши лозим.

Ёнғиндан хавфсиз зоналар таркибида (кенглиги 1,5 m дан кам бўлмаган) ёндош балкон ёки лоджия майдончалари лойиҳаланиши керак.

Ёнғиндан хавфсиз зоналари бўлган лифт шахталарига ҚМҚ 2.04.05-97* талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳаво бериш мосламалари (подпор) ўрнатилиши зарур.

109. Баландлиги 28 m дан юқори бўлган биноларда зинапоя катаклари ёнғин тутуни кирмайдиган қилиб лойиҳаланиши лозим.

110. Иккита зинапоя катагидан бири ёки зинапоя катакларининг 50 фоизи Н1 типда бўлиши, уларга кириш ташқи очиқ ҳаво зонаси балкон ёки ойналанмаган очиқ лоджия орқали амалга оширилиши керак.

Қолган зинапоя катаклари Н2 ва Н3 типда бўлиши, тутун тўпланмайдиган Н1, Н2 ва Н3 зинапоя катакларига табиий ёруғлик тушиб туриши зарур.

111. Н2 ва Н3 зинапоя катакларининг ёнғин тутунига қарши ҳимояси ҚМҚ 2.04.05-97*га асосан таъминланиши керак.

112. Ёнғин тутуни киритилмайдиган зинапоя катакларига кириш тўғридан-тўғри қаватлараро лифт холлидан лойиҳаланишига йўл қўйилмайди.

113. Қаватлараро чиқиш эшикларидан ёнғин тутуни киритилмайдиган зинапоя катакларига кириш жойигача ўқлар оралиқ масофаси 2,5 m дан кам бўлмаслиги керак.

114. Н1 типдаги зинапоя катаклари тўғридан-тўғри ташқарига (1-қават хоналарига боғланмаган ҳолда) чиқиш жойига эга бўлиши ёки 1-қават хоналари билан очиқ ҳаво зонаси орқали боғланган бўлиши, бунда ёнғин тутуни тўпланмайдиган зинапоя катакларини бино ташқи деворларининг ички бурчагига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

115. Ёнғин тутуни тўпланмайдиган Н1, Н2 ва Н3 типдаги зинапоя катакларига ўзи ёпиладиган эшиклар ўрнатилиши ва уларнинг оловбардошлик чегараси EI 30 дан кам бўлмаслиги, ҳаво зонасидан Н1 типдаги зинапоя катагига кириш эшиклари арматураланган ойнали бўлиши мумкин.

## 4-§. Хоналарни ёритиш, қуёш нурларини тушириш ва улардан ҳимоялаш, шамоллатишга қўйиладиган талаблар

116. Хоналарни табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-19 да белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши, шунингдек одамлар бўладиган хоналарни деразалар орқали табиий ёритиш ва шамоллатиш керак.

117. Зинапоя катаклари ташқи деворлардаги деразалар орқали ёритилиши, бунда Л1 типдаги зинапоя катаклари (ҳар бир қаватнинг ташқи деворларида) ёруғлик тушурувчи дераза ўринларига эга бўлиши, уларнинг майдони 1,2 m² дан кам ва баланддалиги 1,5 m дан кичик бўлмаслиги лозим.

118. Л2 типдаги зинапоя катакларини том қопламасидаги ойналанган ёки очиқ туйнуклар орқали табиий ёруғлик билан ёритиш (туйнук юзаси 4 m² дан кам бўлмаслиги) керак.

119. Ёнғин тутуни кирмайдиган зинапоя катакларининг деразалари очилмайдиган бўлиши лозим.

120. Ф2, Ф3 ва Ф4 синфлардаги биноларда ёнғин тутуни тўпланмайдиган зинапоя катакларини ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ лойиҳалаш зарур.

121. Қуёш нуридан ҳимоя қилиш қурилмалари ҚМҚ 2.01.04-18 га мувофиқ лойиҳаланиши, улар йилнинг иссиқ даврида қуёш радиациясининг камайтирилишини таъминлаши ва йилнинг совуқ даврида қуёш энергиясини тутиб қолишга қаршилик кўрсатмаслиги лозим.

122. Беш ва ундан кўп қаватли биноларни қуёш нуридан ҳимоя қилиш қурилмалари ёнмайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши, бунда қуёш нуридан ҳимоя қилувчи конструкциялар ёнғин ўчирувчиларнинг ҳар бир қаватга киришига ва у ердан одамларни эвакуация қилишига тўсқинлик қилмаслиги зарур.

123. Йилнинг совуқ ва ўтиш даврларида хоналарга ташқи тоза ҳавони киритиш учун одамлар доимо бўладиган хоналардаги ҳар бир деразанинг тепа қисмида очиладиган кичик табақа (форточка)лар, хоналар деразалар билан яхлит ойнавандланганда ҳар 3-4 m дан кейин кичик табақа (форточка)лар ёки пастга очиладиган фрамугалар бўлиши керак.

Тўлиқ очиладиган кичик табақа (форточка) ёки фрамуганинг юзаси 0,15 — 0,2 m$^2$ бўлиши, улар қулай ва исталган бурчак остида очиладиган қилиб ўрнатилиши лозим.

124. Одамлар доимо бўладиган хоналарни лойиҳалашда очиладиган деразалар орқали ушбу хоналарни тўғридан-тўғри, бурчак остида ва бир томонлама шамоллатиш ҳисобга олиниши лозим.

125. Чангли шамоллар тез-тез эсадиган (ҳавоси ёки атмосфераси юқори даражада чангланган) ҳудудлардаги биноларнинг хоналари ва ички ҳовлиларини чангдан ҳимоя қилиш учун махсус чора-тадбирларни (ёруғлик тушадиган дераза ўринлари, туйнукларни оптимал ориентациялаш, ҳимоя экранларини, жалюзилар ва бошқа қурилмаларни) амалга ошириш лозим.

126. Жамоат биноларининг хоналари ва улар олдидаги очиқ майдонларни сунъий ёритиш турлари ушбу ШНҚнинг 28-иловасидаги 41-жадвалга мувофиқ белгиланиши зарур.

127. Сунъий ёритиш тизимлари ҚМҚ 2.01.05-19 га мувофиқ лойиҳаланиши зарур.

## 5-§. Лифтларга қўйиладиган талаблар

128. Пастки вестибюль сатҳидан энг тепа қават пол сатҳи орасидаги масофа (техник қават бундан мустасно) 13,2 m ва ундан кўп бўлса, 4 қаватдан баланд биноларда йўловчи лифтлар лойиҳаланиши керак.

129. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг курси-аравачаларида икки ва ундан юқори қаватларга чиқиши учун лифтлар лойиҳаланиши зарур.

130. Лифт кабинаси ўлчамлари ШНҚ 2.07.02-22 талабларига мос бўлиши лозим.

131. Йўловчи лифтларнинг сони ҳисоблаш орқали аниқланиши, бироқ уларнинг сони иккитадан кам бўлмаслиги зарур. Бинодаги битта йўловчи (ёки юк ташувчи) лифт кабинасининг бўйлама ўлчами 2100 mm дан кам бўлмаслиги керак.

Агар ҳисоблаш натижасига кўра, йўловчилар учун битта лифт етарли бўлса, бунда иккинчи лифт юк ташишга мўлжалланган бўлиши лозим.

132. Баландлиги 28 m дан юқори бўлган биноларда лифтлардан бири ёнғин ўчирувчи бўлинмани ташиш учун мўлжалланган бўлиши керак.

133. Энг узоқ жойлашган хона эшиги олдидан йўловчи лифти эшигигача оралиқ масофа 60 m дан ошиб кетмаслиги зарур.

134. Йўловчи лифтлардан чиқиш лифт холлари орқали амалга оширилиши, хоналарнинг эшиклари тўғридан-тўғри лифт холларига қарата очилмаслиги керак.

135. Лифт холларининг кенглиги қуйидагича бўлиши лозим:

лифт кабинаси энг кичик бўйлама узунлигининг 1,3 бараваридан кам бўлмаслиги (лифтлар бир томонлама жойлашганда);

лифт кабинаси энг кичик бўйлама ўлчамининг 2 бараваридан кам бўлмаслиги (лифтлар икки томонлама жойлашганда);

бўйлама ўлчами 2100 mm ва ундан катта бўлган лифтлар олдидаги холлнинг кенглиги 2,5 m дан кам бўлмаслиги.

136. Маъмурий-бошқаришга мўлжалланган (баландлиги 28 m гача бўлган) биноларда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш назарда тутилмаган бўлса, лифтлардан (иккитадан ошмаган) чиқиш жойларини тўғридан-тўғри зинапоя майдончасига жойлаштиришга йўл қўйилади (ушбу майдончанинг кенглиги 1,6 m дан кам бўлмаслиги зарур).

137. Ёнувчан материалларни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган хоналардан тўғридан-тўғри лифт холларига чиқишга йўл қўйилмайди.

138. Ёнғин тутуни тўпланмайдиган зинапоя катагига эга бўлган биноларнинг лифт шахталарида ёнғин пайтида ҳаво берувчи қурилмалар лойиҳаланиши керак.

139. Цоколь ва ертўла қаватларидаги лифт шахталарининг эшиклари холл ёки тамбур-шлюзларга қаратилган (ёнғинга қарши оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган 1-типли пардадеворлар билан ажратилган ва ёнғинга қарши эшиклар) бўлиши лозим.

140. Лифт шахталари ва машина хоналари одамлар доимо бўладиган хоналарга ёнма-ён жойлаштирилмаслиги керак.

141. Илмий-тадқиқот ташкилотлари, санаторийлар ва бошқа муассасаларнинг биноларида лифт шахталари, машина хоналари ва кўтариш қурилмаларини асосий хоналардан 6 m дан кам бўлмаган масофада жойлаштириш зарур.

## 6-§. Чиқиндилардан тозалаш тизимлари ва чанг тозалагичларга қўйиладиган талаблар

142. Чиқиндилардан тозалаш тизими лойиҳа топшириғига мувофиқ бўлиши, чиқиндиларни чиқариш усуллари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда (сутка давомида тўпланадиган чиқинди ҳажмини ҳисобга олган ҳолда) белгиланиши керак.

143. Бинода чиқинди тушириш қувури бўлмаганда биринчи қаватда чиқинди ташлаш камераси, бино участкасида чиқиндиларни тўпловчи контейнер учун қаттиқ қопламали махсус майдонча лойиҳаланиши лозим.

144. Озиқ-овқат чиқиндилари учун уларни вақтинчалик сақлаб туришга мўлжалланган совитиш камераси бўлиши зарур.

145. Чиқинди тушириш қувурлари 5 қаватдан юқори биноларда, кам қаватли 200 ва ундан ортиқ ўринли меҳмонхоналар ва санаторийларда лойиҳаланиши керак.

146. Чиқинди тушириш қувури ҳаво ўтказмаслиги ва қурилиш конструкциялари орқали тарқаладиган шовқинга қарши изоляцияланган бўлиши керак.

147. Чиқинди ташланадиган камерани (ички баландлиги 1,95 m дан кам бўлмаган ҳолда) бевосита чиқинди тушириш қувури тагига жойлаштириш, бу камера бинога кириш жойидан яхлит девор ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган томёпмаси ҳамда оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган пардадеворлар билан ажратилган бўлиши лозим.

148. Чиқинди ташланадиган камеранинг пол сатҳи тротуар ёки йўлнинг юриш қисмидан 0,1 m га баланд бўлиши керак.

149. Чиқинди механизация қурилмаси ёрдамида чиқарилганда чиқинди ташланадиган камерани бошқа сатҳда жойлаштиришга йўл қўйилади.

150. Марказлашган ёки уйғунлашган (комбинациялашган) вакуумли чанг тозалаш тизими лойиҳа топшириғига мувофиқ бинолар (томоша заллари, музейлар, кутубхоналар, савдо марказлари, универмаглар, санаторийлар, меҳмонхоналар, 200 ва ундан ортиқ ўринли пансионатлар)да лойиҳаланиши лозим.

151. Уйғунлашган (комбинациялаш) вакуумли чанг тозалаш тизимини лойиҳалашда битта қабул қилувчи клапан билан хизмат кўрсатиш доираси 50 m дан ошмаслиги лозим.

## 7-§. Энергия тежамкорликка қўйиладиган талаблар

152. Жамоат бинолари ҚМҚ 1.03.09-97 га мувофиқ лойиҳаланиши, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш учун зарур бўлган энергиянинг ҳисобий солиштирма сарфи ҚМҚ 2.01.18-18 талабларига мос бўлиши керак.

153. Бинони қурилиш майдонига жойлаштиришда бинонинг бўйлама фасадини жанубий ёки унга яқин томонга қаратиш лозим.

Корпус энини ва қаватлар сонини йўл қўйиладиган чегараларда ошириш, шунингдек табиий ёритиш ва шамоллатиш талабларини ҳисобга олган ҳолда бинонинг ихчамлиги (компактлиги) таъминланиши зарур.

154. Одамлар ва оргтехникалардан иссиқлик ажралиб чиқадиган асосий хоналар бинонинг шимолий фасадлари томонига жойлаштирилиши, эксплуатация режими бўйича «иссиқ ва нам» бўлган хоналарни эса ташқи тўсувчи деворларга бириктирмасдан лойиҳалаш зарур.

155. Ҳажмий-режавий ечимларни ишлаб чиқишда бино бурчакларида жойлашган (майдони 40 $m^2$ гача бўлган) хоналарнинг деразаларини шу бурчакка бириккан иккала ташқи деворга жойлаштиришга йўл қуйилмайди.

156. Иситилмайдиган айвонлар (веранда), лоджиялар иситиладиган хоналардан ташқи деворлар билан ажратилиши, иситилмайдиган хоналар иситиладиган хоналар ости ёки устига жойлаштирилганда уларни ажратиб турувчи ораёпмани ҚМҚ 2.01.04-18 га мувофиқ иссиқлик ҳимояси қатлами билан қоплаш лозим.

Бинонинг ташқи ҳаво ҳудудига чиқиб турувчи конструктив элементларини (карниз, парапет ва б.) «совуқлик кўприкчалари» ҳосил бўлишининг олдини олиш учун иссиқлик ҳимояси қатлами билан қоплаш керак.

157. Жамоат биносининг иссиқлик ҳимоя даражаси ҚМҚ 2.01.04-18 ва лойиҳа топшириғи талаблари билан белгиланган даражадан паст бўлмаслиги зарур.

158. Жамоат биноларининг иссиқлик ҳимояси, иситиш тизими, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимларининг ҳисобий ички параметрлари ушбу ШНҚнинг 8 ва 9-иловасида келтирилган жадваллар бўйича аниқланиши лозим.

159. Ички параметрларнинг чегаравий ёки оптимал қийматлари (миқдорлари) иссиқлик ҳимояси иккинчи ёки учинчи даражали бўлган бинолар учун лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши керак.

160. Биноларнинг шимолга қараган фасадларида ойна билан қопланадиган минимал майдон таъминланган бўлиши, бинодаги барча ёруғлик туширадиган туйнукларнинг жами майдони ташқи деворлар майдонининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.

161. Биноларнинг «жанубий» фасадига қуёшдан ҳимоя қилувчи қурилмалар ўрнатилганда ҳамда ушбу ШНҚнинг 121, 122 ва 123-бандларига мувофиқ ёруғлик ўтказувчи шаффоф тўсиқлар юзасини оширишга йўл қўйилади.

Бунда, ғарбий фасадларнинг ойнавандланганлиги 40 фоиздан ошмаслиги керак.

162. Бинолар юқори шовқинли ҳудудларда жойлашганда, шовқиндан ҳимоя ҚМҚ 2.01.08-19 ҳамда иссиқлик ҳимояси ШНҚ 2.01.04-19 га мувофиқ таъминланган бўлиши лозим.

163. Ташқи кириш эшиклари орқали совуқ ҳаво киришидан ҳимоя қилиш учун уларни пружинали ёпиш мосламалари билан жиҳозлаш зарур.

164. Одамлар кўп ташриф буюрадиган биноларга автоматик тарзда очиладиган ва ёпиладиган ёки автоматлаштирилмаган тўрт табақали айланиб очиладиган эшиклар ўрнатилиши керак.

165. Биноларнинг кириш эшиклари олдида ёруғлик ўтказувчи шаффоф ва енгил конструкциялардан ишланган (иситилмайдиган) тамбур лойиҳаланиши лозим.

166. Жамоат биноларининг иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимлари объектларнинг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида ўзгартиришлар киритилган талабларга ҳамда ҚМҚ 2.04.05-97* лойиҳалаш нормаларига жавоб бериши керак.

167. Биноларда сувни тежамли сарфлаш учун сув қувурларига жўмраклар ҳамда ричагли ва босиб очиладиган сув аралаштиргичлар, шунингдек икки режимли унитазлар ўрнатилиши керак.

168. Сувни иситиш учун қуёш ўрнатмаларини лойиҳалаш ҚМҚ 2.04.16-18га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

169. Гелиогенераторлар ёки уларнинг бошқа турларидан (қуёш ўрнатмалари, коллекторлари) фойдаланилганда уларни том тепасига, фасадларга, ер сатҳига ёки бирон-бир иншоотга ўрнатиш жойини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

## 4-боб. Туризм ва дам олиш объектларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Умумий талаблар

170. Дам олиш объектлари, меҳмонхоналар, туристик базалар, мажмуалар, оромгоҳлар, дам олиш уйлари ва зоналари, пансионатлар, кемпинглар, мотелларнинг биноларида ташриф буюрувчи, туристлар яшаши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш (овқатланиши, дам олиши ва соғлиғини тиклаши) хоналари, маъмурий-хўжалик ва техник вазифадаги хоналар бўлиши керак.

171. Яшаш (ётоқ) корпуслари кириш вестибюли, навбатчиларнинг хоналари, қаватлардаги меҳмонхоналар, чойшаблар ва инвентарь хоналарни ўз ичига олиши ҳамда ёзги хоналар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланиши лозим.

172. Болали оилалар учун яшаш хоналарини алоҳида секциялар ва блокларга (эвакуация учун алоҳида зинапоя катаги таъминланган ҳолда) жойлаштириш керак.

173. Яшаш учун хоналар ушбу ШНҚнинг 5-иловасидаги 11-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

174. Дам олиш ва туризм объектларида яшаш хоналарининг гуруҳига ёки битта қаватга мўлжалланган (ёки бинонинг биринчи қаватида жойлашган) умумий санитария узеллари, ёзги дам олиш объектлари учун умумий санитария узеллари канализациялаштирилган ювиниш хоналари, ҳожатхоналар ва душлар эга бўлган алоҳида турувчи блоклар кўринишида ушбу ШНҚнинг 14-иловасидаги 30-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

175. Санаторийлар, дам олиш ва туризм объектларида ушбу ШНҚнинг 13-иловасидаги 29-жадвалда келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги хоналар лойиҳаланиши керак:

рўйхатга олиш (регистратура);

маъмурият хоналари;

изоляторга эга бўлган тиббиёт пунктлари;

даволаш-соғломлантириш хоналари;

ошхона;

дам олиш ва жисмоний тарбия билан шуғулланиш хоналари;

оммавий тадбирлар зали;

томоша-концерт ва кино заллари.

Санатория бинолари ШНҚ 2.08.03-09 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши зарур.

176. Барча муассасаларда камида икки ўринли (койкали) изолятор бўлиши керак.

177. Томоша заллари санаторийда соғломлаштирилаётган одамларнинг 60 — 70 фоизини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, оммавий тадбирлар залининг майдони 30 $m^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

178. Ўринлари сони 250 тагача бўлган дам олиш уйлари ва туристик базаларда кўп функцияли залга эга бўлган ошхона 4,2 m баландликда лойиҳаланиши зарур.

## 2-§. Меҳмонхона ва пансионатларнинг биноларига қўйиладиган талаблар

179. Меҳмонхоналар ва пансионатлар биноларининг оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги лозим.

180. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган меҳмонхоналар ва пансионатларнинг бинолари 1000 ўрингача бўлган сиғимда лойиҳаланиши керак.

181. Пансионатларни, дам олиш уйларини йил давомида фаолият кўрсатадиган туристик базаларнинг яшаш корпусларини II дан паст бўлмаган оловбардошлик даражасида ва 500 ўрингача бўлган сиғимда лойиҳалаш зарур.

182. Мавсумий фаолият юритувчи дам олиш объектлари, дам олиш зоналари, туристик базалар, балиқ овлаш ва ов қилиш базаларининг биноларини бир-икки қаватли қилиб лойиҳалаш лозим.

183. Вокзалардаги меҳмонхоналар мустақил эвакуация йўлларига эга бўлиши керак.

184. Меҳмонхоналар, мотеллар, кемпингларнинг бинолари вақтинчалик яшаш жойлари сонини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

185. Хизмат кўрсатиш ва жиҳозланганлик даражаси ушбу ШНҚнинг 7-иловасидаги 15-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

186. Меҳмонхона номерларининг тоифаланиши бўйича номерларнинг тури ушбу ШНҚнинг 7-иловасидаги 16-жадвалга мувофиқ аниқланиши лозим.

187. Меҳмонхоналарнинг сиғими ва тоифаси, шунингдек маданий-маиший хизмат кўрсатиш элементларининг таркиби, технологик таъминланганлиги лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

Меҳмонхоналарнинг халқаро классификация — «юлдуз»лиги бўйича кўрсаткичлари ва тавсифлари ушбу ШНҚнинг 24-иловасидаги 38-жадвалида келтирилган.

188. Вестибюль хоналари гуруҳининг умумий майдони ушбу ШНҚнинг 7-иловасидаги 17-жадвал кўрсаткичлари бўйича аниқланиши зарур.

189. Яшаш хонасининг кенглиги камида 2,4 m, бўйлама узунлиги, 6 m бўлиши, бир кишига мўлжалланган яшаш хонасининг майдони камида 9 $m^2$, тавсия этиладиган майдон 10 — 12 $m^2$, икки кишилик учун — камида 12 $m^2$ бўлиши лозим.

190. Кириш олди жойининг кенглиги камида 1,2 m, номерларга кириш эшикларининг кенглиги камида 0,9 m бўлиши зарур.

191. Юқори тоифали номерлар бир неча қаватли қилиб жойлаштирилишига йўл қўйилиши, бунда номерларда ички зинапоялар ва дам олишга мўлжалланган том ости қисмларига чиқиш жойи бўлиши керак.

192. Ҳар хил тоифадаги номерлар олдида, ёнида ҳамда ичида ошхона-бурчаги бўлиши лозим, бунда ушбу ошхоналарда электр плиталардан фойдаланишга йўл қўйилади.

193. IV юлдузли меҳмонхона бинолари учун қаватдаги яшаш хоналарида умумий ҳожатхоналар ва душхоналарни лойиҳалашга йўл қўйилади.

194. Курси-аравачада ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахсларга мўлжалланган номерларнинг ўлчамлари, майдонлари ва жиҳозлари ШНҚ 2.07.02-22 га талабларига мувофиқ белгиланиши лозим.

195. Кемпинг номерларини бир-икки қаватли биноларга блок кўринишида жойлаштириш, уларда трейлерлар, палаткалар бўлиши керак.

196. Яшаш блокларининг қаватларида қуйидаги ёрдамчи хоналар бўлиши зарур:

холлар;

буфет-кафетерий;

ходимлар хонаси;

кийимларни тозалаш ва дазмоллаш хонаси;

инвентарь хона, кир ювиш хонаси.

Холлар ҳар бир қаватга, 60 — 100 та номерга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи хоналар ҳар бир қаватга ёки қават ташлаб жойлаштирилиши керак.

197. Ёрдамчи хоналарнинг умумий майдони камида 50 $m^2$ бўлиши, бунда холларнинг майдони мазкур майдонга киритилмаслиги лозим.

198. Меҳмонхоналарнинг ресторанлари, барларининг умумий сиғими меҳмонхонанинг сиғимидан кам бўлмаслиги керак.

199. Меҳмонхонларнинг сарторошхона ёки гўзаллик салони, кимёвий тозалаш ва кир ювиш хоналари, кичик тезкор пойабзал, кийим ва соат таъмирлаш хоналари, туристик инвентарь ижараси хонаси, саунали ҳаммом, массаж, бадан қорайтириш, бассейн ва бошқаларнинг умумий майдони меҳмонхона ёки пансионатнинг сиғим бирлигига 0,3 — 0,5 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

200. Маданий-ахборот ва ўйин-томошаларга мўлжалланган хоналарнинг (ахборот марказлари, кутубхона-ўқиш хоналари, интернет-кафелар, конференцзаллар, артистлар хонаси бўлган киноконцерт заллари, бильярд хоналари, кегли ўйини учун хоналар ва бошқалар) умумий майдонини уларнинг сиғим бирлигига камида 1,55 — 1,8 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

201. Мавсумий фойдаланиладиган кемпингларнинг маданий-маиший хизмат хоналарини ёзги павильонлар ва очиқ майдончаларга жойлаштириш керак.

## 3-§. Модулли меҳмонхоналарга қўйиладиган талаблар

202. Модулли меҳмонхоналарни лойиҳалаш ҚМҚ 2.01.03-19 га мувофиқ амалга оширилиши, бунда уларнинг максимал баландлиги, жойлашиш жойи шамол ва сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

203. Модулларни лойиҳалашда бўйлама ва вертикал деворлар орқали тушадиган юклар пастки модулларга узлуксиз узатилиши ҳамда устки модулнинг деворлари пастки модулга таяниши, бунда модуллар шамол ва сейсмик кучларга чидамли бўлиши керак.

204. Енгил металл деворлар каркаси швеллер кўринишидаги профиллардан тайёрланиши, бунда профиллар кўндаланг кесимининг қисқа томони ўлчами 65 mm дан 100 mm гача бўлиши зарур.

205. Модулли меҳмонхона бинолари пол тўсинининг қалинлиги 150 mm ёки 200 mm, шунингдек пол ва шифтнинг умумий қалинлиги ушбу ШНҚнинг 38-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

206. Модулли меҳмонхона биноларининг томи ҚМҚ 2.03.10-19 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

207. Баландликда модулларни кўтариш, тушириш, ташиш, монтаж қилиш ва хавфсиз ечиб олиш махсус кўтарма рамалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

208. Модулли меҳмонхоналар дарак бериш ва ёнғиндан ҳимоя қилиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

209. Модулларнинг оловбардошлиги ёнғинга чидамли шиша ватали плиталарнинг бир нечта қатламми билан таъминланиши ва улар орасига минерал вата қўйилиши зарур.

210. Қалинлиги 15 mm бўлган гипсокартонли ички оловбардош қатламлар ва 100 mm қалинликдаги минерал вата 90 min оловбардошликни таъминлаши керак.

211. Модулларнинг ташқи томонидан қопланадиган плиталар модуллар орасидаги бўшлиқ ичига тутун киришининг олди олинишини таъминлаши лозим.

212. Модулларнинг металл тўрида горизонтал ва вертикал йўналишларда минерал ватадан ишланган ёнғинга қарши тўсиқлар ушбу ШНҚнинг 38-иловасидаги 54-расмда келтирилган талабларга мувофиқ ўрнатилиши керак.

213. Ташқи изоляция плиталари қурилиш майдонида ишларни бажариш жараёнида ўрнатилиши зарур.

214. Модулли меҳмонхона бинолари учун завод шароитида тайёрланган модулларни ташиш O‘zMst 111:2024 талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

215. Модулли меҳмонхона биноларини тўлиқ модулли ёки металл конструкцияларнинг аралаш шаклларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалашда қуйидаги модуллардан фойдаланилади:

тўрт томонли;

очиқ турдаги;

бирламчи структурали рамага таянувчи;

ортиқча юклантирилмайдиган.

216. Тўрт томонли модуллар ёпиқ ячейкали фазо ҳосил қилиш учун тўртта яхлит томонга эга бўлган ҳолда тайёрланиши ва юклар уларнинг бўйлама деворлари орқали пастга узатилиши лозим.

Бундай модуллардан қуриладиган биноларнинг максимал баландлиги уларнинг жойлашиш жойи ҳамда шамол юкига боғлиқ ҳолда 6 дан ва 10 гача қаватни ташкил этиши керак.

217. Тўрт томонли модулларни совуқ ҳаводан ҳимоя қилиш учун уларнинг барча деворлари иситкич қатламига эга бўлиши ва сиртқи томондан тахталар билан қопланиши лозим.

Ушбу модуллар ички балконларга эга бўлиши ва турли пардозлаш материаллари олдиндан ёки уларни ўрнатиш жойида ишларни бажариш жараёнида деворларга маҳкамланиши керак.

218. Тўрт томонли модулларнинг эни 4 m, ички кенглиги 3 — 3,6 m, ички баландлиги 2,7 m, узунлиги 6 — 10 m ни бўлиши лозим.

219. Ён томонлари тўлиқ очиқ бўлган модуллар очиқ турдаги модуллар ҳисобланиб, уларга тушадиган юклар бурчаклардаги устун (колонна)лар орқали пастга узатилиши керак.

220. Очиқ турдаги модулларнинг каркаси иссиқ ишлов берилган пўлатдан ишланган квадрат шаклидаги ичи бўш профилли (КИБП) устун (колонна)лар ва параллель фланецли швеллерли (ПФШ) четки тўсинлардан ташкил топган элементлардан ушбу ШНҚнинг 38-иловасидаги 58-расмда кўрсатилгандек тайёрланиши лозим.

221. Очиқ турдаги модулларнинг каркаси ва бўйлама четки тўсинлари металл бўлиши ҳамда уларнинг оралиғи 5 — 8 m, четки тўсин, шифт ва полнинг биргаликдаги қалинлиги ушбу ШНҚнинг 38-иловасидаги 58-расмда кўрсатилгандек 600 — 800 mm ни ташкил этиши лозим.

Очиқ турдаги модулларнинг кенглиги (эни) 3 — 3,6 m бўлиши керак.

222. Бирламчи структурали рамага таянувчи модуллар пўлат ёки композит тўсинларга таяниши, бунда тўсинлар чизиғидан ҳар бир қаватга тушадиган юк 15 kgf/m ни ташкил этиши,

шунингдек устун (колонналар) ҳар 2-3 модулдан кейин жойлаштирилиши ҳамда конструкцияларнинг оралиқ масофаси 12 — 18 m бўлиши зарур.

223. Бирламчи структурали рамага таянувчи модулларнинг тўсинлари 3-4 m оралиқ масофа билан битта чизиқда ётиши лозим. Тўсинларнинг бундай оралиқ масофасига асосланган ҳолда устун (колонна)лар тўрининг ўлчамлари (6 — 8 m) аниқланиши керак.

Автомобиллар еросты тураргоҳи учун устун (колонна)лар тўри 7,2 m ўлчамда лойиҳаланиши керак.

224. Ортиқча юклантирилмайдиган модулларнинг шакли тўрт томонли модуллардек лойиҳаланиши, ташқи юк таъсирларига мўлжалланмаслиги, улар бевосита полга ёки алоҳида конструкция устига ўрнатилиши, қурилиш давомида пол устига суриб жойлаштирилиши лозим.

Мазкур модуллар биноларда ҳожатхоналар, ваннахоналар ва хизмат кўрсатувчи хоналар сифатида қўлланилиши керак.

225. Ортиқча юклантирилмайдиган модулларнинг конструкцияси бошқа турдаги модулларнинг конструкциясига қараганда енгил бўлиши ва монтаж жараёнида юзага келадиган кучлар таъсирига (ички зўриқишларга) қаршилик кўрсата олиши зарур.

226. Ортиқча юклантирилмайдиган модулларнинг деворлари, поли қалинликлари бошқа турдаги модулларникига қараганда юпқа (< 100 mm) бўлиши лозим.

**4-§. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг биноларига қўйиладиган талаблар**

227. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари биноларидаги ётоқхоналар олдида ёзги хоналар бўлмаслиги керак.

228. Оловбардошлик даражаси II бўлган соғломлаштириш оромгоҳлари биноларига қуруқ парли ҳаммомларни (сауна) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

229. Ётоқхоналарни алоҳида корпусларга (ёки алоҳида блокларга) жойлаштириш зарур.

230. Икки қаватли ётоқ корпусларининг (блоклари) оловбардошлик даражаси II бўлганда уларнинг сиғими 150 ўриндан ошмаслиги керак.

231. Ётоқхоналар 30 — 35 ўринли, ташқарига олиб чиқувчи эвакуация чиқиш жойларига эга бўлиши, тураржой блок-секцияларига гуруҳлаб жойлашган бўлиши зарур.

232. Блок-секцияларни оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 2-типли ёнғинга қарши деворлар ёки оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган 1-типли пардадеворлар билан ажратиш зарур.

233. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларининг ётоқ павильонлари оловбардошлик даражаси IV бўлган бир қаватли қилиб лойиҳаланиши, ҳар бир павильоннинг сиғими 50 ўриндан ошмаслиги лозим.

234. Болалар соғломлантириш оромгоҳларининг ётоқхоналар жойлашган корпуслари битта гуруҳга 30 — 35 бола тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда уларнинг таркибида яшаш хоналари ва санитария-маиший хоналар (ҳожатхоналар, душлар, шахсий буюмлар сақланадиган хона) бўлиши, ҳар бир яшаш гуруҳида тарбиячи хонаси лойиҳаланиши керак.

235. Ёз мавсумида фойдаланиладиган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари учун бир қаватли ётоқхона павильонлари ва алоҳида жойлаштирилган санитария-гигиена блокларини (2 та гуруҳга ёки 60 — 70 нафар болага мўлжалланган) лойиҳалашга йўл қўйилади.

Душхоналар ва кир ювиш хоналарини оромгоҳ учун марказлашган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади.

## 5-боб. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларига қўйиладиган умумий талаблар

236. Комплекс майдончалар ва улардаги алоҳида элементларнинг минимал ўлчамлари 30-илованинг 42-жадвалига мувофиқ белгиланиши керак.

237. Тўсиқ йўлакларининг минимал узунлиги ва эни қуйидагича бўлиши зарур:

40 m, 7 m (10 дан 14 ёшгача бўлган болалар учун);

70 m, 14 m (14 ёшдан катта болалар ва катталар учун).

238. Спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган иншоотларда трибуналар бўлиши зарур.

239. Томошабинлар учун трибуналарни ареналарнинг бўйлама томонлари бўйича жойлаштирилиши, уларни кўндаланг (торец) томонлари бўйича жойлаштиришда қуйидаги ҳоллар инобатга олиниши керак:

томошабинларнинг берилган ўрин-жойларини ушбу ШНҚнинг 36-иловасига мувофиқ аренанинг бўйлама томонларидаги трибуналарда нормалаштирилган оралиқлар (масофалар) чегарасида жойлаштирилиши;

очиқ спорт ядролари (арена) ёки футбол майдонларининг чегарасида (периметрал) трибунларни қуриш зарурияти;

ёпиқ иншоотларда ўрин-жойларни бўйлама томонлар бўйича жойлаштириш зал оралиғининг ошиб кетишига олиб келадиган ҳолатлар.

240. Трибуналарда томошабинларнинг ўтиришлари учун ўрин-жойларнинг ўлчамлари қуйидагича бўлиши зарур:

очиқ иншоотлар учун қаторлар кенглиги 0,75 дан 0,8 m гача;

ёпиқ иншоотлар учун 0,8 дан 0,9 m гача;

очиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг кенглиги 0,42 m дан кам бўлмаслиги;

ёпиқ иншоотлар учун эса ўтириш жойининг кенглиги 0,45 m кам бўлмаслиги;

очиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг эни 0,3 m дан кам, ёпиқ иншоотлар учун ўтириш жойининг эни 0,4 m дан кам бўлмаган ўлчамда.

241. Трибуна қўшни қаторлари полининг сатҳидаги фарқ 0,3 m дан катта бўлганда, елка суянчиқларини ўрнатишга йўл қўйилиши, бунда суянчиқларнинг қўшни қатор поли сатҳидан чиқиб туриш баландлиги 0,12 m дан ошмаслиги керак.

242. Томошабинларнинг трибунадаги тик ҳолатда туриш жойлари ҳар бир қаторда бир нафар томошабин учун 0,45 m дан кам бўлмаган кенгликда бўлиши, қаторлар бўйлаб эни эса 0,5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

243. Республика даражаси ва бошқа юқори масштабдаги мусобақалар учун мўлжалланган очиқ ҳамда ёпиқ спорт-намойиш ва спорт-томоша иншоотларининг стационар трибуналарида матбуот вакиллари учун жойлар (матбуот ложаси) лойиҳаланиши лозим.

244. Енгил атлетика учун спорт-намойиш иншоотларидаги (узунлиги 400 m бўлган айланма югуриш йўлакларига эга бўлган очиқ спорт аренаси) стационар трибуналарда югуриш масофаларининг финиш қисмида жойлашувчи ҳакамлар учун жой (ҳакамлар ложаси) лойиҳаланиши керак.

245. Томошабинларнинг ўрин-жойлари (ўриндиқлари) ушбу ШНҚнинг 36-иловасига мувофиқ трибуналарга жойлаштирилиши зарур.

246. Очиқ спорт иншоотларининг устки ва қисқа ён томони (торец) бўйича ҳамда ёпиқ спорт иншоотларининг устки ва қисқа ён томони зал деворларига бирикмаганда 1,2 m баландликдаги тўсиқ бўлиши лозим.

247. Трибунанинг томошабинлар туриши учун мўлжалланган қаторларнинг ўтиш жойлари бўйлаб биринчи қатор олдида ва навбатдаги ҳар бир 5-6 қатордан кейин ўрнатиладиган тўсиқлар бўлиши керак.

248. Биноларнинг цоколь ва ертўла қаватларида жисмоний тарбия билан шуғулланиш хоналарини жойлаштиришда ёруғлик тушиши учун деразалар ва ушбу алоҳида чиқиш

жойлари ШНҚнинг 52, 53, 54, 55 ва 56-бандлар талабларини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

## 2-§. Ўйин майдонларига қўйиладиган талаблар

249. Футбол, регби, чим устида хоккей, бейсбол ва бошқалар учун майдонлар ушбу ШНҚнинг 30-иловасидаги 43-жадвалда келтирилган асосий тавсифларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

250. Дарвозаларга эга бўлган (регби, футбол, чим устида хоккей ва б.) спорт ўйинлари учун майдонларни уларнинг бўйлама ўқлари билан шимол-жануб йўналиши бўйича ориентацияда жойлаштириш керак.

Исталган томонга 20°дан ошмаган ҳолда оғишга йўл қўйилиши, бунда бейсбол майдонини ғарбдан шарққа қаратиб жойлаштириш лозим.

251. Битта спорт иншоотида бир турдаги бир нечта спорт майдонлари жойлашганда бу майдонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи шарқий-ғарб йўналишига қаратиб жойлаштирилиши керак.

252. Футбол майдони тўғри бурчак шаклига эга бўлиши ҳамда ён ва дарвоза чизиқлари билан чегараланиши лозим.

253. Спорт ўйинлари учун асосий майдон шуғулланувчилар учун хавфли бўлган тўсиқлар ёки буюмлардан ҳоли бўлган хавфсизлик зоналари (югуриш йўлаклари) билан ўйин турларига боғлиқ ҳолда 0,8 дан 8 m гача бўлган кенгликда ўраб олинган бўлиши керак.

254. Спорт ва технологик сифатлари бўйича афзал бўлган газон ва синтетик қопламалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

255. Спорт ўйинларининг энг оммавий турларига мўлжалланган ўйин майдонлари ва майдончаларининг ўлчамлари ҳамда конфигурацияларини ушбу ШНҚнинг 33-иловасидаги 5 ва 6-расмларда келтирилгандек белгилаш зарур.

## 3-§. Ёрдамчи хоналарга қўйиладиган талаблар

256. Жисмоний тарбия-спорт иншоотларини лойиҳалашда қуйидаги ёрдамчи хоналар учун объектлар лойиҳаланиши керак:

кириш жойи гуруҳлари (гардероб, вестибюль, санитария узели);

санитария-гигиена вазифаларини бажарувчи хоналар ва шуғулланувчиларнинг дам олиш хоналари;

овқатланиш хоналари;

инструкторлик хонаси;

методик хона;

тиббиёт хонаси;

маъмурий-хўжалик ва маиший хизмат вазифаларни бажарувчи хоналар;

техник хоналар.

257. Буфетлардаги ўрин-жойларнинг сони қуйидагича белгиланиши лозим:

чанғида учиш базаларида (оммавий тарзда чанғида учиш базалари бундан мустасно) ва очиқ ясси иншоотларда (сиғими 75 дан 125 кишигача бўлган) сменада шуғулланувчи 8 кишига битта ўтириш жойи тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда;

эшкак эшиш (гребля) базаларида, ўқ отиш ва очиқ ясси иншоотларда (сиғими 125 кишидан кўп бўлган) сменада шуғулланувчи 12 кишига битта ўтириш жойи тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда;

коньки ва чанғида оммавий тарзда учиш базаларида ташриф буюрувчилар учун база сиғимининг 5 фоизни ҳисобга олган ҳолда;

томошабинлар учун битта ўтириш жойига 35 киши тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда.

258. Буфетларда томошабинларга мўлжалланган зал турган ҳолатда овқатланиш учун кафетерий баланд столлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

259. Буфетларнинг юзалари ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда аниқланиши зарур:

овқат бериш хонаси билан биргаликда зал юзаси (майдони) ўтириш жойи 8 та бўлганда, битта ўтириш жойига 3,4 $m^2$ ва ўтириш жойи 8 тадан кўп бўлганда, ҳар бир ўтириш жойига 1,25 $m^2$;

ёрдамчи хоналар юзаси залда ўтириш жойи 8 та бўлганда, битта ўтириш жойига 2,25 $m^2$ ва ўтириш жойи 8 тадан кўп бўлганда, битта ўтириш жойига 0,25 $m^2$;

овқат бериш хонаси билан биргаликда зал юзаси залдаги битта жойга 1,4 $m^2$;

ёрдамчи хоналар юзаси зал юзасининг 30 %.

260. Томошабинлар учун буфетлар трибунадаги энг узоқ жойдан 150 m масофада жойлашган бўлиши керак.

261. Спорт иншоотлари ҳудудида ресторанлар, кафелар лойиҳаланганда ҳамда аҳолининг дам олиши учун фойдаланилганда уларнинг сиғими спорт иншоотлари буфетларининг ҳисобига киритилмаслиги лозим.

262. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларига эга бўлган спорт мажмуалари ҳамда икки ва ундан ортиқ залларга эга бўлган спорт корпусларида тиббий хизмат кўрсатиш хонаси бутун мажмуа (корпус) учун умумий ҳолда лойиҳаланиши керак.

263. Йил давомида ишлайдиган ҳамда битта сменада ўтказиш хусусияти 150 ва ундан ортиқ киши бўлган иншоотларда (битта сменада ўтказиш хусусияти 100 ва ундан ортиқ киши бўлган кураш, бокс, оғир атлетика ва футбол учун ихтисослаштирилган иншоотларда) методик-тиклаш марказини лойиҳалашга йўл қўйилади.

Йил давомида ишлайдиган очиқ спорт иншоотларида уларнинг ўтказувчанлик хусусияти конькиларда оммавий тарзда учишни ҳисобга олмаган ҳолда аниқланиши зарур.

264. Очиқ ясси спорт иншоотларида шуғулланувчилар учун ёрдамчи хоналарга эга бўлган бинони энг узоқ майдондан (майдонча) 300 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлаштириш керак.

265. Очиқ ясси спорт иншоотларида шуғулланувчилар ҳамда томошабинлар учун санитария хоналарини трибунадаги энг узоқ жойдан 150 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлаштириш лозим.

266. Мавсумий очиқ коньки учиш иншоотида шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналарини биринчи қаватга жойлаштириш керак.

267. Кийим алмаштириш хоналарини биринчи қаватга жойлаштирмаганда коньки учиш жойи билан нишаблиги 1:10 бўлган пандус лойиҳаланиши лозим.

268. Ёрдамчи хоналарни чанғи учиш базасининг биносига жойлаштирилиши, бунда бино қуйидаги масофаларда бўлиши керак:

старт майдончаси ҳамда биатлон ва чанғи учиш дистанциялари финишидан ёки чанғи учиш трассаларининг кўтарма қурилмаларидан 200 m да;

яқин трамплиндан 100 m да (бироқ, мажмуанинг энг узоқ жойлашган трамплинидан 300 m узоқ бўлмаган ҳолда).

269. База биносига жойлаштириладиган санитария узеллари конькида учувчиларнинг вестибюль-исиниш жойига кириш ва чиқишга, томошабинлар учун эса кўчадан кириш ва чиқиш жойлари лойиҳаланиши керак.

270. Томошабинлар учун санитария узелларини трибунанинг энг узоқ нуқтасидан 150 m дан узоқ бўлмаган масофада жойлашган алоҳида бинога жойлаштириш зарур.

271. Спорт тоғ-чанғи трассалари ва трапмлинлари 20 m дан кам бўлмаган сакраш узунлигига, старт майдончаси олдида шуғулланувчилар учун трассалар ҳамда трамплинларнинг ҳар бири учун 1-2 та унитазли ҳожатхона бўлиши, бунда трамплиннинг старт майдончаси эстакадада жойлашганда санитария хоналари старт майдончасига олиб чиқувчи зинапоя (лифт)нинг пастки қисми атрофида жойлаштирилиши керак.

272. Чанғиларни олиш ва қайтариш учун мўлжалланган хонанинг эни 3 m дан кам бўлмаслиги лозим.

273. Чанғиларни олиш ва қайтариш учун мўлжалланган хонадан чиқиш (унга кириш) жойи олдида кўча томонда чанғиларни учишга тайёрлаш учун майдонча лойиҳаланиши керак.

### 4-§. Ўқ отиш тирларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

274. Ўқ отиш майдонлари ва тирлар ёрдамчи хоналарининг таркибида қўшимча тарзда хоналар лойиҳаланиши керак.

275. Ўқ отиш майдонлари ва тирларда шуғулланувчилар ҳамда томошабинлар учун буфетлар бўлиши лозим.

276. Асосий бинодан 50 m дан узоқроқ бўлган масофада жойлашган очиқ тирларнинг (ёки очиқ тирлар гуруҳи) ўқ отиш майдонларида шуғулланувчилар ва томошабинлар учун умумий бўлган 1-2 та унитазли ҳожатхона қўшимча тарзда лойиҳаланиши зарур.

### 5-§. Эшкак эшиш (гребля) базаларининг ёрдамчи хоналарига қўйиладиган талаблар

277. Эшкак эшиш (гребля) базаларининг ёрдамчи хоналари (эллингдан ташқари) эллингдан 200 m дан узоқ бўлмаган масофада алоҳида жойлашган бинога жойлаштирилиши ёки эллинг билан бирлаштирилиши керак.

278. Эшкак эшиш (гребля) базаларида навбатчи матрослар ва мотористлар катерларнинг хайдовчилари учун қўшимча равишда юзаси 10 $m^2$ дан кам бўлмаган хона лойиҳаланиши зарур.

279. Қайиқларни шай ҳолатга келтириш ва кўздан кечириш учун мўлжалланган майдончада навбатчи боцман учун юзаси 4 $m^2$ дан кам бўлмаган хона лойиҳаланиши лозим.

280. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотларига мўлжалланган иншоотлар учун очиқ ясси иншоотлар олдида фақат шуғулланувчилар учун яқин жойлашган биноларда санитария узеллари ҳамда кўчма ускуналар ва инвентарь жиҳозлар учун омборхона лойиҳаланишига йўл қўйилади.

### 6-§. Спорт иншоотларига қўйиладиган талаблар

281. Ёпиқ спорт иншоотларининг оловбардошлик даражаси II дан паст бўлмаслиги лозим.

Ёрдамчи хоналар фақат иккинчи қаватга жойлаштирилганда оловбардошлик даражаси III бўлган бир ва икки қаватли корпусларни лойиҳалашга йўл қўйилиши, бунда ҳар қандай ҳолатда ёрдамчи хоналарни зал хоналаридан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш керак.

282. Томошабинлар ўриндиқларига эга бўлган спорт корпусларининг оловбардошлик даражаси I ва II бўлганда томошабинлар учун (залнинг трансформацияланишини ҳисобга олган ҳолда) стационар ва вақтинчалик ўринларнинг жамланган сиғдирувчанлиги чегараланмаслиги, бунда оловбардошлик даражаси III бўлган бир қаватли корпусларда томошабинлар ўриндиқларининг жами сони 600 дан ошмаслиги зарур.

283. Ёпиқ спорт иншоотларида сиғими 300 томошабиндан ортиқ бўлган стационар трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкцияларини ёнмайдиган материаллардан лойиҳалаш керак.

284. Трибуналар юк кўтарувчи конструкцияларининг оловбардошлик даражаси R 45 дан кам бўлмаслиги, сиғими 300 томошабиндан кам бўлган стационар трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкциялари учун Ё1 дан юқори бўлмаган ёнувчи материалларни қўллашга йўл қўйилади.

285. Трансформацияланадиган, суриладиган трибуналарнинг оловбардошлик чегараси, уларнинг сиғими қандай бўлишидан қатъи назар, R 45 дан кам бўлмаслиги лозим.

Мазкур талаб томоша зали аренанинг поли устига қўйиладиган вақтинчалик томошабинлар ўриндиқларига нисбатан татбиқ этилмайди.

286. Ёпиқ спорт иншоотларида томошабинлар ўтириши учун вақтинчалик ўрнатилган ўриндиқлар ағдарилиши ёки сурилишининг олди олинган бўлиши керак.

287. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари трибуналаридаги ўриндиқларни Ё1, Ё2 гуруҳидаги ёнувчан материаллардан тайёрлашга йўл қўйилади, бироқ ушбу материаллар ёнганда ўзидан заҳарли моддаларни ажратиб чиқармаслиги, бунда материаллар Т1 гуруҳига (тоифасига) тегишли бўлиши зарур.

288. Спорт-томоша залларидаги эстрада полининг ёғоч қопламасига ҳимоя воситаларини сингдириш йўли билан ёнувчанликни Ё1 ёки Ё2 гуруҳининг ёнувчанлигигача тушириш керак.

289. Очиқ спорт ва томоша иншоотларининг ҳар қандай сиғдирувчанликка эга бўлган трибуналари ости қисмига ёрдамчи хоналар икки ва ундан ортиқ қаватларда жойлаштирилганда ушбу трибуналарнинг оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаган ҳолда қабул қилиниши лозим.

290. Ёрдамчи хоналар трибуналар тагига бир қаватли қилиб жойлаштирилганда трибуналар оловбардошлик даражаси III бўлишига йўл қўйилади.

291. Трибуна ости қисмидан фойдаланилмайдиган очиқ спорт ва томоша иншоотлари трибуналаридаги ўриндиқлар қаторларининг сони 20 дан ортиқ бўлганда шу трибуналарнинг юк кўтарувчи конструкциялари оловбардошлик чегараси REI 45 дан кам бўлмаган ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши зарур.

292. Қаторлари сони 20 дан кам бўлганда трибуна ости қисмидан фойдаланилмайдиган трибуналар учун IV оловбардошлик чегарасини қабул қилишга йўл қўйилади.

293. Ёпиқ ва очиқ спорт иншоотларининг трибуналари остига жойлаштириладиган хоналарни трибунадан ёнғинга қарши тўсиқлар оловбардошлик чегараси REI 45 дан кам бўлмаган ораёпмалар, оловбардошлик даражаси EI 45 дан кам бўлмаган 1-типли пардадеворлар билан ажратиш, бунда пардадеворлардаги эшиклар жипс ҳолатда ўзи ёпиладиган бўлиши (эшикларни ёнувчан материаллардан тайёрлашга рухсат берилиши) керак.

294. Трибуналар остига тирларнинг ўқ-дориларини ҳамда ёнувчан материалларни сақлаш хоналарини (инвентарь ва томошабинлар ўриндиқларини сақлаш хоналаридан ташқари) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

295. Ўқ отадиган тирларни очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуна остига жойлаштиришга йўл қўйилади, бунда тир қуролларини сақлаш хонаси ва қурол тузатиш устахонасини бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган ёнғинга қарши 2-типли деворлар ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 3-типли ораёпмалар билан ажратиш лозим.

296. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотларининг трибуналаридаги зинапоялар, ўтиш йўлаклари ва люкларнинг ҳисобий кенглиги (эни) 2,5 m дан катта бўлганда уларда 0,9 m дан кам бўлмаган баландликда ажратиб турувчи тутқичлар бўлиши лозим.

297. Люклар ёки зинапояларнинг ҳисобий кенглиги (эни) 2,5 m гача бўлганда уларга ажратиб турувчи тутқичларни ўрнатишга йўл қуйилмайди.

298. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари трибуналари зинапояларининг қиялиги 1:1,6 дан ошмаслиги, 0,9 m дан кам бўлмаган баландликда тутқичлар (ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа қурилмалар) ўрнатилганда 1:1,4 қияликда лойиҳалашга йўл қўйилади.

299. Спорт иншоотларининг эвакуация йўлакларида, люкларда зинапоялар ва кўтарилиш поғоналари бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим.

300. Очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридан эвакуация йўлларининг 1 m кенглигидаги одамлар сони ушбу ШНҚнинг 4-иловасидаги 9-жадвал бўйича белгиланиши зарур.

301. Оловбардошлик даражаси I, II бўлган трибуналардаги битта эвакуация эшик очиқ жойига ёки люкига тўғри келадиган эвакуация қилинувчиларнинг умумий сони 1500 нафардан ошмаслиги, оловбардошлик даражаси III трибуналарда 30 % га, оловбардошлик даражаси IV бўлганларида эса 50 % га кам бўлиши керак.

302. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган томошабинлар заллари ва томошабинлар учун трибунаси мавжуд спорт залларидан эвакуация қилиш вақти мазкур ШНҚнинг 4-иловаси 10-жадвалидаги кўрсаткичларига мувофиқ бўлиши, бунда оловбардошлик даражаси III ва IV бўлган бинолар учун кўрсаткичлар 30 % га камайтирилиши лозим.

303. Залли хоналардан эвакуация чиқиш жойлари зал пол сатҳидан хонанинг ярми ёки ундан кўп баландлигида жойлашган бўлса, эвакуация учун зарурий вақт ушбу ШНҚнинг 4-

иловасидаги 10-жадвалида келтирилган кўрсаткичлардан икки баравар кам ҳисобланиши керак.

304. Залнинг ҳажми (W) 60 минг $m^3$ дан юқори бўлганда унинг ичидан зарурий эвакуация вақти қуйидаги формула билан аниқланиши, бунда қуйидагидан бироқ 6 min дан кўп бўлмаслиги зарур.

$$t = 0,115 \cdot \sqrt[3]{W}, (1)$$

305. Мазкур формула билан ҳисобланган зарурий эвакуация вақтини эвакуация чиқиш жойлари хона баландлигининг ярмида жойлашганида 35 % га ва зал баландлигининг 0,8 қисмида жойлашганда 65 % га камайтириш керак.

306. Зарурий эвакуация вақти оралиқ ёки кичик миқдорларда бўлганда интерполяция бўйича, катта миқдорларида экстраполяция бўйича қабул қилиниши керак.

307. Ҳажми 60 минг $m^3$ дан ошиқ залли бинолардан зарурий эвакуация чиқиш вақти 10 min дан ошмаслиги лозим.

308. Саҳнадан инсонларнинг зарурий эвакуация вақти 1,5 min дан ошмаслиги, эвакуация қилинадиганларнинг сони 2 $m^2$ саҳна планшети майдонидан бир киши ҳисоби бўйича қабул қилиниши лозим.

309. Ёпиқ спорт иншоотларидаги зал хоналарининг ҳар бир чиқиш жойидан (люк, эшик) эвакуация қилинувчи томошабинларнинг сони 600 кишидан ошмаслиги керак.

310. Спорт аренасининг партери жойлаштирилганда иккита чиқиш жойи лойиҳаланган бўлса, улар орасидаги масофа зал узунлигининг ярмидан кам бўлмаслиги зарур.

311. Томошабинлар залларига туташган кулуарларнинг кенглиги (томошабинлар учун йўлак) 2,4 m дан кам бўлмаслиги керак.

312. Томошабинлар залларида эшик ўрни ўтиш жойларининг кенглиги 1,2 m дан кам бўлмаслиги, ложага чиқадиган эшик ўрни жойларининг кенглиги эса 0,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

313. Томошабинлар зали ва спорт иншоотларининг эвакуация йўлларидан (люклар) чиқиш эшиклари зич ёпилиши зарур.

314. Томоша залларининг балконлари ва тепа қавати сатҳлари олди қатори рўпарасига ўрнатиладиган тўсиқлар баландлиги 0,8 m дан кам бўлмаслиги керак.

315. Спорт иншоотларининг трибуналарида ёндош қаторлар пол сатҳлари 0,55 m дан фарқ қилганда қатор олдидаги ўтиш йўлакчаси бўйлаб баландлиги 0,8 m дан кам бўлмаган тўсиқ ўрнатилиши лозим.

316. Спорт заллари асосий турларининг қурилиш ўлчамлари ва сиғими ушбу ШНҚнинг 15-иловасидаги 31-жадвалда келтирилганларга мувофиқ белгиланиши зарур.

317. Ўриндиқлари 300 ва ундан кўп трибунали томоша-спорт залларида зал-арена пол сатҳи ер устки иккинчи қават пол сатҳидан юқори бўлмаслиги керак.

318. Трибуналар жойлаштирилаётганда томошабинлар биринчи қатори рўпарасида тўсиқ бўлиши, ён ва кўндаланг томонлардан ўйин майдонигача бўлган масофа томошабинлар хавфсизлигини ҳисобга оладиган технологик талаблардан келиб чиққан ҳолда аниқланиши лозим.

319. Спорт залларидаги снаряд ва инвентарь хоналари залларга ёндош ва улар билан алоқа тирқишлар орқали бўлиши керак.

320. Снаряд-инвентарь хонаси поли сатҳи зал поли сатҳи билан битта даражада (остонасиз) бўлиши лозим.

321. Снаряд ва инвентарь хоналари майдони технологик талаблар бўйича (ўлчами 12х24 m ли заллар учун камида 16 $m^2$, 30х18 m ли заллар учун камида 21 $m^2$) аниқланиши зарур.

322. Томошабинлар учун ўриндиқлари сони 1000 ва ундан кўп универсал спорт-томошагоҳ залларида (ареналарда) спорт ўйинлари ва мусобақа олдидан машқ қилиб олиш учун қўшимча спорт заллари лойиҳаланиши керак.

323. Ўқув-машғулот заллари, тренажёр хоналари, индивидуал шуғулланиш хоналарининг сони ва ўлчамлари лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

324. Универсал спорт-томошагоҳ зал-ареналарда, манежларда, сунъий яхмалак залларида майдонни ўзгартириш (спорт ва томоша турларини ҳисобга олган ҳолда), эстрадани жойлаштириш ва бошқа имкониятлар лойиҳалашда инобатга олиниши керак.

325. Ёпиқ ва очиқ ўқув-машғулот бассейнларининг асосий ҳисобий параметрлари ушбу ШНҚнинг 16-иловасидаги 32-жадвалда келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда белгиланиши лозим.

326. Сузишни билмайдиганлар ва болаларни сузишга ўргатиш учун мўлжалланган ванналар бассейн биносида 50х25 m ўлчамда лойиҳаланиши керак.

327. Томошабинларнинг ўриндиқларига ва сувга сакраш қурилмаларига эга бўлмаган бассейнлардаги ванналар залининг баландлиги (юриш йўлаги сатҳидан) қуйидагиларга мувофиқ лойиҳаланиши зарур:

ванна узунлиги 50 m бўлганда, 6 m дан кам бўлмаслиги ва ванна узунлиги 25 m бўлганда, 5,5 m дан кам бўлмаслиги;

ўқув-машғулот ва соғломлаштириш машқлари учун ванна узунлиги 25 m бўлганда, зал баландлиги 4,2 m, ванна узунлиги 18 m дан ошмайдиган заллар учун бу баландлик 3,6 m бўлиши.

328. Универсал ва махсус ванналарга, шунингдек сувга сакраш қурилмаларига ҳамда томошабинларнинг ўриндиқларига эга бўлган залларнинг баландлиги технологик талаблар бўйича белгиланиши лозим.

329. Узунлиги 25 m ва ундан катта бўлган ванналарга эга бўлган бассейнлар таркибида тайёргарлик машғулотлари учун спорт заллари бўлиши керак.

330. Ўлчамлари 25х8,5 m ва ундан кичик ванналар ҳамда очиқ бассейнларда тайёргарлик машғулотлари учун заллар лойиҳаланмаслиги, бунда ванна яқинида тайёргарлик машғулотлари учун майдони 70 $m^2$ дан кам бўлмаган очиқ майдонча бўлиши лозим.

331. Ванна тубининг нишаблиги, ванна ён (торец) деворларининг бўйлама профили, ванна атрофидаги йўлакчаларнинг ўқлари, сув остини кузатиш туйнуклари (иллюминаторлар) технологик талаблар бўйича белгиланиши зарур.

Бўйлама томонда узунлиги 50 m бўлган ванналар учун учта зинапоя, узунлиги 50 m дан кам бўлган ванналар учун иккита зинапоя, майдони 100 $m^2$ кам бўлган ванналар учун битта зинапоя лойиҳаланиши лозим.

332. Ванна туби ва деворларининг конструкцияси сув ўтказмайдиган ва кимёвий реагентлар таъсирига чидамли бўлиши зарур.

333. Ванна туби ва деворларининг ички юзаси оч рангда бўлиши, бунда ванна туби ва деворларининг сирпанчиқ бўлмаслиги лозим.

334. Сузиш спорти бассейнларидаги ванналарнинг ён (торец) деворлари сув юзаси устида 0,3 m баландликда вертикал ва бир-бирига нисбатан параллель ҳолатда бўлиши керак.

335. Бассейн ваннасининг периметри бўйлаб ёпиқ ванналар учун кенглиги камида 1,5 m бўйлаб айланиб юриш йўлакчаси, очиқ ванналар учун бу кенглик камида 2 m бўлиши, бунда йўлакчанинг ташқи чегараси бўйлаб ўриндиқлар жойлаштирилиши лозим.

Айланиб юриш йўлакчасининг сирти сирпанчиқ бўлмаслиги ва трап томонга қарата 0,01-0,02 нишабга эга бўлиши керак.

336. Болалар ваннаси (сузишни билмайдиганлар) учун айланиб юриш йўлакчаси учта тўсиқ бўйлаб 0,75 m кенгликда белгиланиши, бунда йўлакчанинг сирти юзаси ванна тўсиғидан паст, ванна тўсиғининг баландлиги 0,9-1,0 m бўлиши зарур.

337. Ёпиқ бассейнларда иситиладиган айланиш йўлакчалари лойиҳаланиши лозим.

338. Старт тумбаси, трамплинлар ва сакраш супасига эга бўлган тўсиқ бўйлаб жойлашган юриш йўлакчасининг кенглиги технологик талабларга асосан белгиланиши керак.

339. Эркак ва аёлларга алоҳида кийим алмаштириш хоналари, ҳожатхоналар ва душхоналар тамбур орқали тўғридан-тўғри туташган бўлиши лозим.

340. Шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари спорт зали билан бевосита йўлак (коридор) ёки фақат кийим алмаштириш хоналари ва спорт зали учун мўлжалланган зинапоя орқали боғланиши зарур.

341. Жамоалар ўртасида ўтказиладиган спорт ўйинларига мўлжалланган иншоотларда камида тўртта кийим алмаштириш хонаси бўлиши, уларнинг майдони кўп залли спорт иншоотларининг кийим алмаштириш хоналари умумий ҳисобий майдонига киритилиши лозим.

342. Кийим алмаштириш хоналари бир нафар шуғулланувчига камида 1 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда кийим алмаштириш хоналарида кийим жавонлари (0,3x0,5 m ўлчамда), ўриндиқлар, оёқ ваннаси, қўл ювиш жиҳози, кўзгу, пол усти тарозиси бўлиши керак.

343. Бассейнларда кийим алмаштириш хоналари айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳда жойлашиши ва кийим алмаштириш хоналари бассейнлар билан фақат душхоналар орқали боғланиши, спорт зали ёки тайёргарлик машғулотлари хонаси билан душхонани айланиб ўтган ҳолда боғланиши зарур.

344. Спорт ўйинлари, енгил атлетика заллари ва универсал спорт-томоша заллари олдидаги кийим алмаштириш хоналари, шунингдек очиқ спорт иншоотларидаги (очиқ бассейнлар бундан мустасно) кийим алмаштириш хоналари зал (майдон) билан тўғридан-тўғри боғланмаслиги, бунда шуғулланувчилар ва томошабинларнинг йўллари кесишмаслиги лозим.

345. Спорт залларида шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари бир сменада шуғулланувчиларнинг 200 фоизига, бассейнларда эса бир сменада 250 — 300 фоизига ҳисобланиши керак.

346. Спортнинг ҳар хил турлари бўйича мусобақалар ва ўқув-машғулотлари ўтказиладиган залларга эга бўлган кўп тармоқли спорт иншоотларида кийим алмаштириш хоналаридаги ўрин жойларининг сони технологик ҳисоблаш орқали аниқланиши зарур.

347. Спорт иншоотларининг санитария узелларидаги санитария жиҳозлари (приборлари) технологик ҳисоблаш бўйича ушбу ШНҚнинг 17-иловасидаги 33-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

348. Шуғулланувчилар учун душхоналар кийим алмаштириш хоналари билан тренерлар ва инструкторлар жамоаси учун душхоналар инструкторлар хоналари билан ходимлар душхоналари маиший хоналар билан бевосита боғланган бўлиши зарур.

349. Бассейнларда эркак ва аёл шуғулланувчиларнинг душхоналари айланиб юриш йўлакчаси билан бир сатҳда бўлиши керак.

350. Душхоналар очиқ хонали ва улар орасида ўтиш йўлаклари бўлиши, бунда ўтиш йўлагининг кенглиги 1,6 m га тенг деб ҳисобланиши лозим.

Душхонадан айланиб юриш йўлагига чиқиш жойида ёки сузиб чиқиш жойида оёқ ваннаси душдан чиқиб ўтиш жойининг бутун кенглигида чуқурлиги 0,1 m бўлган тагликли (поддон) душ бўлиши керак.

351. Кийим алмаштириш хоналарининг олдидаги санитария узеллари кийим алмаштириш хоналари билан ёнма-ён тамбур-шлюз орқали жойлаштирилиши керак.

Санитария узелидан душхонани четлаб бассейн ваннасига чиқишга йўл қўйилмаслиги лозим.

352. Болалар учун кийим алмаштириш хоналари, душхоналар ва санитария узеллари ўғил ва қиз болалар учун ажратилган ҳолда катталар учун мўлжалланган тегишли хоналардан алоҳида жойлаштирилиши керак.

353. Очиқ ванналарга чиқиш сузиб чиқиш жойларининг кенглиги 1,8 m ва чуқурлиги камида 0,5 m бўлган каналлар бўлиши, старт супаси бўлмаган ванналар учун сузиб чиқиш канали ваннанинг кўндаланг (торец) томонларига жойлаштирилиши зарур.

354. Бассейнларнинг техник хоналари, хлорланадиган хоналар ва хлор омборлари алоҳида махсус кириш жойига эга бўлиши лозим.

Хлорланадиган хоналарни ва хлор омборини ер сатҳидан пастга жойлаштиришга йўл қўйилади.

355. Очиқ иншоотларнинг ёрдамчи хоналари (кийим алмаштириш хоналари, санитария узеллари, душхоналар) очиқ спорт иншоотлари ичида энг узоқ очиқ иншоотдан 200 m дан ошмаган масофада жойлашган бино ичига жойлаштирилиши керак.

356. Очиқ бассейнларда кийим алмаштириш хоналари, санитария узеллари, душхоналар бевосита бассейн ваннасига бириккан бўлиши зарур.

357. Санитария жиҳозлари ушбу ШНҚнинг 17-иловасидаги 33-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши лозим.

358. Ёрдамчи хоналарнинг баландлиги пастга чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик қуйидагича белгиланиши керак:

2,7 m (вестибюллар, кийим алмаштириш, массаж, шуғулланувчиларнинг дам олиш, савдо, хўжалик, тренер-инструктор, тиббий хизмат, санитария-маиший, қўриқлаш ва ёнғин пости, омборхоналар, инвентарь, спорт қуролларини тозалаш ва сақлаш хоналари);

2,4 m (ҳакамлар учун мўлжалланган хоналар);

2,2 m (устки кийим алмаштириш машғулот кийимларини алмаштириш гардероблари, кийим ва пойабзал қуритиш хоналари, тоғ чанғи трассаси старт ва финишлари олдидаги павильонлар).

359. Томошабинлар учун ёрдамчи хоналар уларнинг энг кўп ўрин-жойларига эга бўлган томоша зали бўйича томошабинларнинг бир вақтдаги сонини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

360. Буфет ёки кафетериялар лойиҳа топшириғи асосида лойиҳаланиши керак.

361. Томошабинлар учун трибунага эга бўлган стадионнинг спорт аренаси стадионнинг асосий иншооти сифатида хизмат қилиши ҳамда мазкур ШНҚнинг 33-иловасидаги 15-расмга мувофик амалга оширилиши лозим.

362. Конструктив жиҳатдан қурилиш усулига кўра қуйидаги трибуналарга бўлиниши керак:

ер устига қуриладиган;

таянч конструкциялар устида турадиган;

уйғунлашган (комбинациялашган).

363. Трибуна остидаги бўшлиққа жойлаштириладиган ёрдамчи хоналар функция жиҳатидан бешта гуруҳга бўлиниши зарур:

I гуруҳ — бутун иншоот ёки мажмуа учун умумий бўлган хоналар (вестибюль, музда учиш учун вестибюль-исиниш жойи, касса вестибюли, буфетлар);

II гуруҳ — томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар (айланма галереялар, буфетлар, санитария узеллари);

III гуруҳ — шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиш хоналари (кийим алмаштириш, инвентар жиҳозлар, тренерлар ва инструкторлар учун хоналар, дам олиш, тиббий хизмат кўрсатиш, қишки спорт турлари учун хоналар);

IV гуруҳ — мусобақаларни ўтказиш учун хизмат кўрсатиш хоналари (ҳакамлар хоналари, ҳакамлар ҳайъати хонаси, матбуот-бюро);

V гуруҳ — иншоотларни эксплуатация қилиш учун хоналар (маъмурият хоналари, спорт ва тозалаш инвентарларини сақлаш хоналари, омборлар, техник хоналар, маиший хизмат кўрсатиш хоналари).

364. Лойиҳада спорт ядроси ва ёрдамчи хоналар гуруҳлари орасида ўзаро боғланиши лозим.

I гуруҳ хоналари барча хоналар билан эркин боғланган бўлиши керак.

II гуруҳ хоналари томошабинларнинг трибунага ҳаракатланиш йўллари ва спортчиларнинг спорт ядросига чиқиш йўлларини ажратишда томошабинлар учун уларнинг ўтириш жойлари билан бевосита боғланган бўлиши зарур.

III ва IV гуруҳларнинг хоналари спорт ядросига бирикиши ва бу хоналар ўзаро боғланган бўлиши керак.

V гуруҳ хоналари режалаштиришга боғлиқ ҳолда эркин жойлашиши лозим.

365. Спорт ядроси учун ёрдамчи хоналарнинг таркиби ва юзалари қуйидагиларга боғлиқ ҳолда аниқланиши керак:

ёз фаслида спорт ядросининг ўтказиш қобилияти 120 кишига тенглиги;

қиш фаслида 650 кишига тенг бўлиши;

томошабинлар учун ёрдамчи хоналар трибуналарнинг лойиҳавий сиғимига;

очиқ майдонлар ва заллар учун ёрдамчи хоналар уларнинг ўлчамлари, сони ва бир вақтнинг ўзида ўтказиш қобилияти ҳамда стадиондан жойлашиш масофасига (узоқлигига).

366. Кўринувчанлик шартлари бўйича 3,5 дан 5 минггача ўринли трибуналарни бир томонлама, 7,5 дан 10 минггача ўринли трибуналарни бир ва икки томонлама, 15 минг ўринли трибуналарни икки томонлама, 15 минг ва ундан кўп ўринли стадионлар учун трибуналарни уч ва тўрт томонлама жойлаштириш зарур.

367. Икки, уч ва тўрт томонлама (ҳалқасимон шаклдаги) трибуналар остига биринчи қаватга спорт ядросида қиш ва ёзда шуғулланувчилар учун ёрдамчи хоналарни бир томонлама жойлаштириш, 1-қаватдаги қолган юзадан эса спорт ядросига яқин жойлашган очиқ майдончалар учун ёрдамчи хоналар, маъмурий хоналар, махсус асос қурилишини талаб этувчи заллар учун фойдаланиш лозим.

2- ва 3-қаватларга томошабинлар учун хоналар ва галереяларни, ёрдамчи хоналар билан бирга спорт залларини ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш хоналарини жойлаштириш керак.

368. Томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар стадионнинг кириш жойларига, томошабинлар ҳаракатланадиган йўллардаги турли қаватларга жойлаштирилиши лозим.

369. Ҳакамлар, журналистлар, спорт шарҳловчилари учун мўлжалланган хоналар асосий (бош) трибунага жойлаштирилиши керак.

Шарҳловчиларнинг кабиналари трибунанинг юқори марказий қисмига ёки соябон остидаги осма майдончага жойлаштирилиши лозим.

370. Журналистлар ва шарҳловчиларга хизмат кўрсатувчи хоналарни, 1000 нафаргача кишига мўлжалланган учрашув ва пресс-конференциялар залларини, гардеробларни, махсус кафетерийларни қаватлардаги хоналарга бириккан трибуна ости бўшлиғига жойлаштириш зарур.

Бу зонага фахрли меҳмонлар учун мўлжалланган хоналар ҳам жойлаштирилиши керак.

## 7-§. Спорт ядроси ва спорт ареналарига қўйиладиган талаблар

371. Спорт ядроси марказий аренанинг асосий спорт иншооти сифатида хизмат қилиши ёки ўқув-машғулотларини ўтказиш учун мустақил ҳолатда (трибунасиз) жойлашишига йўл қўйилади.

372. Спорт ядроси таркибига айланма 400 m ва тўғри чизиқли 130 m енгил атлетика йўлаклари, ядро улоқтириш учун икки, уч ёки тўртта сектор, сакраш йўлаклари ва снарядлар улоқтириш секторлари, ўйин майдони ва ушбу ШНҚнинг 33-иловасидаги 16-расмга мувофиқ чуқурлар, тўсиқлар югуриш йўлаклари киритилиши лозим.

373. Югуриш йўлакларининг ташқи ва ички томонларидан эни 1,0 m дан кам бўлмаган хафсизлик зонасини лойиҳалаш зарур.

374. Спорт ядросининг ташқи периметри бўйлаб 0,5 дан 0,8 m гача бўлган баландликда тўсиқ лойиҳаланиши керак.

375. Футбол майдони 105x68 m ўлчамга эга бўлиши лозим.

376. Стадионнинг чим қопламаси 120x80 m ўлчамга эга бўлиши керак.

377. Сирт-юза сувларини дренаж қувурлари орқали оқизиш зарур.

Сувни оқизиш учун 3 фоиздан кам бўлмаган нишаблик ҳосил қилиниши лозим.

378. Ерга қуриладиган трибуналарни гилли грунт устига жойлаштиришда грунтга йирик донали қум 10 дан 15 cm гача қалинликда ёйилиши, қум қатлами устига эса темир-бетон қоплама жойлаштирилишига йўл қўйилади.

379. Темир-бетон конструкцияларини стадионлар трибуналари ва трибуна ости фазолари, демонстрацион заллар, бассейнлар, ёрдамчи хоналар юк кўтарувчи каркасларнинг

асоси учун қўллаш ва улардан заллар, бассейнлар қопламалари, томларининг юк кўтарувчи ҳамда тўсувчи конструкциялари, шунингдек катта бўлмаган ва ўртача оралиқларнинг ораёпмалари сифатида фойдаланишга йўл қўйилади.

380. Очиқ стадионларнинг трибуналарини тиклашда ўриндиқларни бевосита ерга ёки махсус конструкциялар устига қуришга йўл қўйилади.

381. Грунтли трибуналарни табиий ёки тўкилган гилли ёки қумлоқ грунтлар устига қуришга йўл қўйилади, бунда грунт (ерости) сувлари чуқур жойлашган жойларга қуриш зарур.

382. Грунтли трибуналарни қумлоқ (табиий ёки тоза ювилган қумли) грунтлар устига жойлаштиришда темир-бетон қопламалар бевосита қум усти бўйлаб қурилиши (ётқизилиши) керак.

383. Трибуналарнинг юк кўтарувчи синчини (каркасни) колонналар, горизонтал ригеллар, ораёпмалар ва қия ригелларнинг юк кўтарувчи плиталаридан ташкил топган йиғма темир-бетондан лойиҳалашга йўл қўйилади.

384. Трибунани ёғингарчиликлардан ҳимоя қилиш учун елимланувчи гидроизоляцияни қўллаш зарур.

385. Универсал залларга эга бўлган кўп тармоқли спорт мажмуалари қуйидагилар инобатга олиниши керак:

спорт залларини лойиҳалаш вақтида лойиҳалаш топшириғида спорт федерацияларининг қоидалари (регламентлари);

спорт залларини лойиҳалашда спорт зонаси устидаги шифт баландлигига қўйиладиган талабларга риоя қилиниши, бунда зона чегарасидан ташқарида баландлик 3 m дан кам бўлмаган баландликкача бир текис камайтирилиб борилиши;

спорт тадбирларини спорт зонасига бирлаштирилган бир нечта майдончаларда бир вақтда ўтказишга мўлжалланган универсал спорт залларини лойиҳалашда универсал спорт залининг ўтказиш қобилияти ушбу майдончаларнинг сони ва вазифасига боғлиқ ҳолда ортишини;

спортнинг ҳар хил турлари учун бир нечта майдончаларни (ўйин майдончалари) спорт залига жойлаштиришда шу майдончалар орасида ажратувчи қурилмаларни.

қопламани ва уни монтаж қилиш техникасини сақлаш хонасини (жойи);

универсал спорт мажмуаларида уларнинг спорт заллари трансформацияланадиган (кўчма) пардадеворлар билан ажратилиши, ҳар бир спорт зали кийим алмаштириш хоналари билан бевосита боғланган бўлиши, залнинг ички девори узунлиги бўйлаб 2-1,2 m кенгликда ўтиш ҳисобига залларни бўлиш тизимини ташкил этишни;

спорт заллари ва ёрдамчи хоналарни лойиҳалашда махсус техника қўлланиладиган юклаш-тушириш ишларини олиб бориш ҳамда спорт-технологик ускуналардан фойдаланиш зарурлигини;

катта массали ёки йирик габаритли ускуналар (юк тренажёрлари, мобилли фермалар ва б.) жойлаштириладиган спорт залларини биринчи қаватга юк кўтарувчи техниканинг кириш имкониятини;

спорт залларини уларнинг бўйлама деворлари бўйлаб ускунларни (гимнастика деворлари, машғулотларга мўлжалланган деворлар, гандбол, баскетбол, теннис учун шчитлар) ўрнатиш билан лойиҳалашда ушбу ускуналарни деразасиз деворларга ёки пастки қисми пол сатҳидан 4,5 m дан кам бўлмаган баландликда жойлашган деразаларга эга бўлган деворларга ўрнатишни;

машғулотлар учун мўлжалланган залларни лойиҳалашда хавфсизлик зонасининг габаритларига қўйиладиган талабларга риоя қилинишини;

спорт залларининг ўлчамлари, шунингдек хоналарнинг чиқиб турувчи конструкциларнинг пастки қисмигача бўлган баландлиги спорт турларининг қоидаларига ва спорт тадбирининг даражасига боғлиқ ҳолда лойиҳалаш топшириғига мувофиқ ўрнатишни;

спорт зоналарининг асосий параметрлари ушбу ШНҚнинг 34-иловасидаги 44-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ белгиланишини.

386. Спорт турларидан вақти-вақти билан фойдаланиш учун универсал спорт залларининг ўлчамлари спортнинг турлари учун мазкур ШНҚнинг 34-иловасидаги 45-жадвалда келтирилган энг катта кўрсаткичлар бўйича белгиланиши лозим.

387. Бадминтон майдончаларига эга бўлган залларни битталик ва жуфтлик ўйинларга мўлжалланган кортлар тўғри бурчакли тўртбурчак шаклда узунлиги 13,4 m, эни 6,1 m, диагонал бўйича узунлиги 14,723 m ҳамда белгилаш чизиқларининг кенглиги 0,04 m этиб лойиҳалаш лозим.

388. Кортнинг периметри бўйлаб 2 m кенгликда хавфсизлик зонаси ажратилиши лозим.

Бир нечта кортларни бир қатор қилиб жойлаштиришда иккита қўшни кортлар орасидаги хавфсизлик зонасининг минимал ўлчами 2 m дан кам бўлмаслиги керак.

389. А ва В тоифалардаги бандминтон залларини лойиҳалашда полдан юқоридаги чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик ушбу кортнинг бутун юзаси бўйича халқаро мусобақалар учун 12 m дан, мамлакат миқёсида ўтказиладиган мусобақалар учун 9 m дан кам бўлмаслиги лозим.

390. Бадминтон учун спорт зонасини ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 24-расмда келтирилганидек чизиқлар билан белгилаш зарур.

391. Баскетбол майдонига эга бўлган зални лойиҳалашда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклидаги ўйин майдони инобатга олиниши, бунда ўйин майдони қуйидагиларга мувофиқ амалга оширилиши керак:

узунлиги 28 m, эни 15 m (чегараловчи чизиқларнинг ички қирраларидан ўлчанган) ўйин зонасини;

майдоннинг бутун периметри бўйлаб хавфсизлик зонасини (шчитлар конструкциясигача бўлган масофани киритган ҳолда) ўз ичига киритишни;

хавфсизлик зонаси чегарасидан ташқаридаги жойларга ҳар бир жамоа учун 16 та ўрин-жойни ҳисоблашдан келиб чиққан ҳолда ўриндиқлар (скамейка) зонаси жойлаштирилишини;

ўйин майдони устидаги энг яқин конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик 7 m дан кам бўлмаслигини;

машғулот залларида майдон чизиғидан 2 m дан кам бўлмаган масофада ҳалқаларга эга бўлган қўшимча шчитларни ўрнатишни.

392. Баскетбол учун спорт зонаси ҳамда уни белгилаш ва жиҳозлаш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 25-26-расмларда келтирилган.

393. Волейбол залини лойиҳалашда мусобақа зонаси ўйин майдончаси ва эркин зонани ўз ичига киритишини ҳисобга олиш керак.

Ўйин майдончаси 18×9 m ўлчамда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклда лойиҳаланиши зарур.

Залдаги эркин зона ўйин майдончаси текислигига жойлаштирилиши ва у ҳар томондан 3 m дан кам бўлмаган кенгликни ташкил этиши, эркин зонанинг полдан унинг устидаги чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлиги 7 m дан кам бўлмаслиги лозим.

394. Волейбол учун зални лойиҳалашда веритикал устунчаларни (стержень) маҳкамлаш деталлари лойиҳаланиши керак.

395. А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

майдонча атрофида 4 m дан кам бўлмаган кенгликда ва 10 m дан кам бўлмаган (полдан чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача) баландликда эркин зонани;

жамоаларнинг ўриндиқлари томонида жойлашган иккала бурчакдаги эркин зона чегарасидан ташқарида 3×3 m ўлчамли чигил ёзиш жойини;

қоида бузганлиги туфайли ўйиндан четлаштирилган спортчилар учун назорат зонасида иккита курси билан жиҳозланган 1×1 m ўлчамли жой назарда тутилишини.

Волейбол учун спорт зонаси ва унинг белгиланиш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 27-расмда келтирилган.

396. Гандбол бўйича спорт тадбирлари учун ўйин майдончаси 40х20 m ўлчамда тўғри бурчакли тўртбурчак шаклида лойиҳаланиши, майдонча диоганалининг узунлиги битта ён чизиқ охиридан қарама-қарши ён чизиқ охиригача 44,72 m ни ва ярим майдон диоганалининг ён чизиқлар охирги нуқталаридан марказий чизиқ ва ён чизиқ кесишишининг қарама-қарши нуқтасигача узунлиги 28,28 m ни ташкил этиши лозим.

397. Гандбол ўйин майдончасининг атрофида қуйидаги ўлчамлардаги хавфсизлик зонаси бўлиши керак:

ён чизиқлар бўйлаб 1 m дан кам бўлмаган;

дарвозаларнинг ташқи чизиқлари орқасида 2 m дан кам бўлмаган.

398. Гандбол учун А ва В тоифалардаги залларда жамоа спортчилари ва мураббийларга мўлжалланган ўриндиқлар марказий чизиқдан 3,5 m масофада бўлиши лозим.

399. Стол (узунлиги 4 m дан катта бўлмаган) захира ўйинчиларининг курсиларига қараганда ён чизиққа яқин жойлашган бўлиши, бироқ стол ён чизиқдан 0,5 m дан кам бўлмаган масофада ва ўйин майдончаси сатҳидан 0,3-0,4 m га баландроқ бўлиши керак.

Жамоа курсилари олдида ён чизиқ бўйлаб марказий чизиқдан иккала томонда 8 m масофада хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

400. Дарвозалар чизиғидан 1,5 m масофада 9 — 14 m узунликда ва 5 m баландликда вертикал тўсувчи тўрни осиш имкони бўлиши керак.

Гандбол учун спорт зонаси ва унинг белгиланиш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 28-расмда кўрсатилган.

401. Футзал учун майдончага эга бўлган зални лойиҳалашда мусобақа майдони тўғри бурчакли шаклда бўлиши, бунда майдоннинг ўлчамлари қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

ён чизиқ узунлиги 42-38 m, дарвоза чизиғининг узунлиги — 25-20 m (А ва В тоифадаги заллар учун);

ён чизиқ узунлиги 42-25 m, дарвоза чизиғининг узунлиги — 25-16 m (С тоифадаги заллар учун).

402. Ўйинчиларни алмаштириш зонаси техник зона олдида 5 m узунлик билан лойиҳаланиши ҳамда 0,08 m кенглик ва 0,8 узунликдаги кесма чизиқчалар билан 0,4 m майдончада ва 0,4 m унинг ташқарисида чегараланган бўлиши керак.

Хронометрист столи олдида ўрта чизиқнинг ҳар иккала томонида 5 m эркин зона (фазовий бўшлиқ) бўлиши лозим.

Алоҳида зоналарни белгилаш ва чегаралаш талаблари футзал бўйича қоидаларга (регламент) мувофиқ лойиҳалаш топшириғи билан аниқланиши зарур.

Футзал учун спорт зонаси ва уни чизиқлар билан чегаралаш (белгилаш) схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 29-расмда келтирилган.

403. Стол тенниси учун залларни лойиҳалашда уйин майдонининг фазоси (марказда стол ва унинг атрофида эркин зона) бўлиши ва унинг ўлчамлари узунлиги — 14 m, кенглиги (эни) — 7 m, баландлиги — 5 m дан кам бўлмаслиги лозим.

Машғулотлар учун ўйин фазосининг ўлчамларини 9х5 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

Ўйин фазоси унинг периметри бўйича 1,5 m узунликда ва 0, 75 m баландликда тўқ фондаги рангли бортиклар билан тўсилиши керак.

404. Стол тенниси учун зални лойиҳалаштириш том қопламалари ва поллар (ёрқин, ялтирайдиган ва тош, бетон, ғишт ёки кафель плиткаларидан бажарилган сирпанувчан поллар тақиқланади), ёритилганлик, ранг бўйича бир хиллилик ва бошқа рангли хусусиятлардаги қисми лойиҳалаш топшириғига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

405. Стол тенниси учун А ва В тоифалардаги залларда пол ёғоч ёки ўрамли синтетик материал билан қопланган бўлиши керак.

406. Спорт зонаси ва стол тенниси учун белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 30-расмда келтирилган.

407. Теннис корти тўғри бурчакли майдон кўринишида бўлиши, бунда унинг ўлчамлари қуйидагича бўлиши керак:

узунлиги — 23,77 m;

эни — 8,23 m (яккалик ўйнаганда) ёки узунлиги — 23,77 m;

эни — 10,97 m (жуфтлик ўйнаганда).

408. 1- ва 2-тоифалардаги халқаро ва мамлакат мусобақалари учун залларда орқа чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа 6,4 m дан, ён чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа эса 3,66 m дан кам бўлмаслиги лозим.

409. 3 — 6 тоифалардаги мамлакат миқёсидаги мусобақалар, шунингдек оммавий теннис учун залларда орқа чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа 5,48 m, ён чизиқлар ва тўсиқлар орасидаги масофа эса 3,05 m дан, полдан шифтгача бўлган баландлик 9,14 m дан кам бўлмаслиги зарур.

410. Теннис майдончасининг умумий кўриниши, ўлчамлари, теннис учун спорт зонасининг белгиланиши мос равишда ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 31-а, б, в расмларга мувофиқ белгиланиши керак.

411. Аравачаларда ўйналадиган баскетбол спорт тадбирларини ўтказиш учун ўйин майдонига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 391-бандига мувофиқ бўлиши лозим.

412. Ўйин майдонига бевосита яқин бўлган жойда аравачалари билан биргаликда захира спортчилари учун иккита (ҳар иккала жамоанинг ҳар бири учун биттадан) зона лойиҳаланиши керак.

413. Голбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун ўйин майдони 18×9 m ўлчамда лойиҳаланиши, бунда ушбу майдон периметри бўйлаб 1,5 m ўлчамда хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

414. Голбол учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 35-расмда келтирилган.

415. Паралимпия стол тенниси учун ўйин майдонига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 403-банди бўйича қабул қилиниши керак.

416. Паралимпия регбиси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун спорт майдонига қўйиладиган талаблар мазкур ШНҚнинг 255-бандига мувофиқ бўлиши ҳамда майдонни чегаралаш ва жиҳозлашга нисбатан татбиқ этилмаслиги зарур.

Ушбу майдонда спорт тадбирларини ўтказишда ён чизиқлар, марказий чизиқлар, зачёт майдонидан ҳамда марказий айлана чизиғидан вақтинчалик белгилаш (разметка) қўлланилиши лозим.

417. Ўйин майдонига бевосита яқин бўлган жойда захира ғилдиракларга эга бўлган аравачаларни жойлаштириш учун иккита (ҳар бир жамоа учун биттадан) зона лойиҳаланиши керак.

418. Дарвоза чизиғи 0,45 m баландликдаги иккита ялтироқ конуслар билан чегараланган бўлиши зарур.

419. Паралимпия регбиси учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 36-расмда келтирилган.

420. Паралимпия тенниси бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш учун кортли спорт залига қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 407-бандига мувофиқ қабул қилиниши керак.

421. 5×5 футбол учун ўйин майдони периметр бўйича тўсиқларга эга бўлган ҳолда қуйидаги ўлчамларда лойиҳаланиши лозим:

узунлиги — 40 m;

кенглиги — 20 m.

5×5 футбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун despite зални трансформациялаш билан ушбу ШНҚнинг 396-банди бўйича гандбол майдончасига эга бўлган залдан фойдаланишга йўл қўйилади.

5×5 футбол бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залнинг тўсиқлари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

баландлиги 1 — 1,2 m;

тўсиқни ўрнатишда вертикалдан ташқарига оғиш бурчаги 10° дан ошмаслиги;

тўсиқ дарвоза чизиғидан 1 m масофада.

422. 5×5 футбол учун спорт зонаси ва белгилаш схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 37-расмда келтирилган.

423. Спорт акробатикаси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун А ва В тоифалардаги заллар қуйидаги ўлчамларда лойиҳаланиши лозим:

узунлиги — 45 m;

кенглиги — 30 m;

баландлиги — 10 — 12 m.

424. С тоифали залларнинг ўлчамлари 45×30 m, баландлиги 8 m дан кам бўлмаслиги керак.

425. Акробатика залини лойиҳалашда 14×14 m ўлчамларда мусобақа зонасини ҳамда бу зонанинг таркибида қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

гилам ва 12×12 m ли (чизиқнинг ташқи томони бўйича ўлчам) ишчи майдонга эга бўлган майдончани (помост);

чегаралаш белгисидан ташқарида бутун периметр бўйича 1 m кенгликда хавфсизлик зонасини.

А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда майдонча (помост) ва томошабинлар орасида ҳар томондан 2 m дан кам бўлмаган қўшимча хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

426. Спорт акробатикаси учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 38-расмда келтирилган.

427. Спорт гимнастикаси бўйича мусобақаларни ўтказиш учун А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда спорт снарядларига эга бўлган залларни эркаклар ва аёллар учун алоҳида жойлаштириш лозим.

428. 60×34 m ўлчамлардаги ҳар бир зал снарядлар тўплами билан жиҳозланиши, уларнинг рўйхати ва хавфсизлик зонасини киритган ҳолда уларни ўрнатиш жойлари халқаро гимнастика федерацияси қоидаларига мувофиқ лойиҳалаш топшириғи бўйича белгиланиши керак.

429. Спорт гимнастикаси залини лойиҳалашда спорт ускуналари ва снарядларни полга, шифт конструкцияларига ва деворларга монтаж қилиш учун маҳкамлаш деталлари бўлиши керак.

430. Спорт гимнастикаси бўйича машғулот залларини лойиҳалашда эҳтиёткорлик мосламаларини (лонжлари) жойлаштириш, маҳкамлаш, эҳтиёт чуқурларининг ўлчамлари, уларни жойлаштириш ўринларини ва шифт ва полнинг конструктив элементларига тушадиган юкларни ҳисоблаш лойиҳалаш топшириғи талаблари ҳамда халқаро гимнастика федерацияси қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

431. Спорт гимнастикаси учун спорт зонасининг схемаси ва спорт ускуналари ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 39-40-расмларида келтирилган.

432. Батутда сакраш бўйича тадбирларни ўтказиш учун спорт зали қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур:

индивидуал сакраш;

синхрон сакраш;

иккиталик минитрапм;

акробатика йўлакчаси.

433. Батутда амалга ошириладиган барча ўйин турлари бўйича мусобақаларни ўтказишда спорт снарядларини жойлаштириш учун зал ўлчамлари 43×39 m дан, шифтгача баландлик 8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

434. Зални лойиҳалашда спорт ускуналари ва снярядарини полга, шифт конструкцияларига ва деворларга монтаж қилиш учун маҳкамлаш деталлари лойиҳаланиши керак.

435. Ўйин турлари учун бошқа снарядларни, батутда сакраш учун спорт ускунасини, хавфсизлик зоналарини жойлаштириш билан зални лойиҳалаштиришда лойиҳа топшириғи талабларини ва халқаро гимнастика федерацияси қоидаларини инобатга олиш лозим.

436. «Иккиталик минитрапм» ўйин тури бўйича халқаро мусобақаларни ўтказиш залини лойиҳалаштиришда иккита минитрампни жойлаштириш (ўрнатиш)да хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

437. Батутда сакраш учун спорт зонаси ва ускуналари схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 41 — 43-расмларда келтирилган.

438. Бадиий гимнастика бўйича спорт тадбирлари учун зал 8 m дан кам бўлмаган баландликда лойиҳаланиши зарур.

Бадиий гимнастика бўйича спорт тадбирлари учун зал баландлигини 10 — 14 m да лойиҳалашга йўл қўйилади.

439. А ва В тоифалардаги залларни лойиҳалашда майдонча (помост) қирраси ва томошабинлар орасида ҳар томондан 2 m дан кам бўлмаган қўшимча хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

440. Бадиий гимнастика учун спорт зонаси схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 44-расмда келтирилган.

441. Бокс бўйича мусобақалар зали махсус майдончага (помост) ўрнатиладиган битта ёки иккита ринг жойлаштирилишини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

Машғулот залларида рингни махсус майдончасиз (помост) ўрнатишга йўл қўйилади.

442. А ва В тоифалардаги залларда канатларнинг ички чизиғи бўйича 6,10×6,10 m ўлчамларда рингларни жойлаштириш имкони бўлиши керак.

А ва В тоифалардаги залларда бошқа мусобақалар учун 4,90×4,90 m дан 6,10×6,10 m гача бўлган ўлчамлардаги ринглардан фойдаланиш зарур.

443. А ва В тоифалардаги залларда томонининг узунлиги 7,8 m бўлган квадрат шаклидаги платформали майдончани жойлаштириш имкони бўлиши лозим.

444. С тоифали залларда ўлчамлари 5,82×5,82 m дан 7,8×7,8 m гача бўлган майдончалардан (канатлар орасидаги ринг ўлчамига боғлиқ ҳолда) фойдаланишга йўл қўйилади.

445. А ва В тоифалардаги залда мусобақа майдончасининг баландлиги пол ёки асос сатҳидан 1,0 m ни ташкил этиши, бошқа мусобақаларда майдончанинг баландлиги 0,91 — 1,22 m бўлиши лозим.

446. Бокс учун залларни лойиҳалашда майдончалар периметри бўйича 3 m дан кам бўлмаган кенгликда хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

447. Бокс учун машғулот залларини лойиҳалашда ринг ташқарисида шифт конструкциялари ва деворларга маҳкамланувчи осмаларга маҳкамланган машғулот ускуналари (бокс қоплари, груша, девор ёстиқлари ва б.)га эга бўлган майдонча бўлиши лозим.

448. Бокс майдонлари (битта ва иккита), спорт зонасининг умумий схемаси мос равишда ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 45-*а, б, в* расмларида келтирилгандек жойлаштирилиши ва белгиланиши зарур.

449. Дзюдо бўйича спорт тадбирлари учун залларда ўлчамлари 14×14 m дан кам бўлмаган татами қопламали бир (ёки бир нечта) майдончалар лойиҳаланиши лозим.

450. Дзюдо бўйича мусобақалар учун майдончага қуйидаги зоналар жойлаштирилиши керак:

мусобақалар учун ички юзанинг (ишчи зона) ўлчами минимал 8×8 m, максимал ўлчами 10×10 m бўлиши;

хавфсизлик зонасининг кенглиги 3 m дан кам бўлмаслиги.

451. Дзюдо учун А ва В тоифалардаги заллар қуйидагиларга эга бўлиши керак:

10×10 ўлчамли ишчи зонага;

0,5 m дан кам бўлмаган кенгликдаги эркин зонага;

4 m дан кам бўлмаган кенгликдаги хавфсизлик зонасига.

452. Мусобақалар учун икки ва ундан кўп бўлган майдончаларни жойлаштиришда ушбу майдончалар орасида кенглиги 4 m дан кам бўлмаган умумий хавфсизлик зонаси бўлиши лозим.

453. Мусобақалар учун майдонча эластик пол ёки платформага жойлаштирилиши, бунда баландлиги 1 m дан катта бўлмаган платформадан фойдаланилганда унинг ён қирралари 18 m дан кам бўлмаган ўлчамларда бўлиши ва унинг атрофида кенглиги 4 m бўлган хавфсизлик зонаси бўлиши керак.

454. Дюздо учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 46-расмда келтирилган.

455. Кураш бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залларда 12×12 m ўлчамли бир ёки бир нечта (тўрттадан кўп бўлмаган) гиламларни жойлаштириш имкони назарда тутилиши керак.

Уларнинг марказидан диаметри 9 m бўлган кураш зонаси ва периметр бўйича 1,5 m кенгликда хавфсизлик зонаси белгиланган бўлиши лозим.

456. А ва В тоифалардаги залларда гиламни жойлаштириш учун 1,1 m дан катта ва 0,5 m дан кам бўлмаган баландликда майдончалар ўрнатилиши, бунда уларнинг ён томонлари ички томонга 45° қияликда бўлиши керак.

457. Битта мусобақа майдончаси устига тўшалган гиламлар орасидаги хавфсизлик зонасининг кенглиги, шунингдек гиламдан унга яқин жойлашган конструкциягача бўлган масофа 4 m дан кам бўлмаслиги лозим.

458. Гиламларни машғулот залларига хавфсизлик зоналарига риоя қилмасдан жойлаштиришда (гиламлар деворларга тақаб жойлаштирилганда ёки таянч конструктив элементлар мавжуд бўлганда) деворлар полдан 1,8 m гача бўлган баландликда эластик матлар (протекторлар) билан қопланиши керак.

459. Спорт кураши учун спорт зонаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 47-расмда кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши зарур.

460. Самбо бўйича спорт мусобқалари учун залларда ўлчамлари 11×11 m дан 14×14 m гача бўлган бир ёки тўрттадан кўп бўлмаган гиламларни жойлаштириш имкони бўлиши, бунда уларнинг марказига диаметри 6 m дан 9 m гача бўлган ишчи майдонча жойлаштирилиши лозим.

461. Гиламни жойлаштириш учун майдонча ушбу гиламдан ҳар томондан 1 m га кенг бўлиши керак.

Бир нечта гиламлар жойлаштирилганда эса уларни тирқишсиз бир-бирига тақаб жойлаштиришга йўл қўйилади.

462. Гилам (гиламлар) учун залга майдончани жойлаштиришда ушбу майдончанинг баландлиги 1 m дан кам бўлмаслиги, ён томонлари ташқи томонга 45° бурчак остида қияликда бўлиши керак.

463. Залларининг тор шароитларида хавфсизлик зоналарига риоя қилмасдан гиламларни жойлаштиришда (гиламлар деворларга тақаб жойлаштирилганда ёки таянч конструктив элементлар мавжуд бўлганда) деворлар полдан 1,8 m гача бўлган баландликда эластик матлар (протекторлар) билан қопланган бўлиши лозим.

464. Самбо учун спорт зонаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 48-расмда кўрсатилган схема бўйича лойиҳаланиши зарур.

465. Оғир атлетика бўйича спорт тадбирлари учун залларда баландлиги 150 mm дан кам бўлмаган 4×4 m ўлчамли майдончани жойлаштириш имкони бўлиши керак.

Периметр бўйича хавфсизлик зонасининг кенглиги 1 m га тенг бўлиши зарур.

466. Полнинг майдонча атрофидаги ранги шу майдонча ранги билан бир хил бўлса, у ҳолда майдонча қирралари бўйича кенглиги 150 mm дан катта бўлмаган контрастли (бошқа рангдаги) чизиқ тортилиши лозим.

467. Майдончани ўлчамлари 10×10 m дан кам, баландлиги (майдончанинг юқори қисмигача) 1 m дан катта бўлмаган подиум устига жойлаштиришга йўл қўйилиши, бунда кўчма зинапоялардан фойдаланиш лойиҳаланиши керак.

Оғир атлетика учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 49-расмда келтирилган.

468. Қиличбозлик бўйича спорт тадбирлари учун залларда 1,5 — 2 m кенгликда, 4 m узунликда бир ёки бир нечта жанг майдонларини ва жанг майдони атрофида кенглиги 2 m дан кам бўлмаган хавфсизлик зонасини жойлаштириш имкони бўлиши керак.

469. Қиличбозлик спорти бўйича А ва В тоифалардаги залларда 13 тагача жанг майдончалари ва майдонча устига жойлаштириладиган финал йўлакчаси бўлиши лозим.

470. Жанг майдончаларини кенглиги 2 m, баландлиги 0,3 — 0,5 m, узунлиги 20 m бўлган майдонча устига жойлаштиришга йўл қўйилади.

471. Қиличбозлик спорти учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 50-расмда келтирилган.

472. Паралимпия дзюдоси бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун майдончага қўйиладиган талаблар ушбу ШНҚнинг 449 — 451-бандларига мувофиқ бўлиши керак.

473. Кураш тушиш зоналарининг чегараларини белгиловчи тактил белгилар, татамилар кураш тушиш зонасининг чегараларида текстурали суратга эга бўлиши лозим.

474. Паралимпия пауэрлифтинги бўйича спорт тадбирларини ўтказиш учун залларда 0,05 m дан катта бўлмаган баландликда, 2,5×2,5 m дан кичик бўлмаган ўлчамларда ва 4,0×4,0 m дан катта бўлмаган пауэрлифтинг учун ўриндиқлар жойлаштириш имкони бўлиши лозим.

Майдонча сирти қаттиқ, текис, силлиқ, сирпанмайдиган, горизонтал, периметри бўйича майдонча қирралари силлиқ бўлиши керак.

Майдонча ўрнига баландлиги 0,7 m дан катта бўлмаган, кенглиги ва эни 10×10 m дан кичик ҳамда 12×12 m дан катта бўлмаган ўлчамлардаги пауэрлифтинг учун ўриндиқлар ўрнатиш учун подиум қўлланилишига йўл қўйилади.

Бунда, ўлчамлари 4×4 m бўлган мусобақа зонаси тўқ рангдаги (контрастли) скотч билан чегаралаб белгиланиши лозим.

475. Подиумга кириш учун иккита (кириш ва чиқиш учун) алоҳида пандуслар бўлиши зарур.

Пауэрлифтинг спорти учун спорт зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 51-расмда келтирилган.

476. Аравачаларда амалга ошираладиган қиличбозлик спорти тадбирлари учун спорт залларида аравачалар маҳкамланадиган рама бўлиши керак.

477. Залда бир вақтнинг ўзида аравачаларда амалга ошириладиган қиличбозлик бўйича бир нечта жанглар ўтказилишига йўл қўйилади.

478. Аравачаларда амалга ошираладиган қиличбозлик спорти зонасининг схемаси ушбу ШНҚнинг 35-иловасидаги 52-расмда келтирилган.

479. Умумий жисмоний тайёргарлик (УЖТ) кўриш учун спорт зонасига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак:

тренежёрларга эга бўлган УЖТ залидаги кардиозона ёки жисмоний зонанинг юзаси битта спорт ускунасига (битта тренежёрга) 6 $m^2$ тўғри келиши;

УЖТ заллари барча турдаги спорт иншоотларда лойиҳаланиши;

УЖТ залларининг сони, параметрлари ва ёритилганлиги спорт иншоотининг турига ҳамда унда спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган залларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда лойиҳалаш топшириғи бўйича;

УЖТ залларининг баландлиги 4 m дан кам бўлмаслиги;

УЖТ залларини лойиҳалашда қуйидаги асосий зоналар (ёки алоҳида заллар):

кардиозона;

жисмоний зона;

эркин зона (гуруҳли машғулотлар заллари).

480. УЖТ жисмоний зонасида эркин вазнли тошлар ёки штангалар билан олиб бориладиган машғулотлар учун махсус қоплама ёки машғулот помости бўлиши лозим.

481. Спорт иншоотидаги МЖТ залларининг сони ва кўрсаткичлари лойиҳалаш топшириғи бўйича аниқланиши зарур.

МЖТ залларининг баландлиги 4 m дан кам бўлмаслиги, махсус тренажёрлардан (қурилмалар) фойдаланилганда уларнинг габаритлари қўшимча бўшлиқ бўлиши, баландлиги лойиҳалаш топшириғи бўйича аниқланиши керак.

МЖТ залларини лойиҳалашда ушбу заллар спортнинг қуйидаги турлари учун махсус спорт тренежёрлари билан жиҳозлаган бўлиши лозим:

спортнинг ўйин турлари;

спортнинг мураккаб координацион турлари (хореография залини киритган ҳолда);

спортнинг якка кураш турлари;

спортнинг циклик турлари.

## 6-боб. Маданият объектларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Кинотеатр, театр, концерт заллари, цирк биноларига қўйиладиган умумий талаблар

482. Томошабинлар залларига эга бўлган маданий-томоша тадбирларига мўлжалланган бинолар ушбу ШНҚнинг 3-иловасидаги 5-жадвал кўрсаткичларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

483. Икки ва ундан ортиқ томошабинлар залларига эга бўлган маданий-томоша тадбирларига мўлжалланган биноларнинг оловбардошлик даражаси II дан паст бўлмаслиги лозим.

484. Қишлоқ ва овуллар жойларидаги маданият марказлари учун III ва IV оловбардошлик даражаларидаги биноларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

485. Оловбардошлик даражаси II бўлган ёзги кино-концерт залларида томошабинларнинг ўринлари сони нормаланмаслиги, оловбардошлик даражаси III бўлган ёзги кино-концерт залларида ўринлар сони 800 дан ошмаслиги зарур.

486. Томошагоҳ биноларида томошабинлар зали ва фойе иккинчи қаватга жойлаштирилганда улар тагидаги ораёпманинг оловбардошлик чегараси REI 60 бўлган ёнғинга қарши 2-типда бўлиши керак.

487. Оловбардошлик даражаси III, IV бўлган биноларда ертўла ва цоколь қаватлари устидаги ораёпмани оловбардошлик чегараси REI 60 бўлган 2-типли ёнғинга қарши плиталардан (конструкция) қуриш лозим.

488. Оловбардошлик даражаси III бўлган биноларда томошабинлар зали устидаги мансардани ёнма-ён жойлашган бўшлиқлардан оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган ёнғинга қарши деворлар ёки оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган пардадеворлар билан ажратиш зарур.

489. Ёнувчан материалларни сақлаш ёки қайта ишлашга мўлжалланган устахона ва омборларни томоша заллари остига жойлаштирмаслик лозим.

490. Театрлар, кинотеатрлар, маданият марказлари, концерт-филармонияларнинг томоша заллари ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 13-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

491. Балконли, ложали, поғонали залларнинг майдони ажратиб турувчи конструкциялар қуйидаги чегараларда аниқланиши лозим:

кинотеатрлар учун — эстрадани қўшган ҳолда;

театрлар, концерт заллари, универсал заллар учун — эстрада ёки авансаҳнанинг олди чегарасигача (ёки оркестр чуқурлиги тўсиғигача).

492. Томоша залларининг ўлчамлари саҳнадан яхши кўриниш ва эшитиш бўйича технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

493. Томоша залининг узунлиги драматик ва мусиқа-драматик театрларда саҳнанинг қизил чизиғидан охирги қаторгача бўлган масофани 25 — 27 m, опера-балет театрларида 30 — 35 m да бўлиши керак.

494. Киноэкранли томоша залларининг кўрсаткичлари ушбу ШНҚнинг 19-иловасида келтирилган.

495. Томошабин кўриш нури йўналишининг олдинги қаторда ўтирган томошабин кўзидан кўтарилиш баландлиги камида 0,06 m га тенг бўлиши зарур.

496. Томоша залида полнинг (ўтиш йўлаги пандуслари) нишаби 1:7 нисбатдан катта бўлмаслиги, йўлак поғонали бўлганда поғонанинг баландлиги 0,2 m дан ошмаслиги зарур.

497. Қўзғалмас суянчиқли ўриндиқлар ўрнатилган томоша залларида ўтиш йўлагининг кенглиги камида 0,8 m бўлиши, ўриндиқларнинг сони 300 гача бўлган кичик залларда ҳамда ложа ва балконларда, ёзги кино-концерт залларида ўтиш йўли кенглигини 0,65 m гача камайтиришга йўл қўйилади.

498. Ўриндиқлар кенглиги (тирсак суянчиқларининг ўқлари орасидаги масофа) камида 0,52 m, курсиларнинг кенглиги камида 0,45 m бўлиши керак.

499. Томоша залида қаторлари сони учтадан ошмаган яруслар ёки балконларни лойиҳалашда полдан шифт остидаги чиқиб конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлик 2,1 m дан кам бўлмаслиги, қаторлар сони учтадан кўп бўлганда бу баландлик 3,0 m дан кам бўлмаслиги лозим.

500. Кинотеатрлардаги томоша залларининг параметрлари, кинопроекторларнинг типлари ва сони, кинопроекция хоналарининг таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича ушбу ШНҚнинг 19-иловасини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

501. Кинопроекция хоналари гуруҳининг таркибида қуйидагилар бўлиши керак:

кино тасмасини ўрайдиган жойга эга бўлган проекция хонаси;

устахонага эга бўлган киномеханик хонаси;

радиоузел;

санитария узели;

502. Театр залларида анъанавий калосникли саҳналар (саҳна кармонлари, саҳна қутилари, ишчи галереялар) билан бир қаторда ҳар хил типли эстрада ва саҳналар (марказлашган, аренали, панорамали, айланасимон ва б.) қўлланилишига йўл қўйилади.

503. Саҳнанинг типи, параметрлари, саҳна ва калосниклар кармонларининг габаритлари технологик талаблар бўйича белгиланиши лозим.

504. Ўринлар сони 300 гача бўлган кичик залларда саҳналарнинг кенглиги 12 — 18 m, эни 8 — 12 m, баландлиги 10 — 13 m бўлиши зарур.

505. Ўринлар сони 400 ва ундан кўп бўлган залларда саҳналар кенглиги камида 20 m, эни 12 — 18 m, баландлиги 18 — 20 m (кармонлари билан режада 6x12 m ва баландлиги камида 1,9 m бўлган трюмли) саҳналар бўлиши лозим.

506. Саҳна ва авансаҳна, арьерсаҳналар планшети ва кармонларнинг поли бир сатҳли қилиб лойиҳаланиши керак.

507. Авансаҳна қурилиш портали кенглиги чегараларида ва авансаҳнадан томоша залига чиқувчи камида иккита чиқиш йўлаги лойиҳаланиши лозим.

508. Саҳна поли текислиги билан саҳна томонидан қурилиш портали текисликларининг кесишган чизиғини саҳнанинг қизил чизиғи деб ҳисоблаш зарур.

509. Саҳна (авансаҳна, эстрада) планшетининг биринчи қатор поли сатҳидан баландлиги 1,1 m дан катта бўлмаслиги, 300 ўрингача бўлган кичик сиғимли залларда 0,8 m га тенг бўлиши керак.

510. Технологик асослар бўйича саҳнанинг қия планшетларини қўллашга йўл қўйилади.

511. Намойишларда ёритиш ишларини бошқариш учун технологик вазифадаги хона лойиҳа топшириғига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

512. Кино-концерт залларида, шунингдек маданият марказларида эстрада ва қурилиш портали ҳамда авансаҳнанинг ўлчамлари ушбу ШНҚнинг 502 — 510-бандларини ва залнинг вазифасини ҳисобга олган ҳолда технологик талаблар бўйича белгиланиши керак.

513. Биноларнинг цоколь ва ертўла қаватларига жойлаштириладиган маданий вазифаларни бажаришга мўжалланган барча хоналар олдида мазкур ШНҚнинг 52 — 56-бандларига мувофиқ чуқурлари бўлган деразалар ва ҳар бир блокдан ташқарига олиб чиқувчи алоҳида чиқиш жойларига эга бўлиши лозим.

514. Томошабинлар учун комплекс хоналар (кириш жойлари, рекреация ва санитария-гигиена хоналари) томошабинларнинг ўринлари сони бўйича ушбу ШНҚнинг 18-иловасидаги 34-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

515. Томошабинлар учун комплекс хоналар таркибида маълумот олиш хоналари ва бўш вақтни ўтказишга мўлжалланган хоналар, кўргазмалар заллари, артистлар учун кафе ва бошқалар жойлашиши керак.

516. Оркестр чуқурининг параметрлари бир нафар созандага (оркестрантга) камида 1,2 m$^2$ майдон бўлиши ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши ҳамда оркестр чуқурининг кенглиги камида 2,5 m, чуқурлиги эса камида 1,9 m бўлиши керак.

517. Оркестр чуқури тўсиғининг баландлиги 0,9 m га тенг бўлиши ва ушбу тўсиқдан томошабинлар ўриндиқларининг биринчи қаторигача бўлган масофа 0,9 m дан кам бўлмаслиги лозим.

518. Артистларнинг саҳнага чиқиш олдидан кутиб туриш хонаси саҳнага қўшилган ҳолда жойлаштирилиши ва бир нафар артистга 1,8 — 2,0 m$^2$ майдон тўғри келиши зарур.

519. Артистлар учун грим хоналари қуйидаги майдон кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

хоналарда бир нафар кишига — 9 m$^2$;

балет, цирк артистлари учун бир кишига — 11 m$^2$;

икки нафар кишига — 6 m$^2$;

балет артистлари учун ҳар бир кишига — 7,5 m$^2$;

уч нафарга — 4,5 — 5,0;

4 нафарга — 3,5 — 4,5;

6 нафарга — 3 — 3,5;

6 нафардан кўп бўлганда — 3 m$^2$.

520. Душга эга бўлган санитария узеллари солистларнинг грим хоналари олдида лойиҳаланиши, артистлар хоналари олдидаги санитария узелларида қуйидагилар бўлиши керак:

3, 4 нафар артистга 1 та унитаз ва 1 та душ;

ҳар бир грим ва ҳожатхона олдида қўл ювиш жиҳози.

521. Драматик театрларда икки-учта репетиция зали, мусиқа-драматик ва опера-балет театрларида камида учта репетиция зали лойиҳаланиши зарур.

522. Балет репетицияси ўтказиладиган хоналарнинг баландлиги камида 4,2 m бўлиши керак.

523. Маъмурий ва бадиий раҳбарлар учун хоналар, техник таъминлаш хоналари 5 — 6 m$^2$/киши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланиши ҳамда алоҳида хоналар 9÷12÷18 m$^2$ майдонга эга бўлиши лозим.

524. Устахоналарнинг (дурадгорлик, чилангарлик, матоларга нақш солиш хоналари) баландлиги камида 3,6 m бўлиши, бунда дастгоҳлар ёрдамида тайёрланадиган декорацияларни монтаж қилиш хонасининг баландлиги саҳна кармони баландлигидан кам бўлмаслиги зарур.

Кичик устахоналар камида 15 m$^2$ майдонга эга бўлиши керак.

525. Ўраладиган (йиғма) декорацияларни, ёнғинга қарши пардаларнинг чиғириқлари (лебёдкалари) сейфини, саҳна шчити хоналарини 2,4 m баландликдаги трюмларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

526. Цирк манежининг (аренаси) диаметри 13 m га тенг бўлиши, унинг баландлиги 0,5 m ва тўсиғининг кенглиги 0,5 m бўлиши лозим.

527. Асосий чиқиш жойи ёнида артистлар ва ҳайвонларнинг манежга чиқиш олдида кутиб туриш жойи бўлиши, унинг майдони технологик талаблар бўйича белгиланиши зарур.

528. Эстрадани асосий чиқиш жойининг устига жойлаштириш ва унинг олдида оркестр хонаси бўлиши лозим.

529. Цирк манежи (аренаси) устидаги гумбаз ости фазосининг баландлиги технологик талаблар бўйича белгиланиши керак.

530. Циркларда ҳайвонларнинг арена олдидаги хоналари арена поли сатҳида ва аренага чиқиш жойига яқин қилиб жойлаштирилиши, ушбу хоналар табиий ёруғлик билан ёритилиши ва ташқарига қаратилган алоҳида чиқиш жойларига эга бўлиши зарур.

531. Устахоналар, омборхоналар, маъмурий-хўжалик, ўқув-машғулот хоналари, ҳайвонларни сақлаш хоналари технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши лозим.

## 2-§. Музей ва кўргазма заллари биноларига қўйиладиган талаблар

532. Музейлар ва кўргазмалар заллари экспозициялар ҳамда вақтинчалик кўргазмалар учун зарурий майдонларга эга бўлиши, асосий ва ёрдамчи хоналар, хизмат кўрсатиш хоналарининг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши лозим.

533. Ёрдамчи хоналарга қуйидагилар киритилиши керак:

коммуникация ва рекреация хоналари;

ахборот-маълумот ва маданий-маърифий вазифалардаги хоналар.

534. Хизмат кўрсатиш хоналари таркибига қуйидагилар киритилиши зарур:

вестибюллар;

гардероблар;

санитария узеллари;

буфетлар;

хўжалик ва техник хоналар.

535. Экспозиция заллари учинчи қаватдан юқори бўлмаган қаватларга жойлаштирилиши лозим.

536. Залларнинг режаси уларни трансформациялаш вариантларини ҳисобга олган ҳолда экспозицияларни томоша қилиш қулайлигини таъминлаш лозим.

537. Экспозиция заллари ташриф буюрувчиларни қабул қилиш жойлари ва хизмат кўрсатиш хоналари ҳамда экспонатларни экспозицияга тайёрлаш, фонд сақлаш хоналари билан боғланган бўлиши керак.

538. Экспозиция майдони, залларнинг габаритлари экспонатларнинг ўлчамларини ва уларни томоша қилишнинг қулайлигини, шунингдек залдаги ташриф буюрувчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

539. Кичик габаритли экспозиция учун бир нафар ташриф буюрувчига 6 — 8 m$^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда 36 — 50 m$^2$ майдонли заллар, ўртача габаритли экспонатлар учун камида 60 m$^2$ майдонга эга бўлган заллар лойиҳаланиши лозим.

540. Асосий экспонатлар олдида 6 — 15 m$^2$ бўш майдон бўлиши, залдаги ўтиш йўлакларининг кенглиги 2,4 m дан кам бўлмаслиги зарур.

541. Кичик габаритли экспозициялар залларининг баландлиги 3 — 3,6 m, катта габаритли экспозициялар галереяси залларининг баландлиги 4,5 m ёки ундан катта бўлиши керак.

542. Фонд сақлаш хоналари экспонатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва сақлаш хоналарини, илмий ходимларнинг тадқиқот хоналарини ҳамда ташриф буюрувчилар учун хоналарни ўз ичига киритиши лозим.

543. Фонд сақлаш хоналари экспонатларни сақлаш технологиясини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, экспонатларни сақлаш режимларига эга бўлган алоҳида хоналарга бўлиниши лозим.

544. Экспонатларни қабул қилиш хонаси уларни вақтинчалик ва доимий сақлаш жойлари, изолятор ва кимёвий ишлов бериш дезокамералари, реставрация устахоналари билан боғланган бўлиши зарур.

545. Вестибюллар, гардероблар, фойе, буфетлар, ахборот-маълумот ва маданий-маърифий вазифалардаги хоналар, санитария узеллари томошабинлар учун комплекс хоналарнинг ҳисобий нормаларини ҳисобга олган ҳолда бир вақтнинг ўзида ташриф буюрувчилар максимал сонининг 25 — 50 фоизга мўлжалланган бўлиши керак.

### 3-§. Кутубхона биноларига қўйиладиган талаблар

546. Кутубхоналар ва архивларнинг бинолари II дан кам бўлмаган оловбардошлик даражасида ва 5 қаватдан ошмаган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

547. Кутубхоналар ҳамда архивларнинг китоблар ва ҳужжатлар сақланадиган хоналарини оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган ёнғинга қарши пардадеворлар билан 600 $m^2$ дан катта бўлмаган юзага эга бўлган бўлинмалар (отсек) бўлиши, бунда ҳар бир бўлинмадан эвакуация чиқиш жойлари иккитадан кам бўлмаслиги ҳамда бўлинмаларга оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган 2-типли ёнғинга қарши эшиклар ўрнатилиши керак.

548. Нодир ва камёб нашрлар сақланадиган хоналарни бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган ёнғинга қарши деворлар ва ораёпмалар билан ажратиш зарур.

549. Кутубхоналар ва архивларнинг 36 $m^2$ дан катта майдонга эга бўлган китоб сақлаш хоналарида ҳамда майдони худди шундай бўлган омборхоналар ва инвентарь хоналарида деразалар бўлмаганда, уларда ҳавони тортиб чиқарувчи каналлар бўлиши ва ушбу каналлар кўндаланг кесимининг юзаси пол майдонининг 0,2 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бу каналлар ҳар бир қаватда автомат ва дистанцион юритгичли клапанлар билан таъминланиши зарур.

550. Тутун чиқарувчи клапанлардан хонанинг энг узоқ нуқтасигача бўлган масофа 20 m дан ошмаслиги зарур.

551. Ҳавони тортиб чиқарувчи каналлар ҚМҚ 2.04.05-97* талабларига мувофиқ бўлиши керак.

552. Кутубхоналар китоб фондини сақлаш бирлиги ва заллардаги ўқиш ўрин-жойларининг сонини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

553. Кутубхоналардаги хоналарнинг таркиби ва майдонлари уларнинг вазифалари, ихтисослашганлигини ҳисобга олган ҳолда технологик талаблар бўйича белгиланиши, бунда хоналарнинг таркиби ва майдонлари ушбу ШНҚнинг 5-иловасидаги 12-жадвалда келтирилган асосий кўрсаткичларга мувофиқ бўлиши зарур.

554. Вестибюллар олдида залнинг 100 фоиз сиғими бўйича гардероб ва буюмларни сақлаш хонаси, нусха кўчириш ҳамда муқовалаш-жилдлаш хизмати хоналари бўлиши керак.

555. Аванзал каталоглар билан ишлаш жойини, адабиётларнинг кўргазма стендларини, адабиётларнинг ишчи фондини ўқиш залига бериш ва вақтинчалик сақлашни ўз ичига олиши аванзалнинг майдони камида 30 $m^2$ бўлиши зарур.

556. Абонемент зонаси китобларни бериш ва қайта қабул қилиш кафедрасини ўз ичига олиши, ушбу зона ўқиш залидан ностационар пардадевор билан ажратилиши, бунда бўлимнинг майдони камида 20 $m^2$ бўлиши керак.

557. Библиографик маълумот бўлимининг умумий майдони камида 20 $m^2$ бўлиши лозим.

558. Китобларни бутлаш (комплектлаш) ва уларга ишлов бериш бўлимида қуйидаги зоналар бўлиши зарур:

хизмат каталоги;

ходимларнинг иш жойлари;

китобларни бутлаш ва уларга ишлов бериш жойлари.

559. Залларга компьютерлар, видиокўриш, мусиқа ёзувларини эшитиш хоналари жойлаштирилиши зарур.

560. Кутубхоналар олдида қўшимча зал-аудиториялар, концерт учун заллар, фонотека, кўргазма ва музей заллари, интернет-кафе заллари бўлиши керак.

## 4-§. Театр биноларига қўйиладиган талаблар

561. Театрлар ҳамда 15х7,5 m; 18х9 m; 21х12 m ва ундан катта ўлчамли бўлган саҳнали маданият марказларининг биноларида саҳна ва томоша зали устидаги томёпманинг юк кўтарувчи конструкцияларини (фермалар, тўсинлар, тўшамалар) ЁНМ гуруҳдаги материаллардан қуриш лозим.

562. Театр биносининг намойиш этиш мажмуасига технологик хизмат кўрсатиш хоналарини (саҳна ораёпмаси ўлчамлари чегарасида жойлашган саҳна ёритувчи хоналардан ташқари) шу бинонинг томоша қилишга мўлжалланган қисмидан оловбардошлик чегараси EI 45 дан паст бўлмаган ёнғинга қарши тўсиқлар ва оловбардошлик чегараси EI 45 дан паст бўлмаган ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш зарур.

563. Саҳна планшетининг юк кўтарувчи элементлари ЁМН гуруҳдаги материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

564. Ушбу элементлар устига ётқизиладиган тўшама (настил) ҳамда панжарали тўшама ва ишчи галареяларнинг тўшамаси учун ёғоч қўлланилганда, ёғочга оловдан ҳимоя қилувчи воситаларни шимдириш билан унинг ёнувчанлиги Ё1 ёки Ё2 гуруҳлардаги материалларнинг ёнувчанлигигача туширилиши лозим.

565. Томошабинлар залининг балконлари, амфитеатр ва партернинг ёнмайдиган юк кўтарувчи конструкциялари устига қурилган қават каркасини поғонасимон пол ёки талаб этилган нишабликни ҳосил қилиш учун ЁНМ гуруҳдаги материаллардан тайёрлаш зарур.

566. Устки қурилган қават бўшлиқларининг майдони 100 $m^2$ дан ортиқ бўлмаган бўлакларга диафрагмалар билан ажратилган бўлиши, бунда уларнинг баландлиги 1,2 m дан юқори бўлганда бўшлиқларни кўздан кечириш (текшириш) учун кириш жойлари бўлиши керак.

567. Томоша залларидаги осма шифтларнинг синч (каркас) бўшлиқларининг тўлдирмаларини, сиғими 800 ўриндан ортиқ бўлган саҳнали маданият марказлари, театр заллари деворлари ва шифтларининг панжарасини синчини (каркас) ЁНМ гуруҳдаги материаллардан тайёрлаш, бунда ушбу залларнинг сиғими 800 ўриндан кам бўлганда ушбу панжаралар учун Ё1 гуруҳдаги материаллардан фойдаланиш лозим.

568. Яхлит осма шифтларда овоз кучайтиргичлар, қандилларни ўрнатиш учун қолдирилган тешикларни устки томондан оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган ёнмайдиган қопқоқлар билан ҳимоя қилиш зарур.

569. Томоша залларининг устига хоналар жойлаштирилганда улар ораёпмаларининг юк кўтарувчи конструкциялари (ферма, тўсин ва б.) тепа ва паст томонлардан оловбардошлик чегараси REI 60 дан кам бўлмаган ЁНМ гуруҳдаги материаллар билан ҳимояланган бўлиши керак.

570. Томоша зали ораёпмасининг габарити чегараларида жойлашган ва саҳнани ёритишга мўлжалланган хоналарни оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 1-типли ёнғинга қарши пардадеворлар билан бошқа хоналардан ажратиш лозим.

571. Томоша залларидаги ўриндиқлар, курсилар ёки уларнинг бўғинларини полга маҳкамлаш мосламаси билан биргаликда лойиҳалаш зарур.

12 кишилик ўринга мўлжалланган балкон ва лоджиялардаги ўриндиқлар, курсилар бундан мустасно.

572. Арена-зал поли устига томошабинлар учун трансформацияланадиган ўриндиқлар жойлаштирилганда уларнинг ағанаши ва силжишининг олдини олувчи мосламалар ўрнатилган бўлиши керак.

573. Рирпроекция хоналаридан саҳна ёки арьерсаҳнага, кинопроекция, аппарат ва ёруғлик проекция хоналаридан томоша залига қаратилган деразалар ва бўш оралиқларни оловбардошлик чегараси EI 15 дан паст бўлмаган дарпарда ёки қопқоқлар билан ҳимоя қилиш лозим.

574. Динамик проекция учун жиҳозланган ёруғлик проекция хонасининг деразалари ва туйнукларини тобланган ойна билан ҳимоя қилиш зарур.

575. Томошабинлар зали ва чуқурликдаги колосникли саҳна орасида оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли ёнғинга қарши девор (ёки махсус ёнғинга қарши конструкция) бўлиши керак.

576. Сиғими 800 ўрин ва ундан кўп бўлган залларда саҳналар қурилиш порталининг эшик ўрни бўшлиғини оловбардошлик чегараси EI 60 бўлган 1 h дан кам бўлмаган ёнғинга қарши дарпарда билан ҳимоя қилиш зарур.

577. Дарпарданинг иссиқлик изоляцияси заҳарли моддалар ажратиб чиқармайдиган ёнмайдиган материаллардан ишланган бўлиши керак.

Ёнғинга қарши дарпардаларнинг конструкцияси ушбу ШНҚнинг 20-иловасида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

578. Трюм ва саҳна планшети сатҳида жойлашган ёнғинга қарши деворлардаги эшик ўрни бўшлиқларини ҳамда колосникли зинапоялардан трюм ва саҳнага чиқиш жойларини (ёнғинга қарши дарпарда бўлган ҳолда) 1-типли тамбур-шлюзлар билан ҳимоя қилиш керак.

579. Омборхоналар, устахоналар, дастгоҳ ва ҳажмли декорацияларни монтаж қилишга мўлжалланган хоналар, ёнғинга қарши дарпардани кўтариш чиғириқлари ва тутун люклари хоналари, чанг ҳайдовчи камералар, вентиляция камералари, аккумулятор хоналари, трансформатор подстанциялари оловардошлик чегараси REI 45 бўлган 1-типли ёнғинга қарши пардадеворларга, оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 3-типли ораёпмаларга, оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган эшикларга эга бўлиши лозим.

Мазкур хоналарни томоша зали ва саҳна планшетининг тагига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ўраладиган декорациялар сақланадиган сейфлар, ёнғинга қарши дарпардани кўтариш чиғириқлари, тутун люклари ҳамда мой тўлдирилмаган кўтариб-тушириш қурилмалари бундан мустасно.

580. Сейфнинг эшик ўрни бўшлиғини оловбардошлик чегараси EI 60 дан кам бўлмаган шчитлар билан ҳимоя қилиш зарур.

581. Декорациялар сақланадиган омборхоналарнинг эшик ўрни бўшлиқларида саҳна ва кармонлар томонидан оловбардошлик чегараси EI 60 бўлган 1-типли ёнғинга қарши эшиклар (ёки дарвозалар), колесникли зинапояларда эса оловбардошлик чегараси EI 30 бўлган 2-типли эшикларни лойиҳалаш лозим.

582. Оркестр чуқурлигидаги тўсувчи конструкциялар (пардадеворлар — 2-типли EI 15, ораёпмалар — 3-типли REI 4) ёнғинга қарши бўлиши керак.

583. Оркестр чуқурлигидаги пол пардози ва тўшамаси учун қўлланиладиган ёғочга оловдан ҳимоя қилувчи таркиблар билан ушбу ШНҚнинг 563, 564-бандлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлов бериш зарур.

584. Тутун люкларига эга бўлган саҳна устига томёпмасини ўрнатишда ушбу ШНҚнинг 20-иловасида келтирилган талабларни ҳисобга олиш лозим.

585. Тутун люкларини ЁНМ гуруҳдаги материаллардан тайёрлаш, клапанларни эса Ё1 гуруҳидаги қийин ёнувчи материаллардан тайёрлаш зарур.

586. Тутун люклари устидаги конструкцуиялар (уст қурилмалар) тутун люкларининг шамолдан сақланишини таъминлаши керак.

587. Ёнғин хавфсизлиги пости диспетчерлик хонасини табиий ёруғлик тушадиган қилиб лойиҳалаш, уни саҳна (эстрада) планшети сатҳида ёки ташқарига чиқиш жойи яқинида ёхуд ташқарига олиб чиқувчи зинапоя яқинидаги пастки қаватга жойлаштириш зарур.

588. Ёнғин ва хўжалик сувўтказгичининг насос хонаси, автоматик ёнғин ўчириш станциялари ёнма-ён ҳолда ёки ёнғин хавфсизлиги пости диспетчерлик хонаси остига жойлаштирилиши ҳамда улар орасида қулай боғланиш ва ташқарига чиқиш имкони таъминланган бўлиши керак.

589. Театрлар ва маданият марказларининг асосий биноларига устахона ва бошқа ишлаб-чиқариш хоналарини ҳамда резерв омборхоналарини жойлаштиришда уларни бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган ёнғинга қарши деворлар билан ажратиш лозим.

590. Маданият марказлари биноларида эвакуация учун мўлжалланган зинапоя катакларидан тўғридан-тўғри ёки вестибюль орқали ташқарига чиқиш жойлари бўлиши, бунда, одамларни вестибюль орқали ташқарига тўғридан-тўғри чиқиш жойига эга бўлмаган зинапоя катагидан эвакуация қилишга йўл қўйилади.

591. Театр биноларида томошабинлар хоналари мажмуасида иккитадан кам бўлмаган зинапоя ва саҳнага хизмат кўрсатувчи хоналар мажмуасида табиий ёритиладиган, чордоққа ёки томга олиб чиқувчи ёпиладиган зинапоя катаклари ҳамда иккита колосникли зинапоя бўлиши зарур.

592. Битта хонада ёки ўзаро туташган (пардадевор билан ажратилмаган) хоналарда полларнинг сатҳи 1 m дан ортиқ фарқ қилганда тепа қисм периметри бўйича одамларнинг йиқилиб тушиш эҳтимолининг олдини оладиган тўсиқ (ёки баландлиги 0,8 дан m кам бўлмаган бошқа қурилма) бўлиши керак.

593. Саҳна (эстрада), ишчи галерея ва колосник пол тўшамаси, оркестрларнинг чуқурлиги ва йиғиб қўйилган декорациялар сейфидан эвакуация чиқиш жойлари иккитадан кам бўлмаслиги зарур.

594. Фойега эга бўлмаган мавсумий кинотеатрларни лойиҳалашда иккинчи эвакуация чиқиш жойи сифатида томоша залидан фойдаланишга йўл қўйилади.

595. Сиғими 500 кишидан ортиқ бўлган эстрадали томоша залларида ва сиғими қандай бўлишидан қатъи назар, кинотеатрларда зал орқали ўтиш йўлагидан, эстрададан иккинчи эвакуация чиқиш жойи сифатида фойдаланишга йўл қўйилади.

### 5-§. Маданият ва бўш вақтни ўтказиш марказлари, тўгараклар ва студия хоналарига қўйиладиган талаблар

596. Маданият марказлари, дам олиш, бўш вақтни ўтказиш хоналарида олиб бориладиган машғулотларга қатнашиш учун келувчиларнинг ўрин-жойлари сонини томоша залларидаги томошабинларнинг ўриндиқлари сони каби лойиҳалаш лозим.

597. Қишлоқ, овул ва шаҳарларнинг маданият марказларидаги тўгарак, дам олиш ва кўнгил очиш машғулотлари билан шуғулланиш жойларининг сиғими 30 — 50 дан 300 — 500 гача бўлган ўрин-жойлардан ҳамда томоша залларники 100 — 800 ўрингача бўлиши керак.

598. Маданият ва бўш вақтни ўтказиш марказлари клуб-студия хоналари билан биргаликда ўз ичига ҳар хил йўналишга мўлжалланган томоша залларини, маъруза ўқиш, конференцзаллар, кино заллари, концерт ва театр заллари (кичик ва катта) ҳамда кўргазма ва музей мажмуалари, студия хоналарини киритиши зарур.

599. Дам олиш, кўнгил очиш ҳамда клуб-тўгарак ва студия машғулотларига, шунингдек ахборот беришга мўлжалланган хоналарнинг майдонлари бир нафар фойдаланувчига (шуғулланувчига) тўғри келадиган юзани ҳисобга олган ҳолда қуйидагича белгиланиши лозим:

стол атрофида 1 нафар кишига — 3 $m^2$;

компьютери олдида 1 кишига — 4 — 6 $m^2$;

ҳайкалтарошлик, мусиқа ва хореография синфларида ҳамда аэробика билан шуғулланувчи бир нафар кишига — 5-6 $m^2$;

машғулотларнинг айрим турлари учун — 7-8 $m^2$;

машғулотлар учун студиялар — 9 — 12 $m^2$;

педагог иштирокидаги машғулотлар учун — 12 — 15 $m^2$;

иккита роялда машғулотлар ўтказиш учун камида 18 $m^2$;

10 — 15 кишига мўлжалланган меҳмон ва тўгарак хоналари камида 30 $m^2$;

оркестр, рақс, хореография машғулотлари хоналари 50 — 60 $m^2$ ва ундан катта юзага эга бўлиши керак.

600. Хореография, аэробика, шейпинг, рақс залларининг баландлиги камида 4,2 m, акробатика ва цирк машғулотлари залларининг баландлиги — 6 — 8 m бўлиши лозим.

Бундай заллар олдида душхонали кийим алмаштириш хоналари бўлиш зарур.

601. Маданият марказларидаги вестибюль гуруҳи хоналарининг таркиби ва майдонлари бир нафар ташриф буюрувчи ҳамда залдаги бир ўриндиққа ҳисобланиб, ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 13-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

602. Маъмурий ва хизмат кўрсатиш хоналари штат бирлиги бўйича бир ходимга 6 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

603. Маданият марказларининг томоша заллари ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 13-жадвал кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

604. Эстрада залларидаги майдон юзасининг ўлчами қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

ўринлар сони 100 та бўлганда — 27 $m^2$;

ўринлар сони 150 — 200 ўринли залларда эса эстрада камида 36 $m^2$.

605. Эстрадалар олдида президиум ва артистлар хоналари 15 $m^2$ дан юзага эга бўлиши керак.

606. Фойе ва рақс заллари ҳамда кичик аудитория-залларидаги эстрада майдони камида 12 $m^2$ (4x3 m) бўлиши лозим.

607. Маданият марказлари, концерт ва театр залларининг томошабинлар учун мўлжалланган хоналарини томоша муассасаларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш зарур.

## 7-боб. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Савдо корхоналарига қўйиладиган талаблар

608. Бошқа вазифаларга мўлжалланган биноларда жойлашган ва савдо майдони 100 $m^2$ дан катта бўлган дўконларни бошқа корхоналар ва хоналардан оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 2-типли ёнғинга қарши деворлар ва оловбардошлик чегараси REI 60 бўлган 2-типли ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш керак.

609. Дўконларни бошқа вазифаларга мўлжалланган биноларга жойлаштиришда кўп тармоқли биноларда умумий вестибюлдан савдо залига кириш жойига ўзи ёпиладиган эшикларни ўрнатиш, бунда ташқарига олиб чиқувчи (умумий вестибюль орқали чиқиш жойини ҳисобга олмаган ҳолда) алоҳида эвакуация чиқиш жойлари бўлиши лозим.

610. Кўп тармоқли ёки савдо ва маиший мажмуалари таркибида болалар учун ёпиқ ўйингоҳларни 2-қаватдан, ички кинотеатрларни 3-қаватдан, умумовқатланиш жойларини 4-қаватдан юқори бўлмаган қаватларга жойлаштириш зарур.

611. Табиий равишда шамоллатилмайдиган ва ёритилмайдиган савдо заллари тутунга қарши шамоллатиш тизими билан таъминланган бўлиши керак.

612. Тез алангаланувчи материаллар ҳамда ёнувчан суюқликлар (мойлар, бўёқлар, эритгичлар) билан савдо қилувчи дўконларни алоҳида жойлашган бир қаватли биноларга жойлаштириш зарур.

Ушбу биноларга бошқа дўконларни ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналарни жойлаштиришга йўл қўйилади.

Бунда, улар алоҳида кириш жойига эга бўлиши ва оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли ёнғинга қарши деворлар ҳамда оловбардошлик чегараси REI 150 бўлган 1-типли ёнғинга қарши ораёпмалар билан бошқа хоналардан ажратилган бўлиши лозим.

613. Дўконларнинг савдо заллари ёрдамчи хоналардан ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратилиши, пардадеворларнинг жойлашиш ўрнини савдо залининг келажакда кенгайтирилишини ҳисобга олинган ҳолда аниқлаш зарур.

614. Материаллар сақланадиган хоналар ўралмаган (қадоқланмаган), ёнмайдиган материалларни сақлашга мўлжалланган бўлса, у ҳолда бундай хоналарни савдо залидан ажратишда ёнғинга қарши пардадеворларни қўлламасликка йўл қўйилади.

615. Биноларнинг цоколь ва ертўла қаватларига жойлаштириладиган савдо мажмуаларининг хоналари олдида чуқурлари бўлган деразалар бўлиши, ушбу ШНҚнинг 52 — 56-бандларига мувофиқ мустақил кириш жойига ва ҳар бир блокдан ташқарига олиб чиқувчи алоҳида чиқиш жойларига эга бўлиши лозим.

616. Ёнувчан товарлар ва ёнувчан материаллар билан биргаликда ўралган товарлар сақланадиган хоналарни биноларнинг ташқи деворига туташган ҳолда жойлаштириш ва ушбу хоналарни майдони 250 $m^2$ ва ундан катта бўлган савдо залларидан оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган 1-типли ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратиш зарур

617. Товарлар сақланадиган хоналарни майдони 700 $m^2$ дан катта бўлмаган бўлинма (отсек)ларга ажратиш, бунда ҳар бир бўлинма (отсек) чегарасида тўрсимон панжараларни ёки шифтгача етиб бормайдиган оловбардошлик чегараси EI 15 бўлган ёнғинга қарши пардадеворларни ўрнатишга йўл қўйилади.

618. Товарлар сақланадиган хоналарнинг майдони 50 $m^2$ дан катта бўлганда, улардан тутун деразалар ёки махсус шахталар орқали чиқарилиши лозим.

619. Товарлар сақланадиган хоналарнинг майдони 50 $m^2$ гача бўлганда ва улар йўлакка чиқиш эшикларига эга бўлганда улардан тутун йўлаклардаги (коридор) деразалар орқали ташқарига чиқарилиши керак.

620. Ёнғин ва портлаб ёниш хавфига эга бўлган материаллар ҳамда рентген плёнкалари ва енгил алангаланувчи материалларни (суюқликлар) сақлаш учун оловбардошлик даражаси II дан паст бўлмаган алоҳида бинолар лойиҳаланиши зарур.

621. Енгил алангаланувчи материаллар ва ёнувчан суюқликларга мўлжалланган сақловчи товар сақлаш хоналарини деразаларга эга бўлган ташқи деворларга туташган ҳолда жойлаштириш ва уларни оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган 1-типли ёнғинга қарши пардадеворлар ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 3-типли ёнғинга қарши ораёпмалар билан бошқа хоналардан ажратиш, бунда уларга тамбур-шлюзлар орқали кириш жойлари бўлиши керак.

622. Ёнувчан материалларни сақлашга ёки фойдаланишга мўлжалланган икки ва ундан кўп қаватли ертўлаларнинг ҳар бир секция ёки бўлинмасида ҳамда 50 $m^2$ дан кўп майдонга эга бўлган алоҳида хоналарда олд чуқурга эга бўлган деразалар ёки бир-бири билан ўзаро боғланмаган тутун чиқариш шахталари бўлиши (шахта ўлчамлари ҳисоблаш асосида аниқланади) лозим.

623. Тутун чиқариш шахталарини ёки қаватларнинг олд чуқурларидаги конструкцияларни блокировка қилишда қўшни шахталарнинг пардадеворлари EI 60 бўлган 1 h дан кам бўлмаган оловбардошлик чегарасига эга бўлиши зарур.

624. Савдо залида асосий эвакуация ўтиш жойининг кенглиги қуйидагилардан кам бўлмаган ўлчамда бўлиши керак:

савдо майдони 150 $m^2$ гача — 1,6 m;

савдо майдони 150 дан 400 $m^2$ гача — 2,0 m;

савдо майдони 400 $m^2$ дан кўп — 2,5 m.

625. Асосий эвакуация ўтиш жойларининг майдонига турникетлар оралиғидаги ўтиш жойлари, контролёр-кассир хоналари оралиғидаги ўтиш жойлари ва савдо залининг орқа томонидаги ўтиш жойларининг майдони киритилмаслиги зарур.

626. Савдо-маиший биноларида эвакуация йўлларини лойиҳалашда савдо залларида ёки харидорлар учун мўлжалланган хоналарда бир вақтнинг ўзида бўладиган харидорлар (ташриф буюрувчилар) сони бир нафар ташриф буюрувчига тўғри келадиган зал майдони ҳисоблаш орқали қуйдагиларга мувофиқ белгиланиши лозим:

3,0 $m^2$ (шаҳар дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларидаги харидорларга мўлжалланган асосий заллар) учун;

2,0 $m^2$ (қишлоқ ва овул жойларидаги дўконлар учун);

1,8 — 2,0 $m^2$ (бозорлардаги ёпиқ савдо заллари учун).

627. Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг биноларида эвакуация чиқиш жойларини лойиҳалашда хизмат зинапоялари ва зал билан бевосита боғланган ёки тўғридан-тўғри ўтиш йўли (коридор) орқали боғланган чиқиш жойлари ҳисобга олиниши, бунда савдо залининг энг узоқ нуқтасидан яқин хизмат зинапоясигача ёки бинодан чиқиш жойигача бўлган масофа ушбу ШНҚнинг 3-иловасидаги 6-жадвалида келтирилганлардан ошиб кетмаслиги керак.

628. Эвакуация чиқиш жойлари юк тушириш хоналар орқали ўтмаслиги лозим (савдо зали 100 $m^2$ гача бўлган бир қаватли дўконлари бундан мустасно).

629. Савдо майдони 100 $m^2$ гача бўлган дўконлар ҳамда 50 ўрин-жойли овқатланиш ва умумий майдони 150 $m^2$ дан кам бўлган маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари учун ташриф буюрувчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун битта умумий кириш-чиқиш жойи лойиҳаланиши зарур.

630. Дўконларнинг савдо залларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарлар қўйилган жойларга қулай етиб боришни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

631. Дўконнинг савдо зали камида 30 $m^2$ майдонга эга бўлиши лозим.

632. Савдо марказлари таркибида кичик дўконларнинг блокларини лойиҳалашда майдони 15 — 25 $m^2$ бўлган савдо заллари, ичига харидорлар кирмайдиган савдо шохобчалари 4 — 6 $m^2$ майдонга эга бўлган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

633. Цоколь ёки ертўла қаватларига жойлаштирилган 250 $m^2$ гача майдонга эга бўлган савдо залларининг чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлиги 2,5 m бўлиши мумкин.

634. Майдони 650 $m^2$ бўлган савдо залларининг баландлиги камида 3,6 m, 1000 $m^2$ майдонли савдо залларининг баландлиги эса камида 4,2 m бўлиши лозим.

635. Растали дўконларда раста орқасидаги жойнинг кенглиги 2,4 m дан кам бўлмаслиги зарур (девор олди жиҳозининг ўрни билан биргаликда).

636. Янги қуриладиган савдо майдони 15 000 $m^2$ дан ортиқ савдо-кўнгилочар мажмуаларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 тадан кам бўлмаган кинотеатр бўлиши лозим.

637. Омборларнинг кириш жойларини юк тушириш (юк қабул қилиш) хоналари томонидан жойлаштириш лозим.

638. Савдо залининг майдони 100 $m^2$ гача бўлган дўконларда юкларни савдо зали орқали омборларга киритишга йўл қўйилади.

639. Юк қабул қилиш-тушириш хоналари битта машина ўринга 16 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

640. Механик воситалардан фойдаланиладиган ички йўлакларнинг (коридор) кенглиги камида 1,8 m бўлиши, кичик савдо объектларида 1,5 m бўлишига йўл қўйилади.

641. Совитиш камераларининг майдони камида 6 $m^2$ (кенглиги камида 2,6 m) ва баландлиги камида 2,4 m бўлиши лозим.

642. Савдо йўналишида бўлмаган биноларнинг савдога мўлжалланган хоналари иккинчи қаватдан юқори бўлмаган сатҳларда жойлаштирилиши керак.

643. Савдо зали майдони 100 $m^2$, кириш жойи савдо йўналишида бўлмаган бинолар хоналарига кириш вестибюллар орқали амалга оширилишига йўл қўйилади.

644. Ташриф буюрувчилар учун савдо-кўргазма салонлари, буюртмаларни қабул қилиш ва тарқатиш заллари омборхоналар ва буюртмаларни бутлаб ишлаб чиқариш хоналаридан алоҳида жойлаштирилиши керак.

645. Буюртмаларни қадоқлаш ва бутлаш хоналари, маҳсулотлар ва товарларни сақлаш хоналари, маиший-хизмат хоналари буюртмаларни тайёрлаш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши лозим.

646. Буюртмаларни бутлаш цехларининг габаритлари қўлланиладиган жиҳозларнинг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

647. Бозорлар таркибида қуйидагилар бўлиши керак:

йил давомида савдо қилувчи заллар ва айвонлар остига жойлашган сабзавот савдо майдонлари (жиҳоз ва ўтиш йўлакларини ҳисобга олган ҳолда 1 та савдо жойига 6 — 8 $m^2$ савдо майдони тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда);

харидорларга хизмат кўрсатувчи хоналар (хизматлар бюроси, кафетерий, бар ва б.);

маҳсулотларни сақлаш хоналари:

омборлар, совитиш камералари, гўшт сақлаш совитгичлари ва гўшт кесиш хоналари;

хўжалик хоналари (тарозилар, касса аппарати, инвентарь, махсус кийимларни сақлаш хоналари, ювиш хоналари, таъмирлаш устахонаси);

маъмурий-хизмат хоналари ва ходимлар учун маиший хоналар (идора, ёнғин хавфсизлиги-қўриқлаш хонаси, гардеробли маиший хоналар, санитария узеллари, душхоналар);

тара ва контейнерларни сақлаш жойлари, чиқиндиларни тўплаш жойлари, бозор ичи транспорти ва тозалаш машиналарининг автотураргоҳлари, жамоат санитария-гигиена шохобчалари.

648. Бозор мажмуалари таркибига лойиҳа топшириғига мувофиқ ҳар хил қуйидаги қўшимча объектлар киритилиши лозим:

дўконлар;

умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари;

меҳмонхона ва б.

649. Савдо ўрин-жойлари 150 — 250 та бўлган ўрта қувватдаги ёпиқ бозорлар таркиби ушбу ШНҚнинг 21-иловасидаги 35-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланиши керак.

650. Ўтиш йўлакларининг кенглиги эвакуация талабларига ва маҳсулотларни савдо жойларига етказиб бериш талабларига жавоб бериши керак.

651. Бозорлардаги марказий ўтиш йўлакларининг кенглиги камида 2,8 m, расталар орасидаги иккинчи даражали йўлакларнинг кенглиги камида 1,8 m, расталар ва девор орасидаги масофа камида 1,5 m бўлиши лозим.

652. Илдиз мевали (лавлаги, картошка, сабзи, шолғом ва б.) ўсимликлардан олинадиган ҳосилни сотиш залини (ёки бўлими) асосий залдан алоҳида ажратиш ва юк тушириш жойига бевосита бириктириш зарур.

653. Юк тушириш жойлари бир машина ўрнига 16 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

654. Юк тушириш жойларини омборлар ва совитиш камералари билан боғловчи йўлакнинг кенглиги 1,8 m дан кам бўлмаслиги лозим.

655. Мавсумий сабзавот савдосини ташкил этиш учун қаттиқ қопламали ва айвонли савдо майдонлари лойиҳаланиши зарур.

Ушбу майдонлардаги савдо жойлари яқинида сабзавотларни ювиш жойи, қўл ювиш жиҳози ва ичимлик суви фаввораси бўлиши лозим.

656. Савдо майдонидаги ўтиш йўлаклари ушбу ШНҚнинг 650 — 652-бандларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, санитария узеллари алоҳида турувчи блокларга жойлаштирилиши керак.

## 2-§. Умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган талаблар

657. Умумий овқатланиш корхоналари қуйидагиларга бўлиб лойиҳаланиши лозим:

ошхоналар;

ресторанлар;

кафелар;

газакхоналар;

кафетерийлар;

барлар ва б.

658. Умумий овқатланиш корхоналарини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак:

сиғими овқатланиш залларидаги ўриндиқлар сони бўйича аниқланишини;

мавсумий сиғимни ошириш учун ёпиқ террасалар (айвонлар) бўлишини;

ободонлаштирилган очиқ майдонларга (тепа қопламали, тентли ва б. жойлар) овқатланиш ўрин-жойларини жойлаштириш амалга оширилишини.

659. Кафеларнинг овқатланиш, ошхона ва ресторан заллари, банкет ҳамда дастурхон ёзиладиган бошқа тадбирларга мўлжалланган залларининг сиғими ўриндиқлар сонини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

660. Сиғими 50 та ўриндан кам бўлган овқатланиш корхоналарида харидорлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун битта умумий кириш-чиқиш жойи лойиҳалаштирилиши керак.

661. Ошхоналарнинг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғига асосан овқатланишни ташкил қилиш бўйича технологик талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

662. Умумий овқатланиш корхонасининг сиғими овқатланиш залидаги ўриндиқлар сони бўйича аниқланиши керак.

663. Болаларнинг дам олиш муассасаларида овқатланиш заллари бир сменали хизмат кўрсатишга мўлжалланиши, бунда болалар ўринлари 200 та дан ошмаслиги лозим.

664. Ёзда фаолият кўрсатадиган дам олиш муассасаларида овқатланиш залларининг майдони бир ўринга 1,0 — 1,2 $m^2$, овқатланиш блоклари залидаги бир ўринга 0,95 — 1,4 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур.

665. Ёзги ошхоналарнинг залларини террасаларда (тентлар, тепа қопламали жойларда) лойиҳалашга йўл қўйилади.

666. Овқатланиш залининг майдони (овқат улашиш жойидан ташқари) залда бир ўрин-жойга қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши зарур:

ресторанларда 1,8 ва эстрада, рақс майдончаси жойлаштирилганда — 2,0 $m^2$;

ошхоналарда ва умумий типдаги кафеларда, корхоналар ва олий таълим ташкилотларининг ошхоналарида — 1,6 — 1,8 $m^2$;

тезкор хизмат кўрсатувчи корхоналарда, барларда — 1,2-1,3 $m^2$;

болаларга мўлжалланган соғломлаштириш оромгоҳларида (лагерларда) — 1,0 $m^2$;

санаторияли лагерларда — 1,4 $m^2$;

санаториялар ва пансионатларнинг ошхоналарида — 1,6 — 1,8 $m^2$;

туристик ва дам олиш зоналарида — 1,4 $m^2$.

667. Овқатланиш корхоналарининг залларининг баландлиги залнинг сиғим бирлигига 4-5 $m^3$ ҳаво ҳажми тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

668. Биноларнинг цоколь ва ертўла қаватларига жойлаштириладиган умумий овқатланиш корхоналарининг хоналари олдида ушбу ШНҚнинг 52 — 56-бандларига мувофиқ чуқурлари бўлган деразаларга ва ҳар бир блокдан ташқарига олиб чиқувчи алоҳида чиқиш жойларига эга бўлиши зарур.

669. Ўриндиқлари сони 50 тагача бўлган кичик залларнинг баландлиги 2,8 m га тенг, агар заллар бинонинг цоколь қаватида жойлашган бўлса, полдан ҳисобланганда чиқиб турувчи конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландликни 2,5 m га тенг қилиб белгилашга йўл қўйилади.

670. Умумий овқатланиш корхоналари таркибида қуйидаги хоналар гуруҳи бўлиши керак:

ташриф буюрувчилар (мижозлар) учун — вестибюллар ва аванзаллар, савдо заллари, буюртмаларни қабул қилиш ва етказиб бериш бўлимлари, пишириқлар савдоси бўлимлари, гардероблар ва санитария узеллари;

ишлаб-чиқариш хоналари — маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари ёки охирги тайёрлов цехлари, ювиш хоналари, овқат улашиш жойлари ва б.;

омборхоналар — юк тушириш хоналари, омборлар, совитиш камералари, идиш-товоқ ва инвентарлар сақланадиган хоналар, чиқиндилар камераси ва б.;

маъмурий-маиший хоналар — бошқариш ва ходимлар учун маиший хоналар, гардероблар, душхоналар, чойшаблар сақланадиган хона ва б.

Мазкур хоналарнинг майдонларини ушбу ШНҚнинг 22-иловасидаги 36-жадвалда келтирилганларга мувофиқ аниқланиши зарур.

671. Ташриф буюрувчиларга мўлжалланган хоналар (жойлар) бошқа ишлаб чиқариш хоналари гуруҳидан изоляцияланган бўлиши керак.

672. Гардероб ва санитария узелларига эга бўлган вестибюль ҳамда аванзалнинг сиғимини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда вестибюль (гардеробсиз) ва аванзалнинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

673. Ичимлик ва музқаймоқлар сотиладиган барлар алоҳида кириш жойларига эга бўлиши керак.

674. Овқат пишириш цехлари хоналарининг баландлиги уларга бириккан овқатланиш (савдо) заллари хоналарининг баландлигидан кам бўлмаслиги зарур.

675. Вестибюллар, гардероблар, санитария узеллари, маҳсулотларни (масаллиқ) қайта ишлаш цехи, идиш-товоқларни ювиш хонаси, омборхоналар, маъмурий-маиший хоналар, хўжалик хоналарнинг баландлиги 2,5 m га тенг бўлиши зарур.

676. Ўрин-жойлари сони 100 ва ундан ортиқ бўлган овқатланиш корхоналарининг биноларида юк тушириш хонасига кириш жойи ходимлар учун мўлжалланган кириш жойидан алоҳида бўлиши лозим.

677. Овқатланиш блокларида ички йўлакларнинг (коридор) кенглиги камида 1,5 m, механизациялашган воситалардан фойдаланиладиган блокларнинг ички йўлакларининг (коридор) кенглиги камида 1,8 m бўлиши керак.

678. Совитиш камераларининг майдони камида 6 $m^2$ бўлиши ва сақланадиган маҳсулотларнинг тури ҳамда ҳажмини ҳисобга олган ҳолда технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши (баландлиги камида 2,4 m бўлиши) зарур.

## 8-боб. Маъмурий бошқарув органлари, идоралар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва лойиҳа муассасаларининг биноларига қўйиладиган талаблар

679. Бошқариш муассасалари, вазирликлар, суғурта ва молия ташкилотлари, лойиҳа ҳамда ИТИ ходимлари учун маъмурий вазифадаги хоналар, ишчи хоналар битта штат ходимига камида 6 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда кўп ўринли ишчи хоналарида бир ходимга тўғри келадиган майдон 4-5 $m^2$ бўлиши керак.

680. Бир нафар ходимга ажратилган алоҳида хонанинг майдони 9 $m^2$ дан кам, қабулхонага эга бўлган кабинетнинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги зарур.

681. Раҳбарлар хоналари ташриф қилувчиларни қабул қилиш учун зарур бўлган жойларни бир нафар ташриф буюрувчи учун 1 та жойга 1,5 — 2,0 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

682. Раҳбар хонасининг қабулхонаси камида 12 $m^2$ майдонга, иккита хонага мўлжалланган қабулхона камида 16 $m^2$ майдонга эга бўлиши керак.

683. Кўргазмалар ва намойиш заллари, мажлислар зали ва ташриф буюрувчилар билан суҳбат ўтказиладиган хоналар, кутубхона ва архивлар, экспедиция, девонхоналар ҳамда хизмат кўрсатувчи хоналар (гардероблар, жиҳозларни таъмирлаш устахоналари, предмет ва инвентарларни сақлаш хоналари, умумий овқатланиш жойларни (буфетлар, ошхоналар), тиббиёт пунктлари, ходимлар учун маиший хоналар ва б.) технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши зарур.

684. Гардеробсиз вестибюллар бир нафар кишига камида 0,17 $m^2$, гардеробли вестибюллар бир нафар кишига камида 0,25 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

685. Гардероб майдони битта ўринга (илгакка) 0,08 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

686. Вестибюлнинг ўлчамлари (майдони) бинодан одамларни эвакуация қилиш талабларига жавоб бериши ва унинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги зарур.

687. Ходимлар учун санитария узелларини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

20 — 25 нафар аёлга 1 та унитаз ва 70 — 75 нафар аёлга 1 та шахсий гигиена кабинети;

30 нафар эркакка 1 та унитаз ва 1 та писсуар тўғри келишини.

688. Санитария узелларини (эркаклар, аёллар учун) қават ташлаб жойлаштиришга йўл қўйилиши, лекин уларнинг иш хоналаридан узоқлиги 75 m дан ошмаслиги зарур.

689. Фондларни очиқ сақлаш жойининг майдони 1 минг сақлаш бирлигига 4,5 $m^2$ тўғри келишини, фондларни ёпиқ сақлаш жойининг майдони 1 минг сақлаш бирлигига 2,5 $m^2$ майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

690. Архив ёки кутубхонанинг бир нафар ходими учун 6 $m^2$ иш майдони белгиланиши керак.

691. Китоблар фонди 25 мингтагача бўлган кутубхоналарни битта жойга (хона) жойлаштиришга йўл қўйилади.

692. Архивга ташриф қилувчи бир нафар кишига ёки кутубхона ўқиш залидаги бир нафар китобхонга 3 $m^2$, компьютердан фойдаланганда 4 — 6 $m^2$ юза тўғри келиши керак.

693. Нусха кўпайтириш ва нашриёт хизматлари учун хоналар бир ходимга камида 6 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда ҳар бир хонанинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

694. Конференц-заллар уларнинг турли вазифаларни бажаришга мўлжалланганлиги, сиғими ва турли жиҳозлар билан таъминланишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда залларнинг майдонлари қуйидагича белгиланиши керак:

100 ўрингача бўлган заллар учун стол атрофидаги бир ўринга 1,3 — 2 $m^2$;

100 дан кўп ва 150 ўрингача бўлган залларда пюпитр (китоб қўйиш мосламаси) бўлмаган столда бир ўринга 1-1,1 $m^2$, пюпитр (китоб қўйиш мосламаси) бўлган столда бир ўринга 1,25 $m^2$;

150 ўриндан кўп залларда пюпитр (китоб қўйиш мосламаси) бўлмаган столда бир ўринга 0,9-1,0 $m^2$.

695. Ўриндиқлари 200 ва ундан кўп бўлган томоша заллари бир ўринга 0,7 $m^2$ тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда томошагоҳ залларининг нормалари бўйича лойиҳаланиши лозим.

696. Эстрада олдидаги президиум учун мўлжалланган жойнинг юзаси камида 12 $m^2$ бўлиши керак.

Томоша заллари олдида кулуарлар залдаги бир ўринга 0,3 $m^2$ бўлиши керак.

697. Ходимлар сони 200 ва ундан кўп бўлганда тиббиёт пункти ва ошхоналар лойиҳаланиши керак.

698. Ходимлар сони кам бўлганда тиббиёт пункти ва ошхоналар маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳаланиши лозим.

699. Сиғими 50 ўрингача бўлган муассасаларда чой қайнатиш ва идиш ювиш жиҳози ўрнатилган тўсиқли жойларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

700. Тиббиёт пункти ўз таркибига майдони 12 $m^2$ ва ундан кўп бўлган бир ёки бир нечта (жумладан муолажа, массаж, физиотерапия ва б.) хоналарни киритиши керак.

701. Қишлоқлар ва овуллардаги маъмурий биноларнинг иш хоналари бир нафар ходимга 8-9 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бироқ мазкур хоналарнинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги зарур.

702. Мажлис ўтказиладиган хонанинг майдони камида 30 $m^2$ бўлиши керак.

Маъмурий бинога ФҲДЁ майдони 15 — 20 $m^2$ ва препарат хонасига эга бўлган қишлоқ агрокимё лабораторияси жами майдони 25 — 30 $m^2$ ҳамда алоқа бўлимини жойлаштиришга йўл қўйилади.

## 9-боб. Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Умумий талаблар

703. Биноларнинг цоколь ва ертўла қаватларига жойлаштириладиган маиший вазифаларни бажаришга мўжалланган барча хоналар ушбу ШНҚнинг 52 — 56-бандларига мувофиқ, олдида чуқурлари бўлган деразаларга ва ҳар бир блокдан ташқарига олиб чиқувчи алоҳида чиқиш жойларига эга бўлиши керак.

704. Савдо марказлари ёки бошқа вазифадаги жамоат бинолари таркибида жойлаштириладиган майдони 200 $m^2$ дан кўп бўлган маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг хоналарини бошқа хоналардан оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 2-

типли ёнғинга қарши деворлар ва оловбардошлик чегараси REI 60 бўлган 2-типли ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш зарур.

705. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини бошқа муассасалар билан бирлаштиришда (кооперациялашда) умумий вестибюль ёки ташриф буюрувчилар учун кутиш жойи зоналари лойиҳалаштирилиши, бунда асосий хоналардан чиқиш жойлари ўзи ёпилувчан эшикларга эга бўлиши керак.

706. Тез алангаланувчи моддалар қўлланиладиган маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини бошқа вазифадаги жамоат биноларининг ичига жойлаштиришга йўл қўйилмайди (майдони 300 $m^2$ гача бўлган сартарошхона, гўзаллик уйлари, соат тузатиш устахоналари, майдони 60 $m^2$ гача бўлган кир ювиш ва кимёвий тозалаш корхоналарининг қабул қилиш пунктлари, майдони 200 $m^2$ гача бўлган пойабзал тузатиш устахоналари ва суратга олиш хоналари бундан мустасно).

707. Аҳолидан иккиламчи хомашё қабул қилиб олувчи пунктларни алоҳида бино (павильонлар)га ёки биноларга қўшиб қурилган маиший хизмат кўрсатиш (таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш, кир ювиш) корхоналарининг блокларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

708. Майдони 150 $m^2$ дан кам бўлган маиший хизмат корхоналарида харидорлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун битта умумий кириш-чиқиш жойи жойлаштирилишига йўл қўйилади.

709. Вестибюль ва ташриф буюрувчиларни қабул қилиш хоналарининг майдонлари бир нафар ташриф буюрувчига камида 12 $m^2$, буюртмани қабул қилиш ва тайёрлаш хонасининг майдони 15 $m^2$ бўлиши керак.

710. Кутиб туриш жойлари бир нафар мижозга 2-3 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

711. Ательеларда вестибюль олдида либосларни кийиб кўриш кабинаси 1,7х2,0 m бўлиши зарур.

712. Сартарошхона ва гўзаллик салони залларида бир иш ўрнига камида 6 $m^2$, маникюр залида 5 $m^2$, косметика ва педикюр кабинетларида — 8-9 $m^2$ юза тўғри келиши, бунда алоҳида хонанинг майдони камида 12 $m^2$ бўлиши керак.

713. Устахоналар майдони майда таъмирлаш, тикув хоналари бир иш ўрнига камида 6 $m^2$, катта габаритли маиший техника таъмири учун 8-9 $m^2$ бўлиши керак.

Устахонанинг майдони 15 $m^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

714. Мебель, кийим, пойабзал, трикотаж буюмларини тайёрлаш бўйича буюртма олиш бюроларида 25 — 30 $m^2$ ва ундан кўп майдонга эга бўлган кўргазмалар зали лойиҳаланиши керак.

715. Моделларни намойиш этиш учун подиумга эга бўлган кўргазма залларининг майдони 60 $m^2$ дан кам бўлмаслиги зарур.

716. Ишлаб чиқариш хоналари ҳамда омборхоналарнинг габарити ва майдонларини технологик талаблар бўйича белгилаш зарур.

717. Комплекс хизмат кўрсатиш корхоналарининг таркиби ва майдонлари технологик талаблар бўйича ва ҳисоблаш орқали аниқланиши керак.

718. Маъмурий-маиший хоналарнинг таркибини бир сменадаги иш жойлари сонини ва маъмурий муассасаларнинг ҳисобий нормаларини, ишлаб чиқариш цехлари учун ШНҚ 2.09.04-09 талабларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш зарур.

## 2-§. Ҳаммом ва сауна биноларига қўйиладиган талаблар

719. Йигирма нафардан кўпроқ кишига хизмат кўрсатувчи ҳаммом ва ҳаммом-соғломлаштириш мажмуалари биноларининг оловбардошлиги III даражадан паст бўлмаслиги лозим.

720. Сауналарни биноларнинг ертўлаларига, санатория биноларига, томошабинлар учун мўлжалланган трибуналар остига ҳамда 100 нафардан ортиқ одамлар бўладиган хоналар тагига ёки уларга ёнма-ён жойлашган хоналарга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

721. Қуруқ иссиқ ҳаммомлар (сауналар)нинг ички қуриладиган хоналарини оловбардошлик даражаси I ва II бўлган жисмоний-тарбия соғломлантириш ва спорт муассасалари, меҳмонхоналар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари биноларининг биринчи ва цоколь қаватларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

722. Бинолар ичига киритилиб қуриладиган сауналарни жойлаштиришда:

буғхона ҳажми 8 $m^3$ кам ва 24 $m^3$ кўп бўлмаслиги;

сауна хоналари мажмуасини оловбардошлик чегараси EI 45 бўлган 1-типли ёнғинга қарши пардадеворлар ва оловбардошлик чегараси REI 45 бўлган 3-типли ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш;

сауна хоналари мажмуаси хоналаридан ташқарига қаратилган алоҳида эвакуация чиқиш жойи бўлиши;

кунлик иш вақти давомида тинимсиз ишлатилгандан кейин тўлиқ совигунга қадар ўчириладиган ва автомат ҳимояга эга бўлган заводда ишлаб чиқарилган печка билан жиҳозлаш;

печка-электртош бошқарув пультини буғхона олдидаги қуруқ хонага жойлаштириш, кабель тармоғининг ҳимояси иссиққа чидамли ва буғхонада максимал йўл қўйиладиган (110 °C дан юқори бўлмаган) иссиқликка ҳисобланган бўлиши;

электртошдан буғхона девори қопламасигача бўлган масофа 20 cm дан кам бўлмаслиги, электртош устига бевосита шифт остига ёнмайдиган иссиқлик изоляцияловчи шчит ўрнатилиши, ушбу шчит ва шифт қопламаси орасидаги масофа 5 cm дан кам бўлмаслиги;

буғхона поли ва эшиги орасидаги тирқиш 30 mm дан кам бўлмаслиги;

буғхонани периметри бўйлаб тешиклар очилган (перфорация қилинган) қуруқ қувурлардан бажарилган дренаж қурилмаси билан жиҳозлаш ва бу қурилманинг буғхонага кириш жойи олдида бошқариладиган ички сув ўтказмасига уланиши;

буғхона қопламаси учун япроқли дарахт ёғочидан фойдаланиш (смола шимдирилган ёғочдан фойдаланишга йўл қўймайди);

ечиниш, дам олиш, массаж хоналарини ҳисобга олган ҳолда сауна хоналарини тутун пайдо бўлиши тўғрисида хабар беришга қўйиладиган талабларга риоя қилиш лозим.

723. Ҳаммомлар ва ҳаммом-соғломлантириш мажмуалари ювиниш-душхона, буғли ҳамда индивидуал хоналардаги жойлар сони бўйича лойиҳаланиши лозим.

Ҳаммомлар ва ҳаммом-соғломлантириш мажмуалари хоналарининг таркиби ва майдонлари технологик асослар бўйича ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 14-жадвалида келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа топшириғи бўйича белгиланиши керак.

724. Ўз ичига соғломлантириш душлари, ванналар, массажхоналар, сауналар, бассейнларни оладиган соғломлантириш бўлимларининг хоналари технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши лозим.

Ечиниш, ювиниш (ёки душ) ва буғхоналари ўрин-жойларининг нисбати (бир вақтда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда) технологик ҳисоблаш орқали аниқланиши керак.

725. Сиғими 20 ва ундан кўп жойга эга бўлган ҳаммомлар икки бўлимли (эркак ва аёллар учун) бўлиши, сиғими 20 тагача бўлган ҳаммомлар бир бўлимли ва навбат билан фойдаланишга мўлжалланган бўлиши зарур (аёллар ва эркаклар учун).

726. Умумий буғли, ювиниш, душхона ва санитария узелларига кириш жойлари ечиниш хоналаридан тамбур орқали ўтишни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим. Буғли хонага кириб чиққандан сўнг ечиниш хонаси майдонида дам олиш жойи бўлиши керак (умумий майдони камида 12 $m^2$, индивидуал ечиниш хонасида камида 6 $m^2$).

727. Эллик ва ундан ортиқ фойдаланувчиларга мўлжалланган ҳаммомларда қуйидагилар бўлиши керак:

ювиниш ҳамда душ хоналарида аёллар ва эркаклар бўлимлари орасида қўшимча эшиклар;

ўриндиқлар орасида жойлашган ювиниш жойларида махус чайиниш душлари;

ювиниш ва душ хоналаридан ечиниш хонасига чиқиш (ўтиш) жойининг ярим қисмида қўшимча чайиниш душлари;

хоналар ва жиҳозларни даврий дезинфекция қилиш учун қурилмалар;

стационар дезинфекция камералари (жойи 200 ва ундан ортиқ ҳаммомларда).

728. Ҳўл режимда эксплуатация қилинадиган хоналарни бошқа режимда ишлайдиган хоналар устига жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Тўсиб турувчи конструкцияларни намликдан ишончли изоляция қилиш таъминланган бўлиши керак.

Нам ва ҳўл режимда ишлайдиган хоналарда пол сатҳидан дераза ўринларининг пастки қисмигача бўлган баландлик 1,2 m дан кам бўлмаслиги лозим.

«Ҳўл» (нам) жараёнлар кечадиган хоналарнинг поллари ва пардози сув таъсирига чидамли, намланмайдиган ва биомустаҳкам материаллардан қурилган бўлиши зарур.

729. Соғломлантириш души ва ванналарининг хоналари ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 14-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда ШНҚ 2.08.03-09 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

730. Бадан қорайтириш ва массаж хоналари камида 14 $m^2$, косметика хоналари камида 12 $m^2$, шифокор-маслаҳатчи хонаси — 12 — 16 $m^2$, даволовчи бадантарбия хонаси (тренажёр хонаси) — камида 20 $m^2$ майдонга эга бўлиши керак.

731. Аёллар ва эркаклар заллари ҳамда маникюр ва педикюр хоналарини ўз ичига олган гўзаллик салонини сартарошхоналар учун белгиланган майдон (юза) нормаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш зарур.

732. Фитобар майдони бир нафар фойдаланувчига 1,2-1,3 $m^2$ юза тўғри келишидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши, бунда фитобар олдида қўл ювиш учун ёрдамчи хона бўлиши лозим.

733. Кафетериялар ва чойхоналар ушбу ШНҚнинг 7-бобидаги 2-параграфда келтирилган талаблар бўйича лойиҳаланиши керак.

734. Сауна хоналари мажмуасининг таркибида қуйидаги хоналар бўлиши лозим:

ечиниш хонаси;

дам олиш хонаси;

душхона;

ҳожатхона;

буғли-сауна;

бассейн.

735. Битта хонага дам олиш зонаси ва микробассейнни жойлаштиришга йўл қўйилади.

736. Буғли-сауна ушбу ШНҚнинг 719 — 722-банди талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

737. Буғли-саунада поғоналар ва деворлар ёғоч (қайин, жўка, тоғтерак, тилоғоч)дан ишланиши керак.

738. Майдони 25 — 30 $m^2$ ва ундан катта бассейнларнинг ванналарини баландлиги камида 3,6 m бўлган залларга жойлаштириш зарур.

739. Бассейн ваннасининг периметри бўйича камида 1 m кенгликдаги айланиб юриш йўлакчаси бўлиши керак.

740. Бассейн хонасига кириш жойи тамбур орқали иситиладиган буғхона ва душхона яқинида жойлаштирилиши бассейн хонасига оёқ ваннаси орқали ўтилиши керак.

741. Ўлчами 6x10 m ва ундан катта бўлган ванналар соғломлантириш машғулотларига мўлжалланган бассейнларга қўйиладиган норматив талабларга мувофиқ ёрдамчи ва техник хоналарни киритган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

### 3-§. Кир ювиш ва кийимларни кимёвий тозалаш хоналарига қўйиладиган талаблар

742. Кир ювиш хоналари бир сменада ювиладиган кийимлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда ушбу ШНҚ нинг 23-иловасига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

743. Кир ювиш хоналарининг кир кийимларни қабул қилиш хонаси, ювиш цехи, қуритиш ва дазмоллаш, тахлаш ва ўраш хоналари ҳамда тоза кийимларни сақлаш ва қайтариш хоналари, омборхоналар (ювиш воситаларини сақлаш хоналари), ходимлар учун маъмурий-

маиший хоналар (душхонаси бўлган санитария узели), таъмирлаш-механик ва бошқа хоналар бўлиши керак.

744. Мижозлар учун мўлжалланган хонанинг майдони 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги зарур.

745. Кир кийимларни ювишга бериш ва ювилган кийимларни қайтариб олиш йўлакларининг кесишишига йўл қўймаслик учун кир кийимларни бериш ва ювилган кийимларни қайтариб олиш хоналари алоҳида кириш эшикларига эга бўлиши керак.

746. Хоналарнинг умумий майдонлари қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим:

бир сменада кир кийимларни ювиш унумдорлиги 125 kg гача бўлганда — 0,8 $m^2$/kg;

бу кўрсаткич 250 kg гача бўлганда — 0,5 $m^2$/kg.

747. Бир сменада кир кийимларни ювиш унумдорлиги 125 — 250 kg бўлганда ювиш цехининг баландлиги камида 3,6 m, сменада 500 kg кир кийим ювилганда цех баландлиги камида 4,2 m бўлиши зарур.

748. Кимёвий тозалаш корхоналари ва пунктларининг қабулхоналари сменада ишлов бериладиган кийимлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

749. Қабул қилиш пунктлари таркибида қуйидагилар бўлиши зарур:

кийимларни қабул қилиш ва уларни қайтариш зоналарига эга бўлган вестибюль;

ходимлар учун маъмурий-маиший хоналар (душхонаси бўлган санитария узели);

кийимлар ва инвентарь жиҳозларни сақлаш хоналари.

750. Кийимларни кимёвий тозалаш корхоналарининг ишлаб чиқариш хоналари технологик талаблар бўйича лойиҳаланиши, уларнинг умумий майдони қуйидагича белигиланиши лозим:

сменада 50 дан 150 kg гача кийим ювилганда бир kg га — 1,4 $m^2$;

150 kg дан кўп кийим ювилганда бир kg га — 1,0 $m^2$;

омборларнинг майдонлари 1 kg га — 0,1 $m^2$.

**10-боб. Кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилот биноларига қўйиладиган талаблар**

751. Кўп квартирали уйни бошқарувчи ташкилот бинолари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

маъмурий хоналар ва жамоага мўлжалланган (уй-жойга оид хоналар, оммавий тадбирлар ва мажлислар учун заллар);

муҳандислик-техник хизмати хоналар (устахоналар ва омборхоналар).

752. Тураржой биноларидан фойдаланиш хизмати ташкилотларидаги идора хоналарининг майдони камида 12 $m^2$, оммавий тадбирлар ва мажлислар залининг майдони камида 30 $m^2$, жамоага мўлжалланган хонанинг майдони камида 20 $m^2$, хоналар таркибида қўл ювиш жиҳози ўрнатилган санитария узели (аёллар ва эркаклар учун) бўлиши зарур.

753. Маъмурий-жамоат хоналари тураржой мавзеларининг маҳаллий марказлари — «маҳалла» таркибига кириши, бунда хоналарнинг таркиби ва майдонлари маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиладиган аҳоли сони, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва хизмат кўрсатиш функцияларининг ривожланиш даражаси бўйича 1 минг кишига камида 30 — 60 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

754. Ёрдамчи-хўжалик ва техник хоналар, омборлар, таъмирлаш устахоналари маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак. Мазкур хоналарни алоҳида блоклар ва ертўлаларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

755. Маъмурият ва жамоатга мўлжалланган хоналарнинг майдонлари ШНҚ 2.07.01-03 га мувофиқ белгиланиши зарур.

## 11-боб. Суд, прокуратура, ФҲДЁ, ҳуқуқий маслаҳат, нотариал идоралар ҳамда архив биноларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Суд, прокуратура, ФҲДЁ, ҳуқуқий маслаҳат, нотариал идоралар биноларига қўйиладиган талаблар

756. Суд, прокуратура, ФҲДЁ, ҳуқуқий маслаҳат, нотариал идоралар бинолари ушбу ШНҚнинг 679 — 682-бандларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

757. Суд бинолари ва маъмурий хоналари судялар сони ҳамда суд мажлислари залларининг сиғимини, маъмурий муассасалар бинолари учун белгиланган майдон кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

758. Суд мажлислари залининг майдони залда бир ўринга тўғри келадиган юза бўйича қуйидагича белгиланиши лозим:

25 — 40 ўринли кичик зал учун — 1,7 $m^2$;

худди шундай зал учун стол ортидаги жойлар билан биргаликда — 2,0 $m^2$;

80 дан ортиқ ва 100 ўрингача бўлган зал учун — 1,3 $m^2$;

100 дан ортиқ ва 200 ўрингача бўлган зал учун — 1,1-0,9 $m^2$;

200 дан ортиқ ўринли зал учун — 0,7 $m^2$.

759. Суд мажлиси залларининг олдида судялар ва судланувчилар учун ёрдамчи хоналар, ташриф буюрувчилар учун кулуарлар, ашёвий далилларни сақлаш хоналари, санитария узеллари бўлиши керак.

760. ФҲДЁ бинолари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим:

ходимларнинг иш хоналари;

архив;

ёрдамчи хоналар;

далолатномаларни рўйхатга олиш, никоҳни тантанали қайд этиш залларини.

761. ФҲДЁ биноларидаги далолатномаларни рўйхатга олиш залларининг майдони 24 $m^2$ дан кам бўлмаслиги, шунингдек, никоҳни тантанали қайд этиш залларининг майдони 40 — 60 $m^2$ бўлиши зарур.

Ходимлар учун иш хоналарининг майдони ташриф буюрувчиларни қабул қилишни инобатга олган ҳолда 12 $m^2$ дан кам бўлмаслиги лозим.

ФҲДЁ таркибида ташриф буюрувчилар учун қуйидаги хоналар бўлиши керак:

санитария узели;

холл-меҳмонхона;

куёв ва келин хонаси;

хўжалик хоналарига эга бўлган банкет зали.

### 2-§. Архив биноларига қўйиладиган талаблар

762. Турли йўналишдаги архивлар таркибига қуйидаги хоналар кириши лозим: қабулхона, ҳужжатларни бутлаш ва сақлаш хоналари; вестибюль ва ташриф буюрувчилар учун хона, ҳужжатлардан нусха олиш хонаси, ҳужжатларни реставрация ва экспертиза қилиш хоналари, бошқа ишчи ва маиший хоналар.

Хоналарнинг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғи бўйича белгиланиши керак.

763. Ходимлар учун иш хоналари маъмурий бинолар учун белгиланган кўрсаткичлар бўйича қабул қилиниши, ташриф буюрувчилар учун хоналар бир иш ўрнига 3,0 — 6,0 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши зарур.

764. Архивларнинг ҳужжатларни сақлаш хоналари сақланадиган ҳужжатларнинг 1000 шартли бирлигига 2,5 $m^2$ юза тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши лозим.

765. Вестибюль ва санитария узелларини маъмурий биноларга қўйиладиган талаблар бўйича лойиҳалаш керак.

## 12-боб. Санитария-гигиена шохобчаларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Санитария-гигиена шохобчаларини жойлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар

766. Санитария-гигиена шохобчалари қурилишига ажратиладиган ер участкалари ва мавжудларини кенгайтириш (реконструкция қилиш) жойнинг иқлимий шароитлари ва рельефи, грунт сувлари сатҳининг баландлиги, табиий аэрация, санитария-муҳофаза зоналарини ташкил этиш имконини ҳисобга олган танланиши зарур.

767. Бинолар ичига жойлаштириладиган санитария узеллари муассасалар ёки корхоналарнинг вазифасига боғлиқ ҳолда лойиҳаланиши керак.

768. Шаҳарлар, туризм базалари, туман марказлари ва бошқа аҳоли пунктлари, одамлар оммавий тарзда тўпланадиган ва ташриф буюрадиган жойларда жамоат ҳожатхоналари бўлиши лозим.

769. Жамоат ҳожатхоналари қуйидаги жойларда бўлиши керак:

майдонларда, транспорт магистралларида, пиёдалар кўп ҳаракатланадиган кўчаларда;

вокзаллар олдидаги майдонларда, барча темирйўл станцияларида, автотураргоҳлар ва аэровокзалларда;

шаҳар ташқариси ва шаҳар ичидаги паркларда, катта хиёбонларда, аҳоли оммавий дам олиш жойларида;

савдо мажмуалари (марказлари) ва бозорларнинг ҳудудларида;

стадионлар, пляжлар, сув спорти иншоотлари ва шунга ўхшаш бошқа объектларда;

кўргазмалар, очиқ кинотеатрлар атрофида;

770. Шаҳарларда жамоат ҳожатхоналарининг хизмат кўрсатиш радиуси 700-1000 m дан ошмаслиги, халқаро ва республика аҳамиятидаги автомобиль йўлларида ҳар 50 km ни ташкил этиши лозим.

771. Жамоат бинолари ва иншоотларида, спорт ва савдо мажмуалари, бозорлар, кўргазмалар марказлари, автовокзаллар, темирйўл вокзаллари, аэровокзаллар таркибидаги (очиқ спорт иншоотлари бундан мустасно) санитария-гигиена шохобчалари одамлар доимий бўладиган энг узоқ жойлашган жойлардан (хона) 75 m дан ўзоқ бўлмаган масофада жойлаштирилиши зарур.

772. Шаҳар ва посёлкалар марказлари таркибидаги савдо-бозор ҳамда оммавий дам олиш марказлари, боғлардаги жамоат зоналарида жамоат ҳожатхоналаригача бўлган масофа 150-200 m ни ташкил этиши керак.

773. Очиқ ясси иншоотларда, спортнинг қайиқда эшкак эшиш турларига мўлжалланган иншоотларда, чанғи учиш базаларида машғулотлар жойлари ёки томошабинлар трибуналаридан жамоат ҳожатхоналаригача бўлган масофа 150 m дан ошмаслиги лозим.

774. Жамоат ҳожатхоналарига ўрнатиладиган санитария-техник приборларининг сони жамоат биноларининг вазифасига боғлиқ ҳолда қуйидагича аниқланиши:

эркаклар учун — 20 — 30 нафар ходим ва 50 — 60 нафар ташриф буюрувчига 1 та унитаз;

15 — 18 нафар ходим ва 50 — 80 нафар ташриф буюрувчига 1 та писсуар;

4 та унитазга 1 та қўл ювиш жиҳози тўғри келиши (бироқ, ҳожатхонада биттадан кам бўлмаслиги) керак;

аёллар учун — 15 нафар ходим ва 25-30 нафар ташриф буюрувчига 1 та унитаз;

2 та унитазга 1 та қўл ювиш жиҳози тўғри келиши (бироқ, ҳожатхонада биттадан кам бўлмаслиги) лозим.

775. Транспорт хизмати объектларида, шунингдек автостанциялар, автовокзаллар, темирйўл вокзаллари, аэровокзаллар таркибида жамоат ҳожатхоналарининг санитария-техник приборлари сони қуйидагича белгиланиши лозим:

75 — 100 нафар аёлга 1 та унитаз;

150 — 200 нафар эркакка 1 та унитаз ва 2 та писсуар;

кўрсатиб ўтилган транспорт хизмати объектларининг маъмурий ва хизмат кўрсатиш хоналарида ишловчилар учун ҳожатхоналар маъмурий муассасаларнинг ҳисобий нормалари бўйича.

776. Очиқ иншоотлар мажмуаларининг жамоат ҳожатхоналарида санитария-техник приборларининг сони ва типларини ташриф буюрувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек эркак ва аёлларнинг нисбатини инобатга олиб, технологик ҳисоблаш орқали амалга оширилиб, 300 — 500 кишига 1 та унитазни ташкил этиши зарур.

777. Курси-аравачаларда ҳаракатланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳожатхоналар олдида ШНҚ 2.07.02-23 га мувофиқ хоналар бўлиши керак.

778. Жамоат ҳожатхоналари табиий ёруғлик тушадиган ва табиий равишда шамоллатиладиган бўлиши керак.

779. Жамоат ҳожатхоналари қуйидагиларни инобатга олиб лойиҳаланиши лозим:

1 та унитазга камида 1,25 $m^2$ майдонни;

ҳар бир писсуарга камида 1 $m^2$ майдонни;

ҳожатхонага кириш жойларида қўл ювиш жиҳози ўрнатилган тамбур бўлишини.

780. Жамоат ҳожатхоналарининг хоналари (кабиналари) ўзи ёпиладиган эшиклар, хона (кабина) ўлчамлари камида 1,0 х 1,25 m ни ташкил этиши, хона (кабина) орасидаги пардадеворнинг баландлиги камида 1,25 m бўлиши керак.

781. Ҳожатхона олдида тозалаш инвентарлари ва дезинфекция воситаларини сақлашга мўлжалланган жой ҳамда фаррош учун хона лойиҳаланиши зарур.

782. Алоҳида турувчи ҳожатхона блоклари хоналарининг баландлиги 2,4 m дан кам бўлмаслиги керак.

783. Жамоат ҳожатхоналари пандуслари ШНҚ 2.07.02-23 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

784. Жамоат ҳожатхоналаридаги девор, шифт ва поллар сувга чидамли материаллардан қурилиши, уларнинг полларида траплар ўрнатилиши зарур.

## 2-§. Жамоат ҳожатхоналарининг хоналарига қўйиладиган талаблар

785. Жамоат ҳожатхонаси ушбу ШНҚнинг 39-иловасидаги 46-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ лойиҳаланиши ва уларда қуйидагилар бўлиши керак:

кириш тамбури;

навбатчи персонал учун хона;

қўл ювгичларни ўрнатиш билан шлюзлар;

ушбу ШНҚнинг 39-иловасидаги 61-расмга мувофиқ эни камида 0,85 m, бўйи камида 1,2 m бўлган кабиналар;

писсуарлар бўлими;

тозалаш инвентарини сақлаш учун жой ёки жавонлар;

ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида кабина;

она ва болалар учун кабина.

786. Еrости ва ички қурилган иншоотлардаги жамоат санитария узеллари хоналарининг баландлиги 2,8 m дан кам бўлмаслиги, ерусти ва алоҳида турувчи жамоат санитария узелларидаги хоналарнинг баландлиги 3,2 m бўлиши зарур.

787. Ҳожатхоналар жамоат биносининг габаритида жойлашганда, уларнинг баландлиги асосий бинонинг баландлигига тенг бўлиши лозим.

## 3-§. Спорт заллари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланиш жойлари ва ёпиқ муз залларидаги санитария узелларига қўйиладиган талаблар

788. Спорт заллари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланиш жойлари ва ёпиқ муз залларидаги санитария узелларига ўрнатиладиган санитария-техник жиҳозлар (приборлар)нинг минимал сони қуйидагича бўлиши керак:

шуғулланувчи аёллар кийимини алмаштириш учун 30 ўрин-жойга 1 та унитаз;

шуғулланувчи эркаклар кийимини алмаштириш учун 135 ўрин-жойга 1 та унитаз ва кийим алмаштириш учун 45 ўрин-жойга 1 та писсуар;

аёл ходимлар, инструктор ва мураббийлар учун бир вақтнинг ўзида ишлайдиган 15 нафар аёлга 1 та унитаз;

эркак ходимлар, инструктор ва мураббийлар учун бир вақтнинг ўзида ишлайдиган 60 нафар эркакка 1 та унитаз ва 20 нафарга 1 та писсуар.

789. Бир вақтнинг ўзида ишлайдиган аёллар ва эркаклар сони 20 нафардан кам бўлганда битта унитаз ўрнатилган умумий санитария узели лойиҳаланиши лозим.

790. Санитария узелининг ҳар бир хонасидаги прибор (унитаз, писсуар)лар сони 40 тадан ошмаслиги лозим.

Аёлларнинг санитария узелида тўртта унитазга битта қўл ювгич, эркакларникида саккизта прибор (унитаз, писсуар)га битта қўл ювгич тўғри келиши керак.

791. Шуғулланувчилар, ходимлар, инструкторлар, мураббийлар учун эркаклар ва аёлларнинг сон нисбати 1:1 деб лойиҳаланиши керак.

792. Томошабинларга мўлжалланган санитария узелларида эркак томошабинлар учун умумий ўрин-жойларининг 60 фоизини, футбол ва муз хоккейи залларида 70 фоизини, аёлларникида эса умумий ўрин-жойларининг 40 фоизини ташкил этиши лозим.

### 4-§. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари бинолари учун жамоат ҳожатхоналарига қўйиладиган талаблар

793. Ташриф буюрувчилар учун жамоат ҳожатхоналари 400 $m^2$ савдо майдонига битта санитария-техник жиҳоз (прибор) тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши (бироқ, иккитадан кам бўлмаслиги) лозим.

794. Савдо мажмуалари (марказлари)га ташриф буюрувчилар учун жамоат ҳожатхоналарини дўконларнинг жами савдо майдонини ҳисобга олган ҳолда дўконларнинг бутун мажмуаси учун лойиҳалаш зарур.

Жамоат ҳожатхоналарини савдо ва умумий овқатланиш корхоналари биноларининг қаватларига жойлаштиришга йўл қўйилади.

795. Жамоат ҳожатхоналарида қуйидагилар инобатга олиб лойиҳаланиши зарур:

курси аравачаларда ҳаракатланадиган ногиронлиги бўлган шахслар учун эни 1,65 m ва бўйи 1,8 m дан кам бўлмаган камида битта хона (кабина);

ҳасса, қўлтиқтаёқ ёки бошқа мосламалардан фойдаланувчи ногиронлиги бўлган шахслар учун тутқичлар ўрнатилган камида битта хона (кабина);

ногиронлиги бўлган шахслар учун икки томонида вертикал таянчлар ўрнатилган ва 0,4 m дан юқори бўлмаган баландликда жойлашган камида битта писсуар;

қўл ювиш жойида пол сатҳидан 0,8 m дан юқори бўлмаган баландликда ва ён девордан 0,2 m дан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳамда таянч тутқичларига эга бўлган битта қўл ювгич (раковина).

796. Тозалаш инвентари сақланадиган хоналарда раковиналар, траплар, совуқ ва иссиқ сув кранлари бўлиши лозим.

797. Майдони 8500 $m^2$ ва ундан кўп бўлган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари биноларида ҳамда майдони 1000 $m^2$ ва ундан кўп бўлган озиқ-овқат дўконларида полларни тозалаш учун кранлар ва траплар бўлиши керак.

## 13-боб. Муҳандислик жиҳозларига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Умумий талаблар

798. Жамоат бинолари электр ускуналари ёрдамида овқат тайёрланишини инобатга олиб лойиҳаланиши керак.

799. Ишлаганда шовқин ва вибрация келтириб чиқарадиган муҳандислик жиҳозларини жойлаштириш ҳамда ўрнатиш бинонинг хизмат кўрсатиладиган хоналарига ва бино олди ҳудудларига нормаланган виброакустик таъсирни таъминлаб беришни ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.01.08-19 га мувофиқ лойиҳаланиши зарур.

## 2-§. Иссиқлик таъминоти, иситиш, вентиляция ва ҳавони кондиционерлаш тизимларига қўйиладиган талаблар

800. Жамоат биноларининг хоналарида қулай ҳаво ҳароратини таъминлаш учун иситиш ва вентиляция ёки ҳавони кондиционерлаш тизимларини лойиҳалаш лозим.

Агар микроиқлимнинг чегаравий ёки оптимал параметрлари вентиляция орқали таъминланганда ушбу параметрлар ҳавони кондиционерлаш тизими ёрдамида таъминланиши керак.

801. Ҳавонинг рециркуляциясида ишлайдиган автоном кондиционерларни жамоат биноларининг хоналарига санитария нормасидан кам бўлмаган ҳажмда ташқи ҳаво киритилишини таъминлайдиган вентиляция тизими бўлганда қўллашга йўл қўйилади.

802. Йилнинг совуқ даврида биноларнинг узлуксиз фойдаланилмайдиган иситиладиган хоналари ҳаво ҳароратини нормадан пастроқ даражада, бироқ қуйидагилардан паст бўлмаган ҳароратда ушлаб туришни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

яшаш хоналарида — 15 $^{o}$C;

жамоат хоналарида — 12 $^{o}$C;

овқат тайёрлаш цехларида, чакана савдо дўконларининг енгил конструкцияли хоналарида, ёпиқ бозорларнинг савдо заллари ва расталарида — 5 $^{o}$C.

803. Жамоат бинолари хоналарининг хизмат кўрсатиладиган зонасида иссиқлик комфорти бўйича йилнинг иссиқ, оралиқ ва совуқ даврлари учун нормаланган, чегаравий ёки оптимал қийматларига мос келадиган ҳисобий параметрлар (ҳарорат, нисбий намлик, ҳаво оқимининг тезлиги) ушбу ШНҚнинг 8-иловасидаги 18-жадвалда келтирилган кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

804. Жамоат бинолари хоналарининг хизмат кўрсатиладиган зонасидаги ҳисобий ҳарорат йилнинг иссиқ даври учун нормаланган ҳароратдан юқори бўлмаслиги ва йилнинг совуқ даври учун нормаланган ҳароратдан паст бўлмаслиги зарур.

Хизмат ва ёрдамчи хоналарда ҳаво алмашинувининг ҳисобини фақат ҳавони алмаштириш карралиги бўйича амалга оширишга йўл қўйилади.

805. Ҳавонинг талаб этиладиган зичлашиши (сийраклашиши) бўйича ички йўлаклар (коридорлар) ёки қўшни хоналарга нисбатан жамоат биноларининг хоналари қуйидаги типларга бўлиб лойиҳаланиши лозим:

Р1 — ҳар бир эшик орқали қўшни хоналардан 50 $m^3/h$ ҳажмда ҳаво киришини таъминловчи ҳаво сийраклашиши талаб этилади (хавфлилик синфи 3 ва 4 бўлган зарарли моддалар ажралиб чиқадиган хоналар, кам ҳид чиқарувчи нам режимли хоналар);

Р2 — ҳар бир эшик орқали қўшни хоналардан камида 100 $m^3/h$ ҳажмда ҳаво киришини таъминлайдиган ҳаво сийраклашиши талаб этилади (хавфлилик синфи 1 ва 2 бўлган зарарли моддалар ажралиб чиқадиган хоналар ёки ёқимсиз ҳид ажралиб чиқиши яққол сезиладиган хоналар);

П1 — ҳар бир эшик орқали қўшни хоналарга 50 $m^3/h$ ҳажмда ҳаво чиқарилишини таъминлайдиган махсус қурилмалар ёрдамида ҳосил қилинадиган ҳаво босими (подпор) талаб этилади (тортиладиган ҳавони ўзи орқали қўшни хоналарга ўтказадиган хоналар, бошқа хоналардан ҳаво киришига йўл қўйилмайдиган хоналар, шамол кўп эсадиган ҳудудларда ҳавоси кондиционерланувчи хоналар);

П2 — ҳар бир эшик орқали қўшни хоналарга камида 100 $m^3/h$ ҳажмда ҳаво чиқарилишини таъминлайдиган ҳаво тортилиши (зичлашиши) талаб этилади (жуда тоза хоналар);

Б — қўшни хоналар билан тенг босим таъминланишини талаб этади (зарарли моддалар ажралиб чиқувчи хоналар, уларга қайта ишланмаган ҳаво киритилишига йўл қўйилмайди);

Д — хонага тортиладиган ҳаво берилишида катта бўлмаган ҳаво сўрилишига (қўшни хонага ҳаво чиқарилишига) ёки ҳар бир эшик орқали кўпи билан 50 $m^3/h$ ҳажмида ҳаво оқиб ўтиши билан ҳаво сийраклашишига йўл қўйиладиган (агар ушбу хонадан чиқариладиган ҳаво киритиладиган ҳаводан кўпроқ бўлса).

806. Хоналарнинг турларига боғлиқ ҳолда вентиляциянинг ҳар хил турларини қўллаш ушбу ШНҚнинг 25-иловасидаги 39-жадвал бўйича аниқланиши керак.

807. Майдони 35 $m^2$ дан кам бўлган ишчи хоналардан ҳавони коридорга вентиляция панжаралари ёки эшик табақалари тагидаги тирқишлар (тешиклар) орқали чиқаришга йўл қўйилади.

808. Хоналарни иситилмайдиган ёки қисман иситиладиган ташқи ҳаво билан форточка, фрамугалар ёки бошқа қурилмалар орқали таъминлаш лозим.

Вентиляторлар ёрдамида вентиляция қилишда иситиш тизими кирувчи ҳавони иситиш учун ортиқча иссиқлик ишлаб чиқарилишини таъминлаши керак.

Хонадаги иситиш приборларининг суткадаги ортиқча иссиқлик ишлаб чиқарувчанлигини кирувчи ҳавони иситишга сарфланадиган ва хонадаги одамлардан ҳар бир соатда ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдорларининг фарқига тенг қилиб қабул қилиш керак.

809. Шахсий гигиена хоналари, ҳожатхоналар, душхоналар, юз-қўл ювиш хоналари, ванна хоналари, зарарли моддалар ажралиб чиқадиган хоналар ҳамда сўриб олиш жавонлари ва ертўлалардан ҳавони тортиб чиқарувчи вентиляция тизимларини жамоат биноларининг бошқа хоналаридан ҳавони тортиб чиқарувчи тизимлар билан бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

810. Совуқ, илиқ ва очиқ чордоқли жамоат биноларида ҚМҚ 2.03.10-19 га мувофиқ ҳавони чордоқдан атмосферага чиқариш лозим.

811. Жамоат бинолари таркибига кирувчи ёрдамчи ва санитария-гигиена хоналарда совуқ давр учун иқлимий зонага боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳавонинг ҳисобий ҳароратини ва ҳаво алмашинишининг карралигини ушбу ШНҚнинг 8-иловасидаги 19-жадвал бўйича белгилаш зарур.

812. Биринчи иқлимий зонада барпо этиладиган ва сунъий вентиляция жиҳозлари билан таъминланадиган ҳамда одамлар доимо бўладиган жамоат биноларида киритиладиган ҳаво ҳажмини ҳаво тортиш канали устида бутун бино бўйича камида 10 % га оширилган бўлиши керак.

813. Театр, маданият марказлари, кинотеатр, концерт ва кўргазмалардаги томоша залларининг томошабинлар жойлашадиган зоналарида йилнинг совуқ даврида ҳаво параметрлари ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 20-жадвалга мувофиқ таъминланиши лозим.

814. Йилнинг иссиқ даври учун ҳавони кондиционерлаш ёки ҳавони совитиб киритувчи вентиляция тизими лойиҳалаштирилиши керак.

Хоналарни тунда қўшимча равишда шамоллатиш имконияти бўлиши зарур.

815. Сеанс бошланишидан олдин ёки танаффусларда зални тайёрлашда иситиш, совитиш ёки шамоллатиш таъминланиши лозим.

816. Кечки вақтда ишлайдиган маданий-томоша муассасалари учун вентиляция ёки ҳавони кондиционерлаш тизимларини йилнинг иссиқ даврида соат 19-00 даги ташқи ҳаво параметрлари бўйича лойиҳалаш зарур.

817. Маданият марказлари, кинотеатрлар ва театрларнинг томоша заллари учун ҳаво билан иситиш тизими вентиляция ва кондиционерлаш тизимлари билан бирга қўшилганда ҳаво ҳароратини томошабинли ва томошабинсиз режимларда белгилаш керак.

Бунда, ички ҳавонинг рециркуляциясига йўл қўйилади.

818. Баланд колосникли саҳнага эга бўлган театрлар ва маданият марказларининг томоша залларида ҳаво босимининг 10 % оширилишини таъминлаш учун чиқариладиган ҳаво ҳажми киритиладиган ҳавонинг 90 % ини ташкил этиши, бунда залдан чиқариладиган умумий ҳаво ҳажмининг 17 % идан кўп бўлмаган қисми саҳна орқали чиқарилиши керак.

819. Киноаппарат ва аккумулятор хоналари учун ҳавони мустақил равишда тортиб чиқарувчи ва тортиб киритувчи вентиляция тизими лойиҳаланиши лозим.

Кинопроекция хонасининг ҳаво чиқариб ташлаш тизимини бошқа тизимлар билан қўшишга (плёнкани қайта ўраш, таржимон кабинаси ва кучайтиргичлар жавонидан ҳаво чиқарувчи тизимлар бундан мустасно) ёки проекцион хоналардан бошқа тизимларнинг транзит ҳаво каналларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

Ўриндиқлари сони 100 тагача бўлган томошабинлар залларига эга бўлган биноларнинг кинопроекцион хоналарига ҳаво киритилишини ҳавони тортиб киритувчи умумий вентиляция тизими орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

820. Музей ва кўргазмаларнинг экспозиция залларида, музейларнинг нодир китоблар ва қўлёзмалар сақланадиган хоналарида ҳамда 1 млн. бирлик ва ундан кўп фонд ҳажмига эга бўлган кутубхоналарнинг китоблар сақланадиган хоналарида ва I гуруҳдаги архивларнинг ҳужжатлар сақланадиган хоналарида ҳавони кондиционерлаш тизими лойиҳаланиши керак.

Музейлар, кутубхоналар ва архивларда йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳароратини ва ҳавони алмаштириш карралигини ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 21-жадвал бўйича аниқлаш зарур.

821. Икки юз минг ва ундан кўп китоб сақлаш фондига эга бўлган кутубхоналарнинг ўқиш, маъруза заллари ва китоб сақлаш хоналарида, музейларнинг экспозиция заллари ва экспозицияларни сақлаш залларида, 300 мингта ҳужжат сақлаш фондига эга бўлган архивларнинг ҳужжатлар сақланадиган хоналарида ҳавони тортиб киритувчи вентиляция ёки ҳавони кондиционерлаш тизими билан қўшилган ҳаво ёрдамида иситиш тизими ва табиий равишда ишлайдиган ҳаво чиқарувчи вентиляция тизими лойиҳаланиши лозим.

Ушбу биноларнинг бошқа хоналари учун сув ёрдамида иситиш тизими лойиҳаланиши керак.

822. Эллик мингтагача китоб сақлаш фондига эга бўлган оммавий кутубхоналарда ўқиш жойлари китоб фонди билан бир хонада жойлашганда, шунингдек, 300 минг ҳужжат сақлаш фондига эга бўлган архивларда табиий равишда ишлайдиган вентиляция тизимини лойиҳалашга йўл қўйилади, бунда ҳаво бир мартадан кам бўлмаган ҳолда алмаштирилиши лозим.

823. Икки юз минг ва ундан кўп китоб сақлаш фондига эга бўлган кутубхоналарнинг китобларни сақлаш хоналари, маъруза ва ўқиш залларида, шунингдек, ҳужжат сақлаш сиғими 300 минг ҳужжат сақлаш фондига эга бўлган архивларнинг ҳужжатлар сақланадиган хоналарида ҳавонинг рециркуляция қилиниши назарда тутилиши ва ташқи ҳаво сарфи ҳисоблаш орқали аниқланиши керак. Ҳужжатлар сақланадиган хоналарда ҳаво сарфи умумий киритиладиган умумий ҳаво сарфининг 10 % идан ошмаслиги зарур.

824. Музей, кутубхона ва архив биноларида ҳавонинг нисбий намлиги 50 — 55 % бўлиши зарур.

825. Чакана савдо корхоналарининг хоналарида, шунингдек алоҳида ва бино ичида жойлашган ихтисослашган дўконларда, ярим ёпиқ пиёда ўтиш йўлакларига эга бўлган савдо расталарида, 150 ўрингача бўлган сабзавот бозорларида совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралилиги ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 22-жадвал бўйича белгиланиши лозим.

826. Алоҳида ва бино ичида жойлашган, ярим очиқ пиёда ўтиш йўлакларига эга бўлган савдо расталари учун сув, буғ ва электр ёрдамида иситиладиган иситиш тизимини лойиҳалашга йўл қўйилади, бунда ушбу тизимдаги иссиқлик чиқарувчи сиртнинг ҳарорати 110 °С дан ошмаслиги лозим.

Ҳаво ёрдамида ишлайдиган иситиш тизимини ҳам лойиҳалашга йўл қўйилади.

827. Айвонлар тагида жойлашган савдо майдонларида ушбу ШНҚнинг 825-бандида келтирилган тизимлардан ташқари 2,5 m баландликда ўрнатиладиган ва иссиқлик бериш сиртининг ҳарорати 250 °С дан ошмайдиган юқори ҳароратли кўринмас нурланувчи электр ва газли иситиш тизимларини қўллашга йўл қўйилади.

828. Таркибида енгил алангаланувчи суюқликлар бўлган материалларни қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган дўконлардаги савдо залларининг иситиш тизими А, Б, В тоифали ишлаб чиқариш хоналарига қўйиладиган талаблар каби лойиҳаланиши лозим.

829. Дўконлар ва ёпиқ бозорларда савдо залининг ҳавосини ҳар бир $m^2$ га камида 10 $m^3/h$ ҳажмда тўғри келадиган ташқи ҳаво билан алмаштириш таъминланиши керак.

830. Майдони 600 $m^2$ ва ундан кўп бўлган дўконларда йилнинг иссиқ даври учун ташқи ҳаво билан совутилмайдиган вентиляция тизими билан биргаликда рециркуляцион ҳаво совиткичларни ёки кондиционерларни қўллаш керак.

831. Майдони 250 $m^2$ гача бўлган дўкон ва бозорларнинг савдо майдони 600 $m^2$ гача бўлган ёпиқ заллари учун фақат табиий равишда ишлайдиган вентиляция тизимини лойиҳалашга йўл қўйилади.

832. Маиший кимё товарлари 50 % ва ундан кўп бўлган савдо залларида марказлаштирилган ҳаво рециркуляциясини қўллашга йўл қўйилмайди.

833. Кимёвий, синтетик ёки бошқа ҳид чиқарувчи моддалар сақланадиган хоналарда ҳамда товарларни шу хоналарнинг майдончаларига жойлаштиришда ва сотишга тайёрлашда иш жойига ташқаридан соатига камида 60 $m^3$ ҳаво тортиб киритилиши керак.

834. Савдо майдони 250 $m^2$ ва ундан кўп бўлган дўконларнинг кириш жойларидаги тамбурлар ҳамда майдони 800 $m^2$ ва ундан кўп бўлган ёпиқ бозорлар учун ташқи ҳаво ҳарорати минус 15°С ва ундан паст бўлганда («Б» параметрлар) харидорлар кириш тамбурлари ҳавони иситадиган приборлар билан жиҳозланиши керак.

835. Спорт иншоотлари ва ҳаммом-соғломлантириш мажмуаларининг хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳавони алмаштириш карралиги ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 23-жадвал бўйича белгиланиши лозим.

836. Жисмоний тарбия-соғломлантириш иншоотларида бадантарбия билан шуғулланиш зоналарида ҳавонинг тезлиги қуйидаги кўрсаткичлардан ошиб кетмаслиги керак:

бассейнларнинг ваннали залларида — 0,2 m/s;

кураш, стол тенниси, конкида учиш заллари ва эшкак эшиш бассейнлари жойлашган залларда — 0,3 m/s;

бошқа спорт залларида, бассейнларда тайёргарлик кўриш залларида ва жисмоний тарбия-соғломлантириш машғулотлари учун тайёргарлик кўриш залларида — 0,5 m/s.

Бассейн ванналари жойлашган заллардаги тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик-техник ҳисобида ҳавонинг нисбий намлигини 60 %, ҳароратини 29 °С да белгилаш зарур.

837. Ҳаммом ҳамда бассейнларда ечиниш хоналари ва бассейн атрофидаги йўлакларнинг полини иситиш ёки пол қопламасини иссиқлик ютувчи материаллардан қуриш, бунда пол ва йўлаклар юзасининг ҳарорати 31 °С дан ошмаслиги керак.

838. Томошабинлар учун ўриндиқларга эга бўлган ва сунъий равишда музлатиладиган ёпиқ муз залларида ҳаво алмашинувини ҳисоблашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

муз ва томошабинлар ўрин-жойларидан фойдаланиш;

муз бўлмаганда томошабинлар ўрин-жойларидан фойдаланиш;

томошабинлар ўрин-жойлари бўлмаганда муздан фойдаланиш.

839. Сунъий музлатилмайдиган ва томошабинлар ўрин-жойларига эга бўлган бассейн ванналари бўлган спорт залларида ҳаво алмашинувини ҳисоблаш томошабинли ва томошабинсиз режимларда амалга оширилиши зарур.

840. Ёпиқ муз заллари ва спорт залларида ҳаво ёрдамида иситадиган агрегатларни ўрнатишга йўл қўйилади.

841. Бассейн залларида ҳаво алмашувини камайтириш мақсадида ҳавони қуритувчи рециркуляция қурилмаларини ўрнатишга йўл қўйилади.

842. Ҳавонинг вентиляцияси ва кондиционерлаштирилиши билан қўшилган бассейнлар ва спорт залларининг ҳаволи иситиш тизимларида ҳавонинг рециркуляциясига йўл қўйилади.

843. Умумий овқатланиш муассасаларида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 24-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар бўйича белгиланиши керак.

844. Эллик ва ундан кам ўринли умумий овқатланиш муассасаларида табиий равишда ишлайдиган вентиляция тизимини лойиҳалашга йўл қўйилади.

845. Ҳаво тортувчи вентиляция тизимларини қуйидаги хоналар учун лойиҳалаш лозим:

ошхонага қўшилмаган овқатланиш заллари ва мижозлар учун бошқа хоналар, овқат тайёрлаш цехлари ва идиш ювиш хоналари;

ишлаб чиқариш хоналари (овқат пишириш цехлари ва идиш ювиш хоналари бундан мустасно), омборхоналар ва маъмурий хоналар;

маҳсулотларни сақлаш учун совитиш камералари;

овқат қолдиқларини сақлаш камералари учун алоҳида.

846. Овқат пишириш цехларида, нон ва кондитерлик маҳсулотлари тайёрланадиган хоналар ҳамда идиш ювиш хоналаридан чиқариладиган ҳаво ҳажми ушбу хоналарга тортиб киритиладиган ҳаво ҳажмидан камида икки марта кўп бўлиши, чиқарилган ҳаво ҳажми овқатланиш заллари орқали компенсацияланиши керак.

847. Сиғимига боғлиқ бўлмаган ҳолда ресторанларнинг овқатланиш залларида ҳавони кондиционерлаш ёки рециркуляцион ҳаво совиткичларни қўллаш лозим.

848. Меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, санаторийлар ва дам олиш муассасаларининг хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ҳамда ҳавони алмаштириш карралилиги ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 25-жадвал бўйича белгиланиши зарур.

849. 2-3-тоифали ва ундан паст тоифали номерларда ҳамда тоифага боғлиқ бўлмаган ҳолда бир-икки қаватли меҳмонхона ва мотелларнинг биноларида табиий равишда ишлайдиган вентиляцияни қўллашга йўл қўйилади.

850. Меҳмонхоналарнинг номерларидан ва санаторийлардаги санитария узелларига эга бўлган ётоқ хоналардан ҳавони чиқариш санитария узеллари орқали амалга оширилиши, санитария узеллари бўлмаган ҳолларда ҳаво яшаш хоналаридаги вентиляция каналлари орқали ташқарига чиқарилиши керак.

851. Мотеллар, кемпинглар олдидаги техник хизмат кўрсатиш станциялари ҳамда ёпиқ гаражлар учун алоҳида иситиш ва вентиляция тизимлари лойиҳаланиши, бунда улардаги ҳавони алмаштириш карралиги ҳисоблаш орқали аниқланиши лозим.

852. Олий ҳамда 1-2-тоифали меҳмонхоналарнинг ресторанлари, кафелари ва овқатланиш залларида кондиционерлар ёки рециркуляцион ҳаво совиткичлар ташқи ҳаво билан совутилмайдиган вентиляция билан биргаликда қўлланилиши зарур.

853. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий бинолари, маҳалла, жамоат ташкилотлари, лойиҳа, конструкторлик ва юридик фирмалар, турли вазифалардаги тижорат идоралари, банк муассасалари, агентликларнинг биноларида совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 26-жадвал бўйича белгиланиши керак.

854. Техник хизмат кўрсатиш хоналари, ошхоналар, буфетлар, киноаппарат хоналари ва бошқа ишлаб чиқариш хоналари учун мустақил ишлайдиган ҳаво тортиб чиқарувчи вентиляция тизимлари лойиҳаланиши лозим.

855. Ходимлар учун мўлжалланган иш хоналари, конференция заллари, ёрдамчи хизмат кўрсатиш хоналарида йилнинг иссиқ даврида ҳавони кондиционерлаш тизимларини ёки рециркуляцион ҳаво совуткичларни ташқи ҳаво ёрдамида совутилмайдиган вентиляция билан бирга қўллаш ҳисобига нормал ҳаво харорати таъминланиши зарур.

856. Ижтимоий таъминот муассасаларининг биноларида иссиқлик битта кириш жойидан кирган ҳолда сув иситадиган қозонларга эга бўлган (кимёвий сув тозалагичсиз ва бак-аккумуляторларсиз) захира қозонхона ёки электр энергияси билан ишлайдиган захира иситиш тизими ва иссиқ сув таъминоти лойиҳаланиши зарур.

857. Шифохоналар, беморлар доимо бўладиган корпуслар, туғруқхоналар, стационар диспансер ва ижтимоий муассасалар ҳамда болалар учун сутли таомлар тайёрлайдиган ошхоналарни иссиқлик таъминотининг ишончлилиги бўйича 1-тоифага, бошқа муассасаларни эса иссиқлик таъминотининг ишончлилиги бўйича 2-тоифага тегишли деб ҳисоблаш лозим.

858. 1-тоифадаги иссиқлик истеъмолчилари учун бир-бирига боғлиқ бўлмаган манбалардан ёки 1-тоифали иссиқлик манбаидан таъминланувчи ҳалқа кўринишида ётқизилган иссиқлик магистралидан иккита кириш жойи назарда тутилиши керак.

859. Маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг ишлаб чиқариш хоналари, ателье, кир ювиш (ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи кир ювиш корхоналари бундан мустасно), кимёвий тозалаш, пойабзал ва кийим, шунингдек маиший техника таъмирлаш устахоналари ҳамда бошқа ишлаб чиқиш корхоналарида ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралигини ушбу ШНҚнинг 9-иловасидаги 27-жадвалга мувофиқ белгилаш керак.

**3-§. Сув таъминоти ва канализация тизимларига қўйиладиган талаблар**

860. Жамоат биноларида хўжалик-ичимлик, ёнғинга қарши сув таъминоти ва иссиқ сув таъминоти, канализация ва сув оқизиш тизимлари лойиҳаланиши лозим.

Аҳоли яшаш пунктларининг канализация тизими мавжуд бўлган туманларида қуриладиган барча жамоат биноларида ички сув таъминоти ва канализация тизимлари лойиҳаланиши керак.

861. Барча жамоат биноларида ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимларини қуришда тозалаш инвентарларини сақлаш хоналари ва шахсий гигиена хоналари ҳамда душхона, санитария узеллари, тиббий хона, шунингдек ошхона, буфет, кафетерийларнинг технологик жиҳозларига ҳамда хоналардаги бошқа приборларга совуқ ва иссиқ сув қувурўтказгичлари лойиҳа топшириғига асосан ўтказилиши зарур.

862. Иссиқ сув таъминоти тизими қандай бўлишидан қатъи назар, жўмраклардан оқаётган иссиқ сувнинг ҳарорати 50 °С дан паст ва 75 °С дан юқори бўлмаслиги лозим.

863. Ёнғинга қарши ички сув таъминоти тармоғи ҚМҚ 2.04.01-98 ва ушбу ШНҚнинг 26-иловасига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

864. Чакана савдо корхоналари товарларни сотишга тайёрлаш хоналарига қувурўтгазгичлар ўтказилиши ва сантехника жиҳозлари (раковиналар) ўрнатилиши керак.

865. Озиқ-овқат дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналаридаги озиқ-овқат қолдиқлари ташланадиган камераларнинг шлюзи бачокларни ювиш учун жиҳозлар ва қўл ювгичлар билан таъминланиши лозим.

866. Ҳаммомлар ва кир ювиш хоналарида сув таъминоти ташқи тармоқдан хўжалик-ичимлик суви ҳамда захира бакларидан ювиниш ва кир ювиш тизими лойиҳаланиши керак.

867. Ювиниш ва кир ювиш тизимига буғ, душ ва ванна хоналарига жойлаштириладиган микробассейнлар ва санитария узеллари, хўжалик-ичимлик суви тизимига эса бошқа сантехника жиҳозлари (приборлари) уланиши зарур.

868. Очиқ ва ёпиқ бассейнлар, ҳаммомларнинг санитария узеллари, душ ҳамда буғхоналари, очиқ спорт иншоотларининг трибуналари ва ёзги кинотеатрларининг томошабинлар ўтирадиган жойлари, шунингдек кир ювиш хоналарини ювиш ҳамда тозалаш учун совуқ ва иссиқ сувга уланган сув қуйиш жўмраклари ўрнатилиши лозим.

869. Бассейнлардаги сувнинг ҳисобий ҳарорати уларнинг вазифасига боғлиқ ҳолда белгиланиши, бунда барча ҳолларда сув ҳарорати 24 °С паст ва 30 °С юқори бўлмаслиги керак.

870. Сауналар олдидаги бассейнлардаги сувнинг ҳароратини 18 °С паст бўлмаган ҳароратда ушлаб туришга йўл қўйилади.

871. Бассейнларнинг ванналарига қуйиладиган сувнинг ҳарорати 37 °С дан ошмаслиги зарур.

872. Бассейнларнинг ванналарини сув билан тўлдириш вақти 24 h дан ошмаслиги, улардаги сувни чиқариш вақти 12 h дан ошмаслиги керак.

873. Сувни чиқариш ва сув билан тўлдириш орасидаги вақтдан бассейн ваннаси ва жиҳозларини тозалаш, уларга санитария ишлови бериш учун фойдаланиш лозим.

874. Бассейн ваннасидаги сувни тўлиқ алмаштириш бассейннинг вазифасига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши, бироқ бир ойда камида бир марта алмаштирилиши керак.

875. Бассейнлардаги сувни алмаштириш сувнинг рециркуляциясини ҳисобга олган ҳолда ва суткада ванна ҳажмининг 10 % идан кам бўлмаган ҳажмда тоза сув киритилиши

билан амалга оширилиши, бунда ваннадаги сувни тўлиқ алмаштириш вақти 12 h дан ошмаслиги лозим.

876. Рециркуляциясиз сувни дезинфекциялаш билан тинимсиз тоза сув билан таъминлашга йўл қўйилади.

877. Бассейнларнинг циркуляция қилинадиган (айланадиган) суви фильтрлар ёрдамида тозаланиши, бунда сув таъминоти ташқи тармоқлари ва иншоотларини лойиҳалаш бўйича амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сув коагуляция қилиниши керак.

878. Бассейнлар ванна сувини дезинфекция қилишни инобатга олиб лойиҳаланиши лозим.

Дезинфекция моддалари фильтрдан олдинда турувчи рециркуляция тизими қувурларига киритилиши, сув тинимсиз оқаётганда эса ваннага қўйиладиган сувга қўшиш керак.

879. Бассейнларни лойиҳалашда сув сарфи ва йиллик иссиқлик юкламаси бассейнларнинг ванналарини сув билан тўлдириш ва берилган ҳароратни сақлаб туриш мақсадида сувнинг иситилишини ҳисобга олган ҳолда эксплуатация қилиш учун ҳисобланиши зарур.

880. Канализация тармоғи ўтказилмаган ҳудудларда ички сув таъминоти тизимини қуришда ички канализация тизими маҳаллий тозалаш иншоотлари билан биргаликда лойиҳаланиши керак.

881. Ички канализация тизими бўлмаганда бинода ички сув таъминоти тизимини қуришга йўл қўйилмайди.

882. Аҳоли яшаш пунктлари ва қишлоқ ҳамда овул жойларининг канализация тизими бўлмаган ҳудудларида алоҳида турувчи ерга қазиладиган ҳожатхоналарни қаватлари сони 2 тадан кўп бўлмаган қуйидаги бино ва иншоотлар учун лойиҳалашга йўл қўйилади:

савдо майдони 250 $m^2$ бўлган дўконлар, савдо залларининг майдони 250 $m^2$ гача бўлган ёпиқ бозорлар;

50 тагача ўринга мўлжалланган умумий овқатланиш корхоналари;

бошқариш органлари, ҳар хил йўналишдаги идоралар, офислар, фирмаларнинг бинолари (баландлиги 2 қаватдан ошмаган);

баландлиги 1-2 қаватли ва ўринлари сони 50 тагача бўлган меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар;

болалар ёзги оромгоҳлари, дам олиш зоналари сиғими 240 ўрингача бўлган туристик зоналари (оқова сувлари ошхоналар учун ерга қазилган чуқурга оқизилади);

сиғими 500 ўрингача бўлган кинотеатрлар ва маданият марказлари;

тирларнинг ўқ отиш галереялари ва алоҳида жойлашган очиқ тирлар;

очиқ ясси иншоотлар, жумладан томошабинлар учун 300 ўринга эга бўлган иншоотлар;

спорт иншоотларининг старт майдонлари — трамплинлар, тоғ чанғи трассалари;

бир сменада 25 тагача ходим ишлайдиган маиший хизмат кўрсатиш муассасалари;

сиғими катта бўлмаган бошқа жамоат муассасаларининг бинолари.

883. Бошқа вазифадаги биноларда жойлашган ёки шу биноларга қўшиб қурилган қурилган савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун ички канализация тизимини ушбу биноларнинг канализация тизимидан ажратилган ҳолда алоҳида лойиҳалаш зарур.

884. Маиший хизмат кўрсатувчи муассасалар, шунингдек ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи кир ювиш корхоналари учун ички канализация тизимини маиший ва ишлаб чиқариш оқова сувларининг тармоқларини бирлаштирган ҳолда лойиҳалашга йўл қўйилади, канализацияси амалдаги нормалар бўйича лойиҳаланадиган кимёвий тозалаш, ҳаммом ва кир ювиш муассасалари бундан мустасно.

885. Жамоат биноларининг вентиляция ва кондиционерлаш тизими жиҳозларидаги сув маиший канализация ёки ирригация тармоғига чиқарилиши керак.

886. Оёқ ювиш душлари ва ванналари олдидаги ўтиш жойлари, айланма йўлаклар, бассейнларни сувдан бўшатиш, деворларни ва бассейнлар тубини ювишдан, тарновлардан оқадиган сувларни маиший канализация ёки ирригация тармоғига оқизиш лозим.

887. Канализация қувурўтказгичларини бессейнларнинг ванналарига улашда оқова сувларининг канализация тармоғидан ваннага қайта оқиб кириш эҳтимолининг олди олиниши керак.

888. Ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизиб чиқариш жойларида ёғ тутгичлар қуйидаги умумий овқатланиш муассасаларида ўрнатилиши зарур:

хом ашё ишлатувчи умумий овқатланиш корхоналаридаги 200 дан кўп бўлган ўринли залларда;

ярим тайёр маҳсулотларни ишлатувчи умумий овқатланиш муассасаларидаги 500 дан кўп ўринли залларда.

889. Сменада 1 тоннадан кўп сабзавот ишлатиладиган умумий овқатланиш муассасалари учун бинодан ташқарида ифлосланган сувни тиндирувчи ва пўстлоқ тутувчи қурилмалар бўлиши керак.

## 4-§. Электротехник қурилмаларга қўйиладиган талаблар

890. Жамоат бинолари электр жиҳоз, электр ёритгич, шаҳар телефон алоқалари қурилмаси ва телевидениеларни инобатга олиб лойиҳаланиши лозим.

891. Ходимлари сони 10 нафардан кам бўлган айрим жамоат биноларида асосланган ҳолда телефон алоқаси ва телевидение лойиҳаланмаслигига йўл қўйилади.

Меҳмонхоналар, бошқарув органлари ва аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бинолари, банк муассасалари бинолари, суғурта агентликлари бинолари бундан мустасно.

892. Автоматик ёнғин сигнализацияси тизимлари (АЁСТ) ва автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари (АЁЎҚ) ушбу ШНҚнинг 29-иловасида келтирилган рўйхатга мувофиқ бўлиши керак.

Ёнғинни автоматик ўчириш учун ёниш ҳодисаси рўй бермаган ҳолларда ишлаб кетадиган қурилмалар ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

893. Электр энергияси билан таъминлаш ишончлилигининг даражаси бўйича жамоат биноларидаги электр қабул қилгичлар ушбу ШНҚнинг 27-иловасидаги 40-жадвалда келтирилган тоифаларга мос келиши керак.

Тоифаси юқори бўлган электр қабул қилгичларнинг электр энергияси билан таъминлаш ишончлилигига қўйиладиган талабларни паст тоифали электр қабул қилгичларга қўлламаслик лозим.

894. Электр таъминоти ишончлилигининг тегишли тоифасини бино қаватлари сонига боғлиқ ҳолда аниқлаш учун бино қаватлари сонига ер устида жойлашган барча қаватлар, шу жумладан мансарда, техник қават ва бинонинг цоколь қавати киритилиши керак (бино цоколь қаватининг ораёпмаси ернинг режавий сатҳидан 2 m дан кам бўлмаган баландликда жойлашганда).

Бинонинг турли қисмларида ҳар хил қаватлар бўлганда, унинг қаватлар сонини ҳар бир қисм учун алоҳида аниқлаш зарур.

895. Ёнғинга қарши қурилмалар ва қўриқлаш сигнализацияси, шу жумладан «ёнғин-қутқарув бўлинмаларини ташиш учун мўлжалланган лифтлар»нинг электр қабул қилгичлари ишончлилик тоифаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда электр таъминотининг ҳар хил кириш жойларига уланган бўлиши, электр таъминотининг кириш жойи битта бўлганда, ушбу кириш жойига иккита тармоқ орқали уланиши керак.

896. Бинолар ва хоналарнинг қўриқлаш сигнализацияси тизими лойиҳа топшириғига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

897. Банк бинолари, омонат кассалари, офислар ва бошқа жамоат биноларининг пул, қимматбаҳо қоғозлар ҳамда қимматли металл буюмлар билан операциялар амалга ошириладиган хоналаридаги иш жойлари хавфдан огоҳлантирувчи (тревога) сигнализацияси билан жиҳозланиши, коммутатор қурилмаларини ўрнатиш жойлари лойиҳа топшириғига асосан белгиланиши керак.

898. Яшин қайтаргич ўрнатилиши зарур бўлмаган ҳолларда антенна ва қувурли таянчлар ерга уланиши керак.

899. Механик умумий вентиляция тизимига эга бўлган биноларда ёнғинга қарши автоматик сигнализация ва автомат ёнғин ўчиргичлар ишлаганда ушбу вентиляция автоматик ўчирилиши, ёнғинга қарши автоматик сигнализация ва автомат ёнғин ўчиргичлар бўлмаганда вентиляция марказлаштирилган жойдан ўчирилиши лозим.

900. Жамоат биноларида ҳимоявий ўчириш қурилмасининг ишлаб кетиши учун зарур бўлган электр ток кучи 30 mA дан кўп бўлмаслиги, ушбу қурилманинг ишлаб кетиш вақти — 100 ms гача бўлиши керак.

### 5-§. Газ таъминоти тизимига қўйиладиган талаблар

901. Биноларнинг бириктирилган қисмига ёки алоҳида турган биноларда қурилган иситиш қозонхоналарида газдан фойдаланишга йўл қуйилиши мумкин, бинонинг ертўласида жойлашган қозонхоналар бундан мустасно.

902. Умумий овқатланиш корхоналарининг алоҳида турувчи бинолари, овқатланиш блоклари, ошхоналар, дорихоналар, лабораториялар ва асосий жамоат биносидаги ёрдамчи хизматларга тегишли бўлган бошқа хоналарда, газ таъминотини инобатга олиб лойиҳаланишига йўл қўйилади.

903. Жамоат биноларининг газ таъминоти тизимлари ШНҚ 2.04.08-13 га ва газ хўжалигида хавфсизлик қоидаларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

**Жамоат бинолари ва иншоотларининг қаватлари сонини аниқлаш**

*1-жадвал*

| Т/р | Бино турлари | Қаватлар сони (кўпи билан) |
|---|---|---|
| 1. | Ногиронлиги бўлган шахслар ва қариялар учун ижтимоий марказлар, болалар ижтимоий марказлари, болалар уйлари, интернат уйлар | 2 |
| 2. | Маҳалла бошқаруви ва уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти | 2 |
| 3. | Савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш, оммавий маиший хизмат бинолари (ноёб тоифали бинолар бундан мустасно) | 5 |
| *Изоҳ:*<br>*1. Жамоат биноларининг қаватлари сони ҚМҚ 2.01.03-19 га мувофиқ ҳудуднинг зилзилабардошлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаш лозим.*<br>*2. Мавсумий иншоотлар 1-2 қаватли бўлиши, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ётоқ павильонлари бир қаватли бўлиши керак.* | | |

**Жамоат биноларининг оловбардошлик даражасига боғлиқ ҳолда уларнинг қаватлари сони ва ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги қават майдонининг кўрсаткичлари**

*2-жадвал*

| Оловбардошлик даражаси | Бинонинг конструктив ёнғин хавфлилиги синфи | Қаватларнинг юқори чегаравий сони | Ёнғинга қарши деворлар орасидаги қаватнинг йўл қўйиладиган майдони, $m^2$ | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 — 5 | 6 — 9 | 10 — 16 |
| I | СО | 16 | 6000 | 5000 | 5000 | 5000 | 2500 |
| II | СО | 16 | 6000 | 4000 | 4000 | 4000 | 2200 |
| II | С1 | 9 | 5000 | 3000 | 2000 | 1200 | -*) |
| III | СО | 5 | 3000 | 2000 | 1200 | - | - |
| III | С1 | 4 | 2000 | 1400 | 800 | - | - |
| IV | СО | 2 | 2000 | 1400 | - | - | - |
| IV | С1 | 2 | 2000 | 1400 | - | - | - |
| IV | С2, С3 | 2 | 1200 | 800 | - | - | - |

*Изоҳ:*

** — жадвалдаги чизиқча ушбу оловбардошлик даражасидаги бино келтирилган қават сонига эга бўлиши мумкин эмаслигини англатади;*

*жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан фарқ қилувчи кўрсаткичлар бошқача уйғунлаштирилганда қават майдони ва баландлиги ушбу тоифадаги бинолар учун кичик қийматлар бўйича белгиланиши лозим;*

*оловбардошлик даражаси I ва II бўлган автомат ёнғин ўчириш тизимига эга бўлган биноларда ёнғинга қарши деворлар орасидаги майдонни оширишга йўл қўйилади, бироқ икки баравардан кўпроққа оширмаслик керак;*

*қўшни қаватлар ораёпмасида очиқ оралиқлар бўлса, ушбу қаватлар майдонларининг йиғиндиси юқоридаги 2-жадвалда келтирилган майдон кўрсаткичларидан ошмаслиги лозим;*

*оловбардошлик даражаси IV бўлган икки қаватли биноларда юк кўтарувчи конструкциялар элементларининг оловбардошлик чегараси R 45 дан паст бўлмаслиги зарур;*

*бино қурилиш майдонининг 15 фоизини эгаллаган икки қаватли қисмга эга бўлган бир қаватли биноларнинг ёнғинга қарши деворлари орасидаги майдон бир қаватли биноларнинг майдони каби белгиланиши керак;*

*бинонинг олд қисмига қурилган айвон, терраса, галереялар, шунингдек ёнғинга қарши деворлар билан ажратилган ҳизмат ва бошқа бинолар ҳамда иншоотларнинг оловбардошлик даражаси асосий бинонинг оловбардошлик даражасидан битта даражага паст бўлишига йўл қўйилади;*

*вокзалларнинг биноларида ёнғинга қарши деворлар ўрнига 0,5 m масофада жойлашган икки типли ва 1 m тўсиқ узунлигига 1 l/s дан кам бўлмаган сув қуйилиши жадаллигини таъминлаб берувчи сувли дренчер тўсиқлари қурилмаси (ишлаш вақти 1 соатдан кам бўлмаган) лойиҳаланишига йўл қўйилади;*

*ертўла ёки цоколь қаватларида ёнувчи материаллар сақланадиган омборхона ва бошқа хоналар жойлашмаган бўлса (юк камералари ва персонал гардероблар бундан мустасно) аэровокзалларнинг оловбардошлик даражаси I бўлган биноларда ёнғинга қарши деворлар орасидаги майдонни 10000 $m^2$ гача оширишга йўл қўйилади. Бунда, бинонинг ертўласи ёки цоколь қаватида жойлашган ҳожатхоналар шу бинонинг 1-қавати билан очиқ зинапоялар орқали боғланган бўлиши, юк камералари ва ходимларнинг гардероблари эса алоҳида ёпиқ зинапоялар орқали боғланган бўлиши керак;*

| |
|---|
| *ертўладаги юк сақлаш камералари (автомат ячейкалар билан жиҳозланган юк сақлаш камераларидан ташқари) ва гардероблар бошқа хоналардан I типли E1 45 ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратилиши ҳамда уларга автомат ёнғин ўчириш қурилмалари ўрнатилиши, команда-диспетчер пунктлари эса ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратилиши керак;*<br>*аэровокзал биноларидаги ёнғинга қарши деворлар орасидаги майдон автомат ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланганда ушбу майдоннинг кенглиги чегараланмаслиги керак;*<br>*катта габаритли хоналар ва залларни, шу жумладан томоша, спорт-томоша, кўргазма заллари ва спорт манежлари, ёпиқ сув ҳавзалари ва муз заллари (томошабинлар ўрин жойларига эга бўлган ва бўлмаган), ёпиқ тирларнинг ўқ отиш зоналарининг заллари ва бошқа хоналарни лойиҳалашда (уларнинг майдонларини ушбу жадвал кўрсаткичларига нисбатан оширишда) заллар ва бошқа хоналар орасида ёнғинга қарши деворлар бўлиши керак;*<br>*вестибюль хоналари ва фойе майдони юқоридаги 2-жадвалда келтирилган майдон кўрсаткичларидан катта бўлганда ёнғинга қарши деворлар ўрнига ёнғинга қарши 2-типли EI 15 бўлган шаффоф ойнали пардадеворлар қурилишига йўл қўйилади.* |

**Маиший хизмат кўрсатиш ва савдо корхоналарининг оловбардошлик кўрсаткичлари**

*3-жадвал*

| Бинонинг оловбардошлик даражаси | Конструктив ёнғин хавфи синфи | Қаватларнинг энг катта сони | Ёнғинга қарши деворлар орасидаги қават майдони, $m^2$ |
|---|---|---|---|
| **Маиший хизмат корхоналарининг оловбардошлик кўрсаткичлари** | | | |
| I, II | CO, C1 | 5 | 3500 |
| II | C1 | 5 | 2500 |
| III | CO | 2 | 2000 |
| III | C1 | 2 | 1000 |
| IV | C2; C3 | 1 | 500 |
| *Изоҳ. Оловбардошлик даражаси I ва II бўлган бинолар автомат ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган тақдирда ёнғинга қарши деворлар оралиғида қават майдонини икки баравар оширишга йўл қўйилади.* | | | |

| Бинонинг оловбардошлик даражаси | Қаватларнинг энг катта сони | Ёнғинга қарши деворлар орасидаги қават майдони, $m^2$ | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Бир қаватли | Икки қаватли | 3-5 қаватли |
| **Савдо корхоналарининг оловбардошлик кўрсаткичлари** | | | | |
| I, II | 5 | 3500 | 3000 | 2500 |
| III | 2 | 2000 | 1000 | - |
| IV | 1 | 500 | - | - |
| *Изоҳ:*<br>*оловбардошлик даражаси I ва II бўлган автомат ёнғин ўчириш тизимига эга бўлган биноларда ёнғинга қарши деворлар орасидаги қават майдонини оширишга йўл қўйилади, бироқ икки баравардан кўпга оширмаслик керак;*<br>*оловбардошлик даражаси I ва II бўлган дўконлар биноларининг юқори қаватларига омборхоналар, хизмат, маиший ва техник хоналар жойлаштирилганда ушбу бино баландлигини бир қаватга оширишга йўл қўйилади.* | | | | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

**Бино қаватларига мажлислар, конференциялар ва томошабинлар залларининг жойлаштирилиши**

*4-жадвал*

| Бинонинг оловбардошлик даражаси | Конструктив ёнғин хавфи синфи | Залдаги ўриндиқлар сони | Жойлаштирилишнинг чегаравий қавати |
|---|---|---|---|
| I, II | СО, С1<br>СО, С1 СО, С1 | 300 гача<br>300 дан юқори 600 гача<br>600 дан юқори | 9<br>5<br>3 |
| III<br>III<br><br><br>III<br>III<br>IV | СО<br>СО<br><br><br>С1<br>С2<br>С2-С3 | до 300 гача<br>300 дан юқори 600 гача<br>500 гача<br>" 300<br>" 100 | 3<br>2<br><br><br>1<br>1<br>1 |

**Томоша залига эга бўлган маданият бинолари**

*5-жадвал*

| Бинолар, иншоотлар | Оловбардошлик даражаси | Қаватлар сони | Залнинг энг катта сиғими, ўрин-жой |
|---|---|---|---|
| Йил давомида фаолият кўрсатувчи кинотеатрлар | I, II, III | нормаланмайди<br>2 | 600 ва 500 дан кўп |
| Маданият марказлари | I, II<br>III<br>IV | нормаланмайди<br>2 (зал — 1) 1 | 600 ва ундан кўп<br>500<br>200 |
| Театрлар | I, II | нормаланмайди | нормаланмайди |

*Изоҳ:*

*ораёпмасининг элементлари ёғоч конструкциялардан ташкил топган ҳамда II оловбардошлик даражасидаги бинолар учун талаб этиладиган оловбардошлик ва олов тарқалиш чегараларига эга бўлган деворлар, колонналар, зинапоялар, ораёмалардан қурилган ва оловба*

*рдошлик даражаси III бўлган биноларда 1-қаватга жойлашган томоша залининг сиғими 600 ўриндан ошмаслиги лозим;*

*йил давомида ишлайдиган кинотеатрни мавсумий ишлайдиган очиқ кино майдончага эга бўлган кинотеатрдан блоклашда (турли оловбардошлик даражасида) улар орасида оловбардошлиги REI 45 бўлган 2-типли ёнғинга қарши девор бўлиши керак.*

**Залларнинг исталган нуқтасидан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган энг узоқ масофа**

*6-жадвал*

| Залларнинг вазифаси бўйича номланиши | Бинонинг оловбардошлик даражаси | Масофа, m да; заллар ҳажми, минг $m^3$ да; зарурий вақт қийматлари, минутда | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 5 гача | 5 дан юқори ва 10 гача | 10 дан юқори |
| Ташриф буюрувчилар учун кутиш заллари, касса заллари, кўргазма заллари, рақс заллари, дам олиш заллари ва б. | I, II, III, IV | 30/2,0<br>20/1,5 | 45/3,0<br>30/2,0 | 55/3,5<br>- |
| Овқатланиш, ўқиш заллари ҳар бир залдаги асосий ўтиш йўлининг майдони ундан ҳар бир эвакуация қилинаётган кишига 0,2 $m^2$ тўғри келиши | I, II, III, IV | 65/2,0<br>45/1,5 | -<br>- | -<br>- |
| Савдо заллари, асосий эвакуация ўтиш йўлларининг майдони зал майдонининг қуйидаги фоизини ташкил қилганда:<br>25 дан кам бўлмаганда<br>25 дан кам бўлганда | I, II<br>III, IV<br>I, II<br>III, IV | 50/1,5<br>35/1,0<br>25/1,5<br>15/1,0 | 65/2,0<br>45/1,5<br>30/2,0<br>20/1,5 | 80/2,5<br>-<br>35/2,5<br>- |

**Энг узоқда жойлашган хоналарнинг эшикларидан зинапоя катагига кириш жойигача бўлган масофалар**

*7-жадвал*

| Бинонинг оловбардошлик даражаси | Эвакуация пайтида одамлар оқимининг зичлиги*, киши/$m^2$ | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2 гача | 2 дан кўп 3 гача | 3 дан кўп 4 гача | 4 дан кўп 5 гача | 5 дан кўп |
| | А. Зинапоя катаклари ёки ташқарига чиқиш жойлари орасида жойлашган хоналарда эвакуация қилишда | | | | |
| I-III | 60 | 20 | 40 | 35 | 20 |
| IV | 40 | 35 | 30 | 25 | 15 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Б. Боши берк йўлакка ёки холлга чиқадиган хоналардан эвакуация қилишда** | | | | |
| I-III | 30 | 25 | 20 | 15 | 10 |
| IV | 20 | 15 | 15 | 10 | 7 |

*Изоҳ:*

** хонадан эвакуация қилинувчилар сонининг эвакуация йўлидаги ички йўлак майдонига нисбати.*

*Масофа қуйидаги бинолар:*

*болалар мактабгача муассасалари учун 6-устун бўйича;*

*мактаб ва ўрта-махсус билим юртлари учун 3-устун;*

*меҳмонхоналар учун 4-устун;*

*даволаш муассасаларининг стационарларини 5-устун, бошқа жамоат биноларининг йўлагида одамлар оқимининг зичлиги лойиҳа бўйича аниқланиши лозим.*

**Залларнинг ҳажмига боғлиқ ҳолда одамларни эвакуациия қилиш**

*8-жадвал*

| Залларнинг мўлжалланган йўналиши | Бинонинг оловбардошлик даражаси | Ҳажми (минг m$^3$) қуйидагича бўлган залларда зарур бўлган вақтнинг қуйидаги қийматларида (min) битта чиқиш жойи (эшиги) эвакуацион кенглигининг 1 m дан ўтадиган одамлар сони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 5 min гача | 5 дан кўп 10 min гача | 10 дан кўп min да |
| 1. Савдо заллари — асосий эвакуация ўтиш йўлларининг майдони зал майдонининг 25 % ва ундан кўп фоизини ташкил этганда, овқатланиш ва ўқиш заллари — ҳар бир асосий ўтиш жойида 5 киши/m$^2$ оқим зичлигида. | I, II<br>III, IV | 165/1,5<br>115/1,0 | 220/2,0<br>155/1,5 | 275/2,5<br>- |
| 2. Савдо заллари — асосий эвакуация ўтиш йўлларининг майдони зал майдонининг 25 % дан кам қисмини ташкил этганда, бошқа заллар. | I, II<br>III, IV | 75/1,5 50/1,0 | 100/2,0<br>70/1,5 | 125/2,5<br>- |
| *Изоҳ. Овқатланиш ва ўқиш залларининг сиғими заллардаги ўрин-жойлар сони бўйича, савдо залларида эса 1 нафар келувчи-харидорга тўғри келадиган ҳисобий майдонни инобатга олган ҳолда ушбу ШНҚнинг 624 — 625-бандига мувофиқ белгиланиши керак.* | | | | |

**Очиқ спорт иншоотларининг трибуналаридан одамларни эвакуация қилиш**

*9-жадвал*

| Оловбардошлик даражаси | Эвакуация йўллари 1 m кенглигидан ўтадиган одамлар сони | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Трибуналарнинг ўтиш йўлидаги зинапоялар бўйича | | Трибуналарнинг ўтиш йўлларидаги люклар орқали, қуйидаги йўналишларда | |
| | пастга | тепага | пастга | тепага |
| I, II III, IV | 600<br>420 | 825<br>580 | 620<br>435 | 1230 860 |

**Заллардан эвакуация қилиш вақти**

*10-жадвал*

| Залларнинг турлари | Залдан эвакуация қилишнинг зарурий вақти (min), ҳажми* (минг m$^3$) ҳисобида | | | | | | Бинодан бутунлай эвакуация қилиш вақти, min |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 5 гача | 10 | 20 | 25 | 40 | 60 | |
| Колосникасиз саҳна заллари | 2 | 3 | 3,5 | 3,5 | 4 | 4,5 | 6 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Колосникали саҳна заллари | 1,5 | 2 | 2,5 | 2,5 | - | - | 6 |
| *Изоҳ.*Залнинг ҳажми ички тўсувчи конструкциялар бўйича аниқланиши (трибунали залларда трибуна ҳажми ҳисобга олинмаслиги), ҳажмнинг оралиқ қийматларида эвакуациянинг зарурий вақти масофаси бўйича аниқланиши керак.* | | | | | | | |

*11-жадвал*

| Муассасалар | Майдони, $m^2$ | |
|---|---|---|
| | **1 ўринга** | **хона юзаси** |
| Катталарнинг дам олиши учун, болали оилалар учун санаторийлар, пансионатлар ва б., туристлар учун меҳмонхоналар, мотеллар | 6,0 — 8,0 | 1 кишига — 10<br>2 кишига — 12 — 16 |
| Болалар учун соғломлантириш оромгоҳлари — дам олиш зоналари | 4,5 — 6,0 | 18 |
| Болалар учун санаторий оромгоҳлари | 6,0 | 18 |
| Болалар учун ёзги соғломлантириш оромгоҳлари | 4,0 — 4,5 | 18 |
| Туристлар, овчилар ва балиқ овловчилар учун зоналар, кемпинглар, ботеллар (сувда дам олишга мўлжалланган оромгоҳлар) | 4,5 — 5,0 | 9 — 12 |

**Кутубхоналардаги хоналарнинг таркиби ва майдонини аниқлаш кўрсаткичлари**

*12-жадвал*

| Хоналар | Ўлчови | Ҳисоблаш кўрсаткичи, $m^2$ |
|---|---|---|
| Библиографик-маълумот бўлими | битта ўқиш жойи | 0,1 |
| Аванзал (китобхонлар учун 15-20 % ўрин тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда) | -‘- | 1,5 |
| Ўқиш заллари:<br>катталар учун умумий ва илмий-тармоқли<br>болалар, ёшлар<br>ихтисослашган бўлимлар<br>изография, ноталар, картография<br>компьютердан фойдаланган ҳолда аудиовизуал хизмат кўрсатиш | <br>-'-<br>-'-<br>-'-<br>-'-<br>-'- | <br>2,4-3,0<br>2,0-2,5<br>3,0-3,5<br>3,5-5,0<br>4-6 (10-20 % ўқиш ўринларига) |
| Абонемент (китобхонлар учун майдон) | битта ўқиш жойи | 1,8 |
| Кутубхоналараро абонемент, комплектлаш бўлими | ходимнинг бир иш ўрни | 6,0 |
| Хизмат ва ишлаб чиқариш хоналари | 1 нафар ходим | 5-8 |
| Китоб сақлаш жойлари:<br>ёпиқ сақлаш;<br>очиқ сақлаш | 1000 сақлаш бирлигида | 2,5<br>5,0 (кичик китоб сақлаш жойлари учун - 4,5) |

**Театрлар, кинотеатрлар, маданият марказлари, концерт заллари, циркларнинг томоша залларини лойиҳалаш кўрсаткичлари**

*13-жадвал*

| Залларнинг номланиши | Залдаги бир ўрин ҳажми, $m^3$ | Залдаги бир ўрин майдони, $m^2$ |
|---|---|---|
| Конференц-заллар | 4-5 | 1,0 — 1,5 дан 1,8 — 2,0* гача |
| Кинотеатрлар | 4 — 6 | 0,7 — 1,0 |
| Универсал заллар ва маданият марказлари заллари, концерт заллари | 4 — 6 | 0,7 (0,65)* — 0,8 |
| Драматик театрлар | 4-5 | 0,7 |
| Мусиқа-драматик театрининг зали; мусиқа комедия театрининг зали | 5 — 7 | 0,7 |
| Опера ва балет театрининг зали | 6 — 8 | 0,7 |
| *Изоҳ:*<br>** қавс ичида йўл қўйиладиган параметрлар келтирилган;*<br>*вентиляция, кондиционерлаш ҳисобига залнинг солиштирма ҳажми кўрсаткичларининг юқорида келтирилган катталиклардан оғиши 20 % ни ташкил этиши мумкин (камайиш томонига қараб).* | | |

**Ҳаммом ва ҳаммом-соғломлаштириш мажмуалари хоналарининг таркиби ва майдонини аниқлаш кўрсаткичлари**

*14-жадвал*

| Хоналарнинг номланиши | Ўлчаниши | Майдони, $m^2$ | |
|---|---|---|---|
| | | Ҳисобий бирликка тўғри келадиган майдон | Жами майдон, $m^2$, камида |
| Гардеробли вестибюль | 1 ўрин учун | 0,35 (50 ўрингача бўлганда 0,45) | 12 |
| Гигиеник хоналар:<br>кийим алмаштириш;<br>ювиниш;<br>душхоналар (очиқ кабинали);<br>ваннали кабиналар (ёпиқ кабинали);<br>кийим алмаштириш хоналарига эга бўлган душ кабиналари | «<br>«<br>«<br>1 кабина учун<br>1 кабина учун | 0,75-0,8 (1,0)<br>2,4-2,2<br>2,2 — 2,5<br>(кабина 1,1x1,1)<br>4,8<br>(кабина 2,5x1,35) | 12<br>15<br>15 |
| 3. Сауна-буғ хона | хона | 4,0-10,0 | - |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА

**Меҳмонхоналарнинг юлдузлигига боғлиқ ҳолда уларнинг тоифаларини аниқлаш**

*15-жадвал*

| Корхона турлари | Юлдузлиги |
|---|---|
| Умумий тоифали, курорт, туристик меҳмонхоналар | 5-4, 4-3, 3-2, 2-1 Олий I, II, III |
| Автотуристлар учун меҳмонхоналар — мотеллар | 4-3, 3-2, 2-1 |
| Кемпинглар (автотуристлар учун мавсумий «лагер-автотураргоҳлар») | 2-1 |

**Меҳмонхоналарнинг юлдузлиги бўйича улардаги яшаш номерларининг турлари**

*16-жадвал*

| Юлдузлиги | Номердаги жойлар сони | Номердаги хоналар сони | Номернинг яшаш майдони, $m^2$ * | Санитария-техник жиҳозлар билан жиҳозланиши |
|---|---|---|---|---|
| 5-4 | 1<br>2<br>2<br>2 | 1<br>1<br>2<br>3 | 16 — 18<br>18 — 20<br>30 — 40<br>40 — 60 | ванна, қўл ювиш учун раковина, унитаз, бидэ, сочиқ қуритгич |
| 4-3 | 1<br>2<br>2 | 1<br>1<br>2 | 14 — 16<br>16 — 20<br>25 — 35 | ванна (ёки душ), қўл ювиш учун раковина, унитаз, сочиқ қуритгич |
| 3-2 | 1<br>2<br>2<br>3 | 1<br>1<br>2<br>2 | 9 — 12<br>12 — 14<br>22<br>25 | душ, қўл ювиш учун раковина, унитаз |
| 2-1 | 1<br>2<br>3 | 1<br>1<br>1 | 9<br>12 — 14<br>15 — 18 | душ, қўл ювиш учун раковина, унитаз |
| 1 | 1<br>2<br>3 | 1<br>1<br>1 | 9<br>12 — 14<br>15 — 20 | душ, қўл ювиш учун раковина, унитаз (номерлар гуруҳи учун йўл қўйилади) |

*Изоҳ:*

** яшаш хонасининг майдони ички қуриладиган жавонларни ҳисобга олмаган ҳолда белгиланган;*

*номернинг яшаш майдони, ундаги хоналар сони, ҳожатхоналар ва кириш жойи (даҳлиз) лойиҳа топшириғига мувофиқ жиҳозланиши керак.*

**Меҳмонхонадаги вестибюль гуруҳи хоналарининг умумий майдони**

*17-жадвал*

| Меҳмонхоналарнинг турлари | Майдони, $m^2$, ўринлар сони бўйича | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 15 | 25 | 50 | 100 | 200 | 300 | 400 | 500 | 800 |
| Меҳмонхоналар ва мотеллар | 2,35 | 1,8 | 1,5 | 0,9-1,2 | 0,9-1,2 | 1,2-1,3 | 1,25 | 1,15-1,23 | 1,0-1,2 |
| Кемпинглар | 2,0 | 1,5-1,6 | 1,0 | 0,8-0,6 | 0,4-0,5 | 0,3 | 0,25 | 0,22 | |

**Жамоат бинолари хоналарининг хизмат кўрсатиладиган зонасидаги ҳисобий параметрлар**

*18-жадвал*

| Йил даврлари | Параметрлари | Ҳисобий ҳарорат, °C | | | Нисбий намлик, % | Ҳаво оқимининг қуйидагилардан катта бўлмаган тезлиги, m/s, |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | I зона | II зона | III зона | ҳамма иқлимий зоналар учун | |
| Иссиқ | | қуйидагилардан юқори бўлмаслиги керак<br>33 | қуйидагилардан юқори бўлмаслиги керак<br>33 | қуйидагилардан юқори бўлмаслиги керак<br>28 | қуйидагилардан катта бўлмаслиги керак<br>65 | 0,5 |
| | Н | 25-28 | 24-26 | 23-26 | 65-30 | 0,5 |
| | Ч | 26-27 | 24-26 | 24-25 | 60-30 | 0,3 |
| | О | 25-26 | 23-25 | 23-24 | 60-30 | 0,2 |
| Оралиқ | Н | - | - | - | 65-30 | 0,3 |
| | Ч | 20-28 | 16-23 | - | 65-30 | 0,2 |
| | О | 23-26 | 18-22 | - | 45-30 | 0,2 |
| Совуқ | Н | Биноларнинг тегишли типлари учун тузилган жадвалларга қаранг | | | 65 гача | 0,3 |
| | Ч | | | | 65-30 | 0,2 |
| | О | | | | 45-30 | 0,2 |

*Изоҳ:*

*Н — нормаланган йўл қўйиладиган параметрлар; Ч ва О — иссиқликнинг чегаравий ва оптимал параметрлари;*

*хонада 2 h дан кўп вақт давомида узлуксиз равишда бўладиган одамлар учун ўрнатилган параметрлар;*

*айрим хоналарда ҳисобий параметрларни технологик талаблар бўйича белгилашга йўл қўйилади;*

*устки кийимда келадиган одамлар учун хоналарнинг совуқ даврдаги ҳарорати камида 14 °C бўлиши керак.*

**Жамоат биноларининг таркибига кирувчи ёрдамчи ва санитария-гигиена вазифасидаги хоналарда совуқ давр учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*19-жадвал*

| Хоналар | Ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °C | 1 h ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури |
|---|---|---|---|
| Вестибюль | 16 | 2 | П1 |
| Кулуарлар, фойелар | 18 | 1,5 | |
| Гардероб | 16 | 2 | Р1 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Буфет | 16 | ҳисоблаш орқали, лекин хона ҳавосини карралиги 3 дан кам бўлмаслиги керак | д |
| Санитария узеллари | 16 | 1 та унитазга 100 $m^3/h$ ва 1 та писсуарга 50 $m^3/h$ | Р2 |
| Қўл ювиш хоналари | 16 | ҳаво ҳожатхоналар орқали чиқарилиши керак | Р2 |
| Душхоналар | 25 | 5 | Р2 |
| Душхоналар олдидаги кийим алмаштириш хоналари | 20 | душхоналардан тортиб олинадиган ҳаво ҳажмида | |
| Шахсий гигиена хоналари | 23 | 5 | Р2 |
| Тиббиёт пунктлари, шифокор хоналари | 21 | 2 | П1 |
| Инветарь, канцелярия ва жиҳозлар сақланадиган хоналар | 16 | 1 | Р1 |
| Хизмат кўрсатувчи ходимлар узоқ вақт бўладиган худди шундай хоналар | 18 | 2 | Р1 |
| Иситиш-вентиляция жиҳозлари хонаси | 16 | ҚМҚ 2.04.05-97* | |
| Совитиш станциялари | 16 | 5 | Р1 |
| Насос-фильтрлаш хоналари | 15 | 3 | Р1 |
| Ишқорли аккумулятор ва электролит сақланадиган аккумулятор хоналари | 15 | 3 | Р1 |
| Кислотали аккумуляторлар сақланадиган аккумулятор хоналари | 15 | 10 | Р1 |
| Чиқинди камералари (иситилмайдиган) | - | 1 | Р1 |

*20-жадвал*

| Хоналар | Параметрлар | Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С | 1 h да ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури |
|---|---|---|---|---|
| Эстрадали ва саҳнали томоша зали:<br>томошабинлар учун гардеробга эга бўлмаган кинотеатрларда; | Н | 16 | ҳисоблаш орқали аниқланиши, лекин 1 нафар кишига 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| томошабинлар учун гардеробга эга бўлган маданият марказлари ва театрларда, концерт ва кўргазмалар залларида | Н | 20 | | Д |
| Саҳна, арьерсаҳна, кармон | Н | 22 | - | |
| Кинотеатрларнинг фойеси ва кулуарлари | Н | 16 | ҳисоблаш орқали аниқланиши, лекин 1 нафар кишига 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Кинопроекция хонаси | Н | 18 | ҳисоблаш орқали аниқланиши, лекин ҳавони уч карра алмаштириш керак | Р1 |
| Кассирлар, навбатчи администраторлар, дикторлар, таржимонлар кабиналари, артистларнинг шуғулланиш хоналари | Н | 20 | 3 | Д |

**Музейлар, кутубхоналар ва архивларда йилнинг совуқ даврида ҳаво параметрлари, ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*21-жадвал*

| Хоналар | Параметрлар | Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С | 1 h ҳавонинг ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури |
|---|---|---|---|---|
| Музейлар ва доимо фаолият кўрсатувчи санъат асарлари намойишининг экспозиция заллари | Н | 22 | ҳисоблаш орқали аниқланиши, лекин 1 кишига 20 $m^3/h$ дан бўлмаслиги керак | Д |
| Музейларнинг экспонатларни, кутубхоналарнинг китобларни ва архивларининг фотоҳужжат ҳамда микрофильмларни сақлаш хоналари | Н | 22 | ҳисоблаш орқали аниқланиши керак | П1 |
| Ҳисобга олиш ҳужжатлари, хизмат каталогларини сақлаш хоналари | Н | 18 | 1 | |
| Кўргазмалар заллари, ўқиш учун хизмат кўрсатувчи зоналар | Н | 20 | ҳисоблаш орқали аниқланиши, лекин 1 кишига 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Муҳим фондларни сақлаш хоналари | Н | 20 | 2 | П1 |
| Репродукция-нусхалаш лабораториялари | Н | 18 | 3 | Р1 |

**Чакана савдо корхоналарида, алоҳида турувчи ва ички қурилган дўконлар, савдо расталари, мева-сабзавот бозорларида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*22-жадвал*

| Хоналар | Параметрлар | Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С | 1 h да ҳавонинг ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури |
|---|---|---|---|---|
| Дўконларда майдони 250 $m^2$ ва ундан кам бўлган савдо заллари: озиқ-овқат дўконлари | Н<br>О | 12<br>14 — 16 | 1<br>ҳисоблаш асосида | Д |
| Ноозиқ-овқат дўконлари | Н<br>О | 15<br>16 — 18 | ҳисоблаш асосида<br>ҳисоблаш асосида | Д |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Дўконларда майдони 250 $m^2$ дан кўп савдо заллари: озиқ-овқат дўконлари; | Н<br>О | 12<br>14 — 16 | ҳисоблаш асосида<br>ҳисоблаш асосида | Д |
| Ноозиқ-овқат дўконлари | Н<br>О | 15<br>16 — 18 | ҳисоблаш асосида<br>ҳисоблаш асосида | Д |
| Енгил конструкцияли алоҳида турувчи дўконлар, ёпиқ сабзавот бозорлари | Н | 8 | 1 | Д |
| Юк тушириш хоналари | Н | 10 | ҳисоблаш асосида | Д |
| Товарларни сотишга тайёрлаш, қадоқлаш, қабул қилиш, экспедиция хоналари, кўздан кечириш зали | Н<br>О | 16<br>17-18 | 2 | П1 |
| Намойиш қилиш заллари | Н | 18 | ҳисоблаш асосида | Д |
| Дазмоллаш хоналари | Н | 16 | ҳисоблаш асосида | Д |
| Бўлакларга кесиш хоналари | Н | 10 | 3 | П1 |
| Қуйидагиларни сақлаш хоналари: баққолчилик моллари (озиқ-овқат маҳсулотлари — чой, қанд, кофе, ун, дон, мурч ва ҳ.к.), нон, кондитер маҳсулотларини сақлаш хоналари | Н | 16 | 0,5 | Р1 |
| гастрономия, балиқ, сут, мевалар, вино, пиво, ичимликлар, сабзавот, тузланган маҳсулотларни сақлаш хоналари | Н | 8 | 1 | Р1 |
| пойабзал, парфюмерия, маиший кимё товарлари ва бошқа товарларни сақлаш хоналари | Н | 16 | 2 | Р1 |
| бошқа товарлар | Н | 16 | 0,5 | Р1 |
| Идишлар (таралар), қадоқлаш материаллари ва инвентарларни сақлаш хоналари | Н | 12 | 1 | Р1 |
| Чойшабларни сақлаш хоналари | Н | 18 | 0,5 | Р1 |
| Устахоналар | Н | 18 | 3 | Р1 |
| Экспедициялар ва шиша идишлар (таралар)ни қабул қилиш пунктлари, буюртмаларни қабул қилиш ва қайтариш хоналари | Н | 18 | 1 | Р1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Совутиш камералари:<br>а) гўшт, ярим тайёр маҳсулотлар, гастрономия<br>б) балиқ | Н<br><br>Н | 0<br><br>-2 | -<br><br>- | |
| мевалар, сабзавотлар, кондитерлик маҳсулотлари, ичимликлар | Н | 4 | 4 (суткада) | Б |
| музқаймоқ, чучвара ва шунга ўхшашлар | Н | -12 | - | |
| д) овқат чиқиндилари | Н | -2 | 10 | Р2 |
| *Изоҳ:*<br>*Н — нормаланадиган кўрсаткичлар;*<br>*О — иссиқликнинг оптимал параметрлари.* | | | | |

**Спорт иншоотлари ва ҳаммом-соғломлаштириш мажмуаларининг хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*23-жадвал*

| **Хоналар** | **Параметрлар** | **Барча иқлимий ҳудудларда** | | **1 h ҳавони алмаштириш карралиги, камида** | **Хоналар тури** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Ҳаво ҳарорати, °С** | **Нисбий намлик** | | |
| Спорт заллари, томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлган ёпиқ муз заллари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-20<br>18-20 | 30-60 | ҳисоблаш асосида, лекин бир нафар шуғулланувчига тўғри келадиган ташқи ҳаво 80 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги, ва 1 нафар томошабинга тўғри келадиган ташқи ҳаво 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган ёпиқ муз заллари | Н<br>Ч<br>О | 14<br>14-16<br>16 | 30-55 | ҳисоблаш асосида, лекин бир нафар шуғулланувчига тўғри келадиган ташқи ҳаво 80 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги, ва 1 нафар томошабинга тўғри келадиган ташқи ҳаво 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Томошабинлар учун ўрин-жойларга эга бўлмаган спорт заллари | Н<br>Ч<br>О | 16<br>16-18<br>17-18 | 30-60 | ҳисоблаш асосида, лекин бир нафар шуғулланувчига тўғри келадиган ташқи ҳаво 80 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги, ва 1 нафар томошабинга тўғри келадиган ташқи ҳаво 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Бассейнларнинг ванналари учун заллар | Н<br>Ч<br>О | 27<br>27-30<br>28-29 | 50-60 | ҳисоблаш асосида, лекин бир нафар шуғулланувчига тўғри келадиган ташқи ҳаво 80 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги, ва 1 нафар томошабинга тўғри келадиган ташқи ҳаво 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Бассейнларда тайёргарлик машғулотлари учун заллар, хореографик синфлар, жисмоний тарбия-соғломлаштириш машғулотлари учун хоналар | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-20<br>19 | 30-60 | ҳисоблаш асосида, лекин бир нафар шуғулланувчига тўғри келадиган ташқи ҳаво 80 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги, ва 1 нафар томошабинга тўғри келадиган ташқи ҳаво 20 $m^3/h$ дан кам бўлмаслиги керак | Д |
| Кийим алмаштириш хоналари** | Н<br>Ч<br>О | 22<br>22-25<br>23-25 | 30-60 | 3 | |
| Ювиниш хоналари | Н<br>Г<br>О | 26<br>26-30<br>28 | 60-75 | | |
| Буғ хоналари (нам буғ) | Н | 40 | 75-85 | 1 | Р1 |
| Буғ (қуруқ буғ) сауналари | Н | 120 | - | мижозлар ташриф буюрмаган вақтда ҳам даврий ишлайдиган | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Душ ва ванна хоналари, соғломлантириш ванна ва душлари жойлашган хоналар | | Н | 25 | 60-75 5 | |
| Массаж, дам олиш хоналари, сауна олдидаги хоналар | | Н | 22 | 30-60 3 | |

**Умумий овқатланиш корхоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*24-жадвал*

| Хоналар | Параметрлар | Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С | 1 h ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури |
|---|---|---|---|---|
| Овқатланиш зали, таом бериш жойи | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | ҳисоблаш асосида | Р1 |
| Буфет[1] | Н Ч | 16<br>17-18 | ҳисоблаш асосида, лекин камида 3 марта | Р1 |
| Таомлар ёки ярим тайёр таомларини сотиш учун дўкон | Н<br>О | 16<br>16-18 | 2 | Д |
| Ошхона — овқат пишириш цехи[2] | Н | 5 | ҳисоблаш асосида | Р2 |
| Ун цехи | Н<br>Ч<br>О | 16<br>16-20<br>18-19 | 2 | Р1 |
| Гўшт-балиқ, сабзавот цехлари, совуқ цех | Н<br>Ч<br>О | 16<br>16-20<br>18-19 | 4 | Р1 |
| Идиш-товоқларни ювиш хонаси | Н | 20 | ҳисоблаш асосида, лекин камида 6 марта | Р2 |
| Қуруқ маҳсулотлар, ичимликларни сақлаш хонаси | Н | 12 | 2 | Р1 |
| Сабзавотлар, тузламалар, карам тузламалари, тараларнинг кунлик захирасини сақлаш хонаси | Н | 5 | 2 | Р1 |
| Маъмурий хоналар, ходимлар хоналари | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | 1 | Д |
| Инвентарь сақланадиган хона | Н | 12 | 2 | Д |
| *Изоҳ:* | | | | |

*1. Устки кийимлардаги одамларга хизмат кўрсатадиган буфетлар учун ҳарорат 14 °С да белгиланиши керак;*

*2. Навбатчи иситишни ва ишдан ташқари вақтни ҳисоблаш учун ҳарорат;*

*3. Н — нормаланадиган кўрсаткичлар;*

*Ч ва О — иссиқлик комфортининг чегаравий ва оптимал кўрсаткичлари.*

**Меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, санаторийлар, дам олиш объектлари хоналарида йилнинг совуқ даври учун ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва ҳавони алмаштириш карралиги**

*25-жадвал*

| Хоналар | Параметрлар | Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С | 1 h да ҳавони алмаштириш карралиги, камида | Хоналар тури* |
|---|---|---|---|---|
| Қабулхона-вестибюль гуруҳи хоналари, меҳмонхона холлари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18- 21<br>19-20 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 2 m | Д |
| Меҳмонхона номерлари, яшаш гуруҳларининг ёрдамчи хоналари, санаторийларнинг ётоқхоналари | Н<br>Ч | 20<br>20-23 | ҳисоблаш асосида, бироқ кишига камида 30 m³/h | Д |
| | О | 21-22 | ҳисоблаш асосида, бироқ кишига камида 50 m³/h | |
| Маъмурий ва бошқариш хоналари ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хоналари | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | ҳисоблаш асосида, лекин, бироқ камида 3 m | Д |
| Маданий-оммавий вазифадаги хоналар, меҳмонхона-мусиқа салонлари, бильярдхоналар, ўйин-кулги хоналари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 2 m | Д |
| Балчиқ билан даволовчи кабиналар, даволаш ванналари хоналари, сувости массажи-души, даволаш муолажаси[2] | Н | 25 | 5 | Р1 |
| Таъмирлаш устахоналари, техник хоналар | Н | 18 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 1.5 m | Д |
| Омборлар, чойшаблар сақланадиган марказий омборхоналар | Н | 16 | 1 | Р1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Кийимларни ювиш бўйича ўз-ўзига хизмат кўрсатиш хоналари | Н | 18 | 5 | Р1 |
| Сартарошхоналар | Н | 20 | 3 | Р1 |

*Изоҳ:*

*Н — нормаланадиган кўрсаткичлари;*

*Ч ва О — иссиқлик қулайлигининг чегаравий ва оптимал кўрсаткичлари.*

*Водород сульфидли сув ва балчиқ ишлатилганда ҳаво алмаштирилишини водород сульфид концентрациясининг чегаравий йўл қўйиладиган концентрациягача камайтирилишини инобатга олган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқлаш лозим.*

*26-жадвал*

| **Хоналар** | **Кўрсаткичлар** | **Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С** | **1 h да ҳавони алмаштириш карралиги, камида** | **Хоналар типи** |
|---|---|---|---|---|
| Майдони 35 $m^2$ дан кам бўлган иш хоналари | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | 3,5<br>бироқ бир нафар кишига камида 60 $m^3/h$ тўғри келиши керак | Д |
| Майдони 35 $m^2$ дан кўп бўлган иш хоналари | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | ҳисоблаш асосида, бироқ бир нафар кишига камида 60 $m^3/h$ тўғри келиши керак | Д |
| Кабинетлар олдидаги қабулхоналар, ҳокимиятлардаги қабулхоналар | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | 3 | Д |
| Компьютерда ёзиш ва печатлаш хоналари | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 3,5 | Д |
| Конференц-заллар, мажлис заллари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | ҳисоблаш асосида, бироқ бир нафар кишига камида 20 $m^3$ тўғри келиши керак | Д |
| Ташриф буюрувчилар учун кутиш хоналари, жамоат ташкилотлари ва экспедициялар хоналари, маҳалла марказлари хоналари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 3,5 | Д |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Нусха-кўпайтириш хизмати хонаси:<br>а) электрографик нусхалаш бўлими | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 5 | Д |
| б) муқовалаш-жилдлаш бўлимлари | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 3 | Р1 |
| в) тезкор офсет чоп этиш бўлими | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 2 | Б |
| г) таҳририй-расмийлаштириш хизмати | Н<br>Ч<br>О | 20<br>20-23<br>21-22 | 2 | Д |
| д) чоп этиш формаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 5 | Б |
| е) чоп этиш | Н<br>Ч<br>О | 18<br>18-21<br>19-20 | 3 | Б |
| *Изоҳ:*<br>** — хоналар типи — ушбу ШНҚнинг 804-бандида берилган;*<br>*Н — нормаланадиган кўрсаткичлар;*<br>*Ч ва О — иссиқликнинг чегаравий ва оптимал кўрсаткичлари.* | | | | |

*27-жадвал*

| **Хоналар** | **Кўрсаткичлар** | **Барча иқлимий ҳудудларда ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С** | **1 h да ҳавони алмаштириш карралиги, камида** | **Хоналар тури** |
|---|---|---|---|---|
| Буюртмаларни қабул қилиш ва қайтариш, маданий-маиший вазифаларни бажарувчи предметлар ижараси, фотография, заргарлик ва гравировка ишлари, овоз ёзиш студиялари хоналари | Н | 18 | ёнма-ён жойлашган хоналарнинг ҳаво мувозанати бўйича, бироқ камида 2 марта | Д |
| Кийимлар, бош кийимларни тикиш ва таъмирлаш, пойабзал тайёрлаш ва таъмирлаш, чарм галантереяси хоналари, металл ва пластмасса буюмлар, электр приборлар, соат, оптика, мусиқа асбобларини таъмирлаш хоналари, муқова-жилдлаш ишлари хоналари | Н | 18 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 3 марта | Р1 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Радиоаппаратура ва телевизор таъмирлаш хоналари | Н | 18 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 5 марта | Р1 |
| Материалларга ишлов бериш хоналари | Н | 18 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 10 марта | Р1 |
| Кимёвий тозалаш | Н | 18 | ҳисоблаш асосида | Р1 |
| Кир чойшабларни қабул қилиш, сақлаш хоналари | Н | 16 | 5 | Р1 |
| Чойшабларни ювиш хоналари | Н | 16 | ҳисоблаш асосида, бироқ камида 13 марта | |
| Қуритиш ва дазмоллаш хоналари | Н | 16 | ҳисоблаш асосида, бироқ 6 марта | Р2 |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
10-ИЛОВА

## Функционал ёнғин хавфи бўйича бинолар таснифи

*28-жадвал*

| **Жамоат бинолари (иншоотлари) ва жамоатга мўлжалланган хоналар рўйхати** | **Функционал ёнғин хавфлилиги синфи** |
|---|---|
| Фуқароларнинг доимий ва вақтинчалик яшашига мўлжалланган бинолар, хоналар | Ф 1 |
| Мактабгача таълим ташкилотлари, қариялар ва ногирон бўлган шахсларнинг тураржойлари, шифохонлар, мактаб-интернатлар | Ф 1.1 |
| Меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийлар, кемпинглар, отеллар ва пансионатларнинг ётоқ корпуслари | Ф 1.2 |
| Кўп хонадонли уйлар | Ф 1.3 |
| Бир хонадонли, шу жумладан бириктирилган тураржойлар | Ф 1.4. |
| Маданият объектлари | Ф 2. |
| Театрлар, кинотеатрлар, концерт заллари, маданият марказлари, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, кутубхоналар ва б. | Ф 2.1. |
| Музейлар, кўргазмалар | Ф 2.2. |
| Ф 2.1. да кўрсатилган муассасалар очиқ ҳавода | Ф 2.3. |
| Ф 2.2. да кўрсатилган муассасалар очиқ ҳавода | Ф 2.4. |
| Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари | Ф 3. |
| Савдо корхоналари | Ф 3.1. |
| Умумий овқатланиш корхоналари | Ф 3.2. |
| Вокзаллар, аэропортлар | Ф 3.3. |
| Шифохона ва амбулаториялар | Ф 3.4. |
| Маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари бинолари (почта, омонат кассалари, транспорт агентликлари, ҳуқуқий маслаҳатхоналари, нотариал идоралар, кир ювиш, пойабзал ва кийим таъмирлаш хоналари, кимёвий тозалаш, сартарошхона ва б. | Ф 3.5. |
| Томошабинлар учун трибуналар, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт иншоотлари | Ф 3.6. |
| Олий таълим ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасалари ва б. | Ф 4. |
| Мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, коллежлар, лицейлар | Ф 4.1. |
| Олий таълим ташкилотлари, малака ошириш муассасалари | Ф 4.2. |
| Бошқарув органлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, ахборот ва таҳририят, нашр этиш ташкилотлари, банклар, идоралар, офислар | Ф 4.3. |
| Ёнғин ўчириш депо бинолари | Ф 4.4. |
| Ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари ва хоналари, омборлар | Ф 5. |
| Ишлаб чиқариш ва лаборатория хоналари, устахоналар | Ф 5.1. |

| | |
|---|---|
| Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмайдиган автомобиллар тураргоҳлари, архивлар, омборхона бинолари | Ф 5.2. |
| Қишлоқ хўжалиги бинолари. Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфига эга ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари | Ф 5.3. |
| *Изоҳ:*<br>*ушбу илова кўрсаткичлари жамоат биноларининг функционал-типологик гуруҳлари келтирилган синфлари доирасидаги объектлар ҳамда кўп тармоқли бинолар ва мажмуаларнинг лойиҳаланишига татбиқ этилади;*<br>*«*» белги билан белгиланган объектлар лойиҳа топшириғига мувофиқ лойиҳаланади.* | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
11-ИЛОВА

**Биноларнинг умумий, фойдали ва ҳисобий майдонлари, қурилиш ҳажми, қуриш майдони ва қаватлари сонини ҳисоблаш**

1. Умумий майдон бинонинг барча қаватлари майдонларининг йиғиндиси сифатида аниқланиши (техник, мансарда, цоколь, ертўла қаватлари майдонлари ҳам ушбу йиғиндига киритилиши) керак.

Бинолар қаватларининг майдони ташқи деворлар ички сирти чегараларида ўлчаниши лозим.

Антресоллар, бошқа бинога ўтиш йўлаклари, томоша ва бошқа залларнинг ойнавандланган верандалари, галереялари ва балконларининг майдонлари ҳам бинонинг умумий майдонига киритилиши керак.

Бир неча қават баландлигидаги хоналарнинг майдони фақат битта қават чегараси бўйича бинонинг умумий майдонига киритилиши зарур.

Қия жойлашган ташқи деворлар бўлганда қават майдони пол сатҳи бўйича ҳисобланиши керак.

2. Фойдали майдон бинога жойлаштирилган барча хоналарнинг (заллар, фойелар ҳамда бошқаларидаги балконлар ва антресоллар майдонларини киритган ҳолда) майдонлари йиғиндиси сифатида аниқланиши зарур, зинапоя катаклари, лифт шахталари, ички очиқ зинапоя ва пандусларнинг майдонлари фойдали майдонга киритилмайди.

3. Ҳисобий майдон бинога жойлаштирилган барча хоналарнинг майдонлари йиғиндиси сифатида аниқланиши лозим, ички йўлаклар (коридорлар), тамбурлар, ўтиш йўлаклари, зинапоя катаклари, лифт шахталари, ички очиқ зинапоялар ҳамда муҳандислик жиҳозлари ва тармоқлари жойлаштириладиган хоналарнинг майдонлари ҳисобий майдонга киритилмайди.

Радиоузел, коммутацион хоналар, эстрада ва саҳна олдидаги ёрдамчи хоналар, киноаппарат хоналари майдонлари, шунингдек, кенглиги камида 1 m ва баландлиги 1,8 m ва ундан катта бўлган токчалар, ички қурилган жавонларнинг майдонлари ҳисобий майдонга киритилиши лозим (муҳандислик токчалари ва жавонлари бундан мустасно).

4. Чордоқ, техник чордоқ, полдан ҳисоблаганда чиқиб турувчи конструкциясининг пастки қисмигача бўлган баландлиги 1,8 m дан кам бўлган техник ертўлалар, шунингдек лоджиялар, тамбурлар, ташқи балконлар, портиклар, ташқи кириш жойлари, ташқи очиқ зинапояларнинг майдонлари биноларнинг умумий, фойдали ва ҳисобий майдонларига киритилмайди.

5. Бино хоналарининг майдони пол сатҳи бўйича пардоз қилинган деворлар ва пардадеворлар орасидаги (плинтусларни ҳисобга олмаган ҳолда) ўлчамларини бўйича аниқланиши, мансарда қаватлари учун қия шифтгача баландлиги камида 1,6 m бўлган жойларнинг майдони ҳисобланиши керак.

6. Бинонинг қурилиш ҳажми ±0,00 сатҳдан юқоридаги (ерусти қисми) қурилиш ҳажми ва шу сатҳдан пастки (ерости қисми) ҳажм йиғиндиси сифатида аниқланиши зарур.

Бинонинг ерусти ва ерости қисмларининг қурилиш ҳажми бино ҳар бир қисмининг пол сатҳидан бошлаб тўсувчи конструкциялар, ёруғлик туширувчи фонарлар, гумбазлар ва бошқаларни киритган ҳолда тўсувчи сиртлар чегарасида аниқланиши керак, бунда чиқиб турувчи архитектуравий деталлар ва конструктив элементлар, пол ости каналлари, портиклар, террасалар, балконлар, бино остидаги таянчларга таянган машина ўтиш йўлаклари ва бўшлиқларининг ҳажмлари ҳисобга олинмайди.

7. Бинонинг қурилиш майдони шу бинонинг цоколь сатҳидаги ташқи чизиғи бўйича горизонтал қирқимининг майдони сифатида аниқланиши, бунда чиқиб турувчи қисмлар ҳамда

устунлар устида жойлашган бино остидаги майдон (бино тагидан ўтувчи йўлакларни киритган ҳолда) бинонинг қурилиш майдонига киритилиши лозим.

8. Бинонинг қаватлари сонини аниқлашда техник ва цоколь (агар унинг ораёпмасининг устки қисми ернинг ўртача режавий сатҳ белгисидан камида 2 m га юқорида бўлса) ҳамда мансарда қаватларини киритган ҳолда шу бинонинг барча ерусти қаватлари ҳисобга олиниши керак. Фақат энг юқори қават устидаги техник қават этажлар сонига киритилмайди.

Бинонинг турли қисмларида қаватлар сони ҳар хил бўлганда, шунингдек нишаб ерларга жойлаштирилган бинонинг қаватлари сони нишаб ҳисобига ортганда бинонинг қаватлари сони ҳар бир қисм учун алоҳида аниқланиши зарур.

9. Дўконнинг савдо майдони савдо заллари майдони ва қўшимча хизмат кўрсатиш залларининг (буюртмаларни қабул қилиш ва бериш заллари, кафетерия, барлар ва б.) майдонлари йиғиндиси сифатида аниқланиши керак.

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
12-ИЛОВА

**Ертўла ва цоколь қаватларга жойлаштирилиши мумкин бўлган жамоат биноларининг хоналари руйхати**

1. Бойлер хонаси, водопровод ва канализация насослари учун хона, ҳавони вентиляция ва кондициялаштириш камераси, бинонинг муҳандислик-технологияси жиҳозлари учун бошқарув хона ва бошқа хоналари, лифтларнинг машина бўлимлари.

2. Биринчи қаватдан ташқарига чиқиш даҳлизлари, кийим-кечак алмаштириш хоналари, ечиниш хоналари, ҳожатхоналар, гигиена кабиналари, душхоналар, кийим ва инвентарь хоналари, буюмларни сақлаш камералари.

3. Омборлар, омборхоналар (осон алангa оладиган материаллар ҳамда тоифаси А ва Б бўлган ёнувчан суюқликлар омборхоналари бундан мустасно), макулатура йиғиш ва сақлаш хоналари.

4. Савдо залларининг майдони 400 $m^2$ бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат дўконлари шиша таралар қабули, контейнерлар сақлаш, тозалаш инвентарлари хоналари.

5. Кўпи билан 100 ўринли умумовқатланиш корхоналари (санатория, мактаб, заллари бундан мустасно).

6. Даволаш муассасаларида: санитар ўтказиш жойлари, дезинфекциялаш хоналари, техника хавфсизлиги хоналари, кирхоналар, омборчалар, юк тушириш ва ўрамдан очиш хоналари, мармит аравачаларни сақлаш ва ювиш хоналари, радиоактив моддаларни сақлаш хоналари, радиоактив моддалар билан кирланган чиқинди ва кирхоналар, компрессор хоналари ҳамда дезинфекция, стерилизация, ювиш ва қуритиш хоналари (чойшаб, холст, брезентлар клеёнкалари ва б.), вақтинчалик мурда сақлаш, гипс сақлаш, даволаш балчиғини тайёрлаш ва уни регенерация қилиш хоналари.

7. Кийимларни дазмоллаш ва тозалаш хоналари, кийим ва оёқ кийимларни қуритиш хоналари, кир ювиш хоналари.

8. Лабораториялар ва махсус хоналар (технологик асослаш бўйича), техника хавфсизлиги хоналари.

9. Маиший хизмат қабул пунктлари, кўргазмалар заллари, лабораторияси билан фотоателье заллари, ижара пункти хоналари, ёрдамчи ва қўшимча хоналар, банкет заллари.

10. Радиоузеллар, кино-фото лабораториялар; телевидениенинг ёпиқ тизими хоналари.

11. Ўқотар тирлар, спорт заллари, машғулот ва томошабинлар ўриндиқлари бўлмаган жисмоний тарбия-соғломлантириш хоналари, омборчалар ва инвентарь хоналари, биллиард хоналари, кегельбан ўйини хоналари, тренерлар хоналари, инструкторлар хоналари, массаж хоналари, ёрдамчи хоналар.

12. Китобларни сақлаш хоналари, архив сақлаш хоналари, тиббиёт архивлари.

13. Томошагоҳ муассасаларининг даҳлизлари, фойелари, кийим-кечак алмаштириш хоналари, 300 ўрингача бўлган заллар, кўргазмалар заллари, катталарнинг клуб-тўгарак машғулотлари учун хоналар, ёрдамчи хоналар.

14. Бир вақтнинг ўзида ташриф буюрувчилар сони ҳар бир бўлимда кўпи билан 100 киши бўладиган ва деворлари, шифтлари ёнмайдиган материаллардан ишланган маданият марказлари ва катталар учун ўйин заллари, репетиция заллари.

15. Оркестр чуқурликлари, дирижёр ва оркестрант хоналари, трюм саҳналари, эстрадалар, ареналар.

16. Юк сақлаш камералари, юк тушириш ва саралаш учун хоналар.

17. Нусха кўпайтириш хизмати хоналари.

18. Ертўлага жойлаштириладиган (юқорида келтирилган) хоналарни биноларнинг цоколь қаватига ҳам жойлаштиришга йўл қўйилади.

19. Маъмурий-хизмат хоналари, идора хоналари, рухсатномалар бериш хоналари, маълумот бериш хоналари, регистратуралар, жамғарма ва бошқа кассалар, банк бўлимлари, транспорт агентликлари, соғайгандан кейин беморларни рўйхатдан чиқариш хоналари, даволаш муассасалари ва санаторийларнинг чойшаблар сақланадиган марказий хоналари.

20. Бассейнлар, томошабинлар учун трибуналари бўлмаган сунъий муз спорти хоналари.

21. Қуруқ буғли ҳаммомлар.

22. Турли тип ва сиғимдаги умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек ўқув муассасалари ва санаторий-профилакториялардаги ошхоналар, стационарларнинг овқатлантириш блоклари.

23. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари (осон алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сотадиган дўконлар бундан мустасно).

24. Сув билан даволовчи муассасалардаги родон ва водород сульфид сувини тайёрлаш лабораториялари.

**Соғломлаштириш, дам олиш ва туризм объектларида хизмат кўрсатишга мўлжалланган хоналар**

*29-жадвал*

| **Хоналар** | **Ўлчов бирлиги** | **Ўлчам бирлигига тўғри келадиган майдон, $m^2$** | **Хона майдони, $m^2$** |
|---|---|---|---|
| Вестибюль (рўйхатга олиш жойи, санитария узели, кутиш жойларини ўз ичига киритган қабулхонага эга бўлган):<br>санаторийлар, пансионатлар;<br>туристик базалар, дам олиш уйлари, дам олиш базалари, йил давомида ишлайдиган болалар санаторий оромгоҳлари;<br>ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари, ёзги туристик базалар.<br>Туризм, жисмоний тарбия, спорт, оммавий-маданий тадбирлар бўйича инструктор хонаси.<br>Юк сақлаш камералари<br>Тиббиёт пункти<br>Банк бўлими<br>Алоқа бўлими<br>Маиший хизматлар пункти, сартарошхона<br>Бар-буфет | $m^2$, 1<br>ўринга<br>-'-<br>-'-<br>хона<br>-'-<br>-'-<br>-'-<br>-'-<br>-'- | 0,6-1,0<br>0,35-0,6<br>0,08-0,15 | камида 12<br>камида 12<br>камида 8<br>6-8 ва кўп<br>12-14 ва кўп даҳлиз майдонида<br>(12-20)<br>-''-<br>камида 12<br>(ҳар бир хона) даҳлиз майдонида<br>(12-20) |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
14-ИЛОВА

## Дам олиш ва туризм объектларида жамоат санитария узелларининг ҳисобий кўрсаткичлари

*30-жадвал*

| Хоналар | Жиҳозлар рўйхати ва майдон, $m^2$ |
|---|---|
| Ҳар 50 ўрин учун шлюзда қўл ювиш жиҳозига эга бўлган эркаклар ва аёлларнинг санитария узеллари | эркаклар учун: 2 та унитаз ва 2 та писсуар;<br>аёллар учун: 3 та унитаз |
| Ҳар 50 ўринга оёқ ювиш жиҳози бўлган эркаклар ва аёллар қўл ювиш хоналари<br>болалар (ўсмирлар) оромгоҳларида — ҳар 10-15 ўринга | эркаклар учун: 2-3 та қўл ювиш жиҳози ва 1 та оёқ ювиш жиҳози;<br>аёллар учун: 3-4 та юз-қўл ювиш жиҳози ва 1 та оёқ ювиш жиҳози<br>1 та қўл ювиш жиҳози ва 1 та оёқ ювиш жиҳози |
| Аёлларнинг шахсий гигиена кабинаси:<br>ҳар бир 50 ўринга санитария узели таркибида<br>болалар оромгоҳларида 2 отрядга | 1 та кабина — 4- $m^2$ (таркибида: бидэ, унитаз, қўл ювиш жиҳози)<br>1 та кабина — 4 $m^2$ |
| Ҳар бир 10 ўринга ечиниш хонаси билан душхоналар<br>болаларнинг оромгоҳларида ҳар бир 15 ўринга | 1 та кабина (1,8х0,9 m)<br>1 та кабина |
| Болалар соғломлаштириш | 15 нафар қиз болага 1 та унитаз |
| муассасаларининг ҳожатхоналари (ўғил ва қиз болалар учун алоҳида) | 20 нафар ўғил болага 1 та унитаз ва 1 та писсуар |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
15-ИЛОВА

**Спортнинг ҳар хил турлари учун мўлжалланган ёпиқ залларнинг ўлчамлари ва қабул қилиш қобилияти**

*31-жадвал*

| Спорт турлари учун заллар | Қурилиш ўлчамлари | | | 1 сменада қабул қилиш қобилияти (киши) | Қўшимча талаблар |
|---|---|---|---|---|---|
| | узунлиги | кенглиги | чиқиб турувчи конструкцияларнинг пастки қисмигача бўлган баландлик | | |
| 1 та комплект табель жиҳозига эга бўлган акробатика зали | 36 | 18 | 6-8 | 8-20 | мусобақалар учун майдон 38x20 m (оптимал ўлчамлар: 43x20 m) |
| 1 та майдон ва 1 та комплект табель жиҳозига эга бўлган баскетбол зали | 36 (30) | 18 | 7 | 20 | ўйин майдонининг ўлчамлари 26x14 m. томошабинларнинг жойлари майдон чегарасидан камида 2 m нарида жойлашиши керак |
| 1 рингга эга бўлган бокс зали | 24 (18) | 12 | 4 | 8-20 | мусобақалар учун зал камида 30x18 m (ринг 14x14 m) ўлчамларга эга бўлиши керак |
| Юнон-рум кураши зали (1 та гилам); дзюдо (1 та татами) | 36 (24) | 18 (15) | 4 | 24 | мусобақалар учун зал камида 36x18 m (гилам 17x17 m) ўлчамларга эга бўлиши керак |
| Волейбол (1 та майдонли) | 36 (24) | 18 (15) | 8 | 12-24 | ўйин майдони 18x9 m ўлчамларга эга бўлиши керак. Томошабинларнинг жойлари майдон чегарасидан ён томонлар бўйича камида 8 m нарида ва бўйлама томони бўйича 5 m дан нарида жойлашиши лозим |
| Гандбол | 45-48 (42) | 24 | 6 | 24 | машғулотлар учун 42x20 m |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| (1 та майдонли) | | | | | |
| Спорт гимнастикаси (1 комплект табель жиҳозига эга бўлган) | 36 (30) | 18 | 6-8 | 8-20 | мусобақалар учун зал ўлчами 42x20 m бўлиши керак, оптимал ўлчам 48x24 m |
| Бадиий гимнастика (1 майдонли) | 30-36 (24) | 18 (15) | 7-8 | 8-16 | мусобақалар учун зал ўлчами 36x18 m бўлиши лозим |
| Теннис (1 майдонли) | 36 | 18 | 8-9 | 9-16 | ўйин майдони: яккалик ўйин учун 24x9 m, жуфтлик ўйин учун 24x12 m. мусобақалар учун зал ўлчами камида 42x20 m бўлиши керак. |
| Конькида фигурали учиш | 65 | 35 | 6 | 20 | арена 61x30 m |
| Футзал | 65 | 35 | 6-8 | 22-30 | арена 61x30 m |
| Футбол зали | 96 | 48 | 15 | 30 | арена 90x45 m |
| Муз устида хоккей | 65 | 35 | 6 | 30 | арена 61x30 m |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
16-ИЛОВА

## Ўқув-машғулот ва соғломлаштириш машқлари учун бассейнлардаги ванналарнинг ҳисобий параметрлари

*32-жадвал*

| Спорт тури | Ўлчамлари, m | | | | Бир сменада қабул қилиш қобилияти | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Узунлик | Кенглик | Сув чуқурлиги | | | |
| | | | Саёз қисмида | Чуқур қисмида | | |
| Сузиш спорти | 50 | 21 | 1,8 | 2,3 | ҳар бир йўлакчага 15 киши тўғри келади | йўлакча кенглиги 2,5 m |
| | 25 | 16 | 1,8 | 2,05 | ҳар бир йўлакчага 10 киши тўғри келади | Четки йўлакчалардан ванна деворигача бўлган оралиқда 0,5 m кенгликда эркин полоса бўлиши назарда тутилиши керак |
| | | 11 | 1,2 | 1,8 | | |
| | | 8,5 | 1,2 | 1,8 | | |
| Соғломлаш-тирувчи сузиш ва гуруҳларнинг умумий жисмоний тайёргарлик кўриш машғулотлари | 25 | 11 | 1,2 | 1,6 | 1 кишига 5,5 $m^2$ | |
| | 18-16,5 | 6 | 1-1,2 | 1,4-1,6 | | |
| Сузишга ўргатиш: 14 ёшдан катта ўсмирлар ва катталар | 12,5 | 6-8 | 0,8-1,0 (0,6-0,8) | 1,25-1,5 | 10-15 киши (битта гурух) | |
| 10-14 ёшли болалар | 12,5 (10) | 6 | 0,6 | 1,0-1,25 | | |
| 7-10 ёшли болалар | 10 | 6 | 0,5-0,6 | 0,85 | | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
17-ИЛОВА

**Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари учун санитария жиҳозлари (приборлари) сонининг ҳисобий кўрсаткичлари**

*33-жадвал*

| Хоналар, санитария жиҳозлари (приборлари) | Санитария жиҳозлари (приборлари)нинг сони | |
|---|---|---|
| | Очиқ ва ёпиқ бассейнлар | Қолган очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари |
| **А. Спорт билан шуғулланувчилар ва мураббийлар учун** | | |
| Душхоналар (аёллар ва эркаклар):<br>шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари олдида | сменада шуғулланувчи 3 кишига 1 та сетка | сменада шуғулланувчи 7 кишига 1 та сетка |
| тренерлар хонаси олдида<br>массажхона ва сауналар олдида | бир вақтда ишловчи 20 кишига 1 та сетка<br>массажхонада 2 та столга ва саунада 5 та ўринга 1 та сетка, лекин массажхона олдида камида 1 та сетка ва сауна олдида камида 2 та сетка бўлиши керак | |
| Бир вақтда (сменада) шуғулланувчилар учун кийим алмаштириш хоналари олдидаги санитария узеллари (шлюзида қўл ювиш жиҳозларига эга бўлган ҳолда) | 25-30 аёлга 1 та унитаз<br>35-50 эркакка 1 та унитаз ва 1 та писсуар<br>мураббий ва ходимлар учун — 15-30 кишига 1 та унитаз, 35-50 эркакка 1 та писсуар | |
| Қўл ювиш хоналари (санитария узелларининг шлюзларида):<br>кийим алмаштириш хоналари олдида;<br>мураббийларнинг хоналари олдида | хонада 1-2 та қўл ювиш жиҳози<br>1 та қўл ювиш жиҳози | |
| Оёқ ювиш ванналари — шуғулланувчилар учун ечиниш хоналарида | 20 нафар шуғулланувчига 1 та ванна (1,0х0,85) | |
| Раковиналар ёки ювиш жиҳозлари бассейнларнинг хлоратор тамбури ва хлор омборида, тозалаш инвентарлари хонасида | Ҳар бир хонада 1 та раковина ёки ювиш жиҳози | |
| **Б. Томошабинлар учун** | | |
| Ёпиқ иншоотлар | 75-100 аёлга 1 та унитаз, 150 нафар эркакка 1 та унитаз ва 2 та писсуар | |
| Очиқ иншоотлар | 100 аёлга 1 та унитаз ва 500 эркакка 1 та унитаз ва 5 та писсуар | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
18-ИЛОВА

**Маданият марказлари ва томоша муассасаларининг вестибюль гуруҳидаги хоналарнинг ҳисобий кўрсаткичлари**

*34-жадвал*

| Хоналар | Ҳисобий бирлик | Ҳисобий бирликка тўғри келадиган майдон, $m^2$ | | |
|---|---|---|---|---|
| | | маданият марказлари | театрлар, концерт заллари | кинотеатрлар |
| Кассалар вестибюли | 1 та томошабин ўрни | | 0,05 | 0,05-0,07 |
| | | | 15 дан кам бўлмаслиги керак | |
| Касса, навбатчи администратор, директор хоналари | -"- | 0,07 | 0,07 | 0,07 |
| | | 500 нафар томошабинга 1 касса | | |
| Кириш жойи ва ва вестибюль | -"- | 0,35 | 0,35 | 0,15-0,2 |
| Гардероб: томошабинлар мажмуаси | -"- | 0,04 | 0,05 | - |
| клуб-тўгарак мажмуаси | 1 та ташриф жойи | Маҳаллий шароитлар бўйича | | |
| Буфетли фойе | 1 та томошабин ўрни | 0,4-0,6 | 0,6 | 0,3-0,4 |
| Кулуарлар | -"- | Майдон эвакуация талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиши керак (0,25-0,3) | | |
| Санитария узеллари: томошабинли мажмуа: | | | | |
| ҳар 100 нафар эркакка | 1 та томошабин ўрни | 1 та унитаз, 2 та писсуар ва 2 та қўл ювиш жиҳози; | | |
| ҳар 100 нафар аёлга | | 3-4 та унитаз ва 2 та қўл ювиш жиҳози | | |
| Маданият марказлари: | | | | |
| ҳар 150 эркакка | 1 та томошабин ўрни | 1 та унитаз, 1 та писсуар, 1 та қўл ювиш жиҳози; | | |
| ҳар 150 аёлга | | 2 та унитаз ва 2 та қўл ювиш жиҳози | | |
| *Изоҳ. Хоналарнинг таркиби ва майдонлари технологик асослар бўйича белгиланиши керак.* | | | | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
19-ИЛОВА

**Кино намойиши учун томоша зали ва киноэкран параметрларига қўйиладиган талаблар**

Томошабинлар учун ўрин-жойлар қуйидаги 1-расмда келтирилган ҳудуд чегарасида лойиҳаланиши, бунда:

Д — зал ўқи бўйича киноэкрандан охирги қатор суянчиғигача бўлган узунлик;

Г — зал ўқи бўйича киноэкрандан биринчи қатор суянчиғигача бўлган масофа Г= 0,36 Д.

Киноэкран ўлчамлари қуйидаги 1-расмда келтирилган, бунда:

Ш — киноэкран (хордаси бўйича эгри чизиқли) ишчи майдонининг кенглиги;

В — экран ишчи майдонининг баландлиги.

В ва Ш нисбатлари:

$В_ф$[*1]: $Ш_ф$ = 1 : 2,2;

$В_ш$ : $Ш_ш$ = 1 : 2,35;

$В_к$ : $Ш_к$ = 1 : 1,66;

$В_о$ : $Ш_о$ = 1 : 1,37.

Экран кенглиги (Ш) зал узунлиги (Д) га боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланиши керак:

$Ш_ф$ = 0,6Д (0,54Д)*[2];

$Ш_ш$ = 0,43Д (0,39Д);

$Ш_к$ = 0,34Д (0,3Д);

$Ш_о$ = 0,25Д (0,22Д).

Экрандан биринчи қатор суянчиғигача бўлган масофа (Г) экран кенглиги (Ш) га боғлиқ ҳолда қуйидагича белгиланиши лозим:

$Г_ф$ камида 0,6 $Ш_ф$;

$Г_ш$ камида 0,84 $Ш_ш$;

$Г_о$ камида 1,44 $Ш_о$;

Кинотеатрнинг эгрилик радиуси Д дан кам бўлмаслиги зарур.

Кинопроекция жиҳози ўрнатиладиган томошабинлар залининг параметрлари қуйидаги 1-расмда келтирилган, бунда:

П — проекция масофаси*[3] — камида 0,85 Д;

г — кўпи билан 7*[4] — кинопроектор оптик ўқининг киноэкран марказидаги нормалдан оғиш бурчаклари;

в — камида 8°;

и — камида 3°;

К — юқоридан ўтувчи проекция нуридан шифтнинг энг яқин сиртигача бўлган масофа — камида 0,6 m;

Л — пастдан ўтувчи проекция нуридан томошабинлар ўрин-жойлари зонасидаги полгача бўлган масофа — камида 1,9 m;

Т — экран ортидаги бўшлиқнинг бўйлама кенглиги [*5];

кенг экран бўлганда — 0,9 m;

кенг форматли экран бўлганда — 1,5 m;

Р — экран четидан деворгача бўлгн масофа:

ясси экранда бўлганда — камида 0,985 m;

эгри чизиқли экран бўлганда — камида 0,1 Ш;

Ҳисобий кузатиш нуқтасида *[6] кўринувчанликни лойиҳалашда олдинги қаторда ўтирган томошабиннинг кўриш сатҳи устидан ушбу нуқтага йўналтирилган кўриш нурининг кўтарилиши 0,14 m да (реконструкция қилишда 0,12 m да) белгиланиши керак.

Томошабиннинг ўтирган ҳолатдаги кўз сатҳи баландлиги пол сатҳидан 1,2 m қилиб белгиланиши лозим.




1-расм. Киноэкран ва томошабинлар залининг кўрсаткичлари

*[1] — Ш, В ва Г параметрлардаги индекслар қуйидаги экранларни белгилайди:

ф — кенг форматли экран;

ш — кенг экран;

к — кашетирланган экран;

о — оддий экран.

*[2] — Қавс ичида берилган ўлчамлар — маданият марказлари, театрлар ва мавсумий ишлайдиган кинотеатрлар учун.

*[3] — Маҳаллий ишлаб чиқарилган кинопроекция жиҳозидан фойдаланилганда камида 34,5 m.

*[4] — Маданият марказлари ва театрларда кўпи билан 9° да белгиланиши керак.

*[5] — Товуш битта канал орқали чиқарилганда ёки товуш кучайтиргич экран томонларига жойлаштирилганда 0,1-0,3 m га йўл қўйилади.

*[6] — Кинотеатрларда — киноэкраннинг пастки қирраси.

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
20-ИЛОВА

**Саҳна том қопламасидаги ёнғинга қарши қопламага (экран) ва тутун люкларининг қурилмаларига қўйиладиган талаблар**

1. Ёнғинга қарши қоплама (экран) газ ўтказмайдиган бўлиши ва қурилиш порталининг бўш оралиғини ён томонларидан 0,4 m ва юқоридан 0,2 m да ёпиб туриши керак.

Декорация омборларининг ёнғинга қарши қопламаси (экрани) ва ёнғинга қарши эшикларининг (шторалари) каркасини лойиҳалашда (ҳисоблашда) томоша зали томонидан бериладиган горизонтал босим ҳисобга олиниши, бу босим саҳна баландлигининг ҳар бир метр баландлигида 10 Ра га тенг бўлиши, бунда ортиқча юкланиш коэффициенти 1,2 тенг қилиб белгиланиши, каркасдаги металл элементларнинг ҳисобий бўш оралиқдаги солқилиги 1/200 дан ошмаслиги зарур.

Ёнғинга қарши қоплама (экран) ўзининг оғирлиги таъсирида камида 0,2 m/s тезлик билан ҳаракатланиши (тушиши ёки кўтарилиши), дарпарданинг тушиши ёки кўтарилишини масофадан (дистанцион) бошқариш учта жойдан, ёнғин постидан, саҳна планшетидан ва ёнғинга қарши қопламанинг (экран) чиғириғи (лебёдкаси) жойлашган жойдан амалга оширилиши керак.

Ушбу қопламанинг (экран) тушиши ва кўтарилишини билдирувчи товуш ва ёруғлик сигнализацияси лойиҳаланиши керак.

2. Очиқ люкларнинг майдони трюм полидан саҳна томёпмасигача бўлган баландликнинг ҳар 10 m да ҳисоблаш орқали ёки колосникли саҳна майдонининг 2,5 % га тенг қилиб белгиланиши лозим.

Люкларнинг клапанлари уларни ушлаб турувчи қурилмадан ечиш вақтида ўз оғирлик кучи таъсирида очилиши, бунда периметр бўйича клапан қирраларининг музлаб ёпишиб қолиш кучи 0,3 kN/ m га тенг бўлиши ҳисобга олиниши керак.

3. Люкларнинг клапанларига хизмат қилувчи чиғир (лебёдка) саҳна планшетидан, ёнғин пости диспетчер хонасидан ва ушбу чиғир (лебёдка) хонасидан масофадан бошқарилиши зарур.

Тутун люкларининг устки қурилмаси ЁНМ гуруҳидаги ёнмайдиган материаллардан, клапанлар эса — Ё1 гуруҳидаги материаллардан тайёрланиши лозим.

**Ёпиқ бозорлар хоналарининг таркиби ва майдони**
**(150 — 250 савдо ўринли)**

*35-жадвал*

| Хоналар | Майдон, $m^2$ | Хоналар | Майдон, $m^2$ |
|---|---|---|---|
| Савдо зали (маҳсулотлар, товарларни сотиш зоналари дифференциялашган) | залдаги 1 та савдо ўрнига 6 — 8 $m^2$ | махсус кийимлар ва чойшабларни сақлаш хонаси | 16 — 20 |
| кафетерия, хизматлар бюроси учун қўшимча майдон | | инвентарь сақланадиган хона | 16 — 20 |
| Сабзавот ва мевалар мавсумий сотиладиган ёпиқ ва очиқ савдо майдони | 1 та савдо ўринга 6-7 $m^2$ | жиҳоз ва инвентарларни таъмирлаш устахонаси | 16 — 12 |
| Сақлаш хонаси (омбор) | савдо зали майдонининг 15 — 20 % га тўғри келадиган майдон | бухгалтерия хонасига эга бўлган идора | 30 — 40 |
| Омборлар-бокслар, 1 та боксга 2-5 $m^2$ | технологик ҳисоблаш бўйича | директор кабинети<br>ходимлар хонаси | 20<br>8 — 12 |
| Юк қабул қилиш ва тушириш хоналари | 35 — 50 | сотувчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш камераси | 12-15 |
| Гўшт бўлаклаш<br>Совитиш камералари (маҳсулотлар тури бўйича алоҳида) | 5 — 10 сақлаш ҳажми бўйича (ҳар бири камида 6 $m^2$) | ёнғин хавфсизлиги — қўриқлаш хонаси | 10 — 12 |
| Ветеренария-санитария лабораториялари, жумладан:<br>гўшт бўлими (кўздан кечириш, изолятор-совутгичга эга бўлган лаборатория, қайнатиш, музлатиш, дифрастор хоналари)<br>сут маҳсулотлари бўлими (кўздан кечириш, механик равишда таркибга ажратиш жиҳозига эга бўлган лаборатория) | 60 — 90 (технологик ҳисоблаш бўйича аниқлик киритилади) | ёпиқ зал ва очиқ майдондаги сотувчилар учун гардероблар, санитария узеллари ва бошқа хоналар | технологик ҳисоблаш бўйича аниқланади |
| Кимё реактивларини сақлаш хонаси | 4-6 | мижозлар учун санитария узеллари (алоҳида блокдаги | технологик ҳисоблаш бўйича аниқланади |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | жамоат ҳожатхоналари) | |
| Ювиш жиҳози ўрнатилган идишлар сақланадиган хона<br>Тарозилар, касса аппаратлари, савдо инвентарларини сақлаш ва бериш хонаси | 20-25<br><br>20-25 | | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
22-ИЛОВА

**Умумий овқатланиш корхоналаридаги хоналар майдонларининг ҳисобий кўрсаткичлари (залдаги битта ўрин учун)**

*36-жадвал*

| Т/р | Корхоналарнинг типлари | Хоналарнинг майдони, $m^2$, залдаги бир ўрин учун | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Мижозлар учун, заллар учун | ишлаб чиқариш хоналари | омборлар | маъмурий — маиший хоналар | техник хоналар |
| 1. | Ошхона | 2,3 (1,6-1,8)* | 1,35 | 0,75 | 0,45 | 0,71 |
| 2. | Ресторан | 2,45 (1,8-2,0) | 2,1 | 1,0 | 0,65 | 1,9 |
| 3. | Кафе | 2,9 (1,4-1,6) | 1,2 | 0,5 | 0,6 | 0,5 |
| 4. | Пиво-бар | 2,16 (1,4) | 0,8 | 0,7 | 0,5 | 0,5 |
| 5. | Чойхона | 3,0 (2,5) | 1,2 | 0,45 | 0,45 | 0,55 |

*Изоҳ:*

** — қавс ичидаги кўрсаткичлар заллар учун келтирилган;*

*хоналарни террасаларга, очиқ майдонларга жойлаштиришга йўл қўйилади. залда эстрада, рақс майдончалари бўлганда унинг майдони кенгайтирилиши лозим;*

*мижозлар учун мўлжалланган жойлар савдо (овқатланиш) залларидаги ҳамда вестибюль-фойедаги (гардеробли) майдонни, ҳожатхоналарни ўз ичига олади;*

*ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни тайёрлашда қўшимча савдо қилиш учун савдо, ишлаб чиқариш ва омборларнинг майдонлари оширилиши керак.*

**Бир сменадаги қуруқ чойшаблар (кийимлар)ни ювиш бўйича иш унумдорлиги 500 ва 1000 kg бўлган кир ювиш муассасаларининг хоналари**

*37-жадвал*

| Хоналар | Майдон, $m^2$ | |
|---|---|---|
| | 500 kg | 1000 kg |
| Кир чойшабларни (кийимлар) қабул қилиш цехи (қабул қилиш, саралаш, сақлаш) | 35 | 65 |
| Кир чойшаблар (кийимлар)ни топширувчи мижозлар учун кутиш хонаси | 12 | 15 |
| Ювиш цехи (ювиш, кир чайиш, сақлаш ва ювиш машиналарини тайёрлаш) | 30 | 40-50 |
| Моддий таъминот омборхонаси | 20 | 30 |
| Қуритиш-дазмоллаш цехи | 30-40 (ускунанинг турига қараб) | |
| Ювилган чойшаблар (кийимлар)ни ажратиш, тахлаш ва ўраш цехи | 30 | 50 |
| Тоза чойшаблар (кийимлар)ни қайтариш цехи (сақлаш ва қайтариш пункти) | 12 | 12 |
| Тоза чойшаблар (кийимлар)ни қайтариб олувчи мижозлар учун кутиш хонаси | 12 | 12 |
| Таъмирлаш устахонаси | 15 | 20 |
| Электр жиҳозларини таъмирлаш устахонаси | 15 | |
| Лаборатория | 12 | |
| *Изоҳ. Қўлланиладиган технологик жиҳозларни ҳисобга олган ҳолда кир ювиш хоналарининг таркиби ва майдонлари лойиҳа топшириғига мувофиқ белгиланиши керак.* | | |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
24-ИЛОВА

**Меҳмонхоналарнинг халқаро классификация — «юлдузли»лиги бўйича асосий тавсифлари**

*38-жадвал*

| Кўрсаткичлар, тавсифлар | Юлдузлилиги | Изоҳ |
|---|---|---|
| 1. Бино:<br>алоҳида турувчи, ташқи кўриниши ва рекламаси бўйича жозибадорлик (кўркамлик)га эга бўлган;<br>ёпиқ кириш ҳудуди (соябон);<br>ёпиқ автотураргоҳга эга бўлган | 5*, 4*, 3*<br><br>5*, 4*, 3*<br>5* | |
| 2. Кириш зонаси, вестибюль:<br>кенг, ахборот таблоси, аудио-кузатув воситалари, алоқа пункти ва валюта алмаштириш шохобчаси, транспорт и туристик агентликлари, савдо шохобчалари бўлган;<br>мижозлар ва юк олиб кириш учун алоҳида йўлаклар;<br>кириш тамбури ва калориферлари бўлган | 5*, 4*, 3*<br><br><br><br>5*, 4*, 3*<br><br>5*, 4*, 3* | |
| 3. Ахборот ва алоқа хизматлари: кечаю-кундуз ишлайдиган | 5*, 4*, 3* | 1 ва 2 юлдузли меҳмонхоналарда бу хизматлар камида 12 h ишлаши керак |
| 4. Номерлар:<br>юқори комфортликка (жумладан люкс ва аппартамент хоналарига) эга бўлган 1 ва 2 ўринли номерлар 100 % ни ташкил этиши керак;<br>1-2 ўринли номерлар 70 % ни ташкил этиши (сантехника жиҳозлари норматив бўйича: унитаз, юз-қўл ювиш жиҳози хонаси, душ ўрнатилган бўлиши) керак | 5*, 4*<br><br><br><br>3*, 2* | |
| 5. Овқатланиш муассасаси:<br>ресторан, кафе и барлар (шу жумладан қаватларда), банкет залларига эга бўлиши керак;<br>кечаси ишлайдиган ресторан ва барлар мавжуд бўлиши лозим | 5*, 4*, 3*<br><br>5*, 4* | |
| 6. Хизматлар:<br>сартарошхона-салонлар (шу жумладан маникюр, педикюр, косметика кабинети);<br>кийимларни ювиш ва дазмоллаш, кимёвий тозалаш;<br>банк и транспорт хизматлари;<br>соат, кўзойнак таъмирлаш;<br>фотохизмат; | 5*, 4*, 3*<br>5*, 4*, 3*<br><br>5*, 4*, 3*<br><br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*, 3* | 1 ва 2 «юлдузли»да маҳаллий шароитлар бўйича |
| спорт инвентари ижараси;<br>кийим ва пойабзал таъмирлаш;<br>автосервис; | 5*, 4*, 3*<br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4* | 1, 2, 3 «юлдузли» меҳмонхоналарда қимматбаҳо буюмлар |

| | | |
|---|---|---|
| абонент сейфлари;<br>кечаю-кундуз ишлайдиган тиббиёт хизмати;<br>савдо ва дорихона шохобчалари | 5*, 4*<br>5*, 4*<br>5*, 4*, 3* | портье сейфида сақланади |
| 7. Маданий-бўш вақтни ўтказишга хизмат кўрсатиш:<br>мусиқа-рақс салони, оқшом ишлайдиган кечки салон, кегельбан, бильярд хоналари;<br>универсал кино-концерт зали, тақдимот ва конференция зали;<br>брифинг ва интервью учун хоналар (камида 2 та);<br>соғломлаштириш мажмуаси (сауна, массаж хонаси, тренажёр зали);<br>ўлчами камида 25x11 m бўлган ва минерал сув ёки денгиз суви билан тўлдириладиган сузиш ҳавзаси (зарурий ёрдамчи хоналари билан биргаликда), бадан чиниқтириш хонаси;<br>кўргазмалар учун намойиши зали | <br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*<br>5*, 4*<br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*<br>5*, 4* | халқаро даражадаги конгресс ва симпозиум заллари шаҳарсозлик шартлари бўйича назарда тутилиши керак |
| 8. Муҳандислик таъминоти:<br>тез ҳаракатланувчи йўловчи лифтлар;<br>ходимлар ва юклар учун алоҳида лифтлар;<br>овқат тайёрлаш блокидан қаватлардаги кафе ва бар заллари учун кўтариш қурилмалари ва лифт;<br>барча хоналарда ҳавони сутка давомида кондиционерлаш;<br>ёз мавсумида барча хоналарда ҳавони сутка давомида кондиционерлаш;<br>чанг тозалаш ва чиқинди чиқариш бўйича марказлашган тизимлар;<br>номерларда кўп каналли кабелли телевидение;<br>номердан интернетга уланиш;<br>ванна хонасида телефон мавжудлиги;<br>номерда қўриқлаш сигнализацияси мавжудлиги;<br>қўриқлаш сигнализацияси ўрнатилган сейфлар | <br><br>5*, 4*<br>5*, 4*, 3*<br>5* , 4*<br>3*, 2*<br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*, 3*, 2*<br>5*, 4*, 3*<br>5*, 4*<br>5*, 4*<br>5* | 1 ва 2 «юлдузли» |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
25-ИЛОВА

## Ҳар хил турдаги вентиляцияларнинг қўлланилиш доираси

*39-жадвал*

| Хона тури ва ҳаво алмаштириш катталиги | Ҳаво киритувчи вентиляция | Ҳаво чиқарувчи вентиляция |
|---|---|---|
| **Табиий равишда шамоллатиш бўлганда** | | |
| Ҳавони алмаштириш карралиги соатига 3 ва ундан кам бўлган Д туридаги хоналар | Ҳавони форточка ва фрамуга орқали киритган ҳолда табиий равишда ростланувчи вентиляция | Ҳавони форточка ва фрамуга орқали чиқарган ҳолда табиий равишда ростланувчи вентилиция, ҳавони чиқариш канали қўшилган ёки фақат берилган хонага мўлжалланган |
| Ҳавони алмаштириш карралиги соатига 3 ва ундан кам бўлган *Р1* типидаги хоналар | Ҳавони форточка ва фрамуга орқали киритган ҳолда табиий равишда ростланувчи вентиляция | Берилган хонада ҳаво чиқариш каналига эга бўлган табиий равишда ишлайдиган вентиляция |
| Ҳавони алмаштириш карралиги соатига 3 ва ундан кам бўлган *Р2* типидаги хоналар | Ҳавони форточка ва фрамуга орқали киритган ҳолда табиий равишда ростланувчи вентиляция | Механик |
| *П1* ва *П2* типидаги хоналар. Ҳавони алмаштириш карралиги соатига 3 ва ундан кам бўлган Д типидаги хоналар | Механик | Табиий |
| Ҳавони алмаштириш карралиги соатига 3 ва ундан кам бўлган *Р1, Р2* типидаги хоналар; *Б* типидаги хоналар | Механик | Механик |
| **Табиий равишда шамоллатиш бўлмаганда** | | |
| Табиий равишда шамоллатиш бўлмаган хоналар ва зоналар | Механик | Механик |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
26-ИЛОВА

**Маданий-томоша муассасалари, кутубхоналар, архивлар ва спорт иншоотлари биноларининг ички ёнғинга қарши сув қувурўтказгичларига қўйиладиган талаблар**

1. Маданий-томоша муассасаларининг биноларида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

сиғими 700 ўрингача бўлган эстрадали кинотеатр ва маданият марказларида — ёнғинни ўчириш жўмраклари; колосникларга эга ва сиғими 700 ўриндан кўп бўлганда — ёнғинни ўчириш жўмраклари ва ушбу илованининг 9-бандига асосан дренчер қурилмаси;

12,5x7,5 m, 15x7,5 m, 18x9 m ва 12x12 m ўлчамли саҳнага ва 700 ўринли томоша залига эга бўлган маданият марказларида ёнғинни ўчириш жўмраклари ва дренчер қурилмаси;

18x9 m, 21x12 m ўлчамли саҳнага ва 700 дан кўп ўринли томоша залига эга бўлган маданият марказларида, сиғими қандай бўлишидан қатъи назар 18x18 m ва 21x15 m ўлчамли саҳнага эга бўлган маданият марказларида, шунингдек театрларда ёнғинни ўчириш жўмраклари, дренчер ва спринклер қурилмалари;

600 ва ундан кўп ўринли ва панорамали, уч томонли, марказий саҳналари бўлган театрларнинг намойиш мажмуаларида ёнғин ўчириш қурилмалари.

2. Театр биносининг ҳудудида алоҳида корпусга жойлаштирилган ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборларида, хўжалик-ишлаб чиқариш хоналари ва театр биносини жойлаштиришда ички ёнғинни ўчириш жўмраклари ва спринкерли қурилмалар ушбу илованинг 4 ва 11-бандлари талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

Ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборларини театр биноси ҳудудидан ташқаридаги корпусга жойлаштиришда спринклер қурилмалар ушбу илованинг 11-бандига мувофиқ лойиҳаланиши, ёнғинни ўчириш жўмракларининг сув сарфи ҚМҚ 2.04.01-98 талабларига мувофиқ белгиланиши лозим.

3. Биноларда ички ёнғин ўчириш жўмракларининг сув сарфи қуйидагича белгиланиши керак:

томоша залининг сиғими 300 ўрингача бўлган эстрадали кинотеатр ва маданият марказларида 2 та оқим (струя)да камида 2,5 l/s, ўринлари 300 кўп бўлган кинотеатр ва маданият марказларида ҳар бир оқимда камида 5 l/s;

сиғими қандай бўлишидан қатъи назар, саҳнали маданият марказлари ва театрларда 2 та оқим (струя)да камида 2,5 l/s ва ҳар бирининг сув сарфи 5 l/s бўлган 2 та оқим (струя).

4. Ёнғин ўчириш жўмраклари томоша зали ва саҳнага ёки зинапоя майдончасига кириш жойида ўрнатилиши лозим.

18x12 m, 21x12 m, 21x15 m ўлчамли саҳнага эга бўлган маданият марказларида, шунингдек, театр биноларида 19 mm ли пуркагич ва 10 m узунликдаги шланг уланган 65 mm диаметрли қўшимча ёнғин жўмраклари саҳна планшетига ўрнатилиши керак.

16 mm ли пуркагич ва 10 m узунликдаги шланг уланган 50 mm диаметрли ёнғин ўчириш жўмраклари колосниклар ва ишчи галереяларга ўрнатилиши, шлангасининг узунлиги 20 m бўлган ёнғин ўчириш жўмраклари театрнинг бошқа барча хоналарига ўрнатилиши лозим.

5. Майдони 500 $m^2$ бўлган саҳна планшетида 3 та, 500 $m^2$ дан катта майдонга эга бўлган саҳна планшетида 4 та ёнғин ўчириш жўмраклари ўрнатилган бўлиши керак.

Ҳар бир ишчи галереяда ва колосникларда камида иккита ёнғин ўчириш жўмраклари ўрнатилган бўлиши, ушбу жўмраклар саҳнанинг чап ва ўнг томонида жойлашган бўлиши лозим.

Жўмракларни жавонсиз очиқ ҳолатда ўрнатишга йўл қўйилади.

6. Ёнғин ўчириш жўмраклари хоналарнинг ҳар қандай нуқтасига 2 та оқимда сув сепилишини таъминлаши керак.

7. Ёнғин ўчириш жўмракларининг ички тармоғи ҳалқа кўринишида ва иккита кириш жойи билан ташқи тармоққа ва иккита кириш жойи билан спринклерли ва дренчерли тизимнинг сув тарқатиш тармоғига уланиши керак.

Сув тарқатиш задвижкалари тармоққа иккитадан кўп бўлмаган тармоқланишга эга бўлган участкаларни беркитиш имконини таъминлаган ҳолда ўрнатилиши лозим. Иккитадан кўп ёнғин ўчириш жўмраклари бўлган вертикал қувурлар (стояклар)нинг асосига (пастки қисмига) вентиллар ва задвижкалар ўрнатилиши зарур.

8. Ёнғин ўчириш жўмракларидаги эркин сув босими хонананинг энг юқори қисмига сувни сачратиб етказиши керак.

Саҳна планшетидаги ёнғин ўчириш жўмракларидаги сув босими планшетдан колосник қопламасигача бўлган масофадан 2 m узоққа сув сачратилишини таъминлаб бериши керак.

9. Дренчерлар саҳна ва арьерсаҳна колосникларининг остига, ишчи галереялар (уларни бирлаштирувчи кўрикчалар) пастки ярусининг тагига, ўралган декорациялар сейфига ва саҳнанинг барча бўш оралиқларига, саҳнанинг ички қурилган жиҳозларининг конструкциялари жойлашган трюмларга ва кўтариш-тушириш қурилмаларига ўрнатилиши керак.

Ёнғинга қарши қоплама (экран)га саҳна томондан сув сепилиши лозим.

10. Дренчер ва спринклер сув пуркагичлари битта сув пуркагич билан ҳимояланадиган пол майдони, ўртача сув сепиш интенсивлигида 1 $m^2$ пол майдонига камида 0,1 *l/s* сарф бўлганда, кўпи билан 9 $m^2$ қабул қилинади; саҳнанинг тирқишига сув пуркаш сарфи 1 m тирқишга 0,5 l/s, саҳна порталига сепишга — 1 m портал кенглиги, 7.5 m гача баландлигига камида 0,5 l/s ва 1 m кенглик, 7.5 m баландликдан кўп бўлган ҳолига 0,7 l/s бўлиши керак.

11. Энг узоқ ва баланд жойлашган пуркагичда эркин сув босими камида 0,05 MPa (5 m сув. уст.) бўлиши зарур.

Битта бинода барча пуркагичлар тешиги диаметри бир хил бўлиши керак.

12. Ёнғин насос агрегатлари 100 % ли захира билан бўлиши ва улар алоҳида иситиладиган, ташқарига ёки зинапоя катагига чиқиш жойлари бор хоналарга жойлаштирилади.

Фақат ёнғин ўчириш жўмраклари билан жиҳозланган кинотеатр в маданият марказлари (клуб) биноларида насосларни иситиш қозонхонасига жойлаштириш мумкин.

13. Ичимлик-хўжалик сув таъминоти насослари вибраизоляцияли асосларга ўрнатилган ва кириш тармоғи, ҳамда ички тармоқдан эластик оралиқ қувурчалари билан ажратилган бўлиши керак.

14. Кутубхона ва архивлар биноларида ёнғинга қарши сув таъминоти бино ҳажми 7500 $m^3$ ва ундан кўп бўлган ҳолларда лойиҳаланиши керак.

Сув сарфи ва ички ёнғин ўчириш оқими (струяси) ҳисобининг нормаларини ҚМҚ 2.04.01 га асосан қабул қилиш лозим.

15. Спортга мўлжалланган биноларда спринклер қурилмаларидан фойдаланишда сув пуркаш интенсивлиги 1 $m^2$ майдонга 0,08 l/s, 120 $m^2$ гача бўлган майдонга бир вақтнинг ўзида тизимнинг 30 min ишлаб туриши зарурлиги ҳисобларидан қабул қилиниши керак.

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
27-ИЛОВА

**Жамоат биноларидаги электр қабул қилгичларнинг электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси**

*40-жадвал*

| Жамоат биноларининг гуруҳлари ёки типлари | Ёнғинга қарши қурилмаларнинг электр қабул қилгичлари | Бошқа электр қабул қилгичлар комплекси | Барча электр қабул қилгичлар комплекси |
|---|---|---|---|
| Ишловчилар сони 2000 нафардан кўп бўлган (қаватидан қатъи назар) муассасалар, маъмурий, илмий-тадқиқот институтлари бинолари | I | II | - |
| Ишловчилар сони 50 дан 2000 нафаргача бўлган бинолар (10 қаватдан юқори) | - | - | II |
| Ишловчилар сони 50 нафардан ортиқ бошқариш органлар бинолари | I | II | |
| Банк муассасаларининг бинолари | I | II | |
| Сиғими 160 нафаргача бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳлари | - | - | III |
| Фонди 1 млн. гача сақлаш бирлигидаги кутубхона ва архивлар | I | II | - |
| Худди шундай, 100 мингдан 1 млн. гача сақлаш бирлигидаги кутубхона ва архивлар | - | - | II |
| Савдо залининг майдони 2000 $m^2$ ва ундан юқори бўлган савдо корхоналари | I | II | - |
| Умумовқатланиш корхоналари:<br>ўринлари сони 500 дан кўп,<br>ўринлари сони 100 дан 500 гача,<br>ўринлари сони 100 гача, сут маҳсулотлари тарқатиш пунктлари | <br>I<br>-<br>- | <br>II<br>-<br>- | <br>-<br>II<br>III |
| Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари: иш ўрни 15 тадан кўп сартарошхоналар, иш ўрни 50 тадан кўп ателье ва устахоналар, бир сменада 500 kg дан кўп кир тозалаш кир ювиш ва кимёвий тозалаш хоналари, жойи 100 дан кўп ҳаммомлар;<br>ўрни 15 тагача сартарошхоналар, иш ўрни 50 тагача ателье ва устахоналар ва бир сменада 500 kg гача кир тозалаш кир ювиш ва кимёвий тозалаш хоналари, жойи 100 гача ҳаммомлар | -<br>-<br> | -<br>-<br> | II<br>III<br> |
| Республика аҳамиятидаги музей ва кўргазмалар | - | - | I |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Худди шундай, вилоят аҳамиятидагилар | I | II | - |
| Худди шундай, маҳаллий аҳамиятдагилари ва ўлкашунослик музейлари | - | - | III |
| Ўринлари сони 1000 дан кўп меҳмонхоналар, туристик базалар, мотеллар, пансионатлар ва дам олиш уйлари | I | II | - |
| 200 дан 1000 гача ўринли худди шундай бинолар | - | - | II |
| Томошабинлар учун ўриндиқлари 800 дан кўп ёпиқ спорт иншоотлари (авария ёриткичлари бундан мустасно, у 1-тоифага киради) | - | - | II |
| Худди шундай, ўринлари 200 дан 800 гача ёки бир сменада шуғулланувчилар 120 нафардан кўп | - | - | II |
| Худди шундай, ўринлари 200 дан кам ёки бир сменада шуғулланувчилар сони 120 дан кам | - | - | III |
| Очиқ спорт иншоотлари: футбол, енгил атлетика, спорт ареналари, қаторлари 20 ва ундан кўп трибунали сув ҳавзалари | - | - | II |
| Худди шундай, қаторлари сони 20 тагача бўлган очиқ иншоотлар | - | - | III |
| Томошабинлар залларининг жами сиғими 500 ўрин ва ундан кўп томошагоҳлар, жойлари сонидан қатъи назар, болалар кинотеатрлари ва театрлари, қўғирчоқ театрлари, цирклар залларнинг сиғими 500 дан кам бўлган худди шундай бинолар | - | - | III |

*Изоҳ. Жамоат биноларининг электр қабул қилгичлари комплексига бино ва хоналар гуруҳини жиҳозлайдиган барча электр қурилмалари киради.*

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
28-ИЛОВА

**Хоналар ва жойларни сунъий ёритиш турларига қўйиладиган талаблар**

*41-жадвал*

| **Мўлжалланганлиги бўйича ёритиш тури** | **Хоналар, жойлар** |
|---|---|
| Ишчи | Одамларнинг ишлаши ва юриши учун, бино ва жойларнинг барча хоналари учун ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракати учун |
| Авария хавфсизлиги | Ишчи ёритиш ўчиб қолиши авария ҳолатини юзага келтирадиган ёки инсонларга зиён етказадиган хоналар учун, шунингдек, диспетчер хоналари, алоқа узеллари, киноаппаратлар, электр шчити, тиббиёт пунктлари, доимий қўриқлаш постлари, навбатчиларнинг постлари, 300 ва ундан ортиқ кийимлар турадиган кийим-кечак алмаштириш хоналари, дўконларнинг савдо заллари, меҳмонхоналарнинг даҳлизлари, ресторан ва кафеларнинг заллари, лифтларнинг мошина бўлимлари, тез ёрдам кўрсатиш кабинетларида, реанимация хоналарида, даволаш муассасаларининг қабул қилиш пунктларида, касалхоналарнинг туғдириш бўлимларида, қайта боғлаш (перевязка) хоналарида, муолажа хоналарида, тезкор текширув лабораторияларида, тиббиёт ҳамшираси навбатчилик пунктларида, оператив қисм хоналарида, тез ёрдам станцияларининг дорихона ва ёрдамга жўнаб кетишда бирга олиб юриладиган қутилар сақлаш хоналарида.<br>Насослар хоналарида, иссиқлик бериш пунктларида ёки хоналарнинг электр қабул қилгичлари электр таъминоти ишончлилиги бўйича I тоифага кирадиган хоналарда. |
| Авария эвакуацияси | Кесиб ўтиладиган хоналарда, ички йўлакларда, холларда, фойе ва даҳлизларда, 50 нафардан ортиқ одамларни эвакуация қилиш учун хизмат қиладиган зинапояларда, болалар мактабгача муассасаларида эса болалар сонидан қатъи назар, зинапояларда; бир пайтда 100 дан ортиқ одамлар бўладиган хоналарда (аудиторияларда, овқатланиш залларида, конференц-залларда); майдони 90 $m^2$ ва ундан кўп савдо залларида ва улардан чиқиш йўлакларида, савдо корхоналарининг транспорт туннелларида, эвакуация пайтида у хоналардан чиқишда лат ейиш хавфи бор хоналарда (овқат пишириш хоналарида, овқат улашиш ва бошқа жамоат овқатланиши ишлаб чиқариш хоналарида, кир ювиш, таъмирлаш устахоналарида, бассейнлар залларида. |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
29-ИЛОВА

# Автоматик ёнғин сигнализацияси ва автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан ҳимояланадиган хоналар, иншоотлар ва жамоат биноларининг рўйхати

## I. Автоматик ёнғин сигнализацияси

1. Автоматик ёнғин сигнализацияси қурилмаси (бундан буён матнда АЁС деб юритилади) ёнғинни тез пайқаши, сигналларни қайта ишлаши, муҳандислик қурилмаларига сигнал бериши ва ёнғин ўчириш қурилмаларини ишга тушириши керак.

2. Барча жамоат бинолари ва иншоотлари АЁС билан жиҳозланиши лозим.

Ушбу рўйхатга кирмаган жамоат бинолари ва иншоотларининг хоналари ҳам автоматик ёнғин ўчириш сигнализацияси қурилмаси билан жиҳозланиши зарур.

3. АЁСни зинапоя катакларида, спринклер ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган хоналарда, душлар, ҳожатхоналар, совитиш камералари, гўшт, балиқ, сабзавот, меваларни сотиш ва сақлаш хоналарида, шамоллатиш камераларида, сув таъминоти насосхоналарида ёнувчан материаллар ва жиҳозлар бўлмаган хоналарда ўрнатилмаслиги мумкин.

4. АЁСни ШНҚ 2.04.09-07 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

## II. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси

5. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси (бундан буён матнда АЁЎҚ деб юритилади) ёнғин ўчирувчи моддани чиқариш ҳисобига ёнғинни ўчириши керак.

6. АЁЎҚ лойиҳа топшириғига мувофиқ қўлланилиши лозим*.

7. АЁЎҚни ШНҚ 2.04.09-07 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

8. Барча жамоат бинолари ва иншоотлари АЁЎҚ билан жиҳозланиши керак.

9. Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланиши зарур бўлган хоналарнинг майдони умумий майдоннинг 50 % идан кўп бўлса, бинони бутунлай автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозлаш керак.

10. АЁЎҚ қуйидагиларда бўлиши лозим:

ноёб жиҳоз ва материаллар, ноёб босма асарлар, қўлёзма ва бошқа қимматли ҳужжатлар сақланадиган хоналарда;

кутубхоналарда китоблар ва архивларида ҳужжатлар сақлаш хоналарида;

500 минг бирликдан кам сақланадиган, келтирилган кутубхона ва сақлаш фондлари ва 400 m$^2$ (ҳар бири) дан кам майдонли вилоят ва туман аҳамиятидаги архивлари автоматик ёнғин ўчириш сигнализацияси ҳамда кўчиб юрувчи хладонли ва углекислотали ёнғин ўчириш жиҳозлари билан таъминланиши мумкин;

давлат муассасаларининг сервер хоналарида;

музейларда;

майдонлари 100 m$^2$ дан кўп бўлган ломбардларда;

майдони 500 m$^2$ ва ундан кўп бўлган телестудияларнинг тасвирга олиш павильонларида;

юк сақлаш камералари хоналарида ва аэровокзал ҳамда вокзал биноларининг ёнувчи материаллар сақланадиган омборларида;

ёпиқ спорт иншоотларининг ҳар қандай сиғимли трибуналари остида, очиқ спорт иншоотларининг сиғими 3000 ва ундан кўп томошабинга мўлжалланган трибуналари остида;

савдо корхоналарининг хоналарида (дўконларда, маркетларда ва муқобил объектларда):

майдони 200 m$^2$ ва ундан кўп бўлган савдо залларида (цоколь ёки ертўла қаватларига жойлаштирилган);

умумий савдо майдони 3500 m$^2$ ва ундан кўп бўлган бир ва икки қаватли биноларда;

умумий савдо майдони 1500 $m^2$ ва ундан дан кўп бўлган уч ва ундан юқори қаватли биноларда;

майдони 1000 $m^2$ ва ундан кўп бўлган омборларда;

ертўла ва цоколь қаватларда жойлашган ва майдони 500 $m^2$ ва ундан кўп бўлган омборларда;

тураржой ва жамоат биноларига киритиб қурилган (умумий майдони 1500 $m^2$ ва ундан кўп бўлган) хоналарда;

баландлиги 28 m дан катта бўлган биноларнинг хоналарида**;

(майдони 300 $m^2$ ва ундан кўп бўлган ва тез ёнувчи материаллар, ёнувчан суюқликлар, ёнувчан химикатлар сақланадиган хоналар ҳамда омборлар;

майдони 1500 $m^2$ ва ундан кўп бўлган кўргазма залларида;

алоҳида жойлаштирилган ва жамоат биноларига киритиб қурилган автомобиль тураргоҳларида.

*Изоҳ.* Автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси типини, ўчириш усулини, ёнғин ўчирувчи модда турини танлаш буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа топшириғига мувофиқ амалга оширилиши керак.*

*** Бино баландлиги ШНҚ 2.01.02-04 талабларига асосан белгиланиши лозим.*

## Комплексли майдонча ва ундаги алоҳида элементларнинг минимал ўлчамлари

*42-жадвал*

| Шуғулланувчиларнинг ёши бўйича гуруҳи | Комплексли майдонча элементлари* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Ҳаракатли ўйинлар ва умумий ривожлантириш машқлари учун майдонча, $m^2$ | Югуриш йўлагининг ёпиқ контури | | |
| | | Узунлиги, m | | эни, m |
| | | умумий узунлиги | шу жумладан, тўғри участканинг узунлиги | |
| 7 дан 10 ёшгача | 50 | 60 | 15 дан кам эмас | 1,2 |
| 10 ёшдан катта 14 ёшгача | 100 | 150 | 30 дан кам эмас | 1,5 |
| 14 ёшдан катта ва катталар | 250 | 200 | 60 дан кам эмас | 2 |
| *Изоҳ. Комплексли майдонча элементлари маҳаллий шароитлар (участканинг конфигурацияси ва б.)ларига мос равишда битта умумий участкага ёки тураржой уйлари гуруҳи эгаллаган ҳудуд чегарасига алоҳида жойлаштирилиши мумкин.* | | | | |

*43-жадвал*

| Спорт тури | Майдончанинг режавий ўлчамлари m | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ўйин майдончаси | | хавфсизлик зонаси | | қурилиш ўлчамлари m | |
| | узунлиги | эни | олд томони | ён томони | узунлиги | эни |
| Бейсбол | 120 | 120 | | - | 1000 $m^2$ | |
| Гольф | 1 та лункага тўғри келадиган ўйин йўлагининг узунлиги — 130 дан 150 m гача, эни 40 дан 50 m гача | | | 9 лунка — 25 На<br>18 лунка — 25 На | | |
| Регби (ҳаваскор иштирокчилар, профессионал иштирокчилар) | 107 дан 132 гача | 66 дан 68,87 гача | - | - | 120 | 72 |
| Футбол | 90 дан 110 гача | 60 дан 75 гача | 4 дан 8 гача | 2 дан 4 гача | 120 | 80 |
| | 105 | 68 | | | | |
| Чим устида хоккей | 91,4 | 55 | 4 дан 8 гача | 3 дан 5 гача | 99,4 | 61 |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
31-ИЛОВА

**Икки секторли спот ядросининг режаси**




**2-расм. Футбол майдони ва енгил атлетика йўлагига эга бўлган (битта марказли бурилишлар ва тўғри чизиқ бўйлаб 400 m узунлик бўйича югуриш учун) спорт ядроси (аренаси)нинг икки секторли режаси.**

*а* — айлана бўйлаб югуриш учун йўлак (алоҳида 8 та йўлакча);

*б* — 105×68 m ўлчамли футбол майдонининг чегаралари;

*в* — хавфсизлик зонаси;

*г* — тўсиқлар оша югуриш учун сув солинган чуқур;

*д* — тўсиқлар оша югуришда ўрнатиладиган (кейинчалик олинадиган) қирғоқ (бровка);

*е* — олинадиган қилиб бажариладиган ички қирғоқ (бровка) участкалари;

*ж* — барча югуриш масофаларининг умумий финиш чизиғи;

*з* — югуриш айланасининг узунлигига каррали бўлган узунликдаги югуриш масофалари стартларининг чизиғи;

*и* — 110 m га югуриш старти;

*к* — югуриш айланасининг ярим узунлигига каррали бўлган узунликдаги югуриш масофалари стартларининг чизиғи;

*л* — 1500 m га югуриш старти;

*м* — узун таёқлар ёрдамида баландликка сакраш жойи;

*н* — баландликка сакраш жойлари;

*о* — найза улоқтириш жойи;

*п* — диск ва молот улоқтириш жойи;

*р* — узунликка сакраш ва уч марта сакраш учун иккиланган жой;

*с* — ядро улоқтириш жойи (футбол майдони газонига снаряд тушишига мўлжалланган секторни жойлаштириш варианти пунктир чизиқ билан келтирилган).

*Изоҳ. Жойларнинг таркиби ва уларнинг енгил атлетика секторларига жойлашиши вариацияланиши мумкин.*

**Енгил атлетика йўлакчалари ички қирғоқ (бровка) контурининг режаси**

*(ўлчамлар m да)*




**3-расм. Бурилишлар билан учта марказда чизилган айлана бўйлаб югуриш учун 400 m узунликдаги енгил атлетика йўлагининг ички қирғоғи (бровкаси) контурининг режаси.**

*(ўлчамлар m да)*




**4-расм. 36 m радиус бўйича чизилган бир марказли бурилишларга эга бўлган айлана бўйлаб югуриш учун 333,33 m узунликдаги енгил атлетика йўлаги ички қирғоғи (бровкаси) контурининг режаси.**

**Очиқ спорт иншоотлари учун майдончаларнинг ўлчамлари**

*(ўлчамлар m да)*




**5-расм. Теннис майдончаси (режа)**

1 — тўр, 2 — устунча, 3 — тиргак, 4 — жуфтлик ўйин учун ён чизиқ, 5 — битталик ўйин учун ён чизиқ, 6 — ўрта чизиқ, 7 — 3 m дан кам бўлмаган баландликдаги кўндаланг (торец) тўсиқ,
8 — 1 m дан кам бўлмаган баландликдаги ён тўсиқ, 9 — фон (яшил ранг тавсия этилади).

*(ўлчамлар m да)*






**6-расм. «Шаҳарча»лар учун майдонча**

(А — майдонча режаси, Б — «шаҳарча» режаси ва белгиланиши, В — тўсиқ ва қум тўкмаси — қирқим).

1 — «шаҳарча», 2 — «шаҳарча олди»; 3 — олд чизиқ, 4 — «ус»; 5 — жарима чизиғи (қум қатлами тўкилади), 6 — кон, 7 — ярим кон, 8 — тўсиқ, 9 — қум тўкмаси, 10 — участка чегараси

*(ўлчамлар m да)*




**7-расм. Волейбол учун майдонча**

1 — тўр, 2 — устунча, 3 — ўрта чизиқ,
4 — ён чизиқ. 5 — ҳужум чизиғи, 6 — олд чизиқ,
7 — чарм тўпни узатиш жойи, 8 — ҳакам учун жой, 9 — хавфсизлик зонаси.

*(ўлчамлар m да)*




**8-расм. Баскетбол майдончаси**

(а — ўлчамлар ва чизиқли чегаралар, б — шчит олдидаги зонанинг чизиқли чегараси, в — тўр ҳалқали шчит): 1 — ён чизиқ, 2 — олд чизиқ, 3 — марказий чизиқ, 4 — марказий айлана, 5 — жарима тўпини улоқтириш соҳаси, 6 — жарима тўпларини улоқтириш чизиғи, 7 — уч секундлик зона, 8 — уч очколик улоқтириш чизиғи, 9 — шчит, 10 — тўрли ҳалқа, 11 — хавфсизлик зонаси.

*(ўлчамлар т да)*




**9-расм. Регби майдончаси. Майдонча режаси ва дарвозалар схемаси**

*(ўлчамлар т да)*




**10-расм. Бейсбол майдончаси (ўлчамлар ва чизиқли чегаралар)**

1 — уй базаси, 2 — коптокни узатиш жойи, 3 — коптокни қайтариш (отбивание) жойи, 4 — I база, 5 — II база, 6 — III база, 7 — навбатдаги қайтарувчининг жойи, 8 — ҳакамлар ва тренерлар учун хона, 9 — ташқи чегараловчи чизиқ, 10 — база чизиқлари, 11 — майдоннинг ташқи чегараси, 12 — ўтлоқ (газон) чегараси, 13 — трибуна тўсиғи.




**11-расм. Стол тенниси учун майдонча**

(А — 1 та столга мўлжалланган майдонча режаси, Б — стол габаритлари, чегара чизиқлари ва жиҳозланиши), 1 — стол, 2 — майдонча чегараси, 3 — тўр, 4 — стол чегаралаш чизиқлари

*(ўлчамлар m да)*




**12-расм. Спорт ва ҳаракатли ўйинлар учун универсал комплексли майдончаларнинг тавсия этиладиган схемалари**

А — 435 $m^2$ майдон схемаси, Б — 805 $m^2$, В — 1445 $m^2$.

1 — хоккей борти, 2 — баскетбол майдончаси, 3 — волейбол майдончаси, 4 — дарвоза.

*(ўлчамлар m да)*




**13-расм. Чим устида хоккей учун майдонча ва унинг чегаравий чизиқлари**

1 — дарвоза чизиғи, 2 — ўрта чизиқ, 3 — ён чизиқ, 4 — марказий айлана, 5 — 12 метрдан зарба бериш белгиси, 6 — эркин зарба бериш нуқтаси;
7 — ўрта чизиқ байроқчаси учун жой, 8 — бурчак байроқчаси учун жой;
9 — ҳакам ва котиб учун жой;
10 — ўйиндан чиқарилган ўйинчилар учун жой, 11 — захира ўйинчилар учун жой.

*(ўлчамлар m да)*




**14-расм. Чим устида хоккей учун майдонча**

*(ўлчамлар m да)*




**15-расм. Футбол учун майдон**

А — ўлчамлар ва чизиқли чегаралар, 1 — ўйинлар учун майдон, 2 — ён чизиқлар, 3 — дарвоза чизиғи, 4 — дарвоза майдончаси, 5 — жарима зарбасини амалга ошириш майдончаси, 6 — жарима зарбасини бериш белгиси, 7 — бурчак сектори, 8 — дарвоза, 9 — фоторепортёрлар, 10 — бурчак зарбасидан ҳимоя қилувчи ўйинчилар жойларини чегараловчи чизиқ, 11 — ўйин майдончаси чегарасидан ташқаридаги эркин майдонча (юза), Б — дарвозалар схемаси,

*(ўлчамлар m да)*




**16-расм. Тўғри чизиқ бўйича югуриш учун йўлак**

а — старт чизиғи, б — тўғри чизиқ бўйича югуриш масофасининг узунлиги (110 m), в — финиш чизиғи, г — хавфсизлик зонаси, д — алоҳида югуриш йўлаклари, n — алоҳида югуриш йўлаклари сони.

*44-жадвал*

| **Спорт турининг номи** | **Спорт турининг қоидаларига мувофиқ битта майдончанинг ўлчамлари, m** | | **Спорт заллари спорт зонасининг ўлчамлари, m** | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Узунлиги (макс/мин) | Кенглиги (макс/мин) | Узунлиги (макс/мин) | Кенглиги (макс/мин) | Чиқиб турган конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик (спорт тадбирининг мавқеига боғлиқ ҳолда) |
| **Спорт ўйинлари учун заллар** | | | | | |
| Бадминтон | 13,4 | 6,1 | 18/16,4 | 10,5/8,5 | 12/7 |
| Баскетбол | 28 | 15 | 32 | 22 | 7 |
| Волейбол | 18 | 9 | 31/24 | 19/15 | 12,5/7 |
| Гандбол | 40 | 20 | 44 | 23,5 | 5 |
| Футзал | 42/25 | 25/16 | 46/29 | 28,5/19,5 | 5 |
| Стол тенниси | 14 | 7 | 14 | 7 | 5 |
| Теннис | 23,77 | 10,97 | 36,57/34,73 | 18,29/17,07 | 9,14 |
| Аравачаларда ўйналадиган баскетбол | 28 | 15 | 32 | 22 | 7 |
| Боғча | 12,5 | 6 | 15 | 6 | 5 |
| Ўтириб ўйналадиган волейбол | 10 | 6 | 18/16 | 14/12 | 10/7 |
| Голбол | 18 | 9 | 21 | 12 | 5 |
| Стол тенниси (паралимпия) | 14 | 7 | 14 | 7 | 5 |
| Аравачаларда ўйналадиган регби | 28 | 15 | 32 | 22 | 7 |
| **Гимнастика заллари** | | | | | |
| Спорт акробатикаси | 12 | 12 | 45/16 | 30/16 | 12/8 |
| Спорт гимнастикаси | 60 | 34 | 60 | 34 | 12/8 |
| Батутда сакраш | 43 | 39 | 45 | 51 | 12/8 |
| Бадиий гимнастика | 13 | 13 | 17 | 17 | 14/8 |
| **Якка курашлар зали** | | | | | |
| Бокс | 6,1/4,9 | 6,1/4,9 | 17,8 | 17,8 | 5/4 |
| Дзюдо | 10/8 | 10/8 | 18/14 | 18/14 | 5/4 |
| Спорт кураши | 12 | 12 | 14 | 14 | 5/4 |

| **Спорт турининг номи** | **Спорт турининг қоидаларига мувофиқ битта майдончанинг ўлчамлари, m** | | **Спорт заллари спорт зонасининг ўлчамлари, m** | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Узунлиги (макс/мин) | Кенглиги (макс/мин) | Узунлиги (макс/мин) | Кенглиги (макс/мин) | Чиқиб турган конструкциянинг пастки қисмигача бўлган баландлик (спорт тадбирининг мавқеига боғлиқ ҳолда) |
| Самбо | 14/11 | 14/11 | 16/13 | 16/13 | 5/4 |
| Оғир атлетика | 4 | 4 | 10 | 10 | 5/4 |
| Қиличбозлик | 14 | 2/1,5 | 20 | 6 | 5/4 |
| Дзюдо (паралимпия) | 10/8 | 10/8 | 18/14 | 18/14 | 5/4 |
| Пауэрлифтинг (паралимпия) | 4/2,5 | 4/2,5 | 12/10 | 12/10 | 5/4 |
| Аравачаларда ўйналадиган қиличбозлик | – | – | – | – | 5/4 |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
35-ИЛОВА




**17-расм. Кёрлинг учун спорт зонаси**

А — 60x30 m ўлчамли майдонча кёрлинг учун спорт зонаси, Б — кёрлинг майдончасининг чизиқлар билан белгиланиши.




**18-расм. Конькида югуриш спорти учун спорт зонаси**

1 — ички мусобақа йўлаги, 2 — ташқи мусобақа йўлаги, 3 — мураббийлар зонаси, 4 — старт/финиш: гуруҳли югуриш/гуруҳли спринт/старт: масстарт, 5 — старт: 3000/5000 m; 6 — старт: 1000 m, 7 — старт: 1500 m, 8 — старт/финиш: гуруҳли югуриш/гуруҳли спринт, 9 — старт: 500 m, 10 — финиш, 11 — старт: 10000 m/массарт, 12 — спорт зонасининг чегараси.

Стандарт мусобақа йўлаклари узунлигини ҳисоблашга доир мисол

1.
   1.
      1.
         1. = иккита тўғри йўлаклар узунлиги йиғиндиси = 2 * A
         2. = ички бурилиш узунлиги B x p
         3. = ташқи бурилиш узунлиги = C x p
         4. = ўтиш жойи =

Узунлиги 400 m бўлган йўлакчларни ҳисоблашга доир мисол

| Ички йўлакнинг бурилиш радиуси 25 m |
|---|
| Ҳар бир йўлакчанинг кенглиги 4 m |
| 1 = 2 x 113,57 = 227,14 m<br>2 = 25,5 x 3,1416 = 80,11 m<br>3 = 29,5 x 3,1416 = 92,68 m<br>4 = 113,57 = 0,07 m |

| Ички йўлакнинг бурилиш радиуси 25,5 m |
|---|
| Ҳар бир йўлакчанинг кенглиги 4 m |
| 1 = 2 x 112, 00 = 224 m<br>2 = 26 x 3,1416 = 81,68 m<br>3 = 30 x 3,1416 = 94,25 m<br>4 = 112,00 = 0,07 m |

Узунлиги 333,33 m бўлган йўлакчаларни ҳисоблашга доир мисол

| Ички йўлакнинг бурилиш радиуси 25 m |
|---|
| Ҳар бир йўлакчанинг кенглиги 4 m |
| 1 = 2 x 80,22 = 160,44 m<br>2 = 25,5 x 3,1416 = 80,11 m<br>3 = 29,5 x 3,1416 = 92,68 m<br>4 = 80,22= 0,10 m |

| Ички йўлакнинг бурилиш радиуси 26 m |
|---|
| Ҳар бир йўлакчанинг кенглиги 4 m |
| 1 = 2 x 77,08 = 154,16 m<br>2 = 26,5 x 3,1416 = 83,25 m<br>3 = 30,5 x 3,1416 = 95,82 m<br>4 = 70,08 = 0,10 m |




**19-расм. 400 m узунликдаги конькида югуриш учун стандарт йўлакларнинг чизиқли белгиланиши**

| Масофа, m | 1-вариант<br>25-29 m | 2-вариант<br>25,5-29 m | 3-вариант<br>25-29 m |
|---|---|---|---|
| А | 113,57 | 112,00 | 110,43 |
| Б | 56,78 | 56,00 | 55,215 |
| С | 29,50 | 30,00 | 30,50 |
| Д | 25,50 | 26,00 | 16,50 |
| Е | 25,00 | 25,00 | 26,00 |
| Ж | 29,00 | 29,50 | 30,00 |
| З | 33,00 | 33,50 | 34,00 |
| И | 7,32 | 5,75 | 4,18 |
| К | 12,57 | 12,57 | 12,57 |
| П | 113,64 | 112,07 | 110,50 |
| Л | 6,25 | 6,25 | 6,25 |
| М | 6,32 | 6,32 | 6,32 |
| Н | 6,25 | 6,25 | 6,25 |
| О | 6,32 | 6,32 | 6,32 |
| Р | 13,57 | 12,00 | 10,43 |







** муз сатҳи устида.*

**20-расм. Хоккей учун спорт зонаси**

А — хоккей учун спорт зонаси, Б — хоккей майдончасининг тўсиғи (борти)
1 — ўйинчилар учун ўриндиқлар, 2 — жарима олган ўйинчилар учун ўриндиқлар,
3 — ҳакамлар бригадасининг столи, 4 — тўсиқ (борт), 5 — эшик (дарча), 6 — майдонча кўндаланг (торец) томонларидаги ҳимоя ойнаси, 7 — майдон бўйлама томони бўйича ҳимоя ойнаси.




**21-расм. Хоккей майдончаси**

В — хоккей майдончасининг чизиқлар билан белгиланиши, Г — марказий айлананинг чизиқлар билан белгиланиши ва шайбани ўйинга тушириш нуқтаси, Д — айлананинг чизиқли белгиланиши ва четки томонларда шайбани ўйинга тушириш нуқтаси, Е — дарвозалар майдончасининг чизиқли белгиланиши, Ж — ҳакамлар зонасининг чизиқли белгиланиши, З — ўрта зонада шайбани ўйинга тушириш нуқтасининг чизиқли белгиланиши 1 — марказий қизил чизиқ, 2 — кўк рангли чизиқ, 3 — дарвоза (проброс) чизиғи, 6 — айлана ва шайбани ўйинга туширишнинг четки нуқтаси, 7 — дарвозалар майдончаси, 8 — ҳакамлар майдончаси.




**22-расм. Чим устида хоккей учун спорт майдончаси**

А — чим устида хоккей учун чизиқлар белгиланган спорт зонаси, Б — дарвоза, В — байроқчали тутқич, Г — тўсиқ (бортик).
1 — дарвозалар чизиғи, 2 — ўрта чизиқ, 3 — ён чизиқ, 4 — марказий айлана, 5 — жарима зарбасини бажариш нуқтаси, 6 — эркин зарба нуқтаси, 7 — марказий нуқта, 8 — бурчак сектори, 9 — жарима майдончаси, 10 — дарвоза, 11 — тўсиқ (бортик), 12 — бурчакли майдончанинг байроқча тутқичи, 13 — ўрта чизиқ байроқча тутқичи, 14 — чегараловчи

чизиқ, 15 — хавфсизлик зонаси, 16 — ҳакам-котиб ўриндиғи, 17 — жарима олган ўйинчилар скамейкаси, 18 — захира ўйинчилари ва команданинг расмий шахслари учун ўриндиқ.




**23-расм. Шорт-трек учун спорт зонаси**

А — Шорт-трек учун спорт зонаси

1 — матли хавфсизлик тўсиғи, 2 — ҳисобий ички чегара чизиғи, 3 — ҳисобий траектория ва югуриш йўналиши, 4 — умумий финиш чизиғи ва 1000, 3000 ва 5000 m га масофа финиши, 5 — 1500 ва 500 m масофага югуриш старт чизиғи, 6 — 500 m га ярим финал ва финал югуриш мусобақаларининг кўчма старт чизиғи, 7 — бурилиш чизиғи, 8 — маркер ўрнатиш учун бурилиш чизиқларидаги нуқта, 9 — старт чизиғидаги нуқта (бутун чизиқ бўйлаб 1300 mm дан кейин), 10 — спорт зонасининг чегараси, 11 — финишли хитбокс, 12 — стартернинг иш зонаси, 13 — стартли хитбокс, 14 — тренерлик биржа, 15 — ҳакамлар подиуми.






* Халқаро ва мамлакат мусобақаларини ўтказиш учун ўлчамлар

**24-расм. Бандминтон учун спорт зонаси**

А — бадминтон учун спорт зонаси, Б — бадминтон кортининг чизиқлар билан белгиланиши, В — бадминтон корти ўлчамли белгиланиши (узел «А»).
1 — ўйинни бошлашнинг яқин чизиғи, 2 — жуфтлик ўйин учун ўйинни бошлашнинг кейинги чизиғи, 3 — яккалик ўйин учун ўйинни бошлашнинг кейинги чизиғи, 4 — жуфтлик ўйин учун ён чизиқ, 5 — яккалик ўйин учун ён чизиқ, 6 — ўрта чизиқ, 7 — ўнг майдон, 8 — чап майдон, 9 — хавфсизлик зонаси, 10 — устунча, 11 — тўр, 12 — ҳакамнинг жойи, 13 — спорт зонасининг чегараси.




**25-расм. Баскетбол учун спорт зонаси**

А — Баскетбол учун спорт зонаси, Б — баскетбол учун майдончани чизиқлар билан белгилаш

1 — олд чизиқ, 2 — ён чизиқ, 3 — марказий чизиқ, 4 — жарима зарбасини бажариш чизиғи, 5 — уч очколик узатмалар чизиғи, 6 — ён чизиқдан тўп ташлаш чизиғи, 7 — марказий айлана, 8 — чегараланган зона, 9 — хавфсизлик зонаси, 10 — чегараловчи чизиқ, 11 — котиб столи, 12 — жамоа ўриндиқ, 13 — шчит, 14 — тўр.

*В*




*Г*




**26-расм. Баскетбол учун спорт зонаси**

В — баскетбол учун майдончанинг чизиқли белгиланиши (узел) «А», Г — шчит конструкцияси.

1 — олд чизиқ, 13 — шчит; 14 — тўр, 15 — ўйин вақтини кўрсатувчи ва секундли соатлар, 16 — протектор.




**27-расм. Волейбол учун спорт зонаси**

А — волейбол учун спорт зонаси, Б — волейбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши, В — волейбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши (узел «А»), Г — волейбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши (узел «Б»).




**28-расм. Гандбол учун спорт зонаси**

А — гандбол учун спорт зонаси, Б — гандбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши, В — гандбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши (узел «А»), Г — гандбол учун ўйин майдончасининг чизиқли белгиланиши (узел «Б»).

1 — хавфсизлик зонаси, 2 — дарвоза, 3 — тўсувчи тўр, 4 — котиб столи, 5 — жамоа ўриндиқ, 6 — спорт зонасининг чегараси, 7 — дарвозаларнинг ташқи чизиғи, 8 — ён чизиқ, 9 — марказий чизиқ, 10 — эркин тўплаш зонаси, 11 — дарвозалар майдонининг чизиғи, 12 — дарвоза чизиғи, 13 — етти метрли чизиқ, 14 — дарвозабоннинг чегараланган зонаси, 15 — дарвозалар майдончаси, 16 — ўйинчиларни алмаштириш чизиғи.




**29-расм. Футзал учун спорт зонаси**

1 — дарвозалар чизиғи, 2 — ён чизиқ, 3 — ўрта чизиқ, 4 — жарима майдончаси, 5 — марказий айлана чегараси, 6 — марказий нуқта, 7 — жарима зарбасини бажариш нуқтаси, 8 — жарима зарбасини бажаришнинг қўшимча нуқтаси, 9 — ўйинчиларни алмаштириш зонаси, 10 — техник зона, 11 — дарвозалар, 12 — спорт зонасининг чегараси, 13 — хавфсизлик зонаси, 14 — хронометрчи столи, 15 — захира ўйинчиларининг ўриндиқлари.




**30-расм. Стол тенниси учун спорт зонаси (столларни 36х18 m ўлчамли залга жойлаштириш варианти)**

1 — теннис столи, 2 — стол атрофидаги ўйин фазоси, 3 — эркин зона (мураббийлар, ҳакамлар, томошабинларнинг жойлари).




**31-*а, б, в* расмлар. Теннис учун спорт зонаси;**

а) теннис майдончасининг умумий кўриниши, б) теннис майдончасининг ўлчамлари, в) спорт зонасининг белгиланиши: 1 — ҳакам учун жой, 2 — хавфсизлик зонаси, 3 — спорт зонасининг чегараси.




**32-расм. Теннис кортининг чизиқли белгиланиши**

А — теннис кортининг чизиқлар билан белгиланиши, Б — теннис кортининг чизиқлар билан белгиланиши (узел «А»), В — теннис кортининг чизиқлар билан белгиланиши (узел «Б»), Г — теннис кортининг чизиқлар билан белгиланиши (узел «В»).
4 — ўрта чизиқ, 5 — зарба бажариш чизиғи, 6 — яккалик ўйин учун ён чизиқ, 7 — жуфтлик ўйин учун ён чизиқ, 8 — орқа чизиқ, 9 — ўртани аниқлаш белгиси, 10 — тўпни узатишнинг ўнг майдони, 11 — тўпни узатишнинг чап майдони, 12 — жуфтлик ўйин учун стол, 13 — жуфтлик ўйин тиргаки, 14 — тўр.




**33-расм. Паралимпия боғчаси учун майдончанинг чизиқлар билан белгиланиши**

1 — «Жек бола» учун ҳисобга олинмайдиган зона, 2 — «V» чизиғи, 3 — ўйинлар/бокслар зонасининг чизиғи, 4 — чегара чизиғи, 5 — марказ («жек бола» ўрнатиш нуқтаси), 6 — бокс (ўйинчи жойи).




**34-расм. Ўтириб ўйналадиган волейбол учун спорт зонаси ва унинг чизиқлар билан белгиланиши**

1 — ўйин майдончаси, 2 — ён чизиқ, 3 — олд чизиқ, 4 — марказий чизиқ, 5 — икки метрли чизиқ, 6 — олдинги зонаси, 7 — хизмат хонаси, 8 — устунча, 9 — спорт зонасининг чегараси.




**35-расм. Голбол учун спорт зонаси ва унинг чизиқлар билан белгиланиши**

1 — дарвоза чизиғи, 2 — ён чизиқ, 3 — «хай-болл» чизиғи, 4 — лайн-аут, 5 — нейтрал зона, 6 — ерга тушиш зонаси, 7 — чамалаш (ориентация) зонаси, 8 — команда зонаси, 9 —

дарвоза, 10 — ҳакамлар столи, 11 — ўйинчилар ўриндиқлари, 12 — спорт зонасининг чегараси.




**36-расм. Аравачаларда ўйналадиган регби учун спорт зонаси ва унинг чизиқлар билан белгиланиши**

1 — чегараловчи чизиқ, 2 — ён чизиқ, 3 — гол чизиғи, 4 — марказий айлана, 5 — ҳисобга олиш зонаси, 6 — ҳакамлар столи, 7 — алмашишни кутиш зонаси, 8 — захира ўйинчилари учун ўриндиқ, 9 — жарима олганлар зонаси, 10 — ҳакамлар столи, 11 — дарвозалар конуси, 12 — спорт зонасининг чегараси.




**37-расм. 5x5 футболи учун спорт зонаси ва унинг чизиқлар билан белгиланиши**

1 — дарвозалар чизиғи, 2 — ён чизиқ, 3 — ўрта чизиғи, 4 — жарима майдончаси, 5 — марказий нуқта, 6 — марказий айлана, 7 — жарима тўпини бажариш нуқтаси, 8 — жарима тўпини бажариш учун қўшимча нуқта, 9 — дарвозалар майдончаси, 10 — тўсиқ, 11 — дарвозалар, 12 — спорт зонасининг чегараси, 14 — хронометрист столи, 15 — захира ўйинчилари учун ўриндиқ, 16 — дарча.




**38-расм. Спорт акробатикаси учун спорт зонаси**

*А* — спорт акробатикаси учун спорт зонаси, *Б* — спорт акробатикаси учун спорт зонаси, Профилнинг варианти, *Г* — спорт акробатикаси учун спорт зонаси, Профилнинг варианти, 1 — гилам, 2 — хавфсизлик зонаси, 3 — спорт зонасининг чегараси.




**39-расм. Спорт гимнастикаси (эркаклар) учун спорт зонаси**

1 — таяниб сакраш зонаси, 2 — турли баландликли брусларда машқлар бажариш зонаси, 3 — «ғўла» снаряди зонаси, 4 — эркин машқлар учун майдонча, 5 — помост / хавфсизлик зонасининг чегараси.




**40-расм. Спорт гимнастикаси (аёллар) учун спорт зонаси**

1 — таяниб сакраш зонаси; 2 — турли баландликли брусларда машқлар бажариш зонаси; 3 — «ғўла» снаряди зонаси; 4 — эркин машқлар учун майдонча; 5 — помост / хавфсизлик зонасининг чегараси.




**41-расм. Батутда сакраш учун спорт зонаси**

1 — трамплин, 2 — матларга эга бўлган хавфсизлик зонаси, 3 — жюрилар зонаси, 4 — акробатика йўлаги, 5 — жюрилар зонаси, 6 — иккилик мини-трамп учун югуриш йўлаги, 7 — иккилик мини-трамп, 8 — жюрилар зонаси, 9 — спорт зонасининг чегараси.




**42-расм. Батутда сакраш учун спорт зонаси**

*А* — трамплин. Ён томондан кўриниши, *Б* — трамплин. Олд томондан кўриниши. *В* — трамплин. Юқоридан кўриниши; *Г* — иккилик минитрамплини. Олд томондан кўриниши, *Д* — иккилик минитрамплини. Ён томондан кўриниши, *Е* — иккилик минитрамплини. Иккала соҳага перпендикуляр ҳолатда юқоридан кўриниши.




**43-расм. Батутда сакраш бўйича алоҳида машқлар учун спорт зонаси**

*А* — иккилик минитрамплинининг югуриш йўлаги, *Б* — акробатика йўлаги
1 — иккилик минитрамп, 2 — зона А; 3 — зона Б; 4 — зона С; 5 — югуриб бориш зонаси; 6 — хавфсизлик бўйича қўшимча мат; 7 — хавфсизлик зонаси; 8 — акробатика йўлаги; 9 — ерга тушиш зонаси; 10 — ерга тушиш майдончаси; 11 — югуриб бориш йўлаги; 12 — чизиқлар; 13 — хавфсизлик бўйича қўшимча мат; 14 — хавфсизлик зонаси.




**44-расм. Бадиий гимнастика учун спорт зонаси**

*А* — бадиий гимнастика учун спорт зонаси; *Б* — бадиий гимнастика учун спорт зонаси. Профилнинг варианти; *В* — бадиий гимнастика учун спорт зонаси. Профилнинг варианти; *Г* — бадиий гимнастика учун спорт зонаси. Профилнинг варианти.

1 — гилам; 2 — хавфсизлик зонаси А; 3 — спорт зонасининг чегараси.

*а)*



*б)*






* Халқаро мусобақалар учун ўлчамлар.

**45-*а, б, в* расмлар. Бокс майдончасининг жойлашиши, спорт зонасининг умумий схемаси:**

*а)* битта бокс майдончасининг жойлаштирилиши; *б)* иккита бокс майдончасининг жойлаштирилиши; *в)* спорт зонасининг умумий схемаси: 1 — ҳакам; 2 — ҳакам; 3 — ҳакам; 4 — ҳакам; 5 — ҳакам; 6 — техник делегат (супервайзер); 7 — рефери ишини баҳоловчи мутахассис; 8 — расмий информатор; 9 — хронометрист/гонг оператори; 10 — ҳакамлик электрон аппаратурасининг оператори; 11 — шифокор столи; 12 — ён ҳакамлар ишини баҳоловчи мутахассис; 13 — қизил бурчак; 14 — кўк бурчак; 15 — нейтрал бурчак; 16 — камералар устунчаси; 17 — фотосуратчилар; 18 — майдонча (помост); 19 — ринг; 20 — секундантлар жойи; 21 — спорт зонасининг чегараси.




**46-расм. Дзюдо учун спорт зонаси**

1 — спорт зонасининг чегараси; 2 — татами чегараси; 3 — ишчи зона; 4 — хавфсизлик зонаси.




**47-расм. Спорт кураши учун спорт зонаси**

1 — гиламнинг ишчи зонаси; 2 — пассивлик зонаси; 3 — гилам маркази; 4 — хавфсизлик зонаси; 5 — майдонча (помост) чегараси; 6 — ҳакамлар ва хизмат кўрсатувчи персонални жойлаштириш зонаси; 7 — спорт зонасининг чегараси.




**48-расм. Самбо учун спорт зонаси**

1 — майдонча (помост) чегараси; 2 — гиламнинг ишчи зонаси; 3 — гилам маркази; 4 — «ҳисобга олиш зонаси» чегарасининг чизиғи; 5 — хавфсизлик зонаси.




**49-расм. Оғир атлетика учун спорт зонаси**

1 — спорт зонасининг чегараси; 2 — подиум; 3 — штанга учун помост; 4 — помост атрофидаги зона; 5 — ёрдамчи спорт жиҳоз (ускуна)ларини жойлаштириш зонаси; 6 — ҳакамлар ва хизмат кўрсатувчи персонал учун зона; 7 — чигал ёзиш ва дам олиш зонаси; 8 — чигал ёзиш зонасининг тўсиғи.




**50-расм. Қиличбозлик учун спорт зонаси**

*А* — қиличбозлик учун спорт зонаси; *Б* — қиличбозлик учун жанг майдончасининг чизиқли белгиланиши; *В* — помост. Ён томондан кўриниши.

А — сигнал берувчи зарбаларнинг электрофиксатори; М — 1 m лик минимал масофа; Р — командалар учрашуви иштирокчилари учун зона; L — вақт ўлчагич; К — чўлғам-ўрагич; TV — жамоалар учрашуви иштирокчилари учун зона (мусобақаларда фойдаланиладиган ҳолларда); B — жанг майдончасининг ўрта чизиғи; S — жангни бошлаш зонаси; E — чизиқ майдонининг охирги икки метрли кўрсаткичи; H — орқа чегара чизиғи; R — жанг майдончасининг охирги икки метрли зонаси; (одатда бошқа ранг ёки ён томонлар бўйича пунктир чизиқ билан ажратилиб кўрсатилади); O — жанг майдонинг чекиниш учун давоми; V-V — жанг майдончасининг ён чегараси; бутун помостни қоплаб турувчи металлаштирилган зона штрих чизиқлар билан белгиланган; 1 — берилган зарбаларнинг сигналли электрофиксаторли рангли чироқчалари; 2 — спортчининг фамилияси ва унинг мамлакати; 3 — хронометр ва жангнинг жорий вақти (жамоали учрашув).




**51-расм. Паралимпия пауэрлифтинги учун помостли спорт зонаси**

1 — скамейка; 2 — устунчалар; 3 — штанга.

*А*




*Б*




**52-расм. Аравачаларда ўйналадиган қиличбозлик учун спорт зонаси**

*А* — аравачаларда ўйналадиган қиличбозлик учун спорт зонаси; *Б* — курси-аравачаларни маҳкамлаш платформаларини жойлаштириш вариантлари.

1 — фиксацияланувчи платформа; 2 — рама; 3 — курси-аравачаларнинг маҳкамланиши.

## Томошабинлар ўринларининг трибуналарда жойлашиши
## Трибуналар профили

1. Трибуналар профилини қия тўғри чизиқ ёки синиқ чизиқ бўйича лойиҳалаш мумкин.

Қия тўғри чизиқ бўйича профилни қаторлар сони 15 тадан кўп бўлмаганда қўллаш лозим.

2. Қия тўғри чизиқ бўйича профиль нишаблигини ёки синиқ чизиқнинг ҳар бир кесмаси бўйича нишабликни кузатилаётган нуқтанинг ҳеч бир тўсқинликсиз кўринишини таъминлаган ҳолда лойиҳалаш керак.

Аренани ҳар бир томошабин ўрнидан аренанинг кўринишини инобатга олган ҳолда таянч конструкциялар билан секторнинг 4 % кўп бўлмаган қисмини қисман тўсиш мумкин.

3. Футбол, регби, чим устида хоккей учун майдонларни ва конькиларда тез югуриш учун йўлакларни жойлаштиришда спорт ядроси (арена) таркибида *Д* нуқтанинг жойлашиш ўрнини енгил атлетика йўлагининг ички қиррасида қабул қилиш лозим.

4. Трибуна профилининг охирги қаторидаги (ёки синиқ чизиқ бўйича профилнинг ҳар бир кесимидаги) томошабиннинг кузатилаётган нуқтага йўналтирилган кўз нурининг олдинда жойлашган томошабин кўриш сатҳидан ошишини очиқ иншоотларда 0,12 m дан 0,14 m ва 0,15 m гача қабул қилиш керак.

Хоккей ва фигурали учишга мўлжалланган иншоотларда биринчи қатордаги томошабиннинг кузатилаётган нуқтага йўналтирилган кўз нури бортнинг устки қирраси ёки унинг устидан ўтиши лозим.

5. *Д* нуқтанинг жойлашиш ўрнини ўйинлар (гилам, помост, ринг) учун мўлжалланган майдонларнинг қуйидаги ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш лозим: бадминтон учун 13,5×6 m, баскетбол учун — 26×14 m, бокс учун — 6×6 m, кураш учун — диаметри 9 m гилам ёки «татами» (дзюдо учун) 10×10 m, волейбол учун — 18×9 m, теннис учун — 24×11 m, бадиий гимнастика учун — 12×12 m, оғир атлетика учун — 4×4 m, футбол учун — 105×68 m (очиқ ҳавода), регби учун — 100×69 m, чим устида хоккей учун — 92×55 m, коптокли хоккей учун — 110×70 m, конькили хоккей ва фигурали учиш учун — 61×30 m.

6. Кузатилаётган нуқта қуйидаги ҳолларда *l2* масофага кўчирилиши мумкин:

кузатилаётган нуқта *l1* масофада жойлашганда трибуналарнинг қабул қилинган йўл қўйиладиган нишаблиги ошганда;

асосан ўқув-машғулотларига мўлжалланган иншоотларни лойиҳалашда;

томошабинларнинг ўрин-жойлари яРусларга жойлаштирилганда;

томошабинларнинг ўрин-жойлари 2R масофадан ташқарида жойлашганда.

7. Юқорида (36.1 да) кўрсатилмаган спорт турлари учун кузатилаётган нуқта ҳолатини қуйидагича қабул қилиш лозим:

чанғида учиш ва тоғ-чанғи спорти учун — ер сатҳидан 0,5 m юқорида (қор қопламасининг қалинлигини ҳисоб олмасдан) финиш створининг ўртасида;

трамплиндан чанғида сакраш учун — тоғнинг бўйлама ўқи бўйлаб ерга қўнишнинг критик нуқтасида, унинг сиртидан 0,5 m юқорида (қор қопламасининг қалинлигини ҳисобга олмасдан);

сувга сакраш учун — трибунага яқин бўлган бўйлама ўқдаги сув сиртида;

эшкак эшиш учун — трибунага яқин бўлган ўқ бўйича сув сиртида;

спорт гимнастикаси учун — трибунага яқин бўлган снаряд ўқи бўйича пол (помост) сиртида.

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
37-ИЛОВА

**Ўқ отиш тури ва қўлланиладиган қурол калибри бўйича тирларнинг вазифалари**

*45-жадвал*

| Ўқ отиш тури ва қўлланиладиган қурол калибри бўйича тирларнинг вазифалари | Ўқ отиш масофаси (қуйидагилардан кам бўлмаган ҳолда), m | Ўқ отиш жойларининг минимал сони ёки нишонли ўрнатмаларнинг минимал сони | | |
|---|---|---|---|---|
| | | Туман ўқ отиш спорти маданият марказлари ва жисмоний тарбия жамоаларининг бирламчи ташкилотлари учун мўлжалланган | Мусобақалар учун оқ отиш жойларидаги тирларда | |
| | | | Республика масштабидан паст мусобақалар | Республика масштаби ва анча юқори масштабдаги мусобақалар |
| Қуролдан қора доирали нишонларга отиш учун тирлар:<br>катта калибрли<br>кичик калибрли<br>пневматик | 300<br>100<br>50<br>25<br>10 | -<br>-<br>10<br>10<br>15 | 16<br>12<br>20<br>-<br>20 | 40<br>-<br>60<br>-<br>40 |
| Нишонларга тез ўқ отиш учун тирлар: Кичик калибрли тўппончадан буриладиган фигурали нишонлар бўйича, Катта калибрли револьвер (тўппонча)дан буриладиган фигурали нишонлар бўйича | 25 | 5 та фигурали 1 та ўрнатма | Ҳар бирида 5 та фигура бўлган 4 та ўрнатма | Ҳар бирида 5 та фигура бўлган 8 та ўрнатма |
| Кичик калибрли милтиқдан ҳаракатланувчи нишон бўйича | 50 | - | 1 та асосий ва 2 та ён (отмасдан нишонга олиш учун) тирлар | Ҳар бирида 2 та асосий ва 2 та ён (отмасдан нишонга олиш учун) тирлар |
| Пневматик милтиқдан ҳаракатланувчи нишон бўйича | 10 | 1 та асосий ва 2 та ён (отиш ва нишонга олиш учун) тирлар | | Ҳар бирида 1 та асосий тир бўйича 2 та ва 1 та ён тир бўйича 1 та (отмасдан нишонга олиш учун) |

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
38-ИЛОВА




**53-расм. Модулли меҳмонхона биноларидаги пол ва шифтнинг умумий қалинлиги**




**54-расм. Модулли меҳмонхона девори ва полининг элементлари**




**55-расм. Енгил пўлат деворларга маҳкамланадиган ғиштли пардозловчи қоплама ва девор элементлари**




**56-расм. Енгил пўлат деворларга маҳкамланадиган металл кассета**




**57-расм. Тўрт томонли модулнинг ўлчамлари**




**58-расм. Очиқ турдаги модуль шифти ва полининг умумий қалинлиги**




**59-расм. Бирламчи структурали рамага таянувчи модулларнинг ўлчамлари ва улар конструкцияларининг оралиқ масофаси**

ШНҚ 2.08.02-23 «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
39-ИЛОВА




**60-расм. Ҳожатхоналарнинг кириш жойларини эшикларсиз жойлаштириш вариантлари**

**Жамоат ҳожатхоналари (санитария узеллари)нинг минимал режавий параметрлари**

*46-жадвал*

| Параметр | Мактаблар | Болалар боғчалари | Бошқа жамоат бинолари |
|---|---|---|---|
| Жамоат ҳожатхонаси кабиналарининг ўлчамлари:<br>ташқарига очиладиган эшикли кабина;<br>эшиксиз кабина | -<br>800 × 1000 | -<br>- | 850 × 1200<br>- |
| Индивидуал санитария узели кабинасининг ўлчамлари | 2400 × 900<br>1350 × 800 | - | 150 × 1800<br>150 × 1500 |
| Унитазлар орасидаги пардадевор-экранларнинг баландлиги | 1750 | - | 1800 |
| Кабина ва қарама-қарши томондаги девор ёки пардадевор орасидаги ўтиш жойининг кенглиги:<br>кабина эшиги ташқарига очилганда:<br>писсуарлар бўлмаганда;<br>писсуарлар бўлганда;<br>кабина эшикларсиз бўлганда:<br>писсуарлар бўлмаганда;<br>писсуарлар бўлганда | -<br>-<br>1100<br>1800 | -<br>-<br>-<br>- | 1300<br>2000<br>-<br>- |
| Кабиналар икки фронтлари орасидаги ўтиш жойларининг кенглиги:<br>кабиналар эшиклари ташқарига очилганда;<br>кабиналар эшикларсиз бўлганда | -<br>1500 | -<br>- | 1500<br>- |
| Писсуарлар қатори ва девор орасидаги ўтиш жойининг кенглиги | 1000 | - | 1000 |
| Писсуарларнинг икки қатори орасидаги ўтиш жойининг кенглиги | 1200 | - | 1200 |
| Писсуарлар орасидаги масофа | 700 | 700 | 700 |
| Писсуар ўқи ва ён девор ёки пардадевор орасидаги масофа | 350 | 350 | 350 |
| Қўл ювгичлар қатори ва девор ёки пардадевор орасидаги ўтиш жойининг кенглиги | 1100 | 1100 | |
| Индивидуал қўл ювгичлар кранларининг орасидаги масофа | 600 | 600 | 600 |
| Умумий қўл ювгич кранларининг орасидаги масофа | 550 | - | 600 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Индивидуал қўл ювгич кранидан ён деворгача бўлган масофа | 350 | 350 | 350 |




**61-расм. Жамоат биноларидаги санитария узелларининг лойиҳавий (режавий) ечимларида қабул қилинган санитария-техник приборларнинг функционал зоналари (mm)**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирининг 2024 йил 2 апрелдаги
01/2-7-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг**

**РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2009 йил 3 июлдаги 75-сон буйруғи билан тасдиқланган «ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2011 йил 12 июлдаги 46-сон буйруғи 1-бандининг 7-хатбошиси билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 1-сон ўзгартиришлар.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2011 йил 20 октябрдаги 79-сон буйруғи 1-бандининг 3-хатбошиси билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 2-сон ўзгартиришлар.

4. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 23 декабрдаги 561-сон буйруғи 1-бандининг 5-хатбошиси билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 3-сон ўзгартиришлар.

5. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2021 йил 13 апрелдаги 82-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 4-сон ўзгартиришлар.

6. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2021 йил 8 июлдаги 136-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 5-сон ўзгартиришлар.

7. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 16 августдаги 145-сон буйруғи билан тасдиқланган «ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177*-бандига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (ҳисоб рақами 105, 2022 йил 24 август).

8. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 20 декабрдаги 442-сон буйруғи билан тасдиқланган «ШНҚ 2.08.02-09* «Жамоат бинолари ва иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (ҳисоб рақами 226, 2023 йил 22 декабрь).